ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1990 йил

19 ОКТЯБРЬ
№ 42 (3094)
ЖУМА

БИБЛИОТЕКА Издательства ЦК КП Узб. 19

ГАП ФАҚАТ БОЗОРДАМИ?

ҲОЗИР энг кўп ишлатиладиган сўз бозор бўлиб қолди. Қайта қуриш, ошкоралик, демократия деган сўзлардан ҳам шу сўзнинг бозори чаққон бўлиб кетди.

Аммо бозорда ҳам бозор бор. Пойтахт отчопаридаги чайқов бозорига бир борган киши олти кун иситмалаб ётиши, ўзини сал босмаса тутқаноқ дардига мубтало бўлиши ҳеч гап эмас. Аёллар пальтоси учун уч минг сўмгача, аёллар кўйлагини 800 сўмгача, туфлига 600 сўмгача сўрашмоқда. Қимматбаҳо, тақчил нарсалар шу қадар серобки, гўё жамики омборлардаги ноёб молларнинг кўргазмаси бўлаётгандай.

Бошқа бир бозор ҳам бор. Уни сирли, сеҳрли қўрғондай таърифлашмоқда. Остонасидан кириладию ҳамма муаммолар ўз-ўзидан ечилади-қолади. Худди эртаклардагидай. Тила тилагингни, дейишганида шошиб қолинмаса бас.

Бозор иқтисодиётимизни сеҳрли қўрғонга бежиз ўхшатаётганимиз йўқ. Гап шундаки, ҳозир мавжуд барча муаммоларнинг ечими хўжалик юритишнинг шу усули билан боғланмоқда. Қимматчилик, тақчиллик, жиноятчилик, ваҳшийлик ва яна қанчадан-қанча қайта қуриш иллатлари шу қўрғон ичида барҳам топади, деган умид билан яшамоқдамиз.

Аҳвол эса кундан кунга мураккаблашиб бормоқда. Мамлакат жар ёқасида илиниб турибди. Публицистик ҳиссиётга берилишда айбламасликлари учун кўчирмани КПСС МКнинг сўнгги Пленуми қароридан келтира қолайлик: «Хўжалик алоқалари барбод бўлишининг занжирсимон жараёни давом этмоқда... Мамлакатда тақчиллик ҳукм сурмоқда, чайқовчилик кучаймоқда, нарх-наво кўтарилиб бормоқда. Миллатлараро низолар ва можароларнинг ўчоқлари ўчмаяпти, жиноятчилик кўпайди. Ваҳшийлик ҳаракатлари кўпайиб бормоқда».

Бу сатрларга яна кўп нарсаларни қўшиш мумкин. Раҳбар доираларининг ўзида қайта қуришни гирибонидан сиқиб унга йўл бермаётган, атайлаб бузғунчилик қилаётган, нотинчликдан манфаат кўзлаётган кучлар ҳам пайдо бўлгани сир эмас. Ташқи душмандан кўра, ички душман ёмон, деган гапни Ленин айтган эди, чоғи. Чунки у кўзга ташланмайди, қўлга олинмайди. Қачон ва қай тарафдан ҳужум бошлашини билмаймиз.

БОЗОР иқтисодига ўтиш концепциясини ишлаб чиқиш шу қадар чигаллашдики, қайси йўл, қайси таклиф тўғрилигини аниқлашнинг ўзи мушкул бўлиб қолди. Ҳукуматнинг таклифлари бирин-кетин зарбага учрамоқда. Йирик иқтисодчиларнинг фикри бир жойдан чиқмаяпти. Боз устига бозорга ўтиш концепциясига нисбатан иттифоқдош жумҳуриятларнинг, хусусан Россиянинг нуқтаи назари ҳам турлича бўлмоқда. Халқ депутатлари Президент, Ҳукумат ҳамда Шаталин ва Аганбегян таклифларини ўзида акс эттирган сўнгги программа лойиҳасини муҳокама қилишга киришганларида РСФСР раҳбари Б. Ельцин парламентда нутқ сўзлаб бу лойиҳа ҳам ҳеч нима бермаслигини айтди-қўйди. Унинг фикрича, М. С. Горбачев аввалига бозор муносабатларига ўтиш программасини Россия парламенти таклиф этган йўналиш асосида ишлаб чиқишга рози бўлган эди. Аммо инқирозга тамомила юз тутган Ҳукумат унга таъсир ўтказгач, фикрини ўзгартирди. Эндиликда эса деярли тайёр дастурга академик А. Аганбегян бир неча тузатишлар киритди. Аслида, бу тузатишларни бироз «тузатган» ҳолда дастурни қабул қилиш мумкин эди. Аммо буниси энди Н. И. Рижковга мақбул эмас. Шундан кейин программанинг президент номи билан боғлиқ варианти юзага келди. Унда, жумладан, Шаталин группаси ва ҳукумат таклифлари ўзининг қоришиқ ифодасини топган.

Б. Ельциннинг фикрича, бу лойиҳа ҳам хўжалик юритишнинг халқ бутунлай рад этган системасини сақлаб қолишга бўлган уриниш, холос. Чунки, унда бюджетдаги камомад келгуси йилда бор-йўғи 2,5—3 фоизни, яъни салкам 40 миллиард сўмни ташкил этади, дейилган. Бу — мутлақо нотўғри, халқни алдаш, холос. Сўнгги лойиҳа асосларидан келиб чиқиладиган бўлса, келгуси йили камомад салкам 300 миллиард сўмни ташкил этади.

Бордию бу тахминлар рост бўлиб чиқса, мамлакат хонавайронлиги тиклаб бўлмас даражага етади. Хўш, нима қилиш керак? Б. Ельцин бу саволга жавоб қайтариб, бордию ушбу лойиҳа қабул қилингудек бўлса, унда «Россия бу программанинг бажарилишида иштирок этмаслигини, бюджет ва мулкни бўлиб олишини, мустақил равишда ўзининг «500 кун» программасини амалга оширишини» маълум қилди. Шундай ҳолат келиб чиққан тақдирда ўз пул бирлигимизни яратишимизга, республика ҳудудларида божхоналар ўрнатишимизга, мустақил банк системаси ташкил этишимизга... ва армия билан қурол-яроғларни ҳам бўлишиб олишимизга тўғри келади, деди у.

АҲВОЛНИНГ мураккаблиги шундоқ ҳам кўриниб турибди. Вақт беаёв ўтиб бормоқда. Ҳозирча бирон-бир донишманд бозор муносабатларига ўтишдан ўзга йўл ҳам борлигини айтаётгани йўқ. Демакки, бўладиган ишнинг бўлгани яхши. Чўзишдан фойда йўқ. Ичи кавакланиб, илдизлари чириб битган тиш ҳар куни азоб беради. Оғриқдан қўрқмаган киши бир марта инграйди-ю жони роҳатга қолади. Биз ҳозир табиб омбиридан қўрқиб қабулхонада титраб турган беморга ўхшаймиз.

Бозор муносабатлари жуда кўпчилигимизни парҳезлаб қўйиши тайин. Ҳукумат икки-уч тоифа кишиларни ўз паноҳига олиши учун неча ўнлаб қонун актлари тайёрлаши, Президент ва Олий Совет даражасида юзга яқин қарорлар қабул қилиш лозим. Энди тасаввур этинг: бу қонун ва қарорлар тайёрланади, муҳокамадан ўтади, овозга қўйилади, комиссияларга қайтарилади, яна муҳокама қилинади, яна овоз берилади ва ниҳоят қабул қилинади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Мазкур қонун ва қарорга мувофиқ ҳар бир жумҳурият, автоном ўлка ҳам ўз қонунларини ишлаб чиқиши, муҳокама қилиши, овозга қўйиши, қўшимча ва тузатишлар киритиши, қабул қилиши лозим. Ана ўшандан кейингина вилоятларга, ундан сўнг район ва қишлоқ Советлари ижроия комитетларига навбат етади. Бу ерларда ҳам ўнлаб, юзлаб қарорлар қабул қилиниши керак. Қанчадан-қанча аввалги қарорлар янгиланиши, янги қарорларга мосланиши, тузатилиши, бекор қилиниши, қанчадан-қанча кўрсатмалар берилиши, йиғилишлар ўтказилиши, фондлар қайтадан тақсимланиши, ҳар бир томоннинг манфаатлари ҳисобга олиниши ва ҳоказо ва ҳоказолар лозим бўлади. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси қизғин муҳокамасиз, овозга қўйишсиз, кўпчилик ва озчилик ўртасидаги курашларсиз бўлмайди. Фақат шундан кейингина қонун қарорга, кўрсатмага, буйруқ ёки топшириққа айланиб бевосита ижрочи сари йўл олади.

МУАММОЛАРНИНГ энг чигали эса — ана шу ижрочи билан боғлиқ. Чунки унинг қўл-оёқлари ҳамон боғлиқ, имкониятлари олтмишинчи-етмишинчи йилларнинг минглаб қоидалари ила чегаралаб қўйилган. Дошқозон тепасида оламшумул ошпазлар чўмич ўйнатсалар-да, димиққан чандирдан мазали шўрва пишириб бўлмайди. Давлат буюртмаси деган юҳо колхоз раиси, совхоз директорини шусиз ҳам гирибонидан сиқиб, тўрт тарафдан исканжага олиб турган бир пайтда, «менга ер беринг, менга ем беринг, ёғоч, ғишт беринг, маошимни оширинг, енгилроқ ишга ўтказинг», деган гаплар ҳатто ғалати туюлади. Чунки ўша «бахил» раис, «зиқна» директор аслида ҳамма талабларни бажаришга тайёр: марҳамат, ерми, олинг, экин экинг, уй солинг; ем дейсизми — қанча керак, очинг қопингизни, дегиси келади. Халқпарвар деган ном чиқазишни истайди. Аммо иложсиз: ҳамма нарса ўлчоғлик.

БОЗОР муносабатларига ўтишнинг айрим муаммолари булар. Фақат бир нарса жиддий ташвиш уйғотади: ўтармиз ҳам бозор муносабатларига. Хўш, кейин-чи? Ишга нисбатан шу муносабатимиз сақланиб қолса, гапдан, мажлисдан бўшамасак, бировга биров қулоқ осмаса, меҳр-оқибат йироқлашаверса, пала-партиш, ўлда-жўлда ишларимиз давом этаверса бу бозорни ҳам бузмасмиканмиз?

М. С. ГОРБАЧЕВ—НОБЕЛЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ

Норвегия парламентининг Нобель мукофоти қўмитаси 1990 йилги Нобель тинчлик мукофоти билан Совет Иттифоқи Президенти М. С. Горбачев тақдирланганини эълон қилди. М. С. Горбачев бу мукофот билан тинчлик жараёнини ривожлантиришда етакчи куч сифатида жуда кўп ва самарали фаолият олиб боргани учун тақдирланди.

СССР Президентининг фаолияти туфайли совет жамиятида эришилган кенг ошкоралик халқаро ишончни ҳам мустаҳкамлашга ёрдам берди. Сўнгги йилларда Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларда улкан ўзгариш ва силжишлар рўй берди. Бошқача айтганда, мухолифлик ўрнига музокаралар олиб бориш одат тусига кирди. Бу ижобий ўзгаришлар бир неча омиллар туфайли юз берди.

Нобель мукофоти қўмитасининг баёнотида булар алоҳида таъкидланган.

М. С. Горбачев совет ва чет эл журналистларининг унга Нобель мукофоти берилиши муносабати билан сўраган саволларига жавоб бера туриб буни «аввало шахсий жиҳатдан эмас, балки қайта қуриш катта ишининг аҳамияти жиҳатидан» идрок этаётганини алоҳида таъкидлади. «Қарор қабул қилиниши учун бу нарса ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, деб ўйлайман. Биз қайта қуришни бошлаганимизда, у барча мамлакатлар учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлишини билган эдик», деди М. С. Горбачев.

МУҲАРРИРГА мактублар

ШАРҚ ТАРИХИНИ МЕНСИМАСЛИК

Яқинда Марказий телевидение орқали Италия, Испания, Англия ва Америка кинематографчилари биргаликда яратган, тўрт қисмдан иборат «Христофор Колумб» фильми Иттифоқ бўйлаб намойиш этилди. Фильм ғоятда қизиқарли, умуман Оврупо киночиларининг катта маҳорати, тарихий шахслар, ихтиролар борасида янги-янги асарлар яратилаётгани жаҳон афкор оммасини хурсанд қилади. «Бетховен», «Микеланджело»... фильмлари ҳам ғоятда яхши.

Бироқ, Христофор Колумб ёки доно малика Элизабета тилидан фақат оврупалик Марко Поло бошчилигидаги сайёҳлар, уларнинг саргузаштлари тилга олиниб, Шарқ маърифати, Марко Полодан ҳам кўра кўпроқ Баҳримуҳитда (океанда) сузган кимсалар тилга олинмайди. Билсалар ҳам, билмасликка олиб, Шарқ билан Ғарб ўртасига девор қўядилар.

«Христофор Колумб» давридан юз эллик йил аввал темурийлар салтанатининг донғи бутун дунёга кетган, ҳатто Испания қиролининг машҳур элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо узоқ вақт Самарқандда, Амир Темур саройида туриб китоб ёзгани, ундан аввал Шарқнинг буюк баҳрейни Синдибоди Бахрейн, ибн Батутта ва бошқа машҳур кишилар мутлақо тилга олинмайди. Ваҳоланки, Испаниянинг ажралмас қисми бўлган гўзал Андалузиядан қанчалик араб бахрейнлари чиққан, қанча янги оролларни, қитъаю соҳилларни очган ибн Батутта умуман йўқ деб ҳисобланади. Бу менсимасликми ёки жоҳилликми? Киносценарий муаллифларида озгина инсоф бўлиши керак эди. Мана шундай қилиқлари сабабли камина баъзи киночиларни ёқтирмайди. Ҳар бир ижодкор ҳалол бўлиши керак деймизу тарихий ҳақиқатни бузиш, Шарқ тарихига нисбатан менсимаслик, калондимоғлик билан қараш кишиларни ғоятда ранжитмай иложи йўқ! Ҳатто Христофордан анча аввал Абу Райҳон Беруний «Баҳри муҳит ортида буюк рўъйи замин бор»лигини илмий башорат қилган-ку! Майли, киносценарий муаллифлари бундай гапларни билмас ёки эътибор бермаганда ҳам Ибн Батутта ёки Синдибодни тилга олмаслик «адмирал Колумб» сиймосини пасайтиради. Шарқ халқларини ражитади. Эҳтимол, Колумб бунчалик чекланган, худбин бўлмагандир.

Гап бошқа ёқда. Шу фильмни яратган давлатларнинг кино маҳкамалари ҳозир «Амир Темур» ҳақида ҳам кўп қисмли фильм яратишга киришиб, неча миллион пул ажратилгани ва бунга совет киночилари ҳам аралашуви хусусида матбуотдаги хабардан огоҳмиз. Ўйлантираётган ва ҳатто қўрқитаётган нарса шуки, киночиларнинг Шарққа қарашларида қўланса кибрҳаво бисхиб турибди. Бизнинг тарихимизни сийқалаштириб, камситиб қўймасмиканлар?

Мана шу мулоҳаза каминани ўйлантириб қўймоқда. Не-не жафоларни кечираётган тарихимиз яна бир камситилишга учрамасмикан, деган изтиробдамиз. Шу даъвату андиша каминанинг ҳаловатини бузмоқда.

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Фарғона вилояти пахтакорлари ҳам жумҳуриятимизда биринчилар қатори маррага етдилар. Вилоятнинг Бағдод районидаги «Большевик» жамоа хўжалигининг илғор теримчиси Ҳалимахон Ҳамроева мавсумда 6 тонна пахта теришга аҳд қилган. «Победа» жамоа хўжалигининг чевар теримчиси Нодира Пўлатова эса кунига 100—120 килограммдан «оқ олтин» териб, пешқадамлар сафида бормоқда.

СУРАТДА: Ҳ. Ҳамроева (юқорида) ва Н. Пўлатова.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ ва Ў. ҚЎШВОҚОВ суратга олган

Ҳамид ҒУЛОМ

КАРВОН, ЙЎЛИНГ БЕХАТАР БЎЛСИН!

Манзил яқин, интил, карвоним,
Оғир йўлинг бехатар бўлсин.
Юкинг қутлуғ, дардим, армоним,
Бепушаймон, бекадар бўлсин!
Шу қут замин улуғ онангдир,
Унинг куйи — дил тарoнангдир,
Кенг далалар—ижодхонангдир,
Ёзганларинг шоҳ асар бўлсин!
Ер юзини кездим, сен қадар,
Матонатда сенга баробар.
Фидойини кам кўрдим, агар,
Тупроқ олсанг, олтин—зар бўлсин!
Сен эгилсанг букилар белим,
Сен қийналсанг эзилар дилим,
Баланд кўтар қаддингни элим,
Тоғлар билан баробар бўлсин!
Чиройлисан Ўзбекистоним,
Булоқлардай тиниқ жононим,

Бахт йўлига чиқди давроним,
Ёмон кўздан алҳазар бўлсин!
Ўтган кунлар бўлмасин унут,
Ҳақни сўзла, сақлама сукут.
Азиз бошинг доим баланд тут,
Истиқболинг муқаррар бўлсин.
Сен юборган олтин карвонлар —
Қанча заҳмат, азоб, армонлар.
Сенга фақат келтирсин шонлар
Саодатинг мунаввар бўлсин.
Меҳнатингнинг маҳсули ҳалол,
Элинг учун ҳам нон, ҳам қурол,
Қандингни ур, халқим, безавол,
Фарзандларинг музаффар бўлсин.
Умр бўйи ўйлаганларинг,
Достонларда сўйлаганларинг,
Қўшиқларда куйлаганларинг,
Халқим, сенга муяссар бўлсин!

МУШТАРИЙЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

ҲАҚИҚАТГЎЙ

Газета нафақат санъат, адабиёт, маданият ходимлари ва ижодкорларининг, балки қишлоқ хўжалик ходимлари ҳамда меҳнаткашларининг ҳам севимли нашри ҳисобланади. Ҳали ошкоралик, демократия бошланмасдан илгари деҳқон ташвишларини, қишлоқ хўжалигининг ўткир муаммоларини мазкур газета кўтариб чиққанини ҳамма яхши билади. Чунки ўз номидан ташқари жуда кўп ва катта мавзуларни қамраб олган. Энг муҳими, ана шу мавзулар ҳар жиҳатдан чуқур, кўламли ва қайта-қайта ўқишли қилиб ёритилади.

Газета менга халқимизнинг дардини, ташвиш ва ўйларини бўяб бежамасдан, тўғри ва ҳаққоний ёзаётгани учун ҳам ёқади. Уни давримизнинг чинакам ҲАҚИҚАТГЎЙИ дегим келади. Чунки ҳақиқатни айтаётган ва ёзаётган киши ҳеч нарсадан қўрқмайди. Ана шу ЖАСОРАТ ҳамиша газетанинг йўлдоши бўлиб қолсин.

Истагим: Алишер Навоий ҳазратларининг тўйи арафасида у киши яратган ҳикматлардан, доно сўзлардан мунтазам бериб борилса. Шунингдек, «Жаҳон ривоятлари» янги рубрикаси очилиб, унда жаҳон халқларининг ўлмас дурдоналаридан намуналар чоп этилса. Яна бир таклифим, газета обунасига нодир китоблар нашри илова тарзида берилса. (Худди «Огонёк», «Дружба народов» журналлари каби).

Совхоз дирекцияси ва ишчилар комитети илғор теримчиларни бригада ва бўлим бошлиқларини мазкур газетага бепул обуна қилиш ҳақида махсус қарор чиқарди. Келгусида ҳам газета ишончли дўстимиз, доно маслаҳатгўйимиз бўлишига ишонамиз.

Хайриддин ЗАЙНИЕВ,
«Нарпай» совхози директори

«БОБУРНОМА»НИНГ 460 ЙИЛЛИГИ

Бобурнинг ўғли Комронга мактуби

Муни Лаъл. «Бобур» эссе-романидан боб

Бобур — бунёдкор

4-БЕТ.

5-БЕТ

КЎЗИДА ЁШ БИЛАН

Кеча Москвада ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири, атоқли шоир Ҳамид Олимжоннинг 80 йиллик юбилейи тантанали нишонланди.



ШЕЪРИЯТ ТАРИХИДА ишқ-муҳаббат билан бирга меҳнат мавзуи ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Туркий шеъриятнинг илк намунаси Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» китобида ҳам меҳнатни тасвирлаган кўплаб лирик парчаларга дуч келамиз. Классик адабиётимизнинг йирик вакилларининг ижодида ҳам бу мавзуга кенг ўрин берилган. Чунки меҳнат инсоннинг инсон бўлиши учун асосий омилдир. Совет адабиётида ҳам меҳнат мавзуи етакчи бўлиб келди.

Ҳамид Олимжон дастлабки ёзган шеърларидаёқ меҳнат инсонни гўзал қилишини таъкидлаган эди. Шоирнинг 1926 йили битилган «Кимдир» номли шеърида:

Ҳур турмушга олов сочган,
Янги турмуш йўлин очган,
Йўқсилларни қувонтирган,
Ишчиларнинг билагидир —

каби мисраларда ёш қалбнинг меҳнат кишисига бўлган оташин муҳаббати куйланган. Бу шеърда янги турмушнинг йўлини очадиган, уни бунёдга келтирадиган куч — меҳнат аҳли, ишчидир, деган хулосага келинади. Демак, йўқсилларни, меҳнаткаш халқни мадҳ этиш шоир ижодининг илк даврига хос. Ҳамид Олимжон янги турмушнинг келажагига, унинг истиқболига ишонарди.

Шоир 1928 йили ёзган «Шу куннинг қизига» номли шеърида, ўзбек хотин-қизларининг озодликка чиққанини, уларнинг завод ва фабрикаларда асосий куч эканлигини таъкидлайди, ўзбек қизини Парижда мода кетидан қувиб, фаҳш билан шуғулланувчи хонимларга қарши қўяди. Хотин-қизларимизнинг нурли келажак учун қилаётган меҳнатларини тараннум этади:

Чунки фабрикада парра янглиғ сен,
Тинмайин чарчамасдан ишлайсан,
Чашмалар сингари оқиб шеър-ла
Ташна дилларга ем бағишлайсан.

Совет ҳокимияти бу йилларда халқ хўжалигида индустрлаштиришни амалга оширмоқда эди. Бутун мамлакат бўйлаб катта-катта қурилишлар бунёд этилмоқда эди. Бу улкан халқ ҳаракатига одамларни чорлаш, уларни социализмнинг пойдеворини қуришга чақириш керак эди. Ҳамид Олимжон ана шундай чақириқларга ҳамоҳанг «қизил» шеърлар ижод қилди. Албатта, бу шеърларни ёзганда шоир 19—20 ёшлардаги тажрибасиз ўспирин, энди



БАХТНИ КУЙЛАГАН

қалам тебратаётган пайти эди. Шоирнинг Октябрнинг 12 йиллигига бағишлаб ёзган «Қизил денгиз», «Шарқ», «Чўллар», «Мешчан хотин», «Ўзбекистон», «Темир қонун», «Ўлка сафарбар» каби шеърларида озод меҳнатнинг нашидали хаёли билан банд бўлган лирик қаҳрамоннинг тимсолини кўрамиз. Албатта бу шеърларни бадиий етук деб бўлмайди. Уларда қофиябозлик, прозага хос жўнлик, шиорбозлик, замонасозлик шундоққина билиниб туради. Лекин бу даврда ҳаётни ҳушёрлик билан кузатган, турмушнинг реал манзарасини чизган шоирларимиз ҳам анчагина эди. Бу ижодкорлар ҳар хил чақириқларни дарҳол қабул қилишмас, балким уни олдин тафаккур элагидан ўтказар, жуда эҳтиёткорлик билан фикр юритишарди. Бундай шоирларнинг кўпчилиги кейинчалик «халқ душманлари» сифатида қатағон қилиндилар. Ҳамид Олимжон бу даврда кўпгина шеърларини замонга мослаб ёзган, балки шу шеърлар шоирни репрессиядан сақлаб қолгандир. Балки у замонга муносабатини инқилобдан олдинги воқеликни тасвирлаган асарлари орқали англатмоқчи бўлгандир. Дарҳақиқат, бундай хулоса чиқаришимизга ҳам бир асос бор. Адабиётда ижодкорлар яшаётган жамиятдан норозилик кайфиятларини ўтган даврларни танқид қилиш орқали ҳам баён этишади. Навоийнинг «Хамса»сига кирган достонлар бунинг яққол намунаси. Навоий замонасидаги жоҳил шоҳларни «Хисрави беоқибат» образида, одил шоҳларни эса Искандар Зулқарнайн образида бергани бизга маълум. Бундай услубдан Ҳамид Олимжон ҳам самарали фойдаланган. У давр чақириғига «лаббай» деб жавоб бермасдан иложи йўқ эди. Шиорбоп шеърларни у мажбурликдан ёзган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун истеъдодли шоир ижодига қиёс қилинганда бу каби шеърлари чин қалбдан чиқмагани, жўн, зўрма-зўракилиги билиниб туради.

(Давоми еттинчи бетда)

21 ОКТЯБРЬ—ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

ҚОНУН НЕГА СУСТ БАЖАРИЛЯПТИ?

ЯҚИН-ЯҚИНЛАРГАЧА рус тилини мукаммал билиш маданият белгиси ҳисобланар, ўзбек тилини ўрганиш эса унчалик шарт эмасдек туюларди. Аммо бир оз кечикиб бўлса-да, ўз она тилини билмаслик уят эканлигини англаб етдик. Ўзбек тилига давлат тили мақомини бердик. Шунга кўра, ўзбек тилшунослари жамиятининг Низоми ва тил ўрганишнинг илмий дастури лойиҳалари эълон қилинди. Бироқ бирор натижага эриша олганимиз йўқ. Давлат тили тўғрисидаги қонунни жуда секинлик билан, ҳадиксираб, қўрқа-писа амалга ошираяпмиз. Бунинг сабабларидан бири қонуннинг асосий бандларига салбий муносабатнинг мавжудлигидир. Давлат тилини ўрганиш учун қонунда маълум муддатлар белгилаб қўйилган бўлса-да, айрим ўртоқлар туб аҳоли тилини билишни ўзлари учун ихтиёрий иш деб тушуняпти. Иккинчидан, жумҳуриятимизнинг деярли ҳамма идораларида давлат тилини ўрганиш юзасидан очилган тўгараклар, олий ўқув юртларида ташкил этилган ўзбек тили кафедраларининг ўқитиш методикаларида ҳам, иш мазмунларида ҳам изчиллик ва аниқлик йўқ. Бундан ташқари, бизда давлат тилини ўрганиб олганларни рағбатлантириш йўлга қўйилмаган.

Ана шу сабабларга кўра, рус тилида сўзлашувчи баъзи кишиларда ўзбек тилини ўрганишга эҳтиёж сезилмаётир. Баъзилар эса ҳамон рус тили давлат тили бўлиши керак деган фикрда қолмоқдалар. Агар масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, жумҳуриятимизда 1 миллионга яқин аҳоли мансуб бўлган тожик тилига ҳам, 1 миллиондан ортиқ аҳолини ташкил қилган қозоқ ва шунга ўхшаш тилларга ҳам давлат тили мақомини беришга тўғри келади. Давлат тили ҳақидаги қонунимизда эса ҳамма тилларга эркинлик бериб қўйилган. Давлат тилини билмаслик Ўзбекистон фуқаросининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий мавқеига, ҳуқуқига асло путур етказмайди. Кейинги йилларда тожик, қозоқ, туркман, қирғиз тилларида 400—500 та мактаб, шу тиллар бўйича педагог кадрлар тайёрлайдиган факультетлар ташкил этилгани фикримизнинг далилидир.

СССР ФА Тилшунослик институтининг социологик тадқиқотлар лабораторияси бошлиғи профессор В. Ю. Михалченко: «Ўз мижозларининг ва ўқувчиларининг тилини билмайдиган врач ёки муаллимни Давлат ишга олиши мумкин эмас» («Литературная газета», 19.04.89 йил) деб ҳисоблайди. СССР халқ таълими қўмитасининг раиси профессор Г. А. Ягодин тиббиёт, милиция, савдо, маиший хизмат ходимлари икки ва ундан ортиқ тилларни билишлари шартлигини айтиб ҳар бир жумҳуриятда маҳаллий тилларни ўзлаштириш бўйича имтиҳон ўтказишини таклиф қилади («Правда Востока», 23.06.89).

Қонунда давлат тилига ўтиш ва уни ўрганиш учун маълум муддатлар (3, 8 йил) белгиланган. Унга берилган шарҳларда («Ўзбекистон» нашриёти», 1990 йил) бу бандлар «босқичма-босқич амалга оширилади», дейилган. Чунки аксарият идоралар котиблари, бўлими бошлиқлари, девонбегилар (канцелярия бошлиқлари) ўзбек тилини яхши билмайдилар. Барча ҳужжатларни рус тилида ёзишга одатланиб қолишган. Биз уларга ёрдам беришимиз, тушунтириш ишларини олиб боришимиз лозим. Бинобарин, Иттифоқ қонунида ҳам аҳолига маиший хизмат кўрсатиш жойларида ишловчилар давлат тилини билиши шартлиги ҳақида модда қабул қилинган ва унга амал қилиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган (13-модда). Аммо, ҳамма бало шундаки, бундай қонун бизнинг жумҳуриятда ҳали қабул қилинмаган. Эстонлар эса бир йил муқаддам 100 касб бўйича эстон тилини эгаллаш даражасини белгилаб чиқдилар.

1928 йили Советларнинг Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Совети «Давлат идораларини ўзбеклаштириш» ва «Ўзбекистон ССР идора, корхона ва ташкилотлари ишчи-ходимларини ўзбек тилига мажбурий ўргатиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Қарорда давлат идораларини ўзбеклаштириш Марказий Комиссиясига идораларда иш юритиш ҳужжатларини маҳаллий ва рус тилига ўтказиш, идораларини аста-секин икки тилни билувчи ходимлар билан тўлдириш, идора ходимлари ўзбек тилини ўрганиши учун 1, 2, 3 йиллик тўгараклар ташкил қилиш вазифаси юклатилган эди. Идора ва муассасаларга 1929 йил 1 октябрдан бошлаб ўзбек тилини билмайдиганларни ишга олмаслик, туб аҳоли тилини менсимаган ёки унга нисбатан ғайри муносабатда бўлувчиларни ўзбек тилини билувчи ходимлар билан алмаштириш ҳуқуқи берилганди. Бу муҳим масалада СССР Марказий Ижроия Қўмитаси 1931 йил 23 ноябрида «1933 йилда ЎзССРдаги давлат идораларини ўзбеклаштириш тўғрисида» қарор чиқарди. Шу йили ЎзССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлар Совети ҳам идораларни ўзбеклаштириш тўғрисида яна қарор қабул қилди (№ 25-СУ, 1932, № 10, 42-модда). Сўнгги қарорда 1933 йил 1 апрелигача бу муҳим ишни тугаллаш ва белгиланган муддатда ўзбек тилини ўрганиб олган ходимларни рағбатлантириш ва мукофотлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Бундай қарорлар қабул қилинишининг ўзига хос сабаблари бор эди. 1917 йил ноябрда таъсис этилган Туркистон ўлкасининг Халқ Комиссарлари Совети таркибида бирорта маҳаллий халқдан вакил бўлмагани ҳолда, ўша йили 26 ноябрда Қўқон шаҳрида ташкил этилган «Туркистон мухторияти» (кейинроқ нима учундир «Қўқон мухторияти» бўлиб кетди) таркибидаги 54 аъзодан 32 тасигина маҳаллий миллат вакиллари (улар аҳолининг 95 фоизини ташкил этар эди), бўлиб, қолганлари Оврупо партияларининг, турли бирлашмаларининг аъзолари ҳамда бошқа миллат вакилларидан иборат эди. Ҳатто Соломон Герцфельд ҳукуматнинг молия вазири қилиб сайланди. Аммо «Қўқон мухторияти» мустақиллиги қандай якун топгани ҳаммага маълум. Ваҳоланки, қурултой қарорида «Русия жумҳурияти ила бирликда қолган ҳолда Туркистонни ерлик мухториятли (яъни территориаль- автономиялик) эълон қиладур» («Ҳуррият», 1917 йил 5 декабрь) деб таъкидлаган эди.

ТуркАССР (1918—1924 йиллар) МИК раиси П. А. Кобозев ва ХЛК раиси Ф. И. Колесовларнинг маҳаллий миллат вакилларига ишончсизлиги туфайли идораларда маҳаллий миллат вакиллари жуда озчиликни ташкил этди. Масалан, халқ таълими ва маорифи министрлигида 68 рус, 1 туркман, 1 ўзбек ишлаган, холос. Чор Россияси даврида эса Рус — Осиё банки қўлланмасига кўра, Қўқон банкида ишлашнинг асосий шартлардан бири маҳаллий тилни билиш бўлган. Бунинг учун банк бу ерда ишлашни хоҳловчиларни ўз ҳисобига бир йил (баъзиларни бир ярим йил) давомида ўзбек тилини ўрганишга ўқитган, маълум имтиҳондан кейингина ишга қўйган.

Сталин истибдоди авжга чиққан даврда Марказий Ижроия Комитетнинг юқоридаги қарорлари бекор қилинди. Бу билан миллатларни менсимаслик, тили, маданияти, тарихини эсдан чиқартиришга томон йўл тутилди. Ўтган 50—60 йил ичида жумҳуриятимизда яшаб турган айрим рус тилида сўзлашувчиларга бу ҳол таъсир этди ва ўртага англашилмовчилик тушди. Ана шу каби иллатларнинг натижаси ўлароқ «Известия» газетасида Ю. Феофановнинг ўзбек халқига туҳмат ва ҳақоратдан иборат мақоласи («Известия», 1990 йил, 1 январь) эълон қилинди. «Аргументы и факты»нинг (1990 йил, 21—27 июль, № 29) ёзишича, Ўшда ўзбеклар бутун раҳбарий вазифаларни эгаллаб, қирғизларга йўл бермаётган эмиш. Газета фарғоналикларга месхети туркларига нисбатан «қирғин ч и» («погремшик») деб тамға қўйди. Армани, озарбойжон, қирғиз, ўзбек, туркларнинг ўзаро ҳамда «русларга даъволари кўпайиб боряпти» деб ёзди. «Известия»нинг 1990 йил 26 июль сонида таъкидланишича, Ўш областида 26 фоиз аҳоли ўзбек бўлишига қарамай (Ўш шаҳрида, Ўзган, Жалолобод, Қорасувда 75 фоиз аҳоли ўзбеклар), фақат 4 фоиз ўзбеклар раҳбарий лавозимларда ишлар экан. Ўзбеклар билан қирғизлар орасидаги низонинг келиб чиқишига «...шошилиб ва муҳокамасиз тил тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши» ва халқнинг «асосан қишлоқ ёшларининг ҳаддан ташқари иқтисодий ва маънавий қашшоқлиги, патриархал муносабатларнинг сингдирилиши» сабабчи бўлибди...

ЎЗБЕКИСТОН ССР Президенти И. А. Каримов 1990 йил 21 июль куни «Правда» газетаси мухбирларига берган жавобида оммавий ахборот воситалари ҳақида гапириб «Ўзбекистон халқи марказий матбуотда нохолислик, нотўғри муносабатлар мавжудлигини яққол ҳис этмоқда», деб айтди.

В. И. Ленин Туркистон ўлкасига 1920 йил июнь ойида ўзининг мухтор вакили, таниқли партия арбоби Адольф Абрамович Иоффени юборар экан, унга Туркистоннинг этнолингвистик картасини тузишни ва шу асосдагина Туркистонни республикаларга бўлишни ўйлаб кўришни топширди («Правда Востока», 1989 йил, 19 июль), Минг афсуски, бундай карта тузилмай (ҳозиргача ҳам тузилгани йўқ!), В. И. Ленин вафот этгач, 1924 йили Ўзбекистон, кейинроқ бошқа миллий жумҳуриятлар ташкил бўлди. Бунда аҳоли яшаётган жойларнинг миллий таркиби ҳисобга олинмади (умуман, Туркистонни миллий жумҳуриятларга бўлиш керакмиди? ТуркВО — Туркистон ҳарбий округи — сақланганку!).

Албатта, давлат тили ҳақидаги қонунни амалга оширишда жуда эҳтиёткорлик даркор. Айниқса, Тошкент, Фарғона, Ангрен, Чирчиқ Гулистон, Янгиер, Навоий, Бекобод каби шаҳарларда кўпчилик рус тилида сўзловчи аҳоли бўлгани сабабли уларнинг ўзбек тилини ўрганишлари учун алоҳида тадбир-чоралар белгилаш, қонунни шошмасдан амалга ошириш керак. Шу билан бирга маҳаллий миллат вакилларидан мутахассислар тайёрлаш, ишчи-хизматчиларнинг малакасини ошириш ва янги мутахассислик бериш ишини кенг ривожлантириш керак.

Жумҳуриятимизда ўзбек тилини жуда яхши биладиган бошқа миллат вакиллари кўп, айниқса, раҳбарий идораларда бундай кишилар анчагина. Улар матбуотда, радио ва телекўрсатувларда ўз тажрибаларини ўртоқлашсалар, жумҳуриятга катта ёрдам кўрсатган бўладилар. Бу каби тадбир-чоралар миллатлараро низоларнинг олдини олади, дўстликка, ўзаро ҳамкорликка хизмат қилади.

Давлат тили ҳақидаги Қонун сусткашлик билан амалга оширилаётганининг иккинчи сабаби қабул қилинаётган қарор ва фармойишлар устидан муттасил назоратнинг йўқлигидир.

Шу йил 19 февралда «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш Давлат программаси қабул қилинди. Унда Қонунни бажариш борасида ҳар бир нозирлик, қўмита, идора ва муассасанинг вазифалари аниқ белгилаб чиқилди. Лекин бу қарорнинг бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилмаган. Жумҳурият Атамашунослик қўмитаси (котиб билан 6 кишидан иборат) анча ишларни амалга оширган бўлса-да, уни тузиш тўғрисидаги фармойишнинг кўп бандлари назоратсизлик орқасида бажарилмай қолмоқда.

Ҳукумат топшириғига қарамай, жумҳуриятдаги 200 га яқин нозирлик, қўмита, идора, ижтимоий ташкилотлардан фақат 15 таси ўзининг ички атамалари ва номланишларини ўзбек тилига таржима қилиб беришни сўраб, Жумҳурият атамақўмитага мурожаат қилди, холос. Расмий ҳужжатлар батамом рус тилида ёки чала ўзбек тилида тузиляпти, суд ва нотариал идоралар марказдан қандайдир кўргазмалар кутяпти.

Давлат тили тўғрисидаги Қонунни тўла ва изчил бажариш учун қуйидаги энг долзарб тадбир-чораларни амалга ошириш керак:

1. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси, жумҳурият Олий Кенгаши ва Нозирлар Кенгаши ҳузурида миллий тиллар ва миллий муносабатлар бўйича тузилган комиссиялар ишини жонлантириш, Атамашунослик қўмитасини «Миллий тиллар ва атамалар» қўмитасига айлантириш зарур. Бу обрўли ташкилотларни зарур миқдорда ходимлар билан таъминлаб, ҳар бирининг вазифасини аниқлаб, чегаралаб бериш лозим. Ана шунда нозирликлар, қўмиталар ва бошқармаларнинг, вилоятлар ижроқўмлари ва турли комиссияларнинг ҳисобот ҳамда таклифларини эшитиш ва зарур қарорлар қабул қилиш мумкин бўлади.

2. Ўзбекистон тилшунослари жамиятини тузиш керак.

3. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтидан тилшунослик соҳасини ажратиб, алоҳида тилшунослик институти очишни тезлатиш зарур. Тилшунослик институтининг асосий фаолияти Давлат тили ҳақидаги қонунни ва у бўйича тузилган Давлат Программасини бажаришни назорат қилиш ва ёрдам беришга қаратилиши шарт. Бунинг учун институт бутун илмий-тадқиқот ишларини Қонун асосида қайта кўриб чиқиши даркор. Биринчи галда ўзбек адабий тили услубияти устида ва ўзбек тилининг назарий масалалари устида ишлашга (бу борада ўзбек тилшунослиги рус ва ғарбий Оврупа тилшунослигидан 30—40 йил орқада қолган) институт ва олий ўқув юртлари тил кафедралари олимларининг диққатини жалб этиш зарур.

4. Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг 27-моддаси «Давлат тилига ва бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш тақиқланади», агар шундай хатти-ҳаракатлар содир бўлса, «...амалдаги қонунлар асосида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади», дейилган. Қонуннинг 28-моддасида «...раҳбарлар ўзларига тобе соҳа доирасида ушбу Қонун талабларига риоя қилинишига шахсан жавобгардирлар», деб кўрсатилган. Аммо ҳозиргача бирор прокуратура ёки суд, нозирлик ёки бошқарма қонунни бузаётган бирор раҳбарни огоҳлантиргани йўқ. Келгусида бу хусусда жиддий чора-тадбирлар кўриш лозим.

ХУЛЛАС, ДАВЛАТ тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш аввало раҳбарий ташкилотларга, сўнгра шу қонуннинг қабул қилинишида жонбозлик кўрсатган фуқароларнинг фаол ҳаракатига боғлиқдир.

Ғани АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, жумҳурият Атамашунослик қўмитаси раиси

СИБИРЛИК АЁЛ МАКТУБЛАРИ

«Литературная газета»нинг ўтган йилги сонларидан бирида сибирлик бир аёл Навоийни ўқишни хоҳлаши, унга бунинг учун луғат кераклигини ёзган эди. Аёлнинг хатини «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ҳам кўчириб босди. Сибирлик рус аёлининг Навоийни асл нусхада ўқиши диққатимни тортди. Бу аёлнинг адресини топиб, унга ўзбек тилини шу қадар ўрганганлиги учун халқимиз номидан миннатдорлик билдирдим. Бу аёл — врач Евгения Головина эди. Евгения опа Ўзбекистондан бир неча минг чақирим узоқда, ўзбек тили муҳитидан шу қадар узоқда игна билан қудуқ қазди — ўзбек тилини мустақил равишда, китоблар воситасида ўрганди. Бизда бўлса, Давлат тили ҳақидаги қонунимизга кўра, жумҳуриятимиздаги бошқа миллат вакилларига ўзбек тилини ўрганиш учун саккиз йил муддат берилди. Евгения хоним эса тўрт йилда Навоийни ўқиб, унинг байтларини шарҳлаш масалаларига аралашадиган даражага етибди. Ваҳоланки, бизда зиёлиман деганларнинг тўқсон фоизи классик адабиёт намуналарини асл нусхадан ўқий олмайди. Евгенияхон эса бу борада биздан анча олдиндалар. Бунга сиз унинг ўзбекча ёзилган хатлари билан танишиб ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз, деб ўйлайман.

Афтондил ЭРКИНОВ

СИБИРДАН САЛОМ

Салом алайкум, ҳурматли Афтондил!

Мактубингизни олиб мен беҳад хурсанд бўлдим, энди армонимдан чиқаман деган умиддаман. Сиз Навоий ижодини ўрганаётган экансиз. Бу — менинг айни муддаом!

Шу пайтгача мен ўзимни саҳродагидек ҳис қилардим. Мен тақиллатган эшик очилмасди. Сиздан хат олганда ўзимга ўзим «Энди эшик очилди», дедим.

Сиз мени ўзбек тилини яхши билар экансиз, деб мақтаяпсиз. Лекин менинг бу тилни билишимга баҳо беришни ошириб юборганингизга шубҳа йўқ. Ўзбек тилини яхши биламан, деб бўлмайди, оғзаки гапларни деярли тушунмайман. Ўзбеклар орасида кар ва гунгман. Китоблардан бошқа ўқитувчиларим йўқ. Уларнинг эса ўзлари гунгдирлар, Навоий асарларини ўқиганда қийналаман, тўлиқ тушунолмайман.

Йўлимда тўсиқлар кўп. Ўзбекистонда узоқ вақтдан бери луғат топа олмаяпман, яна грамматика дарслигини топа олмадим. Эски ўзбек тили ҳақида гап борса, ўзинг учун ўл етим! Кимдан сўрасам, билмайман, деб жавоб беради.

Ўзбек зиёлилари, ўқитувчилари Навоий асарларини ўқий олмайдилар. Аммо номус қилмасдан ҳамма ерда улуғ шоирга ҳурмат ҳақида ноғора қоқилади! Бу ҳолни албатта тузатиш керак. Менингча, Ўзбекистонда ўзбек тили давлат тили бўлиши керак, уни ўрганишга катта эътибор берилсин. Ўзбек тилини ўрганишни истамайдиган русларни мен мақтамайман. Ўзбекистонда ўсган руслар учун маҳаллий халқнинг тилини билмаслик уятдир. Лекин улардан шу пайтгача ўзбек тилини билишни ҳеч ким сўрамас эди. Республикангиз раҳбарлари кўп йиллардан бери она тилларининг оғир аҳволини кўрмас эдилар.

Сиз менинг таржимаи ҳолим, ўзбек тилини ўрганишим ва бошқа масалаларга қизиқиб саволлар берибсиз, мен уларга жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Мен 1946 йили Новосибирск шаҳрида туғилганман, ҳозир шу шаҳарда яшайман. Беш марта икки ҳафта муддатга Ўзбекистонга бордим. 10- синфни тугатганимдан кейин Новосибирск медицина институтига ўқишга кирдим. Уни битиргандан сўнг, рентгенология кафедрасида ишлаб, врач-рентгенолог мутахассислигига эга бўлдим. Ҳозир 18- медицина-санитария бўлимида ишлаяпман.

Мен доим чет тилларни ўрганишга қизиқар эдим. Инглиз ва французча ўқийман, немис ва лотин тиллари билан шуғулланаман. Шарқ тилини, ҳинд-европа тиллари оиласига кирмаган тилни ўргангим келиб, тўрт йил муқаддам ўзбек тилини ўргана бошладим. Навоий асарларини оригиналда ўқишни истайман. Чунки шеърларни асл нусхада ўқиш керак. Бир ақлли киши айтганидек, ашъорнинг таржимаси — гиламнинг тескариси, холос.

Ўзбек тилини ўрганиш учун мен мактабда ишлайдиган танишимдан рус мактабининг ўзбек тили бўйича дарслигини олдим. Лекин бу дарсликларда грамматика ёмон ёзилиши сабабидан ўзим кўп нарсаларни фаҳмлаб олишим керак эди. Кейин, тасодифан, Новосибирскда «Ўзбекча-русча луғат»ни кўриб, сотиб олдим. Унда қисқача грамматика қоидалари ҳам берилган экан, сўнг «Юлдузли тунлар» китобини олиб ўқий бошладим.

Менда ўзбек тилидаги қуйидаги китоблар бор: «Юлдузли тунлар» (П. Қодиров), «Навоий» (Ойбек), «Улуғбек хазинаси» (О. Ёқубов) «Самак айёр», «1001 кеча» (битта китоб), «Ҳотамнома», «Қора кўзум» (Навоий), «Хамса», «Лисонут тайр» (насрий баён). «Ҳотамнома» ва «Қора кўзум»ни ҳали ўқимадим. «Хамса»дан бир неча парча ўқидим. Бошқаларининг ҳаммасини ўқиб чиққанман.

Навоий асарларини ўзбек тилини ўрганишнинг биринчи йилида ўқиб кўрдим. Ўқиганда қийналаман, нотаниш сўзлар кўп, номаълум аффикслар ҳам. «Хамса»дан иккита парча ёд биламан. Рус тилида «Хамса»ни ўқиб чиқдим. Ғазаллар, «Лисонут тайр»ни насрий баёнида, ўзбек тилида ўқидим. Мен Навоий асарларига қизиқаман, чунки улар гўзалдирлар. Мен бу гўзалликни унинг асарлари маъносини доимо тўлиқ тушунмасам ҳам ҳис қиламан. Навоийнинг ҳаётига ҳам қизиқаман, унинг олижанoблигига, одамлар манфаати учун беғараз меҳнатига қойил қоламан.

Ҳозир менда ўзбек тили бўйича иккита луғат бор. Катта луғатлар 1959 ва 1988 йилларда нашр қилинган. Бироқ улар менга ёқмайди. «Телеграф», «углерод» каби сўзлар бору керакли сўзлар баъзан топилмайди, эски сўзлар кам.

Менга ўзбек тили грамматикаси, иложи бўлса, эски ўзбек тили грамматикаси, «Лисонут тайр»нинг асл матни ва Навоий асарлари учун луғат керак. Яна мен араб ҳарфларини ўрганишни ва эски ўзбек ёзувини ўқишни истайман. Керакли китобларни топиш мумкинми? Форс тилини ўрганишни орзу қиламан. Навоий форс тилида ҳам ёзади. Яна Фаридиддин Атторга қизиқаман. Навоий болалигида севиб ўқиган «Мантиқут тайр»ни ўқиш орзусидаман. Сиз форс тилини биласизми?

Ўзбек тилида «Саодат» ва «Ўзбек тили ва адабиёти» журналларини, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасини ўқийман, келаси йилга обуна бўлдим. Ҳозирги ёзувчи ва шуаро ҳақида шуни айтишим мумкинки, совет давридаги ўзбек ёзувчиларидан Ойбек, П. Қодиров, О. Ёқубовнинг асарларини ўқиганман. Зулфия, Ҳ. Олимжон ва бошқа шоирларнинг алоҳида шеърларини ҳам ўқидим. Шоира Муҳтарама Улуғова деган дугонам бор, «Саодат» редакциясида ишлайди.

Жавобларим сизга ёрдам берса хурсанд бўлар эдим. Ўзбекистонда ўзбек тилини ўрганишнинг кераклигини тушунадиган руслар кўпроқ бўлишини истайман. Ўлкангизда тинчлик ва дўстлик бўлсин.

Энди менда ҳам бир неча саволлар бор: мен «Ҳайратул аброр»дан парчани ёд олдим, бу парчада (бўлимнинг номи «Искандарнинг етти иқлим мамоликин панжаи тасарруфига киюргани ва ҳоли илик била оламдин риҳлат маркабин сўргани») қийин ўринлар бор, илтимос, уларни ҳозирги ўзбек тилида баён этинг.

Қуйидаги байтни мен тушуна олмаяпман:

Хутба ўқуб гунбади ахзар уза,
Секкан адлин уруб ахтар уза.

Яна иккита байтни жуда ёмон тушунаман:

Ким бу нафасқим борадурмен залил,
Навбати шоҳий манга кўси раҳил.

Ким манга чун тоҳири бўстони қудс,
Қилса ҳаво, ёд этиб айвони қудс.

Яна бир неча номаълум аффикслар бор, масалан: «қабрга бошлағунгуздур йўлум...». «Бошлағунгуздур» — бу феълнинг қайси формаси? Феълми? Сифатдошми?

«Оҳ ила оламни қаро айлабон» дегандаги «айлабон» сўзидаги «-бон» аффиксининг маъноси нима?

Сиздан жавоб кутаман.

Хайр.

Евгения

Новосибирск. 20.10.89

●

Ассалому алайкум, Афтондил ука!

Рафиқангиз Нигорага салом. Мактубингиз учун раҳмат. Очиғини айтсам, жавобингизни ҳеч қачон олмасам керак, деб қўрққан эдим. Сиз мени унутмаган экансиз.

Ўзбекистонда ўзбек тилининг давлат тили сифатида қабул қилиниши билан бутун ўзбек халқини сиз орқали қутлайман. Энди тилингиз тирилади деган умиддаман. Лекин ўзбек тилини билмайдиган одамларга уни ўрганиш имкониятини бериш керак. Бу адолатли иш бўларди. Мен Ўзбекистонда бўлганимда бу имкониятни фақат тушимда кўрдим. Мен ўзбек тилини билиш учун курашишга мажбурман. Навоий асарлари ҳақида гап борганда уларни ўқиш имконияти бор деб бўлмайди. Бу туришда яна бир неча йил қийналаман, шекилли! Ўзбекистонликларнинг 90 фоизи Навоий асарларини асл нусхада ўқий олмаслиги номусдир, лекин магазинларингизда керакли қўлланма ва луғатларнинг йўқлиги ундан ҳам каттароқ номусдир. Сизнинг Маориф министрлигингизга ўзбек тилини ўрганишдаги ёрдами учун «катта раҳмат»! (Уларга атир гуллар ўрнига катта-катта тиканли кактус бериш керак.)

Янгиликлар деярли йўқ. «Ҳотамнома»ни ўқиб чиқдим. Жуда гўзал эртак! «Хамса» эса жавонимда туради ва тўлиқ ўқилишини кутади. Луғатсиз ўқишнинг имконияти йўқ, бунинг устига эса ўзбек тилининг грамматикасини ёмон биламан: гапни кўрганда бирданига эга, тўлдирувчи қаердалигини баъзан топа олмайман. Мен гаплардаги «Схемалилик»ни ёмон кўраман. Ишларим яхши деб бўлмайди...

Ҳозирча хайр.

Евгения ГОЛОВИНА
01.12.89.
Новосибирск

ФАЛОКАТ

1990 йил 13 октябрь куни Зомин районидаги мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ялписига пахта теримига сафарбар этилдилар. Шанба куни бўлишига қарамасдан, мактабларда дарслар ўтилмади, мактаб ўқувчиларнинг пахта йиғим-теримига жалб этмаслик тўғрисида жумҳурият партия ва ҳукуматининг қарорига зид иш тутилди. Райондаги 67 мактабнинг 5 мингдан зиёд ўқувчилари автобусларда пахта теримига олиб чиқилаётган бир пайтда, эрталаб, соат тахминан тўққизларда Жиззах — Ховос темир йўлининг 3582-километрида ўқувчилар тушган бир автобуснинг юк поезди локомотиви билан тўқнашуви содир бўлди. Оқибатда Киров номидаги 6-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари Алишер Қўшназаров, Меҳринисо Рисқулова, шу мактаб ўқитувчиси Жўравой Қаршибоев ва 23-кўчма колонна тракторчиси Тилов Азизов ҳалок бўлдилар. Ҳар хил даражада тан жароҳати олган 15 ўқувчи касалхоналарга ёткизилди... Касалхонага ёткизилган 9«а» синф ўқувчилари Раҳимжон Майзонов 14 октябрь куни, Сирожиддин Турдибоев эса 15 октябрь куни оғир мия жароҳатидан вафот этдилар...

Фожиадан икки кун бурун Қангли қишлоғидаги ўрта мактаб директори Раҳматулла Шукуровга қўшни Коннибаза қишлоғидаги мактаб директори Жўрақул Абилов буйруқ оҳангидаги қарз гапни етказди: «РайОНОдан буюришдики, эрта жума куни соат 11 да район партия комитети бюроси йиғилишига борар эканмиз».

— Жума куни соат ўн яримда райкомга бориб рўйхатдан ўтдик, — дейди Р. Шукуров. — Роса 11 да йиғилиш бошланди. Залда мактаб директорларидан ташқари хўжаликлар раҳбарлари, қишлоқ Шўроларининг раислари, ҳуқуқ-тартибот органлари, прокуратурадан ҳам одамлар бор эди. Район партия комитетининг биринчи котиби Қаҳҳор Ортиқмуродов йиғилишни очиб, пахта теримининг бориши ҳақида ахборот берди. У 14 октябрь куни районимизнинг пахта плани тўлиши керак, бунинг учун биз барча мактабларнинг юқори синф ўқувчиларини 13—14 октябрь кунлари теримга олиб чиқишимиз зарур, деди. У йиғин аҳлига маслаҳат ҳам солмади, афтидан болаларни пахта теримига олиб чиқиш масаласи бизгача ҳал этилган экан...

— Ўша йиғилишда юздан зиёд раҳбар қатнашган экан, наҳотки улардан бирон киши «Ҳей яхшилар, Ўзбекистоннинг бирон жойида ўқувчилар пахта теримига жалб этилаётгани йўқ. Нега энди биз шундай иш тутишимиз керак», қабилида гап қилмадими?

— Йўқ, ундай одам орамизда топилмади...

— Сиз-чи, сиз ҳам индай олмадингизми?

— Итоаткорлик кучли экан, бизни андиша ўлдирди...

— ...Кейин-чи?

— Райком котиби «обкомга йиғилишга» кетди. Район халқ назорати комитетининг раиси ва халқ таълими бўлими мудири райондаги мактаблар ва улардан теримга жалб этилиши лозим бўлган ўқувчиларни сони ёзилган рўйхат билан автобус ажратдилар. Ўша рўйхатга кўра бизнинг мактабимиздаги 78 ўқувчи иккита «Пазик» билан борадиган бўлди.

— Автобусда 42 одам бор экан. Нима учун мўлжаллангандан зиёд одам ўтказилишига йўл қўйдингиз? Ахир мактаб директори сифатида автобусларга расамади билан одам ўтказилишига масъул эдингиз-ку...

— Буйруқ шундай эди: қандай бўлмасин икки автобусда бир қатновдаёқ ўқувчиларни олиб чиқиб кетишимиз топширилган эди...

...«Зарбдор» касалхонаси ҳовлисида фожиани эшитиб тўпланган оломон жунбушга кела бошлади. Қангли қишлоғининг ўтағоси Қоржов Ҳайдаров дам сайин кўпайиб, пўртанага келаётган халойиқни босди:

— Ўлганларнинг бири бўтам, бири жигарим, бири укам, бирови синглим, — деди у кўзда ёшлари дув-дув оқаркан шу ерда ҳозир бўлган район раҳбарларига қарата. — Касалхонага тушган болаларнинг бари дилбандларим. Халқ ҳам, халойиқ ҳам меники! Шу ерда ҳозир бўлган раҳбар битган зотнинг бир туки тўкилишига ҳам, чертилишига ҳам йўл бермаймиз. Бунга мен кафил! Аммо халқ шундай талаб қўйди: агар бир соат ичида «болаларни пахтага чиқарилсин» деган буйруқни берган шахснинг номи айтилмас экан, биз ўликларни шу ҳовлидан бир қадам силжитмаймиз ва халойиқнинг шундан кейинги хатти-ҳаракатига ҳеч ким кафиллик беролмайди...

Халқнинг олдига ҳеч ким сўз айтиб чиқмади. Маориф мудирини сўрашганди, у кишини ҳам топиб бўлмади. Халойиқ эса сабр билан кимдир нимадир айтишини, фожианинг бош айбдори аниқ кўрсатилишини кутарди.

...Сўнгги дақиқаларда оломонга вилоят партия комитети ва ижроия комитети раҳбарлари рўбарў бўлишди.

Уларнинг гапига қараганда, вилоят раҳбарияти томонидан ўқувчиларни пахта теримига жалб қилиш ҳақида ҳеч қандай кўрсатма ёки топшириқ берилмаган. Фожиа тафсилотларини ўрганиб чиқиш учун тегишли комиссия тузилган, шу бугуноқ айбдорларга нисбатан чоралар кўрилади..

Эртасига Меҳринисонинг жанозасида ҳозир бўлган вакиллар шундай ахборот беришди: Зомин район партия комитети котиблари ишдан олинди, қатор раҳбар шахсларга партиявий чоралар кўрилди. Ана шу фожиа муносабати билан ўтказилган вилоят партия комитети бюросининг фавқулодда йиғилиши баёни ва қабул қилинган қарор «Жиззах ҳақиқати»да батафсил эълон қилинади...

Ўша куни фожиа қурбонларини кўмиш маросимига р а й о н раҳбарларидан фақат район ички ишлар бўлимининг бошлиғи Бўри Бозоровгина келди. Марҳумларнинг оилаларига, ота-оналарига ҳамдардлик билдирди:

— Миллатим тожик, ўзбеклар ўртасида икки йил ишладим. Яхшими-ёмонми шу юртнинг, шу элнинг намагини тотдим. Яхши кунларида бирга бўлдим, фожиали кунда ҳам эл қаторида туриб инсонийлик бурчимни адо этайин, деб келдим бу ерга...

Оға БУРГУТЛИ
Жиззах вилояти

РЕДАКЦИЯДАН: Фалокат қош билан қовоқ ўртасида, дейди халқимиз. Ростдан ҳам шундай. Лекин ҳар бир оқибат сабабсиз бўлмайди. Зомин районида юз берган фалокат оқибатида юз берган фожианинг ҳам маълум сабаблари, албатта, бор. Калаванинг учи айланиб яна ўша маъмурий-буйруқбозлик ҳокимияти жойларда ҳали ҳам давом этаётгани, айрим кишиларнинг одамлар тақдирига ўта бефарқ қараётгани ва ниҳоят ўзбек халқининг пешонасига ҳам бахт, ҳам бахтсизлик келтирган пахтамиз масаласига бориб тақалади. Йўқ, пахтада айб йўқ. Оппоқ пахтамиз — ризқ-рўзимиз. Ҳамма гап ўша етиштирилган тайёр пахта эвазига шон-шуҳрат орттирмоқчи бўлган, катта мажлисларда «полвон гап»ларга ўрганиб қолган одамларда. Фожиа содир бўлган куннёқ Жиззах вилоят фирқа қўмитасининг бюро йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда юз берган фожиа райондаги 5 мингдан ортиқ юқори синф ўқувчиларини ғайриқонуний равишда, ўзбошимчалик билан ўқишдан ажратган ҳолда пахта йиғим-теримига жалб қилиш оқибатида содир бўлди, деб қайд этилди. Район раҳбарлари ишдан олинди. Кўплаб бошқа мутасадди раҳбарларга партиявий жазо кўрилди.

Лекин, энди, маъмурларнинг ўзбошимчалиги оқибатида олтита одам ўлиб, ундан ортиқ киши жароҳат олгандан кейинги ишдан бўшатишлар, партиявий жазолар ҳалок бўлганларга, уларнинг қариндош-уруғларига нима беради? Албатта, маъмурлар ҳам шундай бўлсин, демаган. Ахир қайси инсон ёш болаларнинг ўлимини истайди? Лекин биз узоқ йиллар мобайнида фақат оёғимизнинг тагини кўриб ўрганиб қолганмиз. Узоқни кўролмаслигимиз оқибатида фожиа устига фожиа, фалокат устига фалокат ёғилмоқда... Ачинарли томони шундаки, баъзан энг эзгу ниятлар билан бошлаган ишимиз ҳам фалокат келтирмоқда. Нега? Нима учун? Бунинг сабаби назаримизда битта: биз хўжалик юритишда ҳамон буйруқ билан яшаймиз. Буюришларини кутиб турамиз. Бундай беқарорликка фақат эркинлик, ерларни деҳқоннинг ўзига қайтариб бериш билангина чек қўйиш мумкин. Балки ўшанда қош билан қабоқ ўртасидаги турли фалокатлардан фориғ бўлармиз? Яна ким билади, дейсиз...

Жуманиёз ЖАББОРОВ — 60 ёшда

Ҳурматли Жуманиёз Жабборов!

Қутлуғ олтмиш ёшга тўлишингиз арафасида Сиз босиб ўтган ижодий йўл барча ижодкор дўстларингизнинг кўз олдидан ўтмоқда. Қаҳқадарё вилоятининг Пўлоти қишлоғида дунёга келдингиз, қишлоқ мактабини битириб Тошкенти азимдаги Дорилфунунни муваффақиятли тугатгач, Москвадаги жаҳон Адабиёт илмгоҳида таҳсил олдингиз.

«Шарқ юлдузи», «Гулхан» журналлари, «Совет Ўзбекистони» рўзномаси, Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитаси, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида самарали меҳнат қилдингиз. Ҳозирда жумҳурият Навоий ва Ҳамза мукофоти қўмитасида ишламоқдасиз. Қайси даргоҳда ишламанг, ижодий жамоатчиликнинг ҳурматига сазовор бўлиб келмоқдасиз.

Қаламингизга мансуб асарлар тарихи ҳам ўз таржимаи ҳолингиз билан чамбарчас боғланган: 1953 йилда «Ватанимни куйлайман» номли илк шеърий китобингиз ва ундан сўнг китобхонлар қўлига етиб борган «Баҳор нафаси», «Мақсад йўлида», «Тоғлар садоси», «Она ер қўшиғи» каби ўттизга яқин шеърий китобларингиз ўқувчиларингизнинг севимли асарларига айланди. Сиз «Муҳаббат наққоши», «Гулшан», «Саҳро санами», «Қишлоқдаги ҳайкал» кабида ўндан ортиқ достонлар муаллифисиз. «Ўжарлар», «Тўйдан олдин томоша», «Йиллар ўтиб» каби саҳна асарларингиз қирғиз, тожик, қозоқ дўстларимизнинг ҳам саҳналарида ҳануз халқ хизматида.

Муқимий номидаги жумҳурият мусиқа театри ижодий жамоаси саҳнага қўйиш арафасида турган «Менинг оппоқ қабутарларим» номли янги пьесангиз эса томошабинларга яхши тухфа бўлади, деган фикрдамиз.

Рус тилида Иттифоқимиз ўқувчилари эътиборига ҳавола, этилган «Ҳамкорлик», «Дўстлик гулхани», «Йўлдаги ўйлар» каби ўнга яқин шеърий тўпламларингиз қардош халқларни ўзбек халқининг турмуш тарзи, фикр-ўйлари ва бой туйғулари билан ошно этади.

Сиз жумҳуриятимизда таржима соҳасининг ривожланишида ҳам самарали хизмат қилмоқдасиз. Улуғ Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини ҳамда Байрон, М. Лермонтов, Р. Тагор, Т. Шевченко, Воқиф, В. Маяковский каби ўндан ортиқ буюк шоирларнинг асларидан намуналар Сизнинг таржимангиз туфайли ўзбек китобхонларининг ҳурматига сазовор бўлди.

Ижтимоий ва адабий фаолиятингиз яхши тақдирланган. Ўзбекистон жумҳурияти Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари, бир қатор медаллар билан мукофотлангансиз. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» бўлдингиз.

Ҳурматли Жуманиёз Жабборов! Сиз самимий, камтар, заҳматкаш инсон сифатида кўпдан-кўп ёшларга ўрнак ва устозсиз. Бу ноёб хусусиятингиз умр бўйи Сизни янги-янги муваффақиятларга етаклаб боришига ишонамиз.

Сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҲАЙЪАТИ

Қутлаймиз!

МЕҲР ДАРАХТИ

«Ҳаёт — оқиб ётган буюк бир дарё». Шу буюк дарёнинг ҳаракатини англаш, унинг маъносини ҳис қилиш Жуманиёз Жабборов асарларининг сифати. Яхшиликка чанқоқлик, руҳият поклиги, ният кенглиги, мақсад бутунлиги шеъриятининг мағзига сингиган ҳол. Бу жиҳатлар шоирнинг юртга, одамларга, замонга, борлиққа бўлган меҳри билан қўшилиб кетган. Шу боис ҳам, мен, Жуманиёз Жабборов шеъриятини Меҳр дарахти дегим келади. Унинг ҳоҳ кичик бир тўртлигими ёки шеър, достонида бўлмасин фикр томири Меҳр номли қадрдон заминга туташганини сезасиз. Бу Меҳрни вояга етказган эл ва тупроқ эканидан бир лаҳза севинасиз. Беғуборлик, беозорлик рангларидан нусха олган ҳикмат — соддалик кўнглингизга ширин орзиқиш туйғусини солади. Офтобнинг ҳароратини симирасиз. Замин янада яқинингизга келади. Унга биродарингиз каби, ҳеч тортинмасдан, кўнглингиздаги ғапларингизни очиб ташлайсиз. Унинг дардларини тинглайсиз. Меҳрини туясиз. Мурувватини дариғ тутмаган, ҳимматини аямаган замин сизнинг ҳам шафқатингизга, раҳмингизга жудажуда зор турганлигини англайсиз. Табиат ва инсон азалий бир-бирига иноға, улар ҳеч маҳал ажралмаслиги керак, деган фикр хаёлингизга ўрнашади. Бу бирликни ҳис этиш эҳтиёжи шарт бўлиши лозимлигини ўйлайсиз. Кузатишлардан, муносабатлардан, ҳаёт хусусидаги иншолардан туғилган, ички бир сокинликка йўғрилган изтироб қалбингизга кўчади. Унга нур югуртиради. Бу нур — ҳар замон, ҳар қадамда кўриб турган нарсаларингиз замирига жой бўлган юрт.

Жуманиёз Жабборов хусусидаги сўз беихтиёр камтарлик ва самимият билан уланиб кетади. Камтарлик нописанд, самимият эътиборсиз бўлиб бораётган, тезкор, шиддатли, тақдирнинг турфа хил ўйинларига бой даврда мазкур фазилатларга содиқ қолиш жасорат. Одам боласи фақат кунлик келаётган даромаднинг қўлига айланиб, қалби сўқир бўлиб бораётган онда диёнату имонга собит туриш жасорат. Ана шу жасорат юракда эзгуликни тарбиялайди. Жуманиёз Жабборов шеърияти эзгулик кенгликларига ундови билан ибратли.

Икром ОТАМУРОДОВ

Жуманиёз ЖАББОРОВ

АЖАБ ДУНЁ ЭКАН БУ

Ажаб дунё экан бу: увол кўпу савоб кам,
Яъни ҳаёт ичинда савол кўпу жавоб кам.
«Варақ-варақ қидиргил олам кутубхонасин»,
Дардли замона бисёр, ҳол сўрғувчи жаноб кам.
Олдинга босмас эмиш бу дунёда ҳеч бир иш,
Қаёнда илтимос йўқ, таъзим ила тавоф кам.
Қаердаким ихтилоф амрин ўтказди элга,
Барокат ундан олис, шафқату эътироф кам.
Оқар сув лаҳза тинса, кўлмак бўлар азалдан,
Ошиқ дили сўниқдир, қачонким изтироб кам.
Ишқ йўлида довон кўп: машаққат бор шараф бор
Мақсудга бўлмас етиб, қай дилда инқилоб кам.
Замон билан ҳақиқат тилинда сўзлаш, эй дил,
То шиддатинг бўлсин иш, токим бўлсин хитоб кам.
Ҳақиқат лафзи гарчанд аччиқ, даводир вале,
Бефойда ширин сўзнинг мағзида офтоб кам.

СЎЗ ҚАДРИ

Бўлса такрор, қадри кетгай не улуғ сўзларни ҳам,
Гап билиш — кам, бил яна ўрнин топиб сўзларни ҳам.
Ногоҳоний битта сўз дил қасрига яғмо солур,
Сўз улуғ қўдрат, эритгай тошни ҳам, музларни ҳам.
Кундузи юлдуз тақиб, оламга кўз-кўз айлама,
Қадри бўлгай қоп-қаро тун ичра юлдузларни ҳам.
Сенга бир сўз айтажакман, дилгинамда асраган,
Жам этибман бағрига минг кеча-кундузларни ҳам.
Сўз аро инсон камоли, ёр жамоли жилвагар,
Сарбаланд этгай ғазалда не қаро кўзларни ҳам.
«Хамса» водийси аро сўз мулкини кездим неча,
Тингладим яйраб гўзал гулчеҳра, гулюзларни ҳам.
Сўзда ҳикмат, сўзда ибрат, сўзда миллат барқарор,
Яхши сўз бирла топарсан энг яқин дўстларни ҳам.

ЭЙ, ҚАЛАМ

Эй, қалам, ёзмоқчи бўлсанг,
Аввало дардимни ёз,
Дилдаги оҳ, кўздаги ашк,
Рангдаги зардимни ёз.
Уйлама, қайдан келибдир
Бунчалик дарду фироқ,
Билмоқ истарсан магарким,
Сочдаги гардимни ёз.
Ҳар не бордир бу жаҳонда,
Боиси бордир анинг,
Менга боис — нозанину
Нозпарвардимни ёз.
То кўрай шеърда жамолин,
То камолин ҳис этай,
Менга келтир бир шамолин,
Сенга шу шартимни ёз.
Битта мужда, бир хабар
Қутмоқдин ўзга чора йўқ,
Бул синовни даст кўтарган
Қалб деган мардимни ёз.

КЕЛИНЧАК

Фурқат ғазалига мухаммас

Келди ногоҳ боғ тарафдин хуш садоли бир жаранг,
Ул томон пешвоз югурдим, ҳайрат ичра ҳангу манг,
Бир келинчак сайр этарди, худди чақмоқдек башанг,
Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг,
Ғозадин юзларда гобу ўсмадин қошлар таранг.
Шунча масъуд, шунча дилбар, тип-тиниқ бир даста нур,
Сайр этиб юрган мисоликим равзайи ризвонни ҳур,
Худди юлдуз тизма-тизма оқ бўйинда шода дур.
Заъфароний қўйлак узра арғувоний камзуҳур,
Рўймол оғушидин пешонанинг аҳволи танг.
Пок нигоҳларда юрақнинг акси ўйнар шўҳу пок,
Дилгинангни бир боқишда айлагайдир чок-чок,
Бир гўзал, навраста гулким, лаб гилосдир, сийна — нок,
Бори нозук панжалар олтин узукдин зебнок,
Қўл биларзукдин музайян, нуқрадин оғизда чанг,
Ним табассумли қарашлар кўнглинга солгай каманд,
Гоҳ қанот бергай, гоҳо осмонча этгай аржиманд.
Тегмасин кўз, барқ уриб, Ўссин шу боғ ичра баланд,
Гавҳар осқон халқалар сиймин баногўшида банд,
Кўринур зулфи тунинда субҳи содиқдек аранг.
Ҳам ғурур бор кўзларинда, ҳам нафосатли сурур,
Шўх, таманноли нигоҳда неча ўйлар чарх урур,
Чашмада гоҳ қўл ювур, гоҳ юзни гулларга бурур,
Ғамза бирла ўлтирур, гоҳ жилвалар бирла юрур,
Турфа бир ноз, офарин, пур ишва таннозу сатанг.
Тишлари қошинда юз дурдона бозори синиб,
Кулгиси олдинда шўх оққан ариқлар ҳам тиниб,
Ғунча лабдан лола-гулларга қизиликлар иниб,
Ақлу хуш элтар агар турса паридек силкиниб,
Одамзод ичра ҳам мундоғ бўлурми шўху шанг?
Энди мен асло қутулмам оҳу армон дастидин,
Ўйлаб-ўйлаб ул гўзални, аҳду афғон дастидин,
Бўлса мумкиндир қутулмоқ ҳатто осмон дастидин,
Йўқ қутулмоқлиғ менга ул офатижон дастидан,
Қасдима қошлар камон, пайваста мужгонлар ҳаданг.
Кўнглим ичра гоҳ туман бор, ярқирар гоҳи чароғ,
Гоҳ заминдек пастда бўлсам, гоҳ баландман мисли тоғ,
Икки ёлқин, икки тўлқин ичра қалбим тўмтароқ.
Ул париваш ишқида гоҳ телбаҳурмен, гоҳ соғ,
Чунки бордир орамизда гоҳи сулҳу гоҳи жанг.
Қай куни тақдир менга бул бахти кўзгу айлади,
Жумла ошиқ, эй Ниёз, бахтингни орзу айлади,
Зарра шафқатни қачон сенга парирў айлади,
Жаврларким, Фурқат, ул шўху жафожў айлади,
Бунчалик жабру ситам қилмас мусулмонга фаранг.

МЕҲР ДАРАХТИ



Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

ЕНҒОҚНИНГ ҚАҲРИ

Ўтган ҳам, қайтган ҳам бу катта йўлдан
Енғоқ дарахтига кўзи тушади.
Нафс қурғур ўғирлар ақлни бирдан,
Хивичми, ходами — «иш»га тушади.
Қалтакламанг уни жони қаттиқ деб,
Япроқлар сарғайиб, куни битади.
Йўқотар мулкини, шоҳлари лат еб,
Дарахтнинг уволи сизни тутади.
Деманг, табиатни зинҳор кўр, соқов,
Қаҳри қаттиқ бўлар, қарғаши ёмон.
Қўли узунлар ҳам беролмаслар дов,
Чақмоқ уриб кетар, қолмаслар омон.
Қайтаринг инсофни йўли — изига,
Дунё ваҳшийликдан қақшаб кетади.
Енғоқни бир чақинг, боқинг мағзига,
одам миясига ўхшаб кетади.

ДАРС

Чавандоз эгарда, қамчини босар,
Қамчининг учи елкага ботар,
Қўпкари ночор, майиб пойгалар,
Тулпорлар кетиб,
Эшаклар қолмиш!
Тириклик тарзи — елкалар яғир,
Қудуқда шўр сув — лаб ёрар, тахир,
Пешонанг шўрли бунчалар ахир,
Чўпга осиғлиқ
Челаклар қолмиш!
Тупроқ илмидан сабоқ — дарс кетди,
«Қарздорсан» деган аччиқ арз кетди,
Деҳқон қалбига қаттиқ дарз кетди,
Деворлар қулаб
Кесаклар қолмиш!
Омбор тўлдирган ботир билаклар,
Яхшилаб қаранг, ҳушёр юраклар,
Ун қайга учмиш, ана, кепаклар,
Қўлда ҳувуллаб,
Элаклар қолмиш!

Умр ҳам мустаҳкам
Иморат эмас,
Пойдевор, пештоқда
Хом ғиштлари бор!
Ҳаёт ҳам қувончдан
Иборат эмас,
Аламнок кўзёшлар
Ташвишлари бор!
Ғам-андуҳ олдида
Ҳеч ким бермас дош,
Юксак тоғлар қулар,
Нурайди қоя!
Эй, Инсон, мен сенга
Тилайман бардош,
Вақт — буюк Муаллим,
Вақт — улуғ Доя!

ҲЕЧ КИМ УСТУН БЎЛГАН ЭМАС

Олам ичра бир тирик жон ки устун бўлган эмас,
Дунё ҳам бир кам эрурким, бусбутун бўлган эмас.
Жон элим оташпараст хўб, ўт билан қалб барҳаёт,
Кулга сажда айламас, кул чўғ, учқун бўлган эмас.
Дарёлар дарё бўлурми оқмаса ирмоқлари,
Сен кўпикка учмагин қўй, шўх тўлқун бўлган эмас.
Доно инсон хокисору камсуқум, камтар бўлур,
Беақл, бебурд ғапида манъ-мазмун бўлган эмас.
Ой кулур, офтоб ёнур, тунлараро сайёралар,
Ким кўрибди отганин тонг, кунсиз тун бўлган эмас.
Бор имонли, пок ҳалоллар, қалблари — мулк давлати,
Дунёга ўч, молпарастдай, қул, тутқун бўлган эмас.
Ошиқлар қадрига етгин, ёқла дўстлар бахтини,
Битта тордан чиқмас садо, тилсиз ун бўлган эмас.
Қани Фарҳод, қани Ширин, Тоҳиру Зуҳро қани?
Лайлисин ҳажрида ёнмай Қайс Мажнун бўлган эмас.
Ўтар-кетар амал, дунё, қилмас вафо умр ҳам,
Барчадан қолган бино бу, хос очун бўлган эмас.
Оқибатнинг бағри тормас, меҳри қолур, кўнгил яшар,
Кин, адоват бошга бало, дўст малъун бўлган эмас.
Ақл ила ечгин тугунни, ул ҳаёт жумбоғидир,
Эртани эрта, деюрлар, у — бугун бўлган эмас.
Яхшидан қолгай ҳамиша, яхши от, англа, Нарзий,
Бад киши бадбахт бўлур ҳақ, шод, мамнун бўлган эмас.

СУРАТНИНГ СИЙРАТИ

МИРТЕМИР ДОМЛА САНЪАТИ ПОИИДА

1956 ИЙЛ мамлакатимиз тарихида XX съезд йили сифатида (бугун партияга муносабатимиз қандай бўлишидан қатъи назар, XX съезднинг аҳамиятига кўз юмиб қараёлмаймиз. Эсланг: шу съезд Сталин шахсига муносиб баҳо берди, шу съезддан кейин сиёсий маҳбуслар оқланди, шу съезддан кейин ўзбек маданиятининг шаҳид кетган гуллари ҳам, гарчи жисман бўлмаса-да, ўз халқига қайтарилди) атоқли бўлса, ўзбек халқи тарихида бу йилнинг аҳамияти янада каттароқ: яъни, шу йил адабиётимизда яна бир гўзал Санъат асари туғилди...

...60-йилларнинг боши. Шоир Омон Мухторов билан (у пайтлар фақат шоир эди) эндигина танишган кезларимиз. Бир суҳбатимизда у ҳаяжон билан мана бу сатрларни ўқиб қолди:

На олтин, на жавоҳир эдим...
Армонли бир ёш шоир эдим.

— Ўқиганмисиз? — деди ўша ҳаяжонда. Мен унга тикилиб қолган эдим. «Ўқимаганман» ишорасида бош чайқаб, шеърнинг давомини кутдим. — Миртемир домла! — дея хитоб қилди Омон. — «Сурат» деган достон! Яқинда чиқди! — Кейин яна ўқишда давом этди...

Тез кунларда домланинг янги қуллиёти нашрдан чиқиб қолди. Муқовасида «Миртемир» деб ёзилган оқ китоб, мана йигирма тўққиз йилдан бери менинг ҳамроҳим. Бу китобдан домланинг гўзал шеърлари қатори «Сурат» деган ихчамгина лирик достони ҳам ўрин олган. «Сурат»ни 70-йилларнинг бошида радиода инсценировка қилдим. Икки катта санъаткор — режиссёр Нишон Ғайбуллаев билан бугунги кунда марҳум халқ артисти Ҳамза Умаровнинг маҳорати туфайли бу инсценировка ҳамон ҳаво мавжларида жаранглаб келади...

Мен достонни ёд биламан. Давраларда шеър ўқиш лозим бўлиб қолганида ўзимнинг шеъримни эмас, шу достондан парчалар ўқийман.

Бугун, домланинг 80 йиллик тўйлари арафасида бу достон тўғрисида яна гап юритиш ортиқча бўлмаса керак. Йўқ, мен достонни таҳлил қилмоқчи эмасман, бу улкан Санъат пойда туриб, шу Санъат қаршисидаги ҳайратим билан ўртоқлашмоқчиман, холос.

Ўзбек шеъриятида гўзал достонлар кўп: «Зайнаб ва Омон», «Руҳлар исёни», «Сотволдидан салом...» Аммо «Сурат» мен учун алоҳида қиммatли. Мен бу достонда шоирга хос иккита юксак фазилат: юксак Муҳаббат билан юксак Санъатни ниҳоятда уйғунлашган ҳолда кўраман.

Аввало, ҳар эҳтимолга қарши, достоннинг қисқача мазмунига тўхталайлик. Лирик қаҳрамон урушга кетганида ёри унга хиёнат қилиб, бошқага турмушига чиқади. Қаҳрамонда унинг сурати қолган, холос. Бутун достон қаҳрамоннинг шу суратга қараб кечирган кечинмаларидан иборат. Кўрдингизми, жўнгина гап. Бироқ, шу жўнгина гап қандай катта Санъат билан ифода қилинган!

Мана, қаранг:

Оч назарим тушар суратга...

Қаҳрамон суратга тасодифан дуч келиб қолгани йўқ, уни бир умр ёнида кўтариб юрибди (бунга кейинроқ амин бўласиз). Демак, ҳар дақиқада унга ОЧ назар билан қарайди! Чунки ўртада муҳаббат бор! Бир умр кўтариб юрган суратига ОЧ назар билан қариш учун ким бўлиш керак? Албатта, ошиқ бўлиш (гарчи ришталар аллақачон узилган бўлса ҳам) керак, албатта, шоир бўлиш керак!

Сурат, сурат? Нега сен тилсиз?
Сени асраб тўрт йил қўйнимда, —
Топинардим, ўпардим, эсиз!
Эвоҳ, қандай ЗИЛ юк бўйнимда,
Сени асраб ТЎРТ йил қўйнимда...[1]

Бу сатрлар ҳайрат, фақат ҳайрат қўзғамайдими? Оддийгина суратнинг ЗИЛ юкка айланиши қай ҳолда юз беради?

Аммо:

Иннакейин айрилиқ жафо тошини
Бизнинг пешонага урди ва аёвсиз.
Иннакейин, йироқда қалам қошимни —
Соғиндим, соғиндим, соғиндим...
Эсиз!

Олдинги изтироблар бошқа эди. У изтироблар ойдин қўшиқлар билан йўғрилган эди.

Қўшиқлар тўқисам, нўноқ бўлмаса,
Сендан ўзга дилга қўноқ бўлмаса!
Куйласам туну кун сулувлигингни,
Куйлаш мумкинми дил қайноқ бўлмаса?

Эндиги изтироблар... Эндиги изтироблар изтироб эмас, жаҳаннам азоби!

Қаҳрамон ҳақиқий ошиқ, муаллиф ҳақиқий шоир бўлганидагина!

Дарвоқе, ошиқлик хусусида. Такрор бўлса ҳам, энг дастлаб келтирилган тўртликни яна келтиришга тўғри келади:

На олтин, на жавоҳир эдим...
Армонли бир ёш шоир эдим.

Энди қаранг:

Зуҳро бўлмасанг ҳам чиройда,
Мен ишқингда нақ Тоҳир эдим.

Қаҳрамон-ку, «на олтин, на жавоҳир, армонли бир ёш шоир», холос, яъни ҳамма қатори одам, аммо муҳаббатда бутунлай бошқача, яъни ўзи қаторилардан фарқ қилади. Гарчи маъшуқа чиройда Зуҳро эмас, қаҳрамон ишқда нақ Тоҳир! Битта тўртликнинг ўзида икки қаҳрамоннинг феъли-аъмолини аниқ-таниқ чизиб бериш, тан олиш керак, фақат шоирнинггина қўлидан келади!

Лекин «нақ Тоҳир»нинг чиройида Зуҳро бўлолмаган маъшуқага эришиши ҳам осон бўлмаган. Унга эришгунича неча тунларни бедор ўтказиб, не-не изтироблар тегирмонида тортилиб, не-не гўзал қўшиқлар битган.

Сени кўрсам фақат очилар кўнглим.
Балки бу ўтинчлар беўрни, бевақт...
Лоақал, лоақал бўлсанг-чи синглим!

Муҳаббат — илоҳий ҳодиса. Агар ошиқнинг муҳаббати ҳақиқий бўлса, маъшуқанинг кўнглига йўл топилади. Машаққатлар, изтироблар билан, лекин барибир йўл топилади. Шунинг учун юқоридаги изтироблар висол сармастликларига алмашади:

...У кез учратардим сени панада,
Дилда ёниш борди, ёниш ва ёниш.
Кейин, тоқатлар тоқ, кутардик висол,
Кейин, маҳгуликка беришдик ваъда.
Кейин, қучоғимга тўлдинг бахт мисол...
Иннайкейин, иннакейин... мен бўлдим дада. (!)

Кўрмай десам, кўзим кўр эмас,
Юрмай десам, оёғим бутун.

Ёки:

Шўрлик Тошлон, бечора Тошлон,
Ғамдийда ҳей, кўзларим, ёшлан!

Яна:

У — ёшликни соғинар фақат.
Эсдаликлар жон қийнар фақат.
Ёшликдаги муҳаббат ўчмас,
Ажал келса у тинар фақат...

Одамнинг бошқ тошдан қаттиқ. Ошиқнинг боши эса... домланинг ибораси билан айтганда «...баттар каби!» Тошлон билади: айб Ойсулувда. Ойсулув хиёнат қилди. Ойсулув бардош беролмади:

Мақтовларнинг қули бўлганинг
Елғон бўлса, айт-чи ўзимга!
Базмларнинг гули бўлганинг
Елғон бўлса, боқ-чи кўзимга!

Аммо ҳақиқий ошиқ сифатида у маъшуқасини барибир аяйди. Тўғри, гоҳида чидай олмай, юқоридагидай таъналар қилади, ҳақли таъналар қилади.

Кел, йиғлама...
Ёшинг арт, кўз оч:
Дунё олди бутун ўзга ранг!
Ҳасратингни шамолларга соч,
Ҳар балога сабаб — қонли жанг...

Ҳақиқий муҳаббат ошиқ-маъшуқлар бир-бирининг васлига етолмаслиги ёки оиланинг бузилиши биланоқ тугаб қолмайди ахир. Тақдирнинг қандай ҳукм чиқаришига қарамай, у ошиқларнинг умри охиригача барҳаёт бўлади. (Эсингиздами: «Ажал келса у тинар фақат») шунинг учун ҳам Тошлон Ойсулувни аяйпти, унга ачиняпти. Достон сўнггида эса, шоир бу аяш, бу суйиш, бу муҳаббатга энг юксак нуқта қўяди:

Ҳаммасидан — қулишинг яхши,
Дилкаш, мунис бўлишинг яхши...
Кўксимга бош қўйиб суратда,
Таслим бўлиб туришинг яхши.

Муҳаббат достонига бундан бошқача нуқта қўйиб бўладими!

Гапдан кўра шеърий парчалар кўпайиб кетяптими, ҳурматли газетхон? Мен атайлаб шундай қиляпман. Бошида айтдим, достонни таҳлил қилиш ниятим йўқ. Мақсадим ҳам буюк шоирнинг Санъатига бўлган ҳайратимни баён этиш ҳамда Сизни оз бўлса-да, шу Санъатга ошно қилиш. Достон кўп таҳлил қилинган, аммо ҳақиқий Санъат асарини таҳлил қилиб бўладими? Мана, битта байт:

Бу қўшиқлар нақадар заҳар,
Ўртанади сочилса шаҳар.

Хўш, бу байтни таҳлил қилиб бўладими? Таҳлил қилишнинг ҳожати борми ўзи? Унинг ўрнига ундан лаззат олиб, ҳайратга тушиб ўтиришнинг ўзи афзал эмасми?

Домла бир пайтлар менинг қандайдир шеъримни таҳлил қилиб, «муболаға ҳам шунчалик бўладими?» деб қойинган эдилар. Менинг домладан «қасос» олиш имкониятим бор. Чунки қўйида келтириладиган мисолда домла муболағани умуман ақл бовар қилмайдиган даражада ошириб юборганлар. Лекин «қасос» ололмайман. Аксинча, бу муболаға пойда тиз чўкиб, бошимни эгаман. Чунки бу «муболаға» Санъатнинг энг юқори чўққисида турибди. Унга қўлим етмайди. Ҳеч кимнинг қўли етмайди. Мана ўша мисол:

Сийнанг тоза, оқ мармар каби,
Мармар эмас, юмшоқ пар каби.
Мармар совуқ, аммо бу сийна — Дўзах каби, йўқ, баттар каби... (!)

Кўрдингизми?! Бу «муболаға» фақат буюк шоирнинггина қўлидан келади. Бу байтни шарҳлаб ўтиришнинг кераги йўқ. Тўғрироғи, уни шарҳлаб бўлмайди.

Миртемир домланинг ижоди тўғрисида вақтида анча мақолалар ёзилган. Аммо бугуни кунга келиб, домланинг ижодини тадқиқ қилиш тўхтаб қолди. Буни бир томондан изоҳласа бўлади: адабиётда янги-янги истеъдодлар пайдо бўляпти, уларнинг барчасининг ижодини кузатиш керак. Лекин бу изоҳ шахсан мени қаноатлантирмайди. Бизда ҳозир инқилобдан кейинги даврда эришган ҳамма нарсага ижирғаниб қараш одати пайдо бўлган. Санъат эса, даврлардан, уларнинг хусусиятларидан холи ҳолда яшайди. Шунинг учун ҳозир Абдулла Қодирий, унинг Санъати хусусида ҳақли равишда ғапираётганимиздек, Миртемир домла ҳамда унинг Санъатига тез-тез мурожаат қилиб турсак, фақат ўзимизга фойда. Дарахт илдизи заминда бўлганидагина бақувват бўлади, баланд ўсади. Инқилобдан кейинги назмимизнинг ҳаётбахш заминларидан бири Миртемир домла. Домланинг Санъатидан баҳраманд бўлган ҳар қандай шоир ютса ютадики, асло ютқизмайди.

ПИРОВАРДИДА эътиборингизни яна бир парчага жалб этаман. Зора, бу парча шоирларга Санъати билан, ошиқларга муҳаббати билан ибрат, сабоқ бўлса:

...Қиссамизни ёйма оламга,
Бўлсин юрак гўшаси макон.
Эртак каби сўйла боламга,
Маълум бўлсин унга бу достон...
Муҳаббатнинг гавҳар донасин
Ўғирлатган тентаклар, десин.
Ҳар куй, ҳар кун қистаб онасин:
— Эртак, эртак, эртаклар! — десин!

[1] Парчалардаги таъкидлар меники — М. Б.

КОМРОНГА МАКТУБ

933 йил рабиулаввал ойининг ўн олтиси. Мелодий ҳисобда 1526 йил 23 декабрь. Деҳли. Юзма-юз жангда бас келолмаган Бобур мухолифлари нотанти йўл тутадилар. Баковулни қўлга олиб, овқатига заҳар қўшадилар.

У рабиулаввалнинг йигирманчисида (27 декабрь) Кобулга ўғли Ҳумоюнга ёзади: «Одина куни кеч намози дигар ош торттилар. Товушнон ошидин хейли едим... Қоқ гўштдин бир-икки тикка олдим. Кўнглум барҳам урди... қўзғолиб келди... Охир кўрдумким, бўлмас, қўптум. Обхонаға боргунча йўлда бир навбат қусаёздим... Обхонаға бориб қалин қустум. Ҳаргиз ошдин сўнг қусмас эдим, балки ичганда ҳам қусмас эдим. Кўнглумға шубҳа кечти. Бовурчини сахлатиб буюрдимким, ул қайни итга бериб, итни сахлағайлар. Тонгласиға бир паҳрага ёвуқ ит беҳолроқ бўлуб, қорни дам қилғондек бўлди. Ҳар неча тош била урдилар, эврушттилар, қўпмади...»

Бу хат «Бобурнома»да келтирилган. Тарих гувоҳки, Бобур бахтли тасодиф билан ўлмай қолди, лекин бу воқеа унинг соғлигигагина эмас, руҳига ҳам қаттиқ таъсир этгани аниқ. «Бобурнома»да у фарзандларига, хусусан, Ҳумоюн ва Комронга ушбу «ғариб воқеа»ни хат орқали маълум қилганини қайд этади. Жумладан, рабиулаввалнинг йигирма тўққизида (1527 йил 4 январь) айбдорларга дахлдор бир кишини (Иброҳим Лўдийнинг ўғлини) Комрон қошидан келган Мулла Сарсон билан қўшиб юборганини хабар қилади. Лекин Комронга юборилган мактуб «Бобурнома»га кирган эмас.

1972 йили Қозон дорилфунуни кутубхонасида сақланаётган ўзбек адабиёти намуналарини кўздан кечирар эканмиз, дафъатан Бобурнинг ўғли Комронга ёзган хатига дуч келиб қолдик. Мазмунига кўра бу ўша Мулла Сарсондан юборилган мактуб эди. Мактуб қўлёзманинг кўчирилган нусхаси бўлиб, «Насиҳатномаи Бобуршоҳ ба фарзанди худ» (Бобуршоҳнинг ўз фарзандига насиҳатномаси) номи билан 1272-Т рақами остида кутубхонанинг «Нодир қўлёзмалар бўлими»да сақланмоқда экан. Қозон дорилфунуни доценти, таниқли татар адабиётшуноси Хатиб Минигулов илтимосимизга кўра мазкур мактубнинг фотонусхасини олиб юборди (имкондан фойдаланиб, миннатдорчилигимизни билдирамиз).

Буюк «Бобурнома»нинг 460 йиллик қутлуғ санаси кунларида унинг саҳифаларидан узилиб тушиб қолган ва ўз ўрнига қайтиши зарур бўлган ушбу парчани муҳтарам ўқувчиларимиз диққатига ҳавола қилишни лозим топдик.

Дарвоқе, хатнинг қачон, қаерда, ким томонидан кўчирилгани ҳақида бир нарса дейиш қийин. У бирмунча эътиборсизлик билан кўчирилган бўлиб, талай ғалат ва қусурлардан холи эмас.

Б. ҚОСИМОВ

НАСИҲАТНОМАИ БОБУРШОҲ БА ФАРЗАНДИ ХУД

ҲАЗРАТИ БОБУРШОҲ ҒОЗИИ ТОБАСАРОҲ АЗ ҲИНДУСТОН БА ҚАНДАҲОР ФИРИСТОНИД БА ФАРЗАНДИ ХУД БА МИРЗОЙИ КОМГОР[1]

Фарзанди аршаду[2] аржуманд[3] саодатнишон Муҳаммад Комрон баҳодирга саломи муҳаббат анжомидин сўнг улким, кўкалдошу эмикдош ва ичкиларинг билан сабақ ўқурға ружуъ келтуруб эрмишсен. Бу жиҳаттин кўнгулга сурур ва хотирга ҳузур етиб, на бисёр хушҳоллиқ юз берди. Тенгри таоло даргоҳидин умидим борким, жамъи қобилият ва салоҳият бобинда комил ва мукаммил бўлуб, камолға етгайсен. Ҳамиша ушбу тарийқни маръий[4] тутуб, зинҳор тақсир қилмағайсен. Нечукким, ҳазрати Хожа Ҳофиздин манқулдур:

Пирон сухан зи тажриба гўянду, гуфтамат,
Хон, (эй) писар, ки пир шави, панд гўш кун![5]

Эшиттимким, Чиғатой эликим, ҳазрати мағфур ва марҳум Султон Ҳусайн Мирзодин қолибтуларким, ул эл(нинг) кўпрак Хуросон эли билан ўлтуруб-қўпуб, бисёр қобилият ва ҳайсият[6] пайдо қилиб, латофатдин холи эрмаслар. Агарчи, Хуросон эли хуштабъ элдурлар, ҳайсиятларида сўз йўқтур, локин мазҳаб ва миллатларида танг бор. Фитнаангиз элдурлар. Ўғулни отодин, анони ўғулдин ойирурлар. Уларни(нг) сўзига фирифтаи бўлуб[7], ўз эҳтиётинг(н)и қўлунгдин бермагайсен. Турк улусидин отоси қўл бошлаған, аноси тўй бошлаған (?), тўра кўрган эл борким, оталари отаонамизга хизмат қилиб, жон тортиб, иссиғ-совуғда, сафар ва ҳазарда[8] бирга бўлуб, лаҳза балки ламҳа[9] айрилмаян. Хизмате шоиста қилиб ва пандин-да баржой келтурубтурлар. Ул элдин имтиҳон қилиб, (сен) эшикинга йўл беруб, вакили мутлақ этиб, ғофил бўлмағайсен. Кичик ёшлиқ эрса, алардин кенгаш сўруб, маслаҳат тилаб, аларнинг сўзи билан амал қилиб, асло ва мутлақо ҳеч муҳимга иштиғол қилмағайсен. Андишалиқ беклар илан (ва) олийрой қарочу давлатхоҳларким, ҳамиша муҳим ва маслаҳат ичинда бўла келиб туралар, аларнинг савол-жавоб ва кенгашларидин чиқмағайсен. Хушомадгўй сўзиға фирифтаи бўлуб, давлатхоҳларким, давлатга муносиб сўзни эшитиб, кўруб-билиб, келиб, юзунга қотиқ айтурлар, аларга ачиғ(лан)мағайсен. Агарчи юзунга филҳол қотиқ кўринур, охир неча кўб кулдирур.

Масалдурким, дўст йиғлатур, душман кулдура айтур. Дўсту душманни тониб, бу мазмун ила амал қилғайсен.

Мисраъ: **Жойе гул-гул бош ва жойе хор-хор[10].**

Тақи Қандаҳор черики эҳтишомдур[11]. Ҳар қайси кичик-каримнинг сўзи билан ул сори отланғувчи бўлмағайсен. Агар зарурат бўлуб, қобу тобиб[12], отланур бўлсанг, иш бошлаған, мажолис кўрган, тўратўқай кўргон, тузук қилғон давлатхоҳларинга кўнгул бериб, яхши айтиб йибор. Элдин яхши сўзунги айтиб, мукаммил бўлуб, истеъдоди тамом билан мутаважжиҳ бўлғайсен. Ироқ-ёқиндин эшитурга ва кўрурга муносиб бўлғусидур.

Тақи ножинс, камзот, ҳар неча хуштабъ ва қобилиятлиқ, бўлсалар тарбият қилуб, амури мамлакатга[13] дахл бермагайсенким, ҳазрати Шайх Саъдийдин манқулдурким:

Нокас бо тарбият нашавад, эй ҳаким, кас,
Дар боғ лола рўяд ва дар шўра хору хас[14].

Ҳазрати мавлоно Жомийдин бу қитъа машҳурдур:

Ҳаркн нокас бувад дар аслу сиришт,
Мунқалиб натавон кардан, эй жигар.
Нокасеро агар куни мақлуб,
Қалбе у ғайре баста кай нашавад[15].

Тақи Мовароуннаҳр эли бисёр содалавҳ элдурлар. Ҳар нечаи беқобилият бўлсалар, аларга эътимод[16] қилса бўлур. Тахсис[17] ул қурси шабистонининг[18] шамъи анваридур, аё гулистонининг андалиби суханвари ҳазрат Хожа Убайдуллоҳким, имдод қилибтурлар, то ғоят бу ишларни(нг) давлати ул азизларнинг ҳимматидиндур.

Ул силсиланинг мурид ва асҳоби[19] подшоҳзода деб сенга келсалар, зинҳор акром ва эъзозларини марьий тутиб, аларнинг борисида тақсир[20] қилмағайсен. Аларким, ишқ бобинда бўлурлар, севарларнинг итини ҳам севарлар.

Тақи Ҳиндустон кайфиятин фатҳномадин маълум қилғумдур. Иброҳимким, Ҳиндустон подшоҳи бўлғай, анинг ўғли қўлға тушубтур. Ани сен фарзанди дилбандға йиборилди. Нечукким, анинг аҳволиндан хабардор бўлуб, ўзунг муқайяд бўлғайсен. Мундин сўнгким, ҳар воқеаи юз берса, ирсол қилғумдур. Вассалом. Ҳуснунг назорасида пайвастамиз. Раҳгузир[21] йўқ. Сўз ушбудирки: Жоно, холиқдин ўзга сўз йўқ.



ИЗОҲЛАР

1. Ҳазрати Бобуршоҳ ғозийнинг Ҳиндистондан Қандаҳорга саодатманд мирзо фарзандига йўллаган хайрли ҳолномаси; 2. Аршад — ақлли; 3. Аржуманд — қадрли; 4. Марьий — риоя, эътибор; 5. Таржимаси: «Улуғлар гапларини тажрибаларига суяниб айтадилар. Эй ўғил, улуғ бўлсанг ҳам насиҳатимга қулоқ сол»; 6. Ҳайсият — эътибор, лаёқат; 7. Фирифтаи бўлмоқ — маҳлиё бўлиш, алданиш; 8. Ҳазар — турғунлик; 9. Ламҳа — сония; 10. Таржимаси: «Гулга гул, тиканга тикан бўл»; 11. Эҳтишом — ҳашаматли; 12. Қобу тобиб — лозим топиб; 13. Амури мамлакат — мамлакат идораси; 14. Таржимаси: «Нокасни тарбия билан инсон қилиб бўлмайди, эй ҳаким, чунки боғда гул унади, шўрхокда эса хас-хашак битади»; 15. Таржимаси: «Кимки пасткаш бўлса, уни тузатиб бўлмайди, эй жигар. Уни одам қилган тақдирингда ҳам қалби ўша ҳолда қолади-ку»; 16. Эътимод — ишонич, эътиқод қўйиш; 17. Тахсис — хусусан; 18. Курси шабистон — фалак туни; 19. Асҳоб — суҳбатдошлар; 20. Тақсир — қусур, хато; 21. Раҳгузир йўқ — беҳуда сўз йўқ.

Мўғуллар ҳокимият тепасига келгунига қадар Ҳиндистонда боғдорчилик санъати йўқ даражада эди. Ҳиндистонда мўғул боғларининг асосчиси Бобур табиат гўзаллигини ниҳоятда чуқур ҳис қиладиган ҳассос инсон бўлган.

М. РАНДҲАВА

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ

БОБУР ФАРАНГИСТОНДА

БУНДАН қарийб уч аср муқаддам фаранг шарқшуноси Бартолеме д' Ербело де Моленвил (1625 — 1695) ўзининг машҳур «Шарқ кутубхонаси» (1697) қомусидаги «Бобур ёки Бобар» мақоласида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида Оврупо илм аҳлига илк маълумот бериб ўтган эди. XVIII — XIX аср мобайнида Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш, унинг машҳур асари «Бобурнома»ни таржима ва тадқиқ қилиш ишига А. де Лонгперйе, А. Ж. Клапрот, Ж. Дармстете, А. Паве де Куртейл каби фарангистонлик олимлар салмоқли ҳисса қўшдилар. 1871 йили «Бобурнома»нинг Анри Паве де Куртейл (1821 — 1889) таржимасида фаранг тилда босилиб чиқиши Оврупо бобуршунослигида улкан воқеа бўлди.

XX асрда ҳам фаранг олимлари Бобур фаолиятини ўрганиш, «Бобурнома»ни таржима қилиш борасида фидойилик кўрсатиб келмоқдалар. Фарангистонда чиқаётган нуфузли қомусларда Бобур шахсиятини улуғловчи, «Бобурнома» таърифини келтирувчи мақолалар босилмоқда. Шарқшунос олимлар Бобур ҳаётидан ҳикоя қилувчи қизиқарли китоблар ёзмоқдалар. Масалан, 1930 йили нашр этилган Фернанд Гренарднинг «Бобур» (муқовада «Бабер») рисоласи кенг жамоатчиликка манзур бўлиб, тез фурсатда инглиз ва турк тилларида ҳам босилиб чиқди.

Китоб ўн тўрт бобдан иборат. Унда Бобур болалик чоғидан то умрининг охиригача бошдан кечирган воқеалар ҳаётий ва қизиқарли тарзда баён қилинган. Гренард ўз китобида «Бобурнома» издан боради. Масалан, муаллиф асарнинг «Беюрт ҳукмдор» бобида Бобурнинг Самарқандни ташлаб чиққан, Андижонни қўлдан берган пайтдаги нохуш кайфиятини қуйидагича тасвирлайди: «Орзу-умидлари чилпарчин бўлган Бобур орқага қайтади. Баҳор фасли эди, у тоғаси юрти (Тошкент — М. Х.) томон йўл тутади. Бобур эзилган кўнглига таскин бермоқ ниятида қуйидаги мисра билан бошланувчи ғазалини битади:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим».

Айниқса Бобурнинг Ҳирот ва Кобулдаги ҳаёти Гренард қаламида жонли тасвирланган. Бу ерда Бобур тахту тож учун жангталаб соҳибқирон эмас, балки нозиктабъ инсон ва дилбар шоир қиёфасида намоён бўлади. Муаллиф ёзади: «Баҳор келди. Бобур ҳар қадамда учровчи бадфеъл кимсаларнинг назаридан четда бўлиш, кўклам нафаси уфуриб турган тоғ ёнбағирларида сайру томоша айлаб, қуш ови-ла машғул бўлмоқ ниятида яқинлари билан чиқиб кетади. Чор-атроф ям-яшил либосга бурканган, атрофни алвон лолалар қоплаганди. У лола гулларининг ўттиз тўрт туридан гулдаста тизиб ўтириб, ушбу сатрларни битади:

Менинг кўнглимки гулнинг ғунчасидек тах-батах қондур,
Агар юз минг баҳор ўлса очилмоғи не имкондур,
Агар ул қоши ёсиз боғ гаштин орзу қилсам,
Кўзумга ўқдурур сарву кўнгулга ғунча пайкондур».

ГРЕНАРД китобида «Бобурнома» муаллиф фаолиятини ўзида акс эттирувчи қомусий манба тариқасида талқин қилинган ва юксак баҳоланган. Бобур эса «ўзига хос оҳангга эга бўлган ҳассос шоир, ўзининг «Бобурнома» асари билан моҳир ёзувчи» қиёфасида тасвирланган.

Маълумки, 1983 йили жаҳон адабий жамоатчилиги Бобур таваллудининг 500 йиллигини нишонлади. Бу қутлуғ санага фаранг бобуршунослари ҳам ажойиб туҳфа тайёрладилар. 1980 йили Париждаги «Пюбликасион ориенталист де Франс» нашриёти «Бобурнома»нинг янги фарангча таржимасини «Бобур» китоби» («Лў ливр дў Бабур») номи билан нашр этди. Таниқли шарқшунос олим, доктор Жан-Луи Бакйе-Граммон қаламига мансуб ушбу таржима тез орада бутун Оврупо аҳлига, фарангизабон ўқувчиларга манзур бўлди. Мазкур нашрга фаранг олими Луи Базен, ўзбек олимаси Сабоҳат Азимжонова, ҳинд олими Муҳиббул Ҳасан ва афғон олими Абдулҳай Ҳабибий сўзбошилар ёзганлар. Уларда Бобурнинг «Буюк мўғул империяси»ни барпо этиш йўлидаги кураши, «Бобурнома»нинг ёзилиш тарихи, унинг жаҳон маданиятида тутган ўрни ва фазилатлари хусусида атрофлича фикр-мулоҳаза юритилган.

1981 йили «Бобурнома»нинг доктор Бакйе-Граммон таржимаси ФИТ — Халқаро таржимонлар уюшмасининг бош совриний — Гран прини олишга муваффақ бўлди. Айни пайтда мазкур таржима илм аҳли томонидан ҳам юксак баҳоланди. ЮНЕСКО вакили Габриэл Венэ таржимага мукофот топшириш тантанасида сўз оларкан, «доктор Бакйе-Граммон тарих ва тилшунослик соҳасида из қолдирувчи ишни бажарди. Мутахассислар билан суҳбатлашганимда «турк-чиғатой» тилидан таржима қилинган ушбу таржиманинг жуда мукаммал эканлигини айтдилар. Мен айтмоқчи бўлганим: бугунги фаранг тилида XVI аср туркий тил лексикасини қайта тиклаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди», деганида тамомила ҳақдир.

«Бобурнома» таржимаси тезда тарқалиб кетди. Китобхон талабини ҳисобга олган Париждаги миллий нашриётнинг Шарқ бўлими (Колексион ориентал дў л' Импримери насионал) 1985 йили китобнинг иккинчи нашрини амалга оширди. Кейинги нашр олдингисидан ҳажмининг катталиги, қоғоз ва полиграфик ижросининг чиройлилиги билангина эмас, балки унга киритилган янги илмий манба ва шарҳлар, айрим тузатишлар, кўпсонли миниатюралари билан ҳам ажралиб туради. Иккинчи нашрга «Коллеж дў Франс»нинг профессори Андре Микэл кириш сўзи ёзган. Унда Бобур ва унинг «Бобурнома» асари ҳақида кенг маълумот берилган. Бир ўринда муаллиф шундай ёзади: «Жанглар, ғалаба ва мағлубиятлар, келишувлар... булар шубҳадан ташқари. Шунингдек, хотиралар, фикрлар, заифликлар, юрак дардлари ҳақида ғоят соддадиллик билан, ҳеч қандай мақтанчоқликка берилмасдан ҳикоя қилинади».

Янги нашрда Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон хариталари, илмий шарҳлар, библиографик кўрсаткич илова қилинган. Библиографик манбаларга Сабоҳат Азимжонова тартиб берган ва унга Совет Иттифоқида, жумладан Ўзбекистонда то 1983 йилга қадар чоп этилган «Бобурнома»нинг барча нашрлари, совет олимларининг Бобур ижодига доир тадқиқотлари, «Бобурнома»га чизилган миниатюралар жамланган альбомлар библиографияси киритилган. Иловада Бобур авлодларининг тарихий шажараси ҳамда С. Азимжонова томонидан ёзилган «Хатти Бобурий» ҳақидаги мақола, шу асар қўлёзмасининг фотофаксимилеси ҳам ўрин олган.

ИККИНЧИ нашр 1986 йилдан сотишга чиқарилди. Кўп ўтмай Оврупо матбуотида китоб ҳақидаги тақриз ва хабарлар босила бошлади. Франциядаги «Фигаро литерэр», «Вуа дю Норд», «Монд дў ливр», «Сентр пресс», «Гавр либре», Белгиядаги «Суар», Югославиядаги «Культура Истока», Туркиядаги «Ердем» ва «Таржумон» каби эътиборли нашрларда йигирмага яқин тақриз ҳамда хабарлар босилдики, бу «Бобурнома»нинг жаҳоний шуҳратини янада оширди. Масалан, «Сосиете» («Жамият») журналида эълон қилинган «Ҳукмдорнинг тақдири» сарлавҳали тақризнинг муаллифи Робер Перу шундай ёзади: «Бобур ҳарбий усулларни яхши эгаллаган ҳукмдоргина эмас, балки юксак маданиятли, фикр-мулоҳазали, табиатан шоир ва ҳазил-мутойибага ўта мойил шахс бўлган. Унинг олий фазилатларидан яна бири — билимдонлиги ва тақдир билан мулоқот қила олишидир. У ўз она тили туркийда ажойиб тарихий қисса ҳам ёзиб қолдирди. Бу «Бобурнома» асаридир. Асар тилининг соддалиги ва ўқишлилиги билан кишини ўзига мафтун этади... Доктор Бакйе-Граммон бу китобни ўз тилига олимона таржима қилиш билан ундаги теранликни фаранг ўқувчисига етказа олган».

Чет элларда, хорижий тилларда Бобур ва бобурийлар ҳақида битилган тарихий асарлар, яратилган илмий тадқиқотлар оз эмас. Шулардан бири — ҳиндистонлик олим Муни Лаъл қаламига мансуб «Бобур» китобидир. Китобда буюк шоир ва саркарданинг бутун ҳаёти қамраб олинади ва асл манбалар, ишончли далиллар асосида изчил таҳлил ва талқин этилади.

Қуйида ана шу китобдан бир бобни бир оз қисқартишлар ила эътиборингизга ҳавола қиламиз.

МУНИ ЛАЪЛ

СЎНГГИ САЁҲАТ

«БОБУР» ЭССЕ-РОМАНИДАН БОБ

КАНВАҲА ЖАНГИДАН сўнг унга «Ғозий» унвони берилди... Ғозий атрофга хотиржам боқар, ўз ишидан энди мамнун эди. Ражпутларнинг сўнгги исён оловлари ҳам сўндирилди. Бадахшондан Биҳоргача, Ҳимолайдан Гувалёр тоғларига қадар чўзилган ҳудудсиз ерлар унинг қиличига мусаллам эди. Панипат жангидан сўнг жанговар қудрати ошиб борди. Иброҳим Лўдийнинг кўплаб саркардалари келиб унга бош эгишди. Қолган афғон сардорлари қатъий бир муқовимат кўрсатишга ожиз эдилар. Ҳиндистоннинг муслим ва ғайримуслим лашкарлари Бобурнинг илк бор Панипатда қўллаган фарангий милтиқлари ўтидан аросатга тушиб қолишганди. Унинг аскарлари майдонда шердек жанг қилишар ва ҳали-бери Кобулга қайтишни ўйлашмасди. Улар Ҳиндистонда ҳадемай бойиб кетишларига кўзлари етиб қолгач, аҳолини талон-тарож қилишни бошлаб юборишганди. Бобур жангларда ўлжа тушган ғаниматларни сахийлик ила жангчиларга тарқатар, шу туфайли хазина анча бўшаб қолганди. Йигирма минг кишилик қўшинни едириб-ичириш учун маблағ керак эди, шу туфайлидан янги-янги юришларга ҳозирлик кўриш, ҳали таланмаган ерларни босиб олиш зарурати туғиларди. Шундай қилиб, Бобур Биҳор ва Банголанинг шарқий сарҳадларига кўз тикди. Бу ўлкалар Бобурни ҳукмдор деб тан олишмас, унга ўлпон, бож-хирож тўлашмасди.

Ҳайқириб, кўпириб оқувчи Ганг дарёси Бобурнинг йўлига катта тўсиқ эди. Бироқ тўсиқлар унга писанд эмасди. Тўсиқларга дуч келаркан, унинг ғайратига ғайрат қўшиларди. У қўшинларига дарёни кесиб, кўчма кўприклар қуришни буюрди. Дарёнинг шарқий қирғоғидан кузатиб турган ғанимлар унинг бу ишини масхаралаб кулишди, охир-оқибат бу жиннилар дарёга чўкиб, ғарқ бўлади, деб ишонишди. Лекин кўп етмй улар саросимага тушиб қолишди: Бобур қўшинлари дарёдан эсон-омон ўта бошлашди ва тикка ҳужумга ўтишди. Иброҳим Лўдийнинг укаси бўлмиш Маҳмуд Лўдий бошчилигидаги лашкарлар тум-тарақай бўлиб қочишди.

Ана шу юришда Бобурнинг ўн уч яшар ўғли Мирзо Аскарий ажиб қўмондонлик маҳоратини намойиш этди. Тажрибали саркардалар кенгаши билан иш тутган ёш шаҳзода жангда ўзи ҳам мустақил ташаббус кўрсатиб, отасининг таҳсинига сазовар бўлди. Айрим тарихчиларнинг ёзишларича, Бобур гоҳида Мирзо Аскарийни ўзига валиаҳд этиб тайинлашни ҳам ўйлаган. Ўша кезларда Ҳумоюн ҳукмдорнинг пича назаридан қолган, Канваҳа жангидан сўнг унинг Бадахшонга қайтаман, деб оёқ тираб олиши Бобурга хуш ёқмаган эди. Бунинг устига, Ҳумоюн Кобулга томон йўл оларкан, Деҳлидаги хазинани сўрамай-нетмай супуриб-сидириб кетганди... Подшо унинг бу ҳаракатларини тушунолмас, зеро, тўнғич ўғлидан меҳру саховатини ҳеч қачон аямаганди. Бебаҳо Кўҳи Нурни ўша Панипат жангидан сўнг тўнғичига ҳадя этмишди... Хуллас, унинг Ҳумоюндан кўнгли совиб, Мирзо Аскарийга меҳри ортаётгани кўриниб турар ва бу ҳол саройда турли фитна-фужурларга сабаб бўлган, Бобур ҳаётининг сўнгги йилларини заҳарлаган эди...

Бангола ҳокими Султон Нусратшоҳ бармоққа санчилган тикандек Бобурнинг ғашига тегарди. У қўшин тортиб, Банголани фатҳ этишни истамас, фақат Нусратшоҳ уни «ҳукмдор» деб тан олса, унга кифоя эди. Нусратшоҳни бўйсундириш учун у оғир қурол-аслаҳа билан Жограни кечиб, кетма-кет икки карра ҳужум билан банголаликларни тум-тарақай қилиб қочирди. Аммо Банголани тўла фатҳ этиш машаққатли эканини ўйлаб, сулҳ тузди. Нусратшоҳ унинг вассалига айланди.

Бу—Бобурнинг сўнгги юриши эди. У ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан толиққанди. Ўн бир ёшидан бери бошига тушган меҳнат-машаққатлар, йиллар, замонлар оша кечган узлуксиз ҳарбу зарб унинг тинкасини қуритганди. Оғир синовлар изсиз кечмаган, иссиқ Ҳинд иқлими, айниқса иситма-безгак унга ўз асоратини кўрсата бошлаганди. У шароб ичмай қўйган, унинг ўрнига маъжун ер, наъша чекарди. Бу нарсалар эса унинг соғлигига баттар футур етказарди.

Бобур 1529 йили Аграга қайтаркан, ичбуруғ касали уни ҳолдан тойдирганди. Ҳазин, маъюс хаёллар уни қуршаб олган, у тарки дунё қилиб, тожу тахтни Ҳумоюнга топширишни ўйларди. Дарвешлик ҳаёти уни ўзига кўпроқ жазб этарди, Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий китобларини берилиб ўқир, сўфийлар таълимоти унинг қалбига чуқур ўрнашган эди. Унинг руҳида икки куч олишар, икки куч ўртасида кураш кетар эди. Бир ёқдан — Темур шуҳратини қайта тиклаш орзуси, иккинчи ёқдан — Осиёда яшаган кўплаб азиз авлиёлар, файласуфлар йўлидан бориб, камтар, зоҳидона ҳаёт кечириш эҳтиёжи. Шуҳрати Темур шуҳратидан ошиб тушган Бобур энди зоҳидликни қўмсарди... Агранинг салқин қиш оқшомларида у дарвеш кийимини кийиб, кўчаларда танҳо тентираб юрар, не исташини балки ўзи ҳам билмасди. Якка-ёлғиз ва ғариб бир аҳволда кезаркан, қилган гуноҳларини эслаб, кўз ёши тўкар, Кобулга, Самарқандга қайтишни истарди. У Афғонистоннинг қор босган тоғларини, Фарғонанинг қовун ва узумларини соғинарди. Хўжа Калонга битган мактубида Кобулни соғингани, Кобулга бориш орзуси ҳақида сўзлайди. Мамлакатнинг шарқий сарҳадларига боришни қўмсайман, дейди у, соғинчим ул қадарким, таърифлашга сўз ожиз. Ҳиндистон муаммолари ҳал бўлди ва қолганлари ҳам иншоолло ҳал бўлур. Тангрининг иноятн ила ҳа демай бу юртнинг ташвишларидан қутулгаймен. Шу ниятга етдим дегунча Кобулга томон йўлга тушгаймен. Кобул сафосини нечук унутгаймен?..

БОБУР ЮРТИНИ соғинар эди. У хотинлари, опа-сингиллари, амма-холалари, жиянлари ва бошқа хешу ақраболарини ўз ҳузурига чорлайди. Суюкли хотини Моҳим (Ҳумоюннинг онаси) Дилдор бегимдан туғилган олти ёшли Гулбаданни ёнига олиб, йўлга тушади. Орадан йиллар ўтиб, Гулбадан Бобур хонадони аъзоларининг бу учрашувини ғоят мароқли бир йўсинда қаламга олади:

«Рано Санго билан жанг бўлди. Худонинг иноятн билан подшо ғалаба қозондилар ва ғозий бўлдилар. Рано Сангонинг фатҳидан бир йил ўтгач, онам — Моҳим бегим Кобулдан Ҳиндистонга жўнадилар. Мен ҳам подшо дадамни кўргани у киши билан бирга бордим. Онам кўлга етганларида подшо ҳазратлари уч отлиқ маҳофа юбордилар. Биз кўлдан Агра томон тез йўлга тушдик. Подшо ҳазаратлари бизни Жалолий кўлида учратишни мўлжаллаган эканлар. Намозшом пайтида бир киши келиб, «Ҳазратни икки курва нарида қолдириб келдим»—деди. Подшо дадам ҳазратлари то от келтиргунларича сабр қилмай, пиёда йўлга тушиб, Нинча моҳим уйлари олдида биз билан учрашдилар. Онам отдан тушмоқчи бўлдилар, лекин подшо дадам қўймасдан ўзлари онамнинг отлари жиловидан ушлаб, ўз уйларига етгунча пиёда кетдилар. Онам подшо дадамнинг олдига келганларида менга кундузи келиб, ҳазрат билан кўришгин, деб буюрдилар.

Подшо дадам менга тўққизта туя, икки тўққиз от ва икки маҳофа юкланган бошқа от юборган эдилар. Бир маҳофани Кобулдан олиб келган эдилар. Онамнинг юзга яқин мўғул хизматкорлари кўп зебу зийнатлар билан ясатилган чопқир отларга минган ҳолда келдилар. Дадамнинг бош вазири Халифа ўз хотинлари — Султоним билан Навгирон деган жойда бизга пешвоз чиқдилар. Мен маҳофада ўлтирар эдим. Энагаларим мени кичик бир боқчага туширдилар. Бир заррин гиламчани ерга ёзиб, менга унинг устини кўрсатиб, дадангнинг вазири келганда, ўрнингдан туриб қабул қилгин, деб ўргатдилар. Дадамнинг вазири келиши биланоқ ўрнимдан туриб, кўришдим. Шу вақтда у кишининг хотини — Султоним ҳам келдилар. Мен билмасдан ўрнимдан турмоқчи бўлдим, буни кўриб, бобомнинг вазири менга жуда муболаға билан, бу қария сизнинг канизагингиз, шу сабабли туришнинг ҳожати йўқ, дедилар...

Халифа менга беш минг шоҳруҳий ва бешта от тақдим қилдилар. У кишининг хотинлари Султоним эса, уч минг шоҳруҳий ва учта от бериб, нонушта тайёр, агар овқатлансангиз биз бандалари ғоят мамнун бўлардик, деди. Таклифни қабул қилдим. Бир яхши жойда катта супа қилинган ва бир неча чодир ўрнатилган эди... Бизга ҳар хил таомлар тортилди. Элликка яқин қўй сўйилиб, ковурдоқ пиширилган эди. Нон ва ҳар хил мевалар, шира-шарбатлар мўл эди. Овқатланиб бўлгач, маҳофага ўлтириб, подшо дадам ҳузурларига бориб, кўришиб, оёқларига ўзимни ташладим. Ҳазрат кўп ҳол-аҳвол сўрадилар. Бир неча фурсат тиззаларига олиб ўтирдилар. Шунда ўзимни шу қадар бахтиёр ҳис этдимки, тасвирлашга тил ожиз...»



Хуллас, қирқ бир ёшли, бениҳоя гўзал Моҳим тўрт йиллик айриликдан сўнг яна Бобур ила учрашади. Ана шу муддат ичида орадан кўп сувлар оқиб, кўп воқеалар юз берган эди. Моҳим подшонинг анча кексайиб чўкиб қолганини сезади. Ҳолбуки, бундан бир ярим йил олдин у ҳаммани ҳайратга солиб, Ганг дарёсини нари-бери сузиб ўтган эди. Нақ ўттиз уч қулоч отганда бир соҳилдан иккинчи соҳилга етган, яъни ажойиб жасорат кўрсатган эди. Чандирида эса, ҳар галгидек, қалъа атрофидаги хандоқдан сакраб ўтган эди. У Рустамдек кучли эди. Энди бўлса, илгариги паҳловоннинг суврати қолганди. Гоҳида отланиб, сайр этиш ёки ов қилиш баҳонасида саройдан чиқарди, холос.

Моҳим эрининг аҳволига боқиб, юраги ачишиб кетади. Бобур озиб-тўзиб кетган, аввалгидек еб-ичмас, кўпинча хомуш хаёлларга ғарқ бўлиб ўтирарди. Моҳимни яна бир нарса изтиробга соларди: Эрон шоҳи Таҳмосп томонидан тортиқ этилган Гулнор ва Норгул — Кавказнинг икки қоракўз гўзали Бобурни гўё сеҳрлаб олмишди. Бобур ҳар кеча уларнинг биттаси билан бўлар, шу туфайли ҳарам доирасида миш-миш, ғийбат авжига чиққан, сарой аъёнлари орасида, эроний гўзаллар подшонинг бошини айлантирмиш, деган гап-сўзлар тинмас эди.

Бобур фақат жисмониймас, руҳий томондан ҳам толиқиб, заифлашиб қолган, кўп вақтини паришонликда ўтказарди. Вазиятдан фойдаланиб, бош вазир Низомиддин Халифа ҳокимият жило-

Порлоқ ва классик намунаси

«Суар» («Оқшом») газетасида эълон қилинган Албер Бюрененинг тақризида эса «Бобурнома» таржимасига билдирилган ушбу фикрни ўқиймиз: «1494 — 1530-йиллар воқеаларини ўз ичига қамраган бу асарни Бобур тили бўлган қадимий туркий-чиғатойчадан Жан-Луи Бакйе-Граммон фаранг тилига ўгирган. Тилшунос олим асл нусха руҳини, матнинг бобурона услубини таржимада тўлиқ сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Бунга эришиш учун эса у узоқ вақт асарнинг мавжуд туркий қўлёзмалари устида қунт ва чидам билан ишлаган...». Бошқа тақриз ва хабарларда ҳам Бобур ва унинг «Бобурнома» асари хусусида айтилган илиқ сўзларни ўқиймиз.

1986 йили Париждаги «Файярд» нашриёти шарқшунос олим Жан-Пол Ру қаламига мансуб «Буюк мўғуллар сулоласи: Бобур» номли монографияни нашрдан чиқарди. Жан-Пол Ру туркий халқлар тарихи, мусулмон маданияти ва ислом илмига оид ўндан зиёд тадқиқот муаллифидир. Олимнинг ушбу китоби тўққиз бобдан («Турк Осиёси XV асрда», «Темурийлар даври Уйғониш маданияти», «Бобур портретини чизишга уринишлар», «Биринчи одимлар», «Саргузаштталаб шаҳзода», «Кобулдаги мустақиллик», «Подшоҳ», «Ҳиндистоннинг забт этилиши», «Охирги ойлар») ва иловадан иборатдир. Бобларнинг номланишидан ҳам кўриниб турибдики, китоб Бобур ҳаёти ва «Бобурнома»даги воқеаларга вобаста ёзилган. Буни муаллифнинг ўзи ҳам қайд этаркан: «Менинг китобим Бобурнинг «Бобурнома» асарига бевосита таянади. Мен уни ёзишда «Бобурнома»нинг Ильминский нашридан, шунингдек, инглизчадаги Бевериж, фарангчадаги Паве де Куртейл ва Бакйе-Граммон таржималаридан кўпроқ фойдаландим», дейди.

Жан-Пол Ру китобининг ватандоши Фернанд Гренард рисоласидан фарқи шундаки, унда темурийлар шажараси ва «Буюк мўғуллар сулоласи» — бобурийлар даврига оид ижтимоий-сиёсий ва маданий воқеалар бир қадар батафсилроқ ёритилган. Дарвоқе, Гренард ўз рисоласида шахсан Бобур ҳаёти ва ижодини кенг таъриф қилишга интилган бўлса, Жан-Пол Ру тадқиқотида XV аср Мовароуннаҳр маданияти, темурийлар давридаги адабиёт ва санъат тараққиёти, унга Бобур қўшган салмоқли ҳисса ўзининг аниқ ифодасини топган. Ру китобидаги мазмуннинг яна бир муҳим томони, унда Шарқ Уйғониш (Ренессанс) маданиятининг илғор вакиллари — Лутфий, Навоий, Беҳзод, Хондамир, Бобур фаолияти Ғарб Ренессанси вакиллари бўлмиш Рабле, Рафаэл, Леонардо да Винчилар ижоди билан муқояса қилинган ҳолда таърифланади.

МУАЛЛИФ Бобурнинг саркардалик истеъдодига баҳо бераркан, уни кўпроқ македониялик Александр ва Цезарга қиёс қилади. Айни пайтда, унинг одил подшоҳ бўлганини таърифлаш учун Чингизхон ва Темурга нисбат беришга интилади. У ёзади: «Агарда Бобурнинг бизга қолдирган бой адабий ва илмий меросини инобатга олиб, ҳукмдор сифатида ўлдирганидан қутқарганларининг кўп бўлганлигини, жазолаганидан афв этганларининг ортиқлигини, бузганидан тузатганларининг зиёдалигини ҳисобга олиб тарозининг икки палласига қўйсак, албатта, кейингилари тош босиб кетади. Тўғри, у қонли урушларда саркардалик қилган, бироқ ўз боболари Чингизхон ва Темурдек, замондоши шоҳ Исмоил қадар жанггоҳларда кўп қон тўкмаган».

Тадқиқотнинг яна бир муҳим хислати, унда Бобур ҳаётининг сўнгги дамлари, шоҳ Бобурнинг ўз фарзандлари ва хотинларига бўлган меҳр-муҳаббати, хушмуомалалиги ишончли ҳикоятлар орқали ўқувчига етказилган. Шунингдек, китобнинг «Илова» қисмида келтирилган Бобур асарлари, уларнинг мавжуд қўлёзмалари ва ўзга тилларга таржималари ҳақидаги аниқ маълумотлар ҳам илмий жиҳатдан муҳимдир.

ХУЛЛАС, фарангистонлик олимларнинг Бобур меросини ўрганиш, «Бобурнома» китобини таржима қилиш йўлидаги холисанилло бу меҳнатини шарафламоғимиз, ўзбек ва фаранг халқлари ўртасидаги илмий-адабий алоқаларнинг равнақ топишида уларнинг қўшган буюк ҳиссаси, деб баҳоламоғимиз жоиздир.

Бобур қадамжолари

БЕБАҲО ИНЖУ

БОБУР МЕЪМОРЧИЛИК ҲАҚИДА

Пўлат ЗОҲИДОВ

«БОБУРНОМА» саҳифаларини кузатар эканмиз, унда меъморчилик соҳасида ҳам киши ақлини лол этувчи кенг фикр, чуқур мулоҳаза, зийраклик ва синчков текширишларнинг шоҳиди бўламиз. Мазкур воқеаномага олимлар турли масалалар бўйича мурожаат қилишган, чунки унда XV аср охири ва XVI аср бошларига доир қисқа, сермазмун ва аниқ тарихий маълумотлар жуда кўп. Шунинг учун ҳам Бобурнинг архитектурага оид фикрларини айнан ва тўлиқ келтиришга ҳаракат қилдик. Гарчи архитектура — меъморчилик Бобурнинг касби бўлмаса-да, у ўз даври архитектураси услубига (айниқса Ҳиндистонда) муайян таъсир кўрсатган, унинг хотираларида бу соҳага оид махсус терминларни, меъморлик иншоотларининг тасвирини, меъморчилик санъатига оид фикр ва мулоҳазаларни учратамиз. Нақл этилган ўша давр архитектура намуналарининг кўпчилиги бузилиб кетганини эътиборга олсак, Бобурнинг архитектура тарихига қўшган ҳиссаси янада яққол намоён бўлади.

Айниқса, Бобурнинг Самарқанд архитектурасига оид маълумотлари анчадан бери мутахассисларни қизиқтириб келмоқда. Бобур Самарқанд шаҳрида оз вақт бўлган. Шунга қарамай у Самарқанд ёдгорликлари ҳақида қисқа бўлса-да, тарихан катта аҳамиятга молик хабарларни ёзиб қолдирган.

«Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳар камроқдур... Шаҳри Самарқанддур, вилоятини Мовароуннаҳр дерлар. Ҳеч ёғи қаҳр ва ғалаба била мунга даст топмағон учун балдаи маҳфуза дерлар... Қўрғонини фосилнинг устидан буюрдимким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқди» **(Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». Ўзбекистон ФА нашриёти, Тошкент, 1960, 104-бет. Кейинги кўчирмалар ҳам шу китобдан олинди).** Демак, Самарқанд шаҳрининг ташқи девори XV аср охирида тахминан 8-8,5 км. экан. «Феруза дарвозасидан Шайхзода дарвозасиғача фосил устидан от била юруса бўлур эди. Ўзга ерларда яёқ юрулур эди»,— деб таъкидлайди Бобур. Девор устидан от билан юриш мумкинлиги, унинг фортификацияи ва мудофаа жиҳатидан қанчалик мураккаб ва катта ҳажмли иншоот эканлигини кўрсатади. XV аср охири XVI аср бошларида мавжуд бўлган шаҳар дарвозаларининг номлари ҳам айтиб ўтилган: Оҳанин, Феруза, Шайхзода, Гозуристон, Сўзангарон, Чорраҳа дарвозалари. Бизнинг давримизгача бу дарвоза ва деворларнинг бирортаси ҳам сақланмаган. Шунинг учун ҳам Бобур кўрсатган жойлар асосида Самарқанднинг тарихий топографиясига оид маълумотларни аниқлаш мумкин. «Самарқанд шаҳри ажаб ораста шаҳредур, бу шаҳрда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлғай. Ҳар ҳирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бирбирларига махлут эмастур, тавр расмадур. Хўб нонволиқлари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши қоғаз Самарқанддин чиқар. Гирдогирдида яхши ўланглари бор».

Бобур шаҳар ичкариси ва атрофидаги диққатга сазовор манзил ва иморатларни кўрсатиб берган. «Темурбекнинг ва Улуғбек мирзонинг иморати ва боғоти Самарқанд маҳаллотида кўптур. Самарқанд аркида Темурбек бир улуғ кўшк солибтур, тўрт ошёнлиқ, Кўк саройға мавсум ва машҳур ва бисёр олий имораттур». Яна бошқа бир жойда «Темурбек солғон олий иморатлардин бири Кўк саройдурким, Самарқанднинг аркида воқеъ бўлубтур. Ажаб хосиятлиқ имораттур». Афсуски, замондошларини ҳайратда қолдирган тўрт қаватли улкан кўшк — Кўк сарой бузиб ташланган. Чамаси, аркдаги кўпчилик иморатлар синчкорий бўлган, оқибатда ёғочлари чириб, тез бузилиб кетган. Саройнинг тўрт қаватли қурилгани эса зилзила оқибатида тез бузилишга сабаб бўлган. Бобур саройни кўшк деб бежиз атамаган. Кўшк — архитектура жиҳатидан қалъабанд қўрғонлардан анча фарқ қилади. Кўшк одатда мунтазам боғ ичига қурилган парк павильонларидан иборат, асосан синчкорий айвон ва хоналардан ташкил топади.

БИЗНИНГ ДАВРИМИЗДА Бибихоним масжиди номи билан машҳур бўлган ансамбль ҳақида қуйидаги қисқа маълумотни ўқиймиз: «Яна Оҳанин дарвозасиға ёвуқ қалъанинг ичида бир масжиди жумъа солубтур, сангин, аксар Ҳиндистондин элтган сангтарошлар анда иш қилибтурлар. Масжиднинг пештоқи китобасида бу оятни «Ва из арфау Иброҳимал — қавоида (ило охириҳи) «андоқ улуғ хат била битибтурларким, бир куруҳ ердин ўқуса бўлур. Бу ҳам бисёр олий имораттур». Бобур масжиднинг тошдан қилинганлигини алоҳида уқтириб ўтади. Чунки масжид бошқа иморатлардан айниқса ўймакор тошдан ясалган 480 пилпоя — устунлари, дарвозабанд улан пештоқи ва турли безаклари билан ажралиб турар эди. Археологик қазишлар натижасида тошдан фаршланган ҳовли, айвонлар саҳни, жуда кўп устун курсилари қолдиғи топилди. Устунлардан ҳам бир нечаси сақланиб қолган.

Маълумки, Бобур Ҳиндистонни фатҳ этгандан сўнг, у ерда катта қурилиш ва ободончилик ишларини олиб борди. Кези келганда Бобур ўзи бошлаган иморатларни Самарқанддаги Бибихоним масжиди кўлами билан таққослайди. Бу 1525 йил воқеаларидан: «Нечунким «Зафарнома»да Темурбекнинг «масжиди сангин» иморатини қилурда Мулло Шараф мундоқ муболаға била битибдурким, Озарбойжон ва Форс ва Ҳиндистон ва яна ўзга мамолик сангтарошларидин ҳар кунда икки юз киши масжидда иш қилурлар эди. Бир Аграда ушбу Агранинг сангтарошларидин менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз саксон киши иш қилурлар эди. Яна Аграда ва Секрида ва Биёнада ва Дилпурда ва Гувалёрда ва Кўлда минг тўрт юз тўқсон сангтарош ҳар кунда менинг иморатимда иш қилурлар эди».

Бобур мирзо Самарқанд атрофида Амир Темур томонидан обод қилинган боғларни аниқ кўрсатиб, тарихан муҳим хабарларни беради. «Бобурнома»да ўқиймиз: «Самарқанднинг шарқида икки боғ солибдур, бириким йироқдур, Боғи Бўлдудур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодир. Андин Феруза дарвозасигача хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочларни эктурубтур. Дилкушода ҳам улуғ кўшк солдурубтур, ул кўшкта Темурбекнинг урушини тасвир қилибтурлар». Дарвоқе, Боғи Дилкушо таърифида Шарафиддин Яздий, Ибн Арабшоҳ, Ғиёсиддин Али каби тарихчилар шавқ-завқ билан ёзганлар. Таърифга кўра, ҳар тарафи 1500 газ бўлган чорбоғ ўртасига жойлашган кўшк уч ошиёнли, баланд гумбазли, ичкариси нақшинкорий, ташқариси кошинкорий. Ниҳоятда файзли ва жозибали. Кўшк атрофи мармар устунлар қатори билан ўралган экан. Алишер Навоий айтганидек:

Гоҳ Бўстони Дилкушо ичра,
Қасру айвони жонфизо ичра...
Қилса не ранг ичига наққоши,
Тоши ҳам бўлғай ул сифат коши.

Тарихий манбааларда шунчалик эътибор билан эсланган ажойиб кўшк асрлар давомида наҳотки бутунлай йўқ бўлиб кетган бўлса? Ҳа, кўпчилик олимларимиз шундай фикрга келишади. Уларнинг тахминича, Кўшки Дилкушо харобалари Самарқанд шаҳридан 6 км. наридаги Хончарбоғ номли тепа остида қолиб кетган. Лекин у ерда олиб борилган археологик текширишларда таърифдагидек бино қолдиқлари чиқмади. Балки, олимлар адашгандир? Дарвоқе, шундай бўлиб чиқди. Асрлар муаммосини ҳал этишга Бобурнинг икки оғиз сўзи йўлланма берди.

ТАРИХИЙ манбаалар таъкидлашича, Боғи Дилкушо Конигил ўлангининг бир чеккасида жойлашган экан. Бобур Конигилни «Самарқанд шаҳридин шарқ тарафидадур, бир нима шимолға мойил, бир шаръий бўлғай», деб тасвирлайди. Конигил ўланги кенглиги бир шаръий, яъни тахминан икки километрдан ошмас экан. Демак, Бобурнинг Кўшки Дилкушо ҳақида айтган сўзларини эсласак, кўшк қолдиқларини Самарқанднинг шарқидаги қадимги катта йўл бўйида, шаҳарнинг Феруза дарвозасидан икки километрча наридан қидириш керак экан. Қадимги йўл қолдиқлари бизни ҳозирги даврда мақбара деб таърифланиб келаётган Ишратхона номи билан машҳур бўлган бино олдига олиб келди. Дарвоқе, халқ бежиз бинони Ишратхона деб атамаган. Ҳали-ҳали ҳайрат саволини эшитиб келар эдик: наҳотки, шундай гўзал шоҳона сарой ёш қиз Хованд Султон беканинг мақбараси бўлса? Йўқ, бу фикр хато экан. Тадқиқотчилар (В. Вяткин, М. Массон, Г. Пугаченкова, Б. Засипкин) 1464 йил вақфномасида тасвирланган Хожа Абди Дарун мозорига ёндош Феруза гумбазли мақбара (ҳозир ҳам бор) ўрнига, Ишратхона биносини мақбара деб ўйлашган экан. Натижада, кўшк мақбара сифатида талқин қилинган. Агар Бобур «бир шаръий» масофани (фақат — икки сўз) кўрсатмаганда, ҳалигача Ишратхона биносини 1464 йилда қурилган мақбара деб юрар эканмиз, ваҳоланки, бу бино 1399 йилда қурилган боғ ичидаги кўшк-сарой экан.

Ҳозирги даврда Гўри Амир номи билан машҳур мақбарани Бобур мадраса деб атаган. Бу сўзлар кўпчилик тадқиқотчиларни (В. Вяткин, В. Бартольд) ҳайратда қолдирган. Фақат 1941 — 1944 йиллар давомида олиб борилган археологик текширишлар масалага аниқлик киритди. Ҳақиқатан ҳам, Бобур айтганидек, Гўри Амир Муҳаммад Султон номидан қурилган мадраса комплексининг бир қисми бўлиб чиқди.

Бобур буюк олим Улуғбек мирзо даври архитектурасига оид кўп қизиқарли, тарихан мустасно аҳамиятга эга бўлган маълумотлар қолдирган.

Бобур таърифлаган ҳозирги Регистон атрофидаги тўрт ажойиб иморатдан шу кунларгача фақатгина Улуғбек мадрасаси сақланиб қолган деб ҳисоблар эдик. Археологлар мадрасанинг ғарб томонидан Мирзон ҳаммомининг қолдиқларини топишди. «Бобурнома» эса бизга Улуғбек хонақоҳини «топишга» ёрдам берди. Шу ҳақда икки оғиз сўз.

Тарихий ёдномаларда қайд этилган «бисёр улуғ» гумбазли хонақоҳ қаерда ва қандай бўлган? Наҳотки, бутунлай вайрон бўлиб, бирор қолдиқсиз йўқолиб кетган бўлса? Регистон ёдгорликлари ҳақида тадқиқот олиб борган мутахассислар — М. Массон, Б. Веймарн, Г. Пугаченкова ва бошқалар хонақоҳ биноси ҳозирги Шердор мадрасаси ўрнида бўлган, XVII асрга келиб бино тамоман бузилиб кетган деган хулосага келишган эди. Бу фикр санъат ва архитектура тарихи китобларида ҳам такрорланиб келмоқда. Ҳақиқатан ҳам археолог С. Юренев Шердор мадрасаси буюк пештоқи ичкарисидаги деворлар тагини очиб кўрганда, пойдевор остидан қандайдир аввалги бинонинг қолдиқлари топилган. Лекин бу қолдиқ девор йўналиши мадраса деворларига нисбатан бироз қийшиқ бўлиб, улкан бинога монанд тушмаган. Наҳотки, Улуғбек меъморлари шунчалик катта хатога йўл қўйган бўлишса?

Бобур Самарқандни қўлга киритганда Феруза «дарвозасидан кириб мадраса ва хонақоҳ сари ўқ юридум. Келиб хонақоҳнинг тоқининг устида ўлтурдим», деб ёзади. Бобур кўпинча фақат мадраса сўзини ишлатади. «Бу маслаҳат учун шаҳарнинг ўртасида Улуғбек мирзонинг мадрасаси томининг устида оқ уй тикиб ўлтурдим». «Мен мадрасада эдим» каби. Энди бошқа билвосита далилларни кўрайлик. «Самария» китобининг муаллифи Абу Тоҳирхўжа Улуғбек мадрасасини таърифлар экан, иморатни «мадраса ва масжиди жомеъ» деб атайди. Яъни масжиди жоме деб хонақоҳни назарда тутмоқда. Хонақоҳ эса усти берк масжид демакдир. Худди шунга ўхшаш Улуғбек мадрасаси ёнидаги иморатни «мадраса ва масжиди жоме Тиллакорий» номи билан атайди. Мазкур иморатни кўрмаган киши «Самария»ни ўқиса, у мадраса ва масжиди жоме икки мустақил иморат экан, деб тасаввур этиши мумкин. Ваҳоланки, сўз бир ҳовли атрофида ўзаро узвий боғланган мадраса ва масжид-хонақоҳ ҳақида бормоқда.

ЮҚОРИДАГИ далилларни инобатга олсак, муаммо ойдин бўлади. Улуғбек мадрасаси ва хонақоҳи ҳозирги тушунчага кўра ягона иморат комплексидан иборат бўлиб, замонамизгача етиб келган. Ҳозирги ҳовлининг ғарб томонини эгаллаб турган учта улкан гумбазли (айниқса ўртадагиси катта ва баланд бўлган) ва ўзаро бирлашган учта катта саройдек хоналар Бобур айтган хонақоҳнинг худди ўзидир.

Жаҳолат қурбонларининг тажовузи оқибатида ер билан яксон этилган Улуғбек расадхонасининг вайроналари жойлашган манзил ҳам давр ўтиши билан тамоман унутилиб кетган экан. «Бобурнома»ни ўқиган киши расад харобаларини ҳеч янглишмай топиши мумкин эди: «Яна бир олий иморати Пуштаи Кўҳак домонасида расаддурким, зиж битмакнинг олатидур. Уч ошёнлиқтур. Улуғбек мирзо бу расад била Зижи Кўрагонийни битибдурким, оламда ҳоло бу зиж мустаъмалдур. Ўзга зиж била кам амал қилурлар». Бошқа жойда Кўҳакнинг ўрни ҳам кўрсатилган. «Бобурнома»да тасвирлаш усулини кузатсак, одатда иморатларнинг ер остидаги қисми — хоналар ҳам бино қаватлари сирасига кирганини кўрамиз. Шундай экан, Бобур расадхонани уч ошёнли иморат деганда, унинг ер остидаги сектант қисми ҳам ошён-қават ҳисобига ўтганмикан? Агар шундай бўлса, расадхона реконструкциясига яна ўзгариш киритишга тўғри келади.

Давоми олтинчи бетда

Айтинг, не топдингиз Сиз кезиб дунё,

Ҳануз боқишарлар шўришга тўлиб.

Шоирсиз, яхшиси қолингиз, Мирзо,

Мушфиқ юртингизда бир шоир бўлиб.

Абдулла ОРИПОВ

вини қўлга олган эди. Моҳим бегим оқила, зийрак хотин, эрига боқиб, унинг умри тугаб бораётганини пайқайди. Ёлғиз ўғил Ҳумоюннинг узоқдалигини ўйлаб, ташвишга тушади. Низомиддин Халифа Бобур ўғиллари ўртасида низо-тафриқа қўзғаб, тахтга Хонзоданинг эри Мир Муҳаммад Маҳди Хўжанни мўлжаллаб юргани бегимга аён, яна подшонинг кейинги пайтларда Ҳумоюндан кўнгли совиб, ёш ўғиллари Мирзо Аскарий билан Мирзо Ҳиндолга меҳр қўйганидан ҳам хабардор эди. У Кобулда экан, подшонинг Ҳумоюнга ёзган мактубини ўқимишди. Бобур ўғлини тўнғич ўғил кўргани билан табриклаб, унинг давлат ишларида йўл қўйган хатоларини қаттиқ танқид қилган эди. Жумладан, шундай сўзлар бор эди ўша мактубда:

«...Шукр, бермиш сенга ҳақ фарзанде,
Сенга фарзанде, менга дилбанде...

Тенгри таоло мундоқ севинчларни менга ва сенга ҳамиша рўзи қилғай, омин ё раббил аломин. Отини Алъамон қўймишсен. Тенгри муборак қилғай. Вале бовужудким, ўзинг битибсен, мундин ғофил бўлибсенким, касрати истиъмол била авом Аламо дерлар, ё Эл Амон дерлар, ўзга мундоқ алиф-лом отда кам бўлур. Тенгри отини ва зотини фархунда ва муборак қилғай, манга ва санга кўп йиллар ва бисёр қарнлар Алъамонни давлат ва саодат билан тута бергай...

ЯНА КОМРОНҒА, Кобулдағи бекларға фармон бўлдиким, бориб, санга қўшулиб, Ҳисор ё Самарқанд ё ҳар сориғаким салоҳ давлат бўлса, юругайсиз. Тенгрининг иноятн била ёғийларни босиб, вилоятларни олиб, дўстларни шод, душманларни нигунсор қилғайсиз, иншооллоҳу таоло. Сизларнинг жон тортиб, қилич чопмоқ маҳалларингиздир. Қопуда келган ишни тақсир қилмангиз. Гаронжонлик била коҳиллик подшолик била рост келмас...

Агар тенгри билан Балх ва Ҳисор вилояти муяссар ва мусаххар бўлса, Ҳисорда сенинг кишинг бўлсун. Балхта Комроннинг кишиси бўлсун. Агар тенгри иноятн билан Самарқанд ҳам мусаххар бўлса, Самарқандта сен ўлтурғил. Ҳисор вилоятини, иншооллоҳ, холиса қилғумдур. Агар Комрон Балхни озирғинса, арздошт қилинг, иншооллоҳ анинг қусурини ўшал вилоятлардин-ўқ рост қилғумиздир...

Яна ининг била яхши маош қилғойсан. Улуқлар кўтаримлик керак, умидим борки, сен ҳам яхши ихтилот қилғайсан. Анинг ҳам муташаррий ва яхши йигит қуюбтур, ул ҳам мулозамат ва якжиҳатликта тақсир қилмағай.

Яна сендин озроқ гинам бор, бу икки-уч йилдан берч бир кишинг келмади. Мен йиборган киши ҳам рост бир йилдан сўнгра келди. Мундоқ бўлурму?

Яна хатларингда ёлғузлуқ, ёлғузликким, деб сен, подшоликта айбдур, нечунким дебтурлар:

Агар пойбанди, ризо пеш гир,
Ва гар яксувори, сари хеш гир...*

Ҳеч қайде подшолик қайдича йўқтур. Подшолик била ёлғизлик рост келмас. Яна мен дегандек, бу хатларингни битибсен ва ўқумайсен, не учункими, агар ўқур хаёл қилсанг эди, ўқуйолмас эдинг... Хатингни худ ташвиш била ўқуса бўладур, вале асру муғлақтур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас... Бундан нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити: ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғучиға.

Яна улуқ иш устуға борасен, иш кўрган, рай ва тадбирлик беклар билан кенгашиб, аларнинг сўзи билан амал қилғайсен.

Агар менинг ризомни тиларсен, хилватнишинлиқни ва эл била кам ихтилотлиқни бартараф қилғил. Кунда икки навбат ининигни ва бекларни ихтиёрлариға қўймай, қошингга чорлаб, ҳар маслаҳат бўлса, кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи билан ҳар сўз — унга қарор бергайсен.

Яна Хожа Калон менинг била густоҳоно ихтилот қилиб ўрганиб эди, сен доғи, нечуккким Хожа Калон била ихтилот қилур эрдим, ўшундоқ ихтилот қилғайсен. Тенгри иноятн била ул сорилар иш озроқ бўлса, Комронға эҳтиёж бўлмаса, Комрон Балхта мазбут кишиларни қўюб, ўзи менинг қошимға келсун.

Агар мунча фатҳ ва зафарлар Кобулда эканда бўлди, Кобулни шугун тутубтурмен, ани холиса қилдим. Ҳеч қайсингиз тамаъ қилмағайсиз... Оғиз сўзларидин Баён шайх соҳиб вуқуфдур, маълум бўлғусидур, деб муштоқликлар билан салом».

Бу қисман жаҳл, қисман араз ила ёзилган бир мактуб эди. Лекин барибир Бобур бошқа ўғилларига нисбатан Ҳумоюнни кўпроқ севар ва шунчалар севиб, ардоқлаб ўстирган ўғли Панипат ва Канваҳадан сўнг ундан узоқлашиб Ҳиндистонни тарк этгани унга оғир ботар эди.

На Бобур, на ўзга тарихчилар Ҳумоюннинг бундай хатти-ҳаракати сабабини тушунтириб бермайдилар. Фақат ҳаммага аён бўлган нарса: Моҳим Аграга етиб келаркан, ота-ўғил муносабатлари яхши эмасди. Моҳим бу нохушликни ўртадан кўтариш, ўғлини ўз отасига нисбатан ҳурмат-эҳтиром мақомида бўлишга ундаб, ҳаракат қила бошлайди. Бобурнинг касалликка чалиниши унинг қарорини қатъийлаштиради. У Ҳумоюнга махфий хат жўнатиб, Аграга дарҳол етиб келишни сўрайди. Моҳим йўллаган ўша мактуб мазмунидан ҳали ҳеч кимса хабардор эмас. Ҳар ҳолда подшонинг оғир касаллиги ва саройда Низомиддин Халифа тайёрлаётган фитна-фужур хусусида бўлса керак, деб тахмин этиш мумкин.

Ҳумоюн онасининг мактубини олиши биланоқ, подшодан ижозат сўрамай, дарҳол Бадахшонни тарк этади. Кобул орқали Аграга томон шошилинч йўлга тушади. «Тарихи Рашидий»да айтилишича, оғир йўл шароитига қарамай, у ҳар куни 80 чақиримлаб йўл босади — табиатан бир оз бепарво бўлган Ҳумоюн учун бу чинакам жасорат эди. Зеро, фурсат зиқ, кўп нарса гаровга қўйилмишди.

КОБУЛДА уч оға-ини — Ҳумоюн, Комрон, Ҳиндол кенгашиб, Ҳумоюн ташаббусни қўлга олсин, деган қарорга келишади. Ҳиндол Бадахшонга жўнайди, Комрон Кобулда қолади. Оға-инилар Моҳим йўллаган мактубдан вазиятнинг нозиклигини дарҳол тушунадилар ва зиммаларига тушган вазифани сўзсиз қабул қиладилар. Моҳим ўз мактубида, Ҳумоюн Аграга ўз вақтида етиб келмас экан, Деҳли тахти темурийлар қўлидан кетиши муқаррар, деб аниқ-тайин ёзган кўринади. Унинг назарида Мирза Аскарий ҳали ёш, Низомиддин Халифага бас келолмасди.

Ҳумоюннинг кутилмаганда Аграга келиши Бобурни ҳайрон қолдиради. Моҳим хавотирга тушади: подшо ўғлига аччиқ қилиб, Низомиддин Халифанинг йўлига юриши ҳеч гапмас... Рухсатсиз, сўроқсиз иш тутган Ҳумоюндан Бобур қаттиқ ранжийди. Фарзандларининг ўзбошимчалиги унга фитна бўлиб туюлади. Низомиддин Халифа ҳам қараб турмайди, вазиятдан фойдаланиб қолади: имконият бўлди дегунча подшонинг ғазабини ўт олдиради, уни шаҳзодаларга қарши қайрайди... Лекин саройнинг бош маликаси Бобурнинг Ҳумоюнга нисбатан кайфиятини яхши англайди ва ҳар тугул уни юмшатишга муваффақ бўлади. Натижада шаҳзода яна подшонинг лутфу марҳаматига эришади.

Аҳмад Ёдгор ҳикоя этган, Рашброк Вилямс қаламига олган қуйидаги ҳикоя Моҳим бегимнинг ота-ўғилни яраштириш борасидаги хатти-ҳаракатларини аниқ ифода этади:

«Бир оқшом подшо кайф устида Ҳумоюнни ўз ҳузурига чорлади. Шаҳзода кириб келганда у кайфи ошиб, ёстиққа бош қўйиб, уйқуга кетган эди. Шаҳзода қўл қовуштириб, қимир этмай, кутиб тура берди. Подшо ярим тунда уйқудан уйғониб, қотиб турган ўғлига кўзи тушиб, сўради: «Қачон келдинг?». «Сиз буюрган аснода, ҳазратим». Подшо уни чақиртирганини эслади ва мамнун боқиб, деди. «Тангри сенга тож-тахтни насиб этса, укаларингни ўлимга буюрмағил, уларга меҳрибонлик қилғил». Шаҳзода ер ўпиб, таъзим қилди, отасининг айтганларига ризолик билдирди».

Кунлар ўтаркан, Бобур Ҳумоюн билан ярашибгина қолмай, унинг ўзбошимчалигини тамом унутади ва уни салтанатнинг яккаю ягона валиаҳди, деб эълон этади. Ўртада яна ишонч қарор топади, ота-ўғил муносабатлари яхшиланади. Саройдаги танглик ўрнини тотувлик эгаллайди.

Бу орада Низомиддин Халифа ўз ажали билан дунёдан кўз юмади. Кейинги пайтларда Муҳаммад Маҳди Хўжа томонидан айтилган бир-икки эҳтиётсиз калима туфайли бош вазирнинг ундан кўнгли қолган ва у Ҳумоюн тарафига ўтиб олган эди.

Ҳумоюн келажаги ҳақидаги шубҳалардан кўнгли фориғ бўлиб, Самбалга жўнайди. Бобур Моҳим бегим билан «бир муддат истироҳат учун» Дебалпурга ўтади.

Аммо кўп ўтмай, саройда ўзга фалокат юз беради: Ҳумоюн қаттиқ оғриб қолади ва уни оғир аҳволда Аграга олиб келишади. Табиблар кечакундуз тиришиб, касалликни аниқлашга, даволашга уринадилар. Аммо бари зое кетади. Бобур ўғлининг тезроқ оёққа туришини истайди. Бироқ унинг аҳволи баттар оғирлашади: илоҳий бир мўъжиза рўй бермас экан, фалокат юз бериши кўриниб қолади. Шунда Бобур Оллоҳнинг даргоҳига сиғиниб, ўғли учун жонини қурбон этишга қарор қилади.

Гулбадан ёзади:

«Саройнинг неча уламойи киромлари подшо ҳазратларини бу қарордан қайтишга ундадилар, лекин дадам унамадилар. Неча бир оқилу донолар бунинг ўрнига мўл-кўл олтин-кумуш садақа этишни таклиф қилдилар. Беглардан бири дунёда энг қимматбаҳо гавҳар — Кўҳи Нурни тасаддуқ этишни маслаҳат берди. Бироқ шавкатли отам рози бўлмадилар. Дунёда ўғлимга тенг келадиган гавҳар борму! Шундай деб сўзларида қаттиқ туриб олдилар. Кўнгиллари ул ҳазратни олий қурбонликка ундар эди. Йиғлаб, кўз ёши тўкаётган сарой хонимлари орасидан ўтиб, Муҳаммад Ҳумоюн ётган хонага кирдилар. Акам тўшакда оғир иситмада куйиб, ҳолдан тойиб ётар эди. Отам унинг бошига бориб, қўлларини дуога очдилар. Сўнг вазмин қадам ташлаб, унинг атрофидан уч карра айландилар. Такрор-такрор дедиларким: «Ё, Оллоҳи карим, унинг дардини менга бергил!.. Унга келган бало менга урсин!..» Сўнг ҳазратнинг йиғи аралаш шу сўзлари эшитилди: «Берган садақам қабул бўлди!.. Ниятимга етдим!.. Муродимга етишдим!.. Оллоҳи карим тилагимни қабул айлади!..»

Хона ичида юз бераётган воқеа чиндан ҳам юракларга ларза солар эди. Ранглари униққан, ғам-қайғу юки остида эс-ҳушини йўқотаёзган Бобур тангрига ялиниб-ёлворарди. У ўғлимни қўйиб, унинг ўрнига менинг жонимни ол, деб зорланаркан, ҳушсиз ётган Ҳумоюн дард чекиб, оғир инграр эди. Ҳакими ҳозиқлар, мўътабар беклар қўл қовуштириб, бош эгиб бир неча одим нарида туришар, буларнинг бари қадим юнон фожиаларини эсга соларди. Хонага номаълум бир қоронғилик чўккан эди. Бобурнинг не исташини унинг ўзидан бўлак ҳеч кимса билмасди. Илгари ҳеч кўрилмаган, азоб-изтиробга солувчи мудҳиш бир таҳлика ҳавони тўлдиргандек эди. Ҳамма шафқат, марҳамат сўраб қилинган бу илтижоларга худодан бир садо кутарди...

Бобур дуою илтижоларим тангри даргоҳида қабул бўлди, деб имон келтирди. У ҳаста эди, мажоли қуриган, ақлу ҳуши ҳам шу алфозда эди. Йиллар машаққати унинг соғлиғини совурган эди. У фалакдан нажот сўраркан, шунга ишонч ҳосил қилди-ки, ўзининг аҳволи ёмонлашиб, ўғлининг аҳволи яхшилана борди. Чиндан ҳам ўлим тўшагида ётган шаҳзода ҳушига келиб кўзини очди. Бобурнинг аҳволи эса оғирлашгандан оғирлашаверди. Ҳолбуки, бундан олти ой бурун, сурункали ичбуруғ касалига чалинмасдан олдин, у яна куч-қувватга тўлиб, ҳаёт лаззатлари гаштини сураётганди. Аммо сўнгги бор касалга чалиндию ўзини бошқа ўнглай олмади. Умрининг сўнгги кунларини азоб-изтиробда кечирди. Ёлғиз хасталанган тани эмас, виждони ҳам уни қийноққа солар эди. Кўпроқ ўз роҳат-фароғатини кўзлаб яшагани учун ғам чекарди. Худога хуш келмовчи, ислом тақиқлаган шаробхўрлик ва бошқа амаллардан ўзини тиёлмаган эди. У қон тўкиб, жон чекиб, улкан салтанат барпо этмишди... Ўғли Ҳиндолни соғиниши устига устак оғир юк бўлиб тушган эди. У кечалари ўрнидан туриб, кўз ёшларини оқизиб, Ҳиндолни чорлаб, йиғлар эди. «Ёш шаҳзода Аграга томон йўлга тушмиш, ҳали замон келиб қолади», деб табиблар ишонтиргач, бир оз енгил тортар эди.

Бобур ажали яқинлашиб қолганини сезгач, амиру умароларини йиғиб, уларга шундай деди:

«Кўзим очиқлигида тож-тахтни Ҳумоюнга топширсам деб кўпдан орзу қилардим. Севимли боғимда гўшанишин бўлиб, дарвешона ҳаёт кечириш истагим эди. Гарчи Оллоҳи карим марҳаматини мендан ҳеч қачон аямади, аммо шу икки тилагим адосига етмай қолаверди. Бугун фоний дунёдан боқий дунёга кетишим кўриниб қолди, шунинг учун сизларга амр этаман: подшоҳим, деб Ҳумоюнга байъат этинглар, яхши ёмон кунларида унинг ёнида бўлинглар. Унга меҳри садоқат кўрсатинглар. Умид улким, худойим ўзи мададкор бўлиб, Ҳумоюн ҳам сиздан лутфу марҳаматини аямагай...»

Сўнг тўшаги олдида қўл қовуштириб турган Ҳумоюнга ўгирилди, ундан яқинроқ келишини сўради. Бошига энгашган шаҳзодага алвидо ўрнида шивирлаб, шу сўзларни айта олди:

«Ҳумоюн, укаларинг, қариндош-уруғ, эл-улусни сенга топширдим. Сўнгги тилагим: укаларинг жазога лойиқ иш қилиб қўйишса ҳам, уларга озор етказмагил... Шу тилагимни адо этишингда худойим сенга мададкор бўлсин...»

Ҳумоюн тиз чўкиб, отасининг оёғига бошини қўйди...

Орадан уч кун ўтгач, 1530 йилнинг 26 декабрь, душанба куни Бобур вафот этди. Халқ орасида бирор исён-тафриқа қўзғалмагай, деб унинг вафотини сир тутишди. Ҳиндистонлик аъён Оройишхоннинг маслаҳати билан «Бобуршоҳ тожу тахтни ўғли Муҳаммад Ҳумоюнга топшириб, ўзи дарвешлик йўлини тутмиш», деб эълон этишди.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҳозирги Тож Маҳал қаршисидаги боғда дафн этилди. Орадан тўққиз йил ўтгач, унинг хотинларидан бири — Биби Муборика Аграга келиб, эрининг қабрини Кобулга кўчирди. Қабр каттакон бир боғ ичида бўлиб, бу ердан водий оша чўққиларини қор босган тоғлар кўриниб турарди. Бобур бу тоғларни севар эди... Шоҳ Жаҳон бобосининг қабри ёнида кичик бир масжид қурдирди. Жаҳонгир мармар соғона кўтариб, қабр тошига таърих ёздирди.

Бобур қирқ саккиз ёшида вафот этди. У ҳамма нарсага жасорат ва ҳалоллик ила эришди. Буюк мағлубиятлари устига буюк ғалабалари иморатини қура олди. Ёшликда кўрган омадсизликлари ўрнига кейинчалик улуғ омадлар унга ёр бўлди. Ниҳоят, у Ҳиндистон тарихида илгари ҳеч кўрилмаган буюк салтанатга асос солди.

Бобурнинг буюклиги ана шу мезонлар ила ўлчанади...

Инглиз тилидан Жамол КАМОЛ таржимаси

---

*Мазмуни: Оёғинг боғлиқ эса, тақдирга тан бер, якка отлиқ эсанг, йўлингда давом эт...

БЕБАҲО ИНЖУ

Боши бешинчи бетда

Бобур мирзо Самарқанд тахтидан қувилгандан сўнг анча вақт сарсон-саргардонликда юради. Йўл-йўлакай кўргани турли жойларнинг кўрғони, архитектура иншоотлари ҳақида ҳам хабар ёзиб қолдирган. Унинг Шаҳрисабз ёдгорликлари ҳақидаги сўзлари айниқса диққатга сазовордир.

Бобур Ҳиротда эканлигида Алишер Навоийнинг уйида истиқомат қилди, унинг қурдирган иморатларини, Неъматобод ансамблини бирмабир кўриб чиқди. Шу даврда Бобур Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан, унинг бинойи хайр ишлари билан янада яқинроқ танишди. У шундай деб ёзади: «Алишербек назири йўқ киши эди. Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай... Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъи ва эҳтимоли била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайр ким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай».

Бобурнинг ўзи ҳам Алишер Навоий каби бинокорлик ва архитектурага, боғдорчиликка ғоят қизиққан, ихлос қўйган эди. Унинг бинойи хайр ишлари айниқса Афғонистон ва Ҳиндистон ҳукмрони бўлган даврда кенг ривож топди. «Бобурнома»да бу ҳақда ғоят диққатга сазовор хотиралар келтирилган. Бобур буйруғи ва кўрсатуви билан жуда кўп боғлар барпо этилган, турли хил иморат-иншоотлар қурилган. Олиб борилган бунёдкорлик ишларининг кенг кўлами ҳақида Бобурнинг Самарқанддаги Бибихоним масжиди қурилиши билан қилган қиёси характерлидир.

Бобур Ҳиндистонни фатҳ этгандан сўнг, мамлакатнинг ўз тасарруфи остидаги турли шаҳарларида, айниқса Аграда жуда катта қурилиш ва ободончилик ишларини олиб боради. 1525 йилда Агра, Биёна, Дулпур, Гувалёр ва Кўлдаги Бобурнинг иморатларида 1490 сангтарош ишлаганлиги қурилишларининг катта кўламидан дарак беради.

Бобур бир неча бор Ҳиндистонда оқар сув йўқлигини қайд этиб ўтади. Шунинг учун «ҳар ерда ўлтурушлуқ бўлса, чархлар ясаб, оқар сувлар қилиб, тарҳлик ва сиёқлик ерлар ясаса бўлур», — деб маслаҳат беради. Ўзи эса қай жойда боғ барпо этар экан, режа тортиб хушманзара бўлишига алоҳида эътиборни қаратади.

Бобур шахсан ўз дидига муносиб боғ ва иморатлар барпо этгани, табиий. Унинг истак ва талабларини амалга оширган меъмор ва ҳунарманд усталар қаторида етакчи ўринни Ўрта Осиё ва Хуросонлик ижодкорлар эгаллаган бўлиши керак. Чамаси, Бобур Моваруннаҳр архитектураси услуби ва анъаналарини тарғиб ва татбиқ этган кўринади.

Бобур ирригация иншоотлари, инженерлик конструкциялари, техника билан ҳам кўп қизиққан, бу соҳадаги ишларни рағбатлантирган. Бу жиҳатдан унинг устод Алиқулининг тўп, милтиқ каби қуроллар ясаш, улкан қозон қуйиш ишларини шахсан бориб кузатгани, иморатлар гумбазларини фарқлаб қайси дастур билан қилинганини кўрсатиши диққатга сазовор.

Бобур ва унинг меъморчилик ҳақидаги сўзлари, унинг Ҳиндистон архитектурасига муносабати ва таъсири устида фикр юритар эканмиз, бобурийлар империяси (1526 — 1707 йиллар) давридаги шимолий Ҳиндистон архитектураси эришган улкан ютуқлар кўз олдимизда намоён бўлади. Дарвоқе, ана шу давр Ҳиндистон архитектурасининг юксалиш даври сифатида тарихда маълум. Жуда кўп ажойиб ва маҳобатли, юксак санъат ва меъморчилик асарлари ҳисобланган иморатлар ҳозиргача сақланиб қолган ва жаҳонга маълум. Шулар қаторида Тожмаҳал ансамблини бобурийлар даври архитектурасининг гултожи десак бўлади.

Умуман айтганда, Бобур мирзонинг Самарқанд, Ҳирот ва бошқа шаҳарлар архитектурасига оид қолдирган маълумотлари бебаҳо тарихий аҳамиятга эга.

ОФТОБЖАМОЛ ИНДАМАДИ...

Хонанда Неъматжон ҚУЛАБДУЛЛАЕВ суратига чизгилар

Менимча, «Индамади» қўшиғини ва унинг ижрочисини республикамизда танимайдиган одам бўлмаса керак. Тўғри, Неъматжон Қулабдуллаев бундан ташқари яна кўплаб қўшиқларни халққа манзур қила олди. Лекин барибир, «Индамади» қўшиғи унинг хонанда сифатида юртга ном таратишини таъминлади. Пўлат Мўмин ва Имомжон Икромов ҳамкорлигида яралган бу қўшиқни тинглар экансиз, гўё у фақат Неъматжон ака учун ёзилгандек туюлади. Сабаб, бу хонанда қўшиқни шунчаки куйламайди, унга дил кўрини, қалб ҳароратини бахш этади, қўшиқчиликни касб эмас, ҳаёти деб билади. Бу фидойилик унинг қонига, жонига ҳали гўдаклигидаёқ сингиб кетган. Онаси Дилафзал, тоғалари Йўлдош, Иброҳим, Рустам акалар санъатнинг чин шайдолари бўлиб, улар Неъматжонни ҳам шу сирли оламнинг дастлабки тилсимотларидан воқиф этдилар. Бундан ташқари, Султонхон танбур деб ном чиқарган Султон ака Ҳакимов уларга қариндош бўлиб, Неъматжон у кишининг сабоқларидан баҳраманд бўлди. Амакиси Эрназар Бойназаров ажойиб созанда бўлиб, дуторни ниҳоятда яхши чертарди.

Мурғак қалбда уйғонган муҳаббат бора-бора ҳаётий заруратга айланди. Дутор хонанда ҳаёти ва ижодининг бир бўлаги, санъатининг гултожиси бўлди. У бошқаларга тақлид қилмай, биргина дутори билан юрт кезди, шуҳрат қозонди, халқнинг дуою олқишини олди.

Албатта, хонанда санъатнинг сеҳрли майдонига бирданига кириб қолгани йўқ. Дастлабки синов 1936 йили бўлган. Буни Неъматжон ака шундай эслайди:

— Ўшанда 6 ёшларда эдим. Мирғофир деган ўқитувчи тоғам уйланаётганди. Куйлашимдан хабардор бўлган Зубаржат Норбоева деган аёл (у киши ҳозир Тошкент шаҳар, Киров район адвокатурасида ишлайдилар) мени кўчадан тўйга бошлаб кириб, қўшиқ айтишимни илтимос қилдилар. Шунда биринчи бор кўпчилик ўртасида «Сегоҳ»ни куйлаганман. 1939 йил 23 апрелда эса Чимкент область радиосида шу қўшиқни ёзиб олишди.

Ҳа, 9 ёшида радиога қўшиқ ёздириш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Лекин Неъматжоннинг катта санъатга қадам қўйишига ҳали бор эди. 1941 йили бошланган Ватан уруши, айниқса, унинг режаларини анча кечиктирди. Отаси, уч акаси фронтга кетиб, оила ташвиши унинг зиммасида қолди. Лекин бирор дақиқа бўлсада, қўшиқни, дуторни тарк этмади. Уруш тугаб, оғирчиликлар анча ортда қолгандан сўнг Неъматжон туғилган жойи Чимкентдан Тошкентга келди ва Ҳамза номидаги музика билим юртига ўқишга кирди. Кейин ҳарбий хизматга чақирилди. Беш йил Болтиқ денгизида хизмат қилди. Аммо қўшиқни тарк этмади, дутор қўлидан тушмади. Ҳаваскорлар тўгарагида қатнашиб, қуролдош дўстлари қалбига завқ бағишлаб юрди.

Неъматжон ҳарбий хизматдан қайтганида, оилада тирикчиликнинг аҳволи оғир эди. Шунинг учун заводга ишчи бўлиб кирди. Лекин қўшиқ ҳамон унга ҳамроҳ эди. Барча қийинчиликлар ортда қолди ва Неъматжон Қулабдуллаев 1957 йили Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга кирди. Шу йилдан Ўзбек давлат филармониясининг Т. Жалилов номидаги халқ чолғу асбоблари оркестрида дуторчи-созанда бўлиб ишлай бошлади.

— Мана, ўшанга ҳам ўттиз йилдан ошиб кетибди, — дея эслайди Неъматжон ака. — Ҳар йили 200 га яқин концерт берардим. Ўзбекистоннинг ҳамма ерларида, Тожикистоннинг жуда кўп жойларида бўлдим. Шундай бир воқеа эсимда: 1961 йили Андижоннинг Ойим қишлоғига учрашувга бордик. Группага ажойиб актёрларимиз Амин Турдиев ва Наби Раҳимов бошчилик қилишарди. Кеч куз, ҳаво совуқ эди. Одам ниҳоятда кўп тўпланганидан ташқарига жой қилишди. Шунда санъаткорларимиз «совуқ» деб чиқишмади. Бутун ишини йиғиштириб, қўшиқ эшитмоқчи бўлиб, совуқни ҳам писанд қилмай, ерга жой қилиб ўтирган одамларнинг санъатга ихлоси мени тўлқинлантириб юборди ва Амин акага «Бошлайверинг, мен чиқаман», дедим. Ўша куни 2 ярим соат хизмат қилдим. Албатта, бошқа санъаткорлар ҳам кейин сафга қўшилишди...

Кўплар дуторни бир четга суриб қўйиб, «мода» деб ғарб чолғу асбобларига берилиб кетган пайтларда ҳам, Неъматжон ака дуторни қўлдан қўймади.

— 53 йилдан буён ҳамишалик ҳамроҳим бўлган дутор кўринишидан ниҳоятда содда тузилган, — дейди санъаткор. — Лекин уни «сайратиш» чертувчидан заргарона меҳнат талаб қилади. Бу чолғу асбобини чертишни ҳар бир ўзбек фарзанди билишини истардим. Мен бутун фаолиятим давомида ҳам, ҳозир ҳам мактаб ўқувчилари даврасида тез-тез бўлиб тураман. Очиғи, болаларнинг 50 фоизи дуторни билмайди, уни тор, рубоб билан алмаштиради. Шунинг учун концертларимдан аввал, иложи борича, уларга дутор ҳақида тушунча беришга ҳаракат қиламан. Илгари ҳар бир ўзбек хонадонининг уй тўрида битта дутор осиғлиқ турарди. Қани энди яна шундай бўлса!

Неъматжон ака яратган куйлар дилларга завқ бағишлаб келмоқда. Ёнғин Мирзонинг «Дутор», Лоҳутийнинг «Билмасанг, билгил», Махтумқулининг «Изламайин бўлурми», Чустийнинг «Халқ нури бирла битар», Мужрим Обиднинг «Ёрғинамни бир кўрсам», Акмал Пўлатнинг «Ўзбекистоним», Холиснинг «Мувашшаҳ» ва бошқа шоирларнинг шеърларига басталаган куйлари шулар жумласидандир. Ўзбек куй-қўшиқларининг софлиги, миллий анъаналар заминига қурилиши лозимлиги масаласи Неъматжон акани ҳамиша ташвишга солиб келади.

— Ҳақиқий санъат узоқ вақт мобайнида тобланиб кейин бўй кўрсатади, — дейди хонанда. — Лекин ҳозирги куй-қўшиқлар ҳам, хонандалар ҳам «эртапишар» бўлиб кетишган. Бизнинг куйларимизда араб, эрон, озарбойжон оҳанглари аралашиб юрибди. Ҳозирги ёшларимиз, айниқса, озарбойжон мусиқасининг «шуур» шаклини кўп қўллайдилар. Мени ташвишга солаётган яна бир нарса шуки, айтилаётган қўшиқларнинг сўзларига кўпинча тушуниб бўлмайди. Масалан, С. Зуннунованинг «Ҳай-ҳай», Ҳабибийнинг «Вафо кўрдим», Холиснинг «Кулиб-кулиб» шеърлари билан куйланаётган қўшиқларда сўзлар алмашиб, бузиб айтиляпти. Бунга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Умуман, қўшиқчиларимиз талаффуз устида жиддий ишлашлари керак. Шунингдек, бир хонанда айтиб, маъқул қилдириб қўйган қўшиқни яна бошқалар такрорлайвергандан кўра, янги бир қўшиқ яратиш муҳимроқ деб ўйлайман. Мақсад халққа хизмат қилиш экан, ҳамиша янгилик яратишга, халқнинг айтилмаган дардларини айта билишга не етсин!

Неъматжон ака санъат оламига кирибдики, юқорида айтганимиздек, ҳамиша халқ орасида. Айниқса, сўнгги икки-уч йил мобайнида ҳеч қандай ансамблсиз, микрофонсиз, бирорта одам ёки ташкилотнинг ёрдамисиз Чимкент, Наманган вилоятларини кезиб чиқди, ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам санъаткорлар қадами етмаган жойларда учрашувлар ўтказди. Бу ерлардан олган ташаккурномаларининг сон-саноғи йўқ, самимий миннатдорчилик сўзлари битилган сатрларни ўқиганингиз сари хонанда меҳнатининг эъзозидан завққа тўласиз. Биз Неъматжон акадан бу «халқ орасига юриш»нинг сабабини сўрадик;

— Аввало, асосий бурчимни халққа хизмат қилиш деб биламан. Қолаверса, ўзингизга маълум, турли сабабларга кўра 20 йилдан буён телевидениеда чиқмайман. Бир куни машинада кетаётсам, радиодан қўшиғимни бериб қолишди. Ёнимда ўтирган одам: «Раҳматли яхши айтарди», — деб қолди. Бундан ниҳоятда хафа бўлиб кетдим. Демак, мени оламдан ўтди, деб ўйлайдиганлар бор эканда. Кейин фақат халқ орасида бўлишга, умрим, имконим борича халққа хизмат қилишга бел боғладим...

Аслида шундай. Ҳақиқий санъаткорман деганлар ҳамиша халқ билан бирга бўладилар. Бугун биз ана шундайлардан фақат биттаси ҳақида ҳикоя қиляпмиз. Бундайлар, яъни умрини санъат ишига бахшида этиб, номлари ҳеч қаерда тилга олинмай, ўз вақтида тақдирланишдан бенасиб бўлганлар озми? Шу ҳақда жиддийроқ ўйласак, ёмон бўлмасди.

Бугунги кунда 60 ёшни оралаган Неъматжон ака фалон унвонга, мана бундай давлат мукофотларига эга демадик. Чунки бу содда, камтарин, самимий ва меҳнатсевар инсон унвон кетидан эмас, санъат кетидан қувган. Неъматжон Қулабдуллаевда қўшиққа самимий муҳаббат, халқига садоқат бор. Шунингдек, у кишининг ҳар қандай хазинадан юксак турувчи 11 фарзанди бўлиб, уларнинг барчаси ҳаётда ўз ўрнини топган. Уларнинг ёнига яна 30 та набирани қўшадиган бўлсак, устоз хонанданинг қанчалар бадавлат экани яққол кўринади. Унинг яна бир катта бойлиги халқининг муҳаббати, эъзози ва ишончидир. Демак, Неъматжон аканинг таянчи бақувват. Бу таянч уни ҳали жуда кўп яхши қўшиқлар ижро этишга илҳомлантиради. Тингланг, Неъматжон Қулабдуллаев куйлаяпти:

**Эй гўзал, номинг на деб, берсам савол, индамади.
Маҳлиё этди тамом, офтобжамол индамади...**

Гулчеҳра УМАРОВА

ЗИЁХОНА ТАШВИШЛАРИ

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Машҳур инглиз ёзувчиси Лемб Чарльз ёзганидек, «Инсон учун яхши кутубхонада бўлишдан ҳам ортиқроқ завқ йўқ. Китобларга қарашнинг ўзи бахт. Кўз ўнгингизда илоҳий иззатларга лойиқ зиёфат, шу зиёфатда иштирок этиб, қадаҳингизни лиммо-лим тўлдириб олишингиз мумкинлигини тасаввур қиласиз».

Аммо кутубхона ишининг қандай ташкил этилгани, энг аввало, кутубхоначига боғлиқ. Зотан, кутубхоначилик ишининг юраги кутубхоначидир. Бас шундай экан, зиёхоналарни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш муаммосини ҳал этмай туриб, кутубхоначилик ишини ривожлантириш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас.

Кадрлар сифати эса, биринчи навбатда, уларни қандай тайёрланаётганига боғлиқ. Очиғини айтиш керакки, институтимизнинг кутубхоначилик факультети таълим-тарбия ишида баҳсталаб жиҳатлар кўп. Фикримизча, кутубхоначилик ихтисоси бўйича талабалар қабул қилиш ишига бугунгидан бошқачароқ ёндашиш керак.

Факультетда алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган масалалардан бири бу ерда меҳнат қилаётган профессор ва педагогларнинг жойлардаги кутубхона ходимлари билан педагоглик алоқаларини мустаҳкамлашдир. Институтда жумҳурият кутубхона ходимларининг малакасини ошириш факультети ташкил этилса, бу борадаги асосий муаммо ҳал қилинган бўларди.

Ўқитишдаги камчиликлар хусусида, аввало, шуни айтиш керакки, факультет ўқув режаларида ихтисосликка тааллуқсиз фанлар кўп. Хусусан, янги тарих, чет эл адабиёти, жисмоний тарбия, адабиётшуносликка кириш, философия тарихи... каби фанларни ўқитиш шарт эмас. Шунингдек, СССР тарихи, рус адабиёти тарихи ва рус совет адабиёти, рус тили, сиёсий иқтисод, чет тили сингари бир қанча фанларнинг ўқитилиш соатларини қисқартириш лозим. Бунинг ўрнига Ўзбекистонда кутубхоначилик иши ва китоб тарихи, ўлкашунослик, библиография... каби ихтисосга тааллуқли фанларни ўқитиш ҳажмини ошириш керак. Араб алифбосига асосланган ўзбек ёзувини ўқитиш масаласига келсак, бунинг учун алоҳида группалар тузиш мақсадга мувофиқдир.

«Аввал иқтисод, кейин сиёсат», деганларидек, моддий манфаатдорлик масаласи ҳам кун тартибидаги асосий ишлардан биридир. Тўғри, кутубхоначиларнинг маошини ошириш борасида бу йил бирмунча ишлар қилинди. Аммо, бу борадаги ишлар шу куннинг талаблари даражасида деб бўлмайди. Кутубхоначиларга кутубхона категориясига қараб маош белгилаш усулидан воз кечиш лозим. Чунки бу ҳолат ишда баъзи кўзбўямачиликлар учун йўл очади. Қолаверса, ҳақ белгилашнинг бундай йўлидан бориб, иш сифатини яхшилашга, самарадорлигини оширишга, кадрларнинг мунтазам ишлашини таъминлашга эришиб бўлмайди. Бизнингча, кутубхоначилар маошини оширишда қуйидагича йўл тутиш ўринли бўлар: мавжуд вилоят кутубхонаси билан вилоят болалар кутубхоналари бошқарув фаолиятини бирга қўшиб, бирлашма ташкил қилиш керак. Бунда ўз-ўзидан иккита директорнинг ўрнига битта қолади. Баъзи бўлимлар ҳам худди шундай бирлаштирилади. Бунда эса, шубҳасиз, катта миқдорда маблағ тежалади. Ана шу пулларни кутубхона ходимлари маошига қўшиш имкони туғилади. Бундай иш усули Самарқанд вилоят кутубхонаси фаолиятида йўлга қўйилган. Шунга ўхшаш усул район кутубхоналарида ҳам кенг йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шаҳар болалар ва шаҳар оммавий кутубхоналар ишида ҳам юқоридагидек бирлашмалар ташкил қилиш бирдан-бир тўғри йўлдир. Кутубхоначиларнинг маош миқдори уларнинг мазкур соҳадаги узлуксиз иш фаолиятига қараб ошиб бориши керак.

Шунингдек, жумҳуриятимизда янги кутубхона биноларини қуриб фойдаланишга топшириш ишларига ҳам панжа орасидан қараб келинмоқда. Бу эса ўз-ўзидан китобхонларга хизмат кўрсатиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Чунки китобларни сақлашнинг техник қоидалари бузилади.

Бизнингча, жумҳурият, вилоят, туман кутубхоналарида нусха кўпайтирувчилар аппаратларнинг энг замонавийларини харид қилиб олишлари керак. Бу билан улар китобхонлар ва буюртмачилар талабини пулли шартнома асосида бажаришлари мумкин. Шунингдек, ўқув хоналарини (тунги пайтда) турли ташкилотларнинг ўқув машғулотлари учун ажратиб бериш ҳақида ҳам ўйлаш керак. Улардан келадиган даромад эса кутубхона биносини созлаш-безатиш, турли буюмлар сотиб олишга сарф қилинади.

Кутубхона хизмати сифатини пасайтираётган сабаблардан яна бири зиёхоналар фондини тўлдиришдаги режасизликдир. Жуда кўп қишлоқ, район, вилоят кутубхоналарида фонд билан китобхон талаби номутаносибдир.

Кадрлар хусусида ҳам икки оғиз сўз. Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, вилоят маданият бошқармаси ва туман маданият бўлимларидаги кутубхоначилик иши инструкторлари лавозимларига тасодифий шахслар ўрнашиб олган. Бундай бошқармаларда ва кутубхона директори вазифасида сўзсиз махсус ихтисос, билимига эга бўлган мутахассислар ишлаши керак. Жумҳурият кутубхона ходимлари съездини чақириш устида ҳам ўйлаш лозим. Яна зиёхона ходимларини маънавий рағбатлантиришни яхшилаш тадбирларини белгилаш ҳам биринчи галдаги вазифалардан биридир.

Хулоса шуки, бугунги инқилобий ўзгаришлар, эркинлик ва ошкоралик даврида маънавий хазина калити бўлмиш кутубхоналар фаолиятига бўлган муносабатларимизда ҳам маълум ижобий ўзгаришлар ясашга эришмоғимиз, бунинг учун эса ҳозирданоқ ҳаракат қилмоғимиз керак.

Норбек УСАНОВ,
А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ўқитувчиси

ПОКЛАНИШ МАНЗАРАЛАРИ

Рассом Акмал НУРИДДИНОВнинг «Маккатиллога йўл» туркуми ҳақида

У чизган суратлар, яратган манзаралар қаршисида туриб узоқ ўйга толасан киши. Расмларда дард билан чизилган изтиробли воқеалар, ранглар беихтиёр қалбингга кўчади. Сўнг хаёлингда бирин-кетин изтироб манзаралари намоён бўла бошлайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда истеъдодли рассом Акмал Нуриддиновнинг «Маккатиллога йўл» деб номланган янги туркум асарлари мавзу, услуб жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Тўғрироғи, бу туркумда рассом талантининг ҳали очилмаган ноёб қирралари, ижоднинг шаклланиш пиллапоялари, ижодкор дунёқарашининг теранлашиб бораётгани эркин рангларда акс этган. Агар мусаввир яхши мавзу топсаю унга мос ранглар тополмаса, дилидагини оқ қоғозга кўчиролмаса, яратган картинаси томошабинга манзур бўлмайди. Ёки шу ҳолнинг акси ҳам бўлиши мумкин. Акмал ижодини кузатар эканмиз, айнан ижоднинг шу нуқталари уйғунлашиб бораётганини кўрамиз.

Туркумнинг дастлабки картинаси «Учрашув» деб номланган. Унда Маккатиллога бориб, покланиб қайтаётган инсон билан ҳаж сари яъни, покланиш томон интилаётган одамларнинг учрашуви акс эттирилган. Инсон пайдо бўлибдики, чинакам покликка ва покланишга интилади. Бу йўлда ҳар қандай тўсиқларни, қийинчиликларни машаққат билан енгиб ўтади. Умрининг сўнгги дақиқаларигача азбаройи пок бўлиш учун курашиб яшайди. Поклик — улуғлик белгиси...

Шу туркумдаги иккинчи картина «Абадийлик» деб аталади. Унда қазо қилган одам руҳининг арши-аълога учиб кетиши тасвирланган. Айтишларича, одам ҳаётдан кўз юмгач, унинг жони — руҳи танасидан чиқиб, учиб кетармиш. Рассом бу ерда ҳам инсон дунёсининг ҳали номаълум жиҳатларини очишга интилади. «Маъбуда»да эса нариги дунёнинг гуноҳ ва савоб ишлари қандай сарҳисоб қилиниш манзараси маҳорат билан чизилган. Тарозибоннинг бир қўлида тарози, иккинчи қўлида эса иккита калит бор. Бири жаннат эшикларини очса, бири дўзах эшиклари учун хизмат қилади. Тарози паллалари эса гуноҳ ва савобни тезроқ ўлчаш учун шай турибди. Картинадаги айнан шу ҳолат томошабинни ҳаяжонга солади... Шу туркумга кирган асарлардан яна бири «Фаришта» деб номланган. Унда жисмидан жудо бўлган инсон руҳини оппоқ қанотларига олиб, арши-аълога илдам учаётган фаришта тасвирланган. Олисда нарвон, фаришта ўша нарвон орқали қабр остидан чиққан руҳни оҳиста олиб кетаётир. Пастда эса шайтон. У фақат тирикликда эмас, балки ҳаётдан кўз юмган инсон руҳини алдаш, адаштириш, чалғитиш ниятида пайт пойлаб турибди. Агар у иложини топса руҳни мункарнакир ҳузурига элтишни истайди. Фаришта эса оппоқ қанотларини қоқиб, оппоқ либосларда бечора руҳни ҳақ сари олиб учмоқда.

Инсоннинг тириклиги, поклиги, ички ва ташқи олами ҳамиша Руҳ билан боғлиқ. Абул Ҳасан ал-Кисоий «Одамнинг жисмига жон — руҳ кирганлиги ҳикояти»да шундай деб ёзади: «Ривоят қилибдурларки, Одамнинг руҳини (кўнглини) Оллоҳ ўз нурига чайиб олди. Руҳ нурга чайилган ва Худованди каримни шарафлаган ҳолда Одам жисмига кира бошлади...»

Ҳақиқатан ҳам, руҳ инсон жисмини тарк этгач, суратда тасвирланганидек фаришталар ёрдамида Оллоҳ ҳузурига ошиқса керак...

Акмал Нуриддинов яратган «Маккатиллога йўл» туркуми инсонни доимо яхшиликка, ҳамиша покликка ва ҳар қачон, ҳар қандай шароитда тоза руҳ билан яшашга даъват этади. У яратган изтироб ва покланиш манзараларининг асл моҳияти ҳам шунда. Биз эса рассомга фақат омад тилаймиз. Унинг ҳам ижод йўли ўзи тасвирлаганидек поклик нури билан йўғрилган бўлсин.

А. ЖЎРАЕВ

СУРАТДА: «Маккатиллога йўл» туркум асаридан намуналар

УЧРАШУВ

Яқинда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунуни Маданият саройида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар — шоир Муҳаммад Юсуф, қизиқчи Обид Асомов, қўшиқчилар Ғиёс Бойтоев, Муҳриддин Холиқов, режиссёр Бахтиёр Сайфуллаев, Шерқон Қодирий, Олимжон Муҳиддинов билан талабаларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Номзодлар талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Иқтидорли қўшиқчилар Ғиёс Бойтоев ва Муҳриддин Холиқов ўзларининг ажойиб ва дилрабо қўшиқлари билан талабаларни хушнуд этган бўлишса, шоир Муҳаммад Юсуф ва қизиқчи Обид Асомов ўз ижодларидан намуналар ўқишиб, уларнинг кайфиятини янада кўтаришди.

Кечани Бахтиёр Сайфуллаев олиб борди. Бу учрашувни дорилфунун комсомол қўмитаси уюштирди.

СЎЗГА МУҲАББАТ

Илк қадам

Сўнгги йилларда жумҳурият телевидениеси дикторлари сафига бир гуруҳ ёш истеъдодлар келиб қўшилдилар. Уларнинг ҳар бирини ўзига хос овози ва услуби бор. Қисқа фурсат ичида телетомошабинлар эътиборини қозонган ёшлар ичида иқтидорли диктор Муслим ЙЎЛДОШЕВ ҳам бор. Муслим билан мулоқотимиз асосан телевидениенинг бугунги муаммолари устида борди.

— Муслим, айтингчи, Сиз учун дикторлик касбми ёки санъатми?

— Умуман олганда дикторлик аввало санъат. Лекин уни санъат даражасига кўтаришга кимнингдир таланти етади, кимникидир йўқ. Шу боис, уни шунчаки тирикчилик манбаига айлантириб, касб қилиб олиш бийнҳор ярамайди. Менинг ўз жайдари бир фалсафам бор: истаган бир оддий касб эгаси, агар кўнглида ўзи бажараётган ишга меҳр-муҳаббати бўлса, астойдил интилиш ва тинимсиз изланишда бўлса шу касб-корини санъат даражасига кўтара олади. Айтайлик, бир неча асрдан буён жаҳон аҳлини ҳайратга солиб турган улуғвор меъморчилик обидаларимиз пештоқларида «амали усто...» деган битиклар битилган. Номлари маълум ва номаълум оддий устозларимизнинг юксак салоҳият билан яратган ишлари бугунги кунда санъатимизнинг нодир намунаси сифатида эъзоз топди. Шу нуқтаи-назардан касбга муҳаббат санъат тушунчаси билан уйғун деб ўйлайман. Муҳаббат қабариқларидаги изланишлар эса ҳар бир ижодкорга маълум нарса.

— Гапнинг очиғи, жумҳуриятимиз телевиденеси дикторларининг дунёқараши, савия-саводи ҳали ҳавас қилгудек даражада эмас. Бунинг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Бу биринчи галда дикторнинг ўзига тегишли муаммо. Чунки режиссёрнинг кўрсатмалари ва тайёр текстларни ўқиш билан тафаккурни чархлаб бўлмайди. Аввало, кўпроқ мустақил ўқиб-ўрганиш лозим. Диктор ижтимоий соҳадаги барча билимларни пухта эгаллаган бўлиши шарт. Чунки хизмат юзасидан кутилмаган кўрсатувлар ёки тадбирларни олиб боришга тўғри келади. Ана шунда дикторнинг нечоғлик дунёқарашга эгалиги синовдан ўтади. Иккинчидан телевидениедаги ҳозирги шароит ҳам ижодий имкониятларимизга бироз тўсқинлик қилмоқда. Мисол учун, бирор бадиий ёки ҳужжатли фильм устида ойлаб, йиллаб иш олиб борилади. Лекин айрим йирик кўрсатувларни икки-уч соат ичида тайёрлашга тўғри келмоқда. Бундай тезкор суръатда тайёрланган кўрсатув истайсизми-йўқми кўнгилдагидек чиқмайди. Биз шундай пайтда текстни зўрға бир марта кўздан кечиришга улгурамиз, холос. Зеро, диктор ўқиётган ҳар бир текст матнини пухта ўзлаштирган ва унга фаол муносабатда бўлиши тақозо қилинади. Шу ўринда, саволингизга унчалик ёпишмасада, лекин қайсидир маънода алоқаси бўлган бир муаммо хусусида қисқа айтиб ўтмоқчиман. Ҳозир телевидениемиз фаолиятини танқид қилувчилар кўп. Лекин амалий ёрдам берадиганлар кам. Масалан, мен «Китоб бизнинг дўстимиз» кўрсатувини 8 йил олиб бордим. Лекин ушбу кўрсатувга «Китобхон» жамияти ҳам, Бадиий адабиётнинг тарғибот маркази ва бошқа кўплаб манфаатдор идоралар бирор-бир муносабат билдиришмади.

— Муслим, диктор учун тил компоненти биринчи ўринда туради. Дикторларимиз талаффузидаги кўплаб нуқсонларни қандай бартараф этиш мумкин?

— Дарҳақиқат тил ва талаффуз муаммоси бизни кўпдан бери ўйлантириб келади. Барча соҳаларда бўлганидек, телевиденеда ҳам бундан икки-уч йил муқаддам она тилимизни камситувчи бир йўналиш мавжуд эди. Ўзбек дикторлари икки тилни, айниқса рус тилини билишлари шарт эди. Ўзбек тилидан қатъий назар, рус тилида яхши гапирган кишилар дикторликка олинарди. Ана шунинг таъсири бўлса керак, ҳали-ҳали кўпгина қусурлардан қутилолмаяпмиз. Марказий телевиденеда тил ва талаффузни назорат қиладиган махсус ўрин бор. Бу жойда узоқ йиллардан бери тилшунос олим, профессор Ф. Л. Агеенко фаолият кўрсатмоқда. Бизда ҳам ана шундай хайрли ишни жорий қилиш вақти келди. Биз эндиликда, тилимизни пухта эгалламоқчи эканмиз, унинг тарихий илдизларига назар ташлашимиз, тил илмини ўрганишни буюк бобокалонимиз Маҳмуд Кошғарий ва Алишер Навоий меросидан бошлашимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

Ж. САФОЕВ суҳбатлашди

КЎЗИДА ЁШ БИЛАН БАХТНИ КУЙЛАГАН

Боши биринчи бетда

Шоир ижодида социалистик қурилиш мавзуи 1933 йилгача фаол давом этган. Ундан кейинги йиллардаги ижодида эса бу мавзу деярли учрамайди. Балки шоир ўз хатоларини шу даврга келиб англаб олган бўлиши мумкин. Унинг 1934 йили ёзган «Хайрлашув» шеърида фақат севган ёри билан хайрлашиш эмас, балки ўтган даври ва ижоди билан видолашаётганига ҳам ишора бор.

Шу пайтга қадар шоир ижодини тадқиқ қилган олимлар бир томонлама таҳлилга йўл қўйиб келдилар. Қайта қуриш даври эса Ҳамид Олимжон ижодига ҳам ҳаққоний баҳо беришни тақозо этмоқда. Шунинг учун шоир ижодидаги меҳнат мавзуига биз анъанавий таҳлил йўлидан бироз бошқачароқ ёндашдик. Ҳамид Олимжон катта истеъдод эгаси эди. У ўз даврида юз бераётган воқеаларни чуқур англаб етарди. У ўз Ватанини, она халқини ниҳоят даражада севиб, ардоқлаган шоир эди. Ўзбекистон ҳақида ёзган шеърлари, халқ бахт-саодатини тараннум этган асарлари бунга яққол мисол бўла олади. Бу шеърлар юрак қўридан қайнаб чиққан илҳом мевасидир. Шунинг учун бўлса керак, шоирнинг она-юрт ва ишқ-муҳаббат ҳақидаги шеърлари замон тўғрисида битган шеърларидан кўра ҳароратли, жозибалидир. Чунки бу шеърларни шоир мажбур бўлиб эмас, қалб туйғуси билан ёзган.

ШОИРНИНГ «Ўлка сафарбар» шеъри 30-йилларнинг дастлабки даврларида ёзилган. Маълумки, бу йилларда беш йиллик планлар қабул қилинди. Бу беш йиллик планларнинг бир қатор ижобий хусусиятлари билан бирга, анчагина иллатлари ҳам борлиги бугунги кунда маълум бўлиб қолди. Мана шу планлардаги ва коллективлаштириш даври иллатларини наҳотки шоир ўша даврда сезмаган бўлса, деган савол туғилади. Чунки бу иллатлар асосан табиатга, она-ерга ёвузларча муносабат, деҳқончиликнинг асрлар бўйи шаклланган анъаналарига тажовуз қилиш, ишнинг кўзини, ернинг тилини, дилини сезадиган ўрта ҳол деҳқонларни синф сифатида тугатиш ва табиатни социализмга бўйсундирамиз, деб атроф муҳитга ваҳшийларча муносабатда бўлишдан иборат эди. «Беш йиллик планни тўрт йилда бажарамиз!» деган шиорлар матбуотда ва адабиётда асосий йўлланма бўлиб қолганди. Бундан ташқари бевосита бизнинг жумҳуриятимиз учун фожиали воқеалардан бири СССРнинг пахта мустақиллигига эришиш сиёсати бўлди. Бу «мустақиллик» жумҳуриятимизда пахта яккаҳокимлигини вужудга келтирди. Ҳамид Олимжон ҳам бу курашлардан четда турмади, албатта. «Ўлка сафарбар» шеъридаги қуйидаги мисраларга эътибор берайлик:

Ўтмасин онлар,
Асримизнинг минутлари бўшга кетмасин!
Басма-баснинг паймоллари изсиз битмасин!
Сим қоқингиз Сталинга, хабар берингиз!
Эшиттиринг Қизил Москва ишчиларига,
Салом ёзинг фабриканинг урдуларига,
Беш йилликни биз тўрт йилда
тўлдиражакмиз!
Режамизнинг шу раҳмсиз, ўткир учини
Муштумзўрнинг кўкрагига аямай қадаб,
Большевикнинг бу пахтакор водийларида,
Ҳар кўсакни бир ўқ каби
кулдиражакмиз!

Балким бу шеърни ҳукумат чақириғининг шеърий ифодаси деб аташ ҳам мумкиндир. Умуман, бу давр шеъриятида «Қизил Москва», «Халқлар доҳийси Сталинга ташаккур», «Беш йилликни уч-тўрт йилда бажарамиз» каби иборалар одат тусига кириб қолган эди. Юқоридаги шеър ҳам ана шундай шиорбозлик руҳида ёзилган.

Лекин Ҳ. Олимжон шеъриятининг бу даврига хос бир сирли томони борки, юзаки қараганда уни сезиб бўлмайди. Бу ўринда шеъриятнинг рамз ва символик ифода усулларига эътиборни қаратиш лозим. Чунки шоир ўтмишга мурожаат қилганда, ўз замони воқеаларини айнан тасвирлаётгандек туюлади. Масалан, унинг 1933 йили, пахта плани тўлиши муносабати билан ёзган «Маҳорат» номли шеърида бу ҳодисани яққол кузатамиз. Маълумки, пахта мустақиллигининг энг оғир салмоғи Ўзбекистон меҳнаткашларининг зиммасига тушди. Лекин СССРни пахта билан таъминлаган, уни кийинтирган халқ нима наф кўрди? Унга фақат социализмни мадҳ этувчи баландпарвоз шиорлар, мақтовлар тақдим қилинди, холос. Албатта, ўлмас ризқ-рўз ҳам ҳадя қилинди. Гражданлар уруши, 30-йиллардаги очарчиликдан кейин мана шу озгина «ҳадя» ҳам халқ кўзи ўнгида катта мукофот эди...

Ҳ. Олимжон она халқининг бахтли бўлишини жуда хоҳларди. Лекин у ҳали бахтли бўлмаган элни жаҳонда энг бахтли халқ, деб мадҳ этди. Буни у чин юракдан айтдими ёки шароит тақозоси шунга мажбур қилдими? Шоир асарларига бевосита мурожаат қилсак, унинг кўзида ёш билан бахтни куйлаганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, «Маҳорат» шеърида пахтакорнинг дарди, ғам-аламлари жуда тўғри тасвирлаб берилган. Ўзбек деҳқонининг оғир турмуши, шоир ўзи яшаётган даврда эмас, балки ўтмиш мисолида кўрсатиб берилади. Аммо ўқувчи шеърдаги бу мисралардан инқилобдан олдинги даврни эмас, балки ундан кейинги даврни, ҳатто ҳозиргача давом этиб келаётган ноҳақликни тушуниб етади:

Бу мушкул,
Энг оғир,
Буюк фожиа.
Лаънат ижодидир у жамиятнинг,
Асло, яшаш эмас,
Ўлим билан тенг,
Энг арриқ,
Энг қаттиқ,
Энг оч, қоқ ерда
Биз омоч сурганмиз —
Қулларда кишан
Биз чигит тикканмиз —
Сочиб ерга дард.

Ҳозирги қайта қуриш даврида бу фожиаларнинг бутун даҳшатлари намоён бўлаяптику! Бу фожиаларни биз эндигина аниқ билиб олаяпмиз, холос. Уни тузатишга эндигина киришаяпмиз, шекилли. Агар бу ҳаракатлар ҳали минг хил тўсиқларга учрамаса, яқин йилларда пахтакорнинг аҳволи бирмунча яхшиланиши мумкин, деган умид бор. Шоир шеърида фикрларини давом эттириб ёзади:

Ҳосил-чи? —
Шилиниб олинган биздан
Икки қат зулмнинг қамчиси билан
Аччиқ ғазаб билан вужуд титраган;
Э ноумид,
Беинсоф,
Худо бехабар!..
Жазо отрядининг тавонларидан
Бизнинг пешонанинг қонлари томган.

Ўзбек пахтакоридан ҳосилнинг шилиниб олиниши қачон юз берди? Бу беинсофлик фақат 30-йиллардан бошлаб, яъни колхоз тузуми амалга оширилгач рўй бера бошламадими?!

Кейинги матбуот хабарларига қараганда, ўзбек пахтакорининг турмуши инқилобдан олдинги йилларда бирмунча дуруст бўлган, яъни пахтага тўланадиган ҳақ ҳозиргига нисбатан бирмунча ортиқ бўлган. Биз ўзбек пахтакорини қанчалар мақтаб, уни арши аълога кўтардик. Бу қуруқ мақтовлар деҳқоннинг қорнини тўйғазмади. Рўзғорини зўрға тебратиб турган ўша «шоввоз» пахтакорлар Ўзбекистон далаларида ҳали ҳам беҳисоб. Ҳ. Олимжон деҳқонларнинг ана шундай аҳволидан хабардор эди, албатта. Лекин уни очиқ-ойдин айтиш деган гап аждаҳо комига бош суқмоқ билан тенг эди. Зеҳнли ўқувчи шоирнинг ўтмиш баҳонасида айтган фикрлари қайси даврга тааллуқли эканини англайди:

Ҳеч қуёш кўрмаган бизнинг орқамиз.
Яна-да, биз фақир, кўмаксиз,
якка.
Тирикчилик,
бола,
оила,
Куни қолган фақат кўсакка!..

ХУЛЛАС Ҳ. ОЛИМЖОН ижоди ҳақида шу пайтгача айтилган фикрлар қайтадан кўриб чиқилиши лозим. Бу серқирра ижод ўзининг ҳақиқий баҳосини олиши керак. Биз шоирни бахт ва шодлик куйчиси, деб келдик. Унинг асарларини бирёқлама таҳлил қилдик, холос. Ҳ. Олимжоннинг бир неча ғазаллари бор. Бу ғазаллар асосан ишқ-муҳаббат мавзуида ёзилган. «На бўлғай бир нафас мен ҳам яноғинг узра хол бўлсам», деб бошланувчи ғазали билан бир қаторда «Куйгай» радифли ғазали қўшиқ қилиниб, айтилиб келмоқда. Бу асарлар юксак маҳорат билан ёзилган. Шуларни ўйлаб туриб, ҳақиқатан шоир «қора кунда туғилиб», мудҳиш даврда яшаб ўтибди, деган хулосага келасан, киши.

Ҳамид АБСАМИЕВ,
филология фанлари номзоди

ДАДАМНИ ХОТИРЛАБ...

ДАДАМ ҳаёт бўлганларида газетага мен мақола эмас, ўзлари янги шеърлар тайёрлаб берар эдилар. Шу кузак кунларида 75 ёшга тўлганлари муносабати билан элга ош тарқатган бўлардик. Афсуски, оқсоқ тиббиётимиз туфайли биз, фарзандлар учун, бу армон бўлиб қолди...

Ҳар бир фарзанд ўз ота-онасида энг яхши фазилатларни кўриши табиий. Мен учун эса дадам на фақат ота — устоз, энг яқин дўст эди. Дадам софдил, покиза, содда ва ҳақгўй одам эди. Бизларни ҳам шундай бўлишга ҳамиша ундарди. Ҳаётлари, умрларининг ўзи бизларга ибрат, мактаб эди.

Дадам 1930 йилда мактабни битириб, Қўқондаги қишлоқ хўжалик институтига кириб ўқиганлар. Лекин адабиётга бўлган иштиёқ Педакадемияга кириб ўқиш ниятини уйғотган. 1932 йилда Самарқандга бориб босмахонада ҳарф терувчи бўлиб ишлаганларини гапириб берганлар.

Дадамнинг асл исмлари Маҳмуд Рашидов бўлган. Бир куни «Ленин йўли» рўзномасида дадамнинг битта шеъри Ўткир номи остида босилиб чиқади. Дадам Усмон Носирдан хафа бўлибди. Шунда устоз: «Энди ҳар битта шеърингни шу ном билан имзолайсан, чунки сенинг қаламинг ўткир», дебди. Шу-шу дадам унинг гапини икки қилолмай Ўткир Рашид таҳаллуси билан 56 йил ижод қилдилар.

Усмон Носирнинг душманлари дадамга ҳам кун беришмади. Жумҳуриятимизнинг асосий рўзномаси «Қизил Ўзбекистон»да Уйғуннинг «Поэзияда сиёсий ўткирлик бўлсин» сарлавҳали (1937 йил, 20 апрель) мақоласи чоп этилади. Бунда шоирлардан Миртемир, Элбек, Ойбек, Усмон Носир ва Ўткир Рашид «буржуазия лирикасига тақлид қилишда», «бадбинлик», «тушкунлик», «миллатчилик»да айбланадилар. Барчамизга аёнки, ўша қатағон йилларида матбуот саҳифасида танқид қилинган ҳар бир кишининг тақдири хавф остига тушиб, ўзи «темир рўйхат»ни тўлдирар эди.

Усмон Носир «халқ душмани» деб қамалганида, дадам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд бўлимининг масъул котиби эди. Унинг «Самарқанд куйлайди» номли шеърий китоби чоп этилганди. Бу тўпламга Усмон Носирнинг ҳам шеърлари киритилган. Бу, албатта, ўшандай қалтис пайтда ҳазилакам иш эмас эди.

Усмон Носир дадамнинг шахсий ҳаётларида ҳам ўчмас из қолдирди. У шогирдига синглиси Роҳатхонга уйланишни васият қилди. Дадам атрофдаги оғир муҳит, қатағонлар авж олганлигига қарамай бу васиятни бажо келтирган, 1940 йилда онамга уйланган. Ҳар томонлама қувғинликка учраган оиланинг барча азоб-уқубатларига шерик бўлган. Бунинг эвазига у адабиёт соҳасидан четлаштирилди. Лекин бадиий адабиётга бўлган ҳавас уни яна Тошкентга етаклайди. У тинимсиз асарлар ёзади. 1947 йилдан то умрининг охиригача эса Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида ўқитувчи бўлиб ишлади.

Дадам 1948 йилда Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан ўчирилди. Бу воқеа ҳам Усмон Носир туфайли содир бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Аммо дадам умрининг охиригача бу ҳақда ҳеч кимга лом-мим деб оғиз очмадилар. Чунки бу Усмон Носир кетида эзилиб, қон бўлган юракларга туз сепиш билан баробар эканлигини яхши билган. Мен эса бу воқеа ҳақида дадамнинг вафотидан сўнг, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида сақланаётган «шахсий иш»и билан танишиш жараёнида ўқиб билдим...

Дадам кимларнингдир чақуви билан Ички Ишлар Халқ Комитаси (НКВД)га кўп марталаб чақирилган. 1950 йилларнинг бошларида навбатдаги чақирувларнинг бирида дадамга «Сиз халқ душмани Усмон Носирнинг синглисига уйланиб, яшаётган экансиз. Ё хотинингизни қўясиз, ё партия сафидан ўчириласиз», деган шарт қўйишади. Шунда дадам «Мен хотинимни қўймайман, тўртта фарзандимиз бор. Болаларимни тирик етим қилишга ҳаққим йўқ», деб чиқиб кетган экан...

1952 йил... Мен жуда ёш эдим. Лекин хотирамда бир воқеа муҳрланиб қолган. Меҳмонхонада Ойбек, Шайҳзода домла ва дадам туни билан ўтириб чиққанлар. Учовлари ҳам ширакайф эдилар. Кўп вақт ўтмай, мен дадамдан ўша кунни эслаб сўраганимда, қуйидаги воқеани эшитдим...

«1937 йилда бошланган қатағонлар 50-йилларда ҳам ёзувчиларнинг бошига кулфатлар ёғдира бошлади. Жуда кўп ёш ёзувчи ва шоирлар «халқ душмани», «Усмон Носирнинг думи» сифатида айбланиб қамала бошладилар. Ўша кезларда ўз ижоди билан ўқувчиларнинг эътиборини ўзига кўпроқ қаратиб, муҳаббатини қозонганлардан бири Шайҳзода ва яна бири Ойбек эди.

Бир куни Ёзувчилар уюшмаси биносида шоир Мақсуд Шайхзоданинг хулқи муҳокама қилинар экан, деган хабар келди. Мажлис куни тайинланди. Мақсуд ака билан бир кафедрада ишлаётганлигим учун мажлисга мен ҳам отландим. Мажлисни Ёзувчилар уюшмасига ўша вақтда раислик қилаётган Уйғун олиб борди. Мақсуд акага учта айб қўйилди: Вл. Маяковскийнинг «В. И. Ленин» достони ўзбек тилига бузиб таржима қилинган, талабаларга ўқиётган лекцияларининг савияси паст, қўни-қўшнилари билан муносабати ёмон, деган айблар. Шу айблар учун Шайҳзода домла ёзувчиликдан ўчирилиш керак эмиш. Раислик қилаётган Уйғун М. Шайхзода ёзувчиликдан ўчирилиши учун залда ўтирганларни қўл кўтаришга даъват қилди. Ҳамма қўл кўтарди. Чунки 15 йил мобайнида деярли ҳамма сиёсатимиз туфайли юрагини олдириб қўйган эди-да! Менинг қоним қайнаб кетди. Дик этиб ўрнимдан туриб сўз сўрадим. Мен М. Шайхзодага қўйилган айбларни инкор қилишга уриндим. Аммо менинг гапларим инобатга олинмади. Мақсуд ака ёзувчиликдан ўчирилди...»

Дадамнинг айтишларича, ана ўша мажлисдан кейин учовлари уйимизга келиб ўгиришган экан... Шундан кейин орадан бир неча кун ўтгач, кечаси соат 11 ларда уйимизнинг кўча эшиги тақиллади. Бир аёл кириб келди. Бу НКВДнинг раиси Й. Бобожоновнинг рафиқаси Оминахон опа эди. Кейин билсам у киши ўша тунда дадамни «сақлаб қолиш» учун бизникига келган экан. Дадамга «Ҳозироқ Тошкентдан бирон ерга кет. Эрталаб сени олиб кетгани келишади. Йўлдош аканинг столида сени қамоққа олиш тўғрисидаги ордер бор», деб айтди. Дадам ўша куниёқ Андижонга, прокурор бўлиб ишлаётган акаси Ҳамидхон Рашидовникига паноҳ излаб кетди. Бир ойлар ўша ерда яшаб қамалишдан қутулиб қолган...

Бу гаплар дадамнинг ҳаётидаги айрим лавҳалар холос. Лекин уларда дадамнинг аччиқ тақдири, бошидан ўтказган қийинчиликлари мужассам. Булар ҳақда дадам ўзи ҳеч қачон, ҳеч қаерда ва ҳеч кимга гапирмаган.

ДАДАМНИНГ ёзув столида эски ўзбек имлосида битилган иккита асар қолди. Ўзим ўқий олмаганлигим туфайли (Минг афсус ва надоматлар бўлсин-ки, биз замона зайли билан шундай ношуд, Навоий, Бобурлар у ёқда турсин, ҳатто ўз отасининг дастхатини ўқишдан маҳрум этилган авлод бўлиб қолганмиз...) мен уларни Тошкентдаги қўлёзмалар институтининг илмий ходими Абдувоҳид Шокировга олиб бориб, ўқиб беришларини сўрадим. Абдувоҳид ака мақолаларнинг сирини менга очиб берди. Бир мақола ўзбек қўшиқчилиги тўғрисида бўлиб «Хонанданинг овозаси» деб аталган, иккинчиси эса «Ноҳуш хотиралар» деб номланган. Бунда мен юқорида эслаб ўтган воқеаларни дадам қоғозга тушира бошлагану, аммо оғир хасталикка дучор бўлиб, тугатолмай кетди...

Нодира РАШИДОВА

НУРГА ТАЛПИНИШ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти Навоий филиалида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг газетхонлар конференцияси бўлиб ўтди. Унда филиал ўқитувчилари ва талабалари фаол қатнашиб, газета ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини, талаб ва истакларини билдирдилар. Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Равшан РАҲМОНОВ, филиал директори, профессор, Ўзбекистон ССР халқ депутати: — Жамиятимизда кечаётган қайта қуриш ва ошкоралик жараёнининг шиддати айниқса матбуотда яққол сезилмоқда. Матбуот халқ минбарига айланиб бормоқда. Ана шундай халқимиз севиб ўқийдиган, орзиқиб кутадиган газеталардан бири «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳисобланади. Чунки газета алғов-далғов замонда ҳам ҳеч бир оғишмай, ҳар қандай тарафкашликларга берилмай, ўзи танлаган тўғри йўлдан қатъий бормоқда. Мен буни яхши коллективнинг донолик ва аҳиллик билан ишлаётганида деб биламан.

Газета сўнгги йилларда адабиёт, санъат ва маданиятнинг ўткир муаммолари билан бирга ижтимоий-сиёсий ҳаётда рўй бераётган жиддий масалаларни ҳам дадиллик билан ўз саҳифаларига олиб чиқмоқда. Бунга газетанинг ҳар бир сонидан мисол келтириш мумкин. Айниқса, тарих, маданий мерос мавзуида берилаётган мақола ва суҳбатларни ўқиб, ҳам газетхон, ҳам халқ депутати сифатида чуқур изтиробга тушаман. Ва қўлимдан келганича навбатдаги жумҳурият олий сессияларида газетанинг чиқишларини қувватлайман. Масалан, Нафиса Содиқованинг «Хазинанинг ҳақиқий эгаси ким?», Амриддин Бердимуродовнинг «Топталган мерос» мақолалари беиз қолиб кетмаслиги керак.

Истагим, газетадан дадиллик ва жасорат йироқлашмаса бас. Уни янги-янги обуначиларнинг ўзи излаб, топиб келаверади. Чунки газета маънавий дунёмизни ёритувчи ўткир нур. Биз эса ана шу нурга талпиниб яшаймиз.

Акбар АҲМЕДОВ, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда чет тиллари кафедраси доценти: — Тўғрисини айтиш керак, газетани нафақат ўқиймиз, балки ундан дарсларда ўқув қуроли сифатида фойдаланамиз. Шу маънода газета саҳифаларига ўзбек адабий тили муаммолари ҳам олиб чиқилса яхши бўларди. Тил ҳақидаги қонуннинг бажарилишида айрим хатоликларга йўл қўйилмоқда. Шу хатоликларни тузатишда газета кўмакчи бўлади, деган умиддамиз.

Олимжон ҚАЮМОВ, ўзбек филологияси бўлимининг IV курс талабаси: — Халқ ижодиётига вақти-вақти билан махсус саҳифа ажратилса, унда машҳур достонларимизнинг яратилиш тарихи ва халқ ижодиётидан янги топилмалар бериб борилса.

Ўроқ САРИЕВ, ўзбек филологияси V курс талабаси: — Газетанинг қишлоқ хўжалик муаммолари, пахтанинг нархи масалалари хусусида бераётган мақолалари бизга маъқул. Ҳозир бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида турибмиз. Лекин бунинг нималигини деҳқонлар, колхозчилар тушунишмаяпти.

Шунингдек, конференцияда филиалнинг турли факультетларида таълим олаётган талабалардан: **Я. Азизов, К. Жўраев, У. Остонов, М. Норова, Г. Қаландарова, Л. Шарипова, Ҳ. Облоқулова, А. Тошев, Л. Атоева, Д. Умрбоева, Ш. Аҳмедова** ва бошқалар сўзга чиқиб, ҳафталик ҳақидаги мулоҳаза ва истакларини билдирдилар.

Учрашувда редакция ходимлари **А. Жўраев, Ж. Сафоев** иштирок этиб, ўз соҳаларига оид айрим саволларга жавоб бердилар.

ВИЖДОННИ КИМ ЙЎҚОТДИ?

ЛУҚМА

БУГУНГИ КУНДА миллатлараро муносабатлар кескин даражада мураккаблашиб кетганлиги, миллий масала қайта қуриш умумий концепциясининг муҳим таркибий қисми эканлиги, уни ҳал қилмасдан туриб қайта қуришни рўёбга чиқариб бўлмаслиги ҳаммага аён.

Миллий муаммолар бугун ёки бирданига пайдо бўлгани йўқ. Улар йиллар давомида тўпланиб келди, вақтида ҳал қилинмаганлиги туфайли бугунга келиб хатарли тус олди. Қайта қуриш, демократия ва ошкоралик туфайли улар юзага қалқиб чиқди ва табиийки, биз бундай шароитда маълум маънода шошиб ҳам қолдик.

Миллий масалага доир муаммоларнинг келиб чиқишига кўп жиҳатдан маъмурий-буйруқбозлик системаси таъсирида ленинча миллий сиёсат принципларидан чекиниш, байналмилал тарбиядаги кўпдан-кўп хатолар сабаб бўлди. Лекин касалликнинг сабабини аниқлаш масаланинг фақат бир томони, холос.

Байналмилаллик миллийликни сиқиб чиқариш эвазига содир бўлмаслигини, унинг миллийликсиз мавжуд бўла олмаслигини, байналмилаллик миллийликнинг ривожи асосида, миллий бойликларнинг миллатлараро даражага кўтарилиши асосида юзага келишини, В. И. Ленин келажакда миллатларнинг қўшилиб кетиши тўғрисида гапирганда ҳам, бунинг заминида байналмилал бирликнинг юқори даражасига эришишни назарда тутганини, шунда ҳам халқлар социал-этник ўзига хосликни сақлаб қолишини, байналмилаллик жумҳуриятда бошқа миллат вакилларининг салмоғи билан белгиланмаслигини тушуниб етишимиз учун бизга 70 йил керак бўлди.

Бас, шундай экан, эндиликда марказий матбуот саҳифаларида халқимиз шаънига нисбатан айтилаётган «айниқса илгари қолоқ бўлган жумҳурият халқлари», «саводсиз», «порахўр», «қаллоб», «боқиманда», «экстремист» каби туҳмат тошларининг отилиши ҳам миллий онгда оғир акс этишини, бундай адолатсизлик байналмилал тарбияга хизмат қилмаслигини, шусиз ҳам таранглашиб кетган миллатлараро муносабатларни янада кескинлаштириб юборишини тушуниб етишимиз учун ҳеч ким бизга яна 70 йил бермайди.

Яқинда қўлимизга Москванинг «Молодая гвардия» нашриётида чоп этилган фалсафа фанлари доктори Ю. И. Римаренконинг «Қор одам изидан» номли асари тушди. Китобни варақлар эканмиз, у юқорида айтилган ноўрин таъналардан ҳоли эмаслиги бизни анча ранжитди. Олим СССРда миллатчиликнинг келиб чиқиши ва уни бартараф қилиш йўлларига қўл уриб жуда хайрли ишни ният қилган. Муаллифнинг фикрича, миллатчилик муаммолари, миллий муносабатлир билан шуғулланувчи Ғарбдаги олимлар мазкур масалани кўп гапириладиган, лекин тутишга ҳеч ким муяссар бўлмаган «қор одам»га ўхшатишар экан. Бу нуқтаи назарга қарши Римаренко «Қор одам»ни билмадиму, лекин миллатчиликни тутиб бўлмаслигига ишонмайман деб, уни тутишга киришади.

Китоб билан танишаётган кишининг эътиборини энг аввало статистик маълумотларнинг сероблиги тортади. Муаллиф келтираётган кўпдан-кўп рақамларнинг аксарияти асосан бизнинг «боқиманда»лигимизни исбот қилишга қаратилган. Мен иқтисодиётчи эмасман ва бу маълумотларнинг ҳақиқатга қанчалик яқин эканлигини аниқ айта олмайман. Лекин, бир нарса аниқ. Биз ҳали ҳисоб-китобимизни тўғри йўлга қўйганимиз йўқ. Жумҳуриятимиз ҳудудидан қазиб олинаётган табиий бойликларимизнинг қай миқдорда ва қаерга оқиб ётганини аниқ билмаймиз. Пахтамиз, пилламиз, қоракўл тери ва бошқа маҳсулотларимиз ҳақида ҳам аниқ маълумотларга эга эмасмиз.

Масалага шу нуқтаи-назардан ёндашиб, аниқ ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, кимнинг кимдан қарздорлиги ойдин бўлиб қолади, чамамда. Токи иқтисодиётчиларимиз бу нарсага аниқлик киритмас эканлар, биз «боқиманда» деган таъналардан ҳали бери қутилмайдиганга ўхшаймиз.

Асарни варақлаганда миллатчилик қарашларини келтириб чиқарадиган сабаблар сифатида кўрсатилган «Ўрта Осиё республикаларига имтиёзли шароитларнинг яратиб берилиши тайёрга айёрлик кайфиятларини ва ҳатто миллий худбинликни кучайтиради» (16-, 37-бетлар), «Миллий димоғдорлик айниқса илгари қолоқ бўлган халқларга хос» (63-бет) каби жумлалар ҳеч шубҳасиз кишининг ғашига тегади.

Гуноҳимиз нодонлигимизда. Наҳотки, табиий газини Уралгача етказиб бериб, аксарияти ўз уйини тошкўмир билан иситадиган, овқатини ўчоқда ўтин ёқиб пиширадиган, миллион тонналаб пахта етказиб бериб кўрпасига пахта тополмаган халқ миллий худбин бўлса.

Наҳотки аҳолисининг 45 фоизи бечораҳол кун кечираётган, аёллар камқонлик касалига йўлиққан, буйрак касалликлари жиҳатдан жумҳурияти жаҳонда энг олдинги ўринларда турадиган, 9,5 миллион аҳолиси ниҳоят даражада ифлосланган сув истеъмол қиладиган, 1,5 миллион кишиси ишсиз бўлган халқ шундай таъналарга лойиқ бўлса?

Китобда миллатчилик кайфиятларини келтириб чиқарувчи сабаблар сифатида диннинг жонланиши «факти» ҳам келтирилади. Муаллиф «Ўзбекистонда ўн минглаб ёш оилалар диний никоҳдан ўтмоқда. Иш шунгача бориб етдики, ҳозирги кунда ҳам ёш аёллар паранжи кийиб юрадилар» (26-бет), деб ҳавотирга тушади. Келтирган «далил»лари етарли эмаслигини ҳис этибми миллий муносабатлар соҳасидаги салбий ҳодисаларни узоқ йиллар Ўзбекистонда ишлаган тюменлик Г. Никонованинг «миллий димоғдорлик — умумий ахлоқнинг бузилиши натижасидир, кўп одамлар виждонни унутиб қўйдилар» (119-бет) — деган фикри билан боғлайди. Тўғри, виждонини унутиб қўйганлар йўқ эмас. Аммо уларнинг кимлигини, «ўзбеклар иши» деган тамға баҳонасида кимлар ўзларини ўнглаб олганларини аниқлаш зарур.

Шу ўринда беихтиёр мазкур ҳафтаноманинг 14 сентябрь сонида эълон қилинган А. Ҳайдаровнинг «Дайдилар» номли мақоласи кўз олдимизга келади. Унда ёзилишича, ўтган йилнинг ўзидагина жумҳуриятимизга Иттифоқнинг бошқа ўлкаларидан келган 10 мингга яқин дайдилар ушланиб, рўйхатга олинибди. Аниқланишича, уларнинг аксарияти ахлоқи бузуқ, текинхўру бекорчи, қаллобу жиноятчи, жамият учун хавфли одамлар экан. Улар асосан кўча ва бозорларда қиморбозлик қилар, наша сотишар, фоҳишабозлик қилиб турли юқумли касалликлар тарқатишар экан.

Демак, виждон ҳақидаги гап ҳақиқатан ҳам жиддийга ўхшайди.

Аминжон ҚУРБОНОВ,
фалсафа фанлари номзоди
Бухоро

БОҒНИ БОҚСАНГ БОҒ БЎЛАДИ

Етмишдан ошган бўлсаларда, қадам олишлари шахдам, нигоҳлари ўткир, сўзлашлари бурро отахон Раҳим Тешабоев Акмал Икромов номидаги маданият ва истироҳат боғига раҳбарлик қилишни бошладилару, боғга файз кирди, қўйди. Мабодо шу томонга йўлингиз тушса пойтахтимизнинг бошқа бирор боғида кўрмаган манзаранинг гувоҳи бўласиз. Манзарали дарахтлар билан бир қаторда, олчазор, ўрикзор, олмазор, шафтолизорлар ҳам боғга ажойиб таровват касб этмоқда. Бу йил биринчи ҳосил узилди. Биринчи нишона Раҳим аканинг руҳиятига ўктамлик ато этди.

Аслида, боғ ўрни уйлар орасидаги ташландиқ жой эди. Раҳим ака мевазор маданият ва истироҳат боғи яратиш иштиёқида шу жойни танладилар. Меҳнат, кексаларга хос сабр, чидам ва қаноат натижасида яна бир боғ бунёд бўлди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Раҳим ака Тешабоев 45 йилдирки маданий-маърифий муассасаларда хизмат қилиб келмоқда. «Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғида 20 йил ишладим», — дейди отахон. Боғни жуда яхши кўрардим. Ҳар куни уч марта пиёда айланиб чиқардим. Саломатлигимдан нолимаслигимнинг сабаби шундан бўлса керак.

Ҳозирги кунда биргина пойтахтимизнинг ўзида 15 маданият ва истироҳат боғи, битта «Бахт-Роҳат» дам олиш зонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг умумий майдони 422 гектар бўлиб, 1485 одам меҳнат қилади. Ҳар йили бу маданият масканлари учун 1 миллион сўм маблағ сарфланади. Назаримда, аҳоли кўз ўнгида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Маданият ва истироҳат боғларига борганимда, одам гавжумлигини кўриб, руҳим тетиклашди. Шанба, якшанба кунлари ўтказилаётган турли мавзудаги тадбирлар ўз мухлисларини топмоқда. Муҳими, силжиш бор.

Чиндан ҳам Раҳим аканинг маданият соҳасига, айниқса томошабоғларни ривожланишига қўшган ҳиссаси ҳақида тўлқинланмасдан гапириб, бўлмайди. Раҳим акани кўпчилик Ленин комсомоли маданият ва истироҳат боғида олиб борган ишлари орқали танийди. У биринчи навбатда боғни ободонлаштириш, ва кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор беради. Боғнинг ичкарисига кириб борар экансиз, улуғвор дуб дарахтларига кўзингиз тушади. Уларнинг ҳаммасини Раҳим ака парвариш қилганлар. Дуб дарахти узоқ умр кўриш билан бирга эрта барг ёзиб, кеч тўкади. Бу эса доимий яшиллик деган сўз. Чап томондаги йўлакдан борар экансиз, яшил театрга кўзингиз тушади. Бу ёзги театр саҳнасига кимлар таклиф этилмади, дейсиз? Хушовоз хонандалар-у, ўткир ҳажв усталари, жумҳуриятимизнинг кўзга кўринган саҳна усталари-ю, барча соҳанинг билимдонлари... Муҳими, театр ҳамиша одамларга тўла бўларди. Ҳозир бу жой кимсасиз ҳовлига ўхшайди. Бир пайтлар Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғи ўзининг мовий кўли билан ҳам машҳур эди. Шунинг учун бўлса керак, кўпчилик боғни комсомол кўли, деб ҳам атарди. Чўмилишга келганлар учун алоҳида кийимхона бўлиб, одамлар кичкина бир белги олардилар-да, хотиржам чўмилардилар. Ҳозир эса кийимлар қумга қоришиб ётади. Кўл мовий, суви тоза эди. Раҳим ака ҳар йили кўлни тозаларди. Шунинг учун ҳам 120 эшкакли ва моторли қайиқлар, ҳатто, кема ҳам сузарди. Бу кема, ҳозир бўлса, сувга ботиб қолади, чунки Раҳим ака боғдан кетганларидан кейин бирор марта кўл тозаланганини эслай олмаймиз. Индира Ганди Тошкентга келганларида, шу кемада сайр қилиб илиқ фикрлар билдиргандилар. Эътибор берган бўлсангиз, боғда иккита орол бор. Улардан бири «Интурист» номи билан аталиб, ажнабий меҳмонлар шу ерда дам олишарди. Ўрта Осиё, Қозоғистон, Африка кинофестивали иштирокчиларига ҳам бу оролча ҳақиқий оромгоҳ вазифасини ўтаган. Боғнинг ўз меҳмонхонаси бўлиб, у ҳам пойтахтимиз меҳмонларига анча қулайлик туғдирарди.

Иккинчи оролда эса, чойхона бўлиб, атрофи гулзор қилинганди. Қариялаар ҳамиш шу жойда йиғилишиб, ҳордиқ чиқаришарди. «Карнавал»га эса олти ойлаб тайёргарлик кўришарди. Раҳим ака ўзлари бош-қош бўлиб 18 та «Дўстлик карнавали»ни ўтказганлар. Унда 15 қардош жумҳуриятларнинг урф-одатлари, расм-русумлари, кийим-кечаклари, куй-қўшиқлари намоён бўларди. Боғга кирган одам ҳамиша саранжом-саришталикни кўрарди. Боғга кириш учун махсус тайёргарликнинг ҳожати йўқ эди. Одамлар оқими сира тинмасди. Ўша пайтларда Раҳим ака ташаббуси билан амалга оширилган тадбирлар бугунги кунда унинг шогирдлари фаолиятида ўз умрини топмоқда.

Отахон ўз қўллари билан боладек парвариш қилган ҳар бир дарахт олдида узоқ тўхтаб, режалари хусусида тўхталиб ўтдилар. Мен бу тиниб-тинчимас нуроний инсон қилган ишларга қараб қизиқарли ўйин қурилмалари ўрнатиб қўйган билан, дарахтлар ўтказиб қўйган билан боғ — боғ бўлмаслигини, унга биринчи навбатда инсон меҳри зарурлигини юракдан ҳис қилдим. Ҳа, Раҳим Тешабоевнинг боғлар яратиш ҳақидаги орзулари шогирдлари эъзози, тақлиди, интилишида намоён бўлаётган бўлса, узларининг эътиқодлари ўғиллари Баҳодирни маданият институтида таҳсил олгани-ю, Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида бадиий раҳбарлик қилаётганида давом этмоқда. Яхшидан боғ қолади, деганлари шу бўлса керак.

Машкура ҲАЙДАРОВА,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси

МЎЪЖАМ ОЛИМ

Ўзбекистонимиз тарихига кирган не-не адабий-маданий анжуманларга гувоҳ бўлган «Баҳор» концерт залида 26 сентябрь куни ўтказилган таниқли адабиётшунос, филология фанлари доктори, профессор, жумҳуриятимизда хизмат кўрсатган фан арбоби, Низомий номидаги Тошкент давлат муаллимлик институти СССР халқлари адабиёти кафедрасининг мудири Натан Муродович Маллаевнинг ижодий кечаси бўлди. Бу адабий анжуманни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро яҳудийлари шўъбаси, ЎзФА Тил ва адабиёт ҳамда Қўлёзмалар институтлари, олимнинг талабалик йилларидан ҳозиргача умри кечаётган жонажон маскани — Низомий номидаги Тошкент давлат муаллимлик институти ҳамкорликда ташкил этган.

Кечани Бухоро яҳудийлари шўъбасининг раиси ёзувчи Арон Шаломаев бошқарди. Олимнинг устозлари, сафдошлари, шогирдлари — ЎзФА мухбир аъзолари — Иззат Султон, Юсуф Султонов, Азиз Қаюмов, профессорлар — Абдуқодир Ҳайитметов, Озод Шарафиддинов, Асқар Зуннунов, Очил Тоғаев, Одил Ҳосиров, фан номзодлари — Тўхтамурод Бобоев, Баҳриддин Насриддинов, Муҳсин Зокиров, талаба Дилфуза Қурбонова Н. Маллаев ижоди ҳамда муаллимлик фаолиятининг аҳамиятини таъкидладилар, домланинг ўзларига яхши таниш хислатларини санадилар, ҳамиша адабий-илмий ҳаётнинг қайноқ қозонидан қайнаган умрнинг ёрқин ва қизиқарли саҳифаларидан сўзлаб бердилар. Н. Маллаев 30 дан ортиқ фан докторию фан номзодига бевосита устозлик қилгани, бу «мўъжам олим» (И. Султон) яратган 8-синфлар учун «Ватан адабиёти», олий ўқув юртлари талабалари учун «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг 1-китоби дарсликлари қайта-қайта босилаётгани, улар, бу борада илк дастурлар бўлишига қарамай, ҳозирча энг яхши қўлланмалар экани, узоқ йиллардан буён неча-неча авлод ёшларини адабиётимиз қадимияти билан таништириб келаётгани тилга олинди.

Кеча сўнггида Н. М. Маллаев устозларини бир-бир ёдга олди, «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигини қайта ишлаётгани, унинг ўша даврлар сиёсати таъсирида битилган саҳифаларини бугунги талаблар асосида бошқатдан ёзаётгани, Навоий ижоди бўйича янги тадқиқотлар яратиш орзусида эканини айтди.

Таниқли санъаткорлар — Исҳоқ Катаев, Муҳаббат Шамаева, Изро Малаков, Илёс Маллаев ва бошқалар орарада ўзларининг устоз олимга бўлган ҳурмат-эҳтиромларини куйю қўшиқлар билан изҳор этиб турдилар. Кечада Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Фузулий ғазаллари бот-бот жаранглади, ўзбекча, тожикча, озарбойжонча ашулалар янгради. Нилуфар, Ихтиёр, Ризо, Илёс Маллаев каби шоирлар ўз шеърларидан ўқиб бердилар.

Султонмурод ОЛИМ

ЎзССЖ «Фан» нашриёти ҳамда «Фан ва турмуш» жамоалари ойнома бош муҳаррирининг ўринбосари Комил Холмуҳамедовга акаси
Собиржон СОЛИҲОВ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

АЁЛ ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРДИ

Шарифа САЛИМОВА

Ўша мудҳиш кунда у икки дунё бир тутам бўлиб дунёга келтирган жигарпораларини — Муродилжонни, Манзурахонни, Мансурбекни ва Наргизани ўз қўли билан бўғиб ўлдирди.

ХОНАДАГИ ТЎРТ полапон қафасга тушган қушдек нажот истаб тўрт тарафга тирқираб қочди. Аммо совуқ деворлар шафқат қилмади: улар бир оний жаҳолатдан телбаланган, ҳаётнинг беаёв зарбаларидан қалби фақат ўч ҳисси билан тўлган аёл қўлига гул бўйи таралиб турган чечакларни — ўз болаларини ҳеч иккиланмай топширди... Она қўлларидан ёлғиз паноҳ топиб ўрганган гўдак, ҳали сут ҳиди анқиб турган бир ярим ёшли Наргизанинг ҳеч нарсадан бехабар мунчоқ кўзларидаги илтижо ёшлари азобли чинқириққа айланди-ю, мижжаларида қотиб қолди...

Ўша кун... дунёнинг сочларига оқ тушди.

Ўша кун... меҳрнинг вужудига титроқ тушди.

Ўша кун оламнинг юрагига сўроқ тушди: мудҳиш қотилликдан, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бундай қотилликдан дарёлар ўзанидан чиққудай тўлғондилар, она замин кўксини ғижимлаб ёрилгиси келди, осмон қулаб тушишни ихтиёр қилди, қуёшнинг қонли кўз ёшлари уфқ этагига томиб кетди, ойнинг юзидаги доғлар кўпайди, жавдираб, кўз ёшларини артолмаган юлдузлар:

— Наҳот сен қотилга айландинг, она? — деди...

Ўша — дунёнинг юрагига армонли оғриқ кирган кунда, бахтсиз тонгда Андижоннинг Жанубий Оламушук посёлкаси қабристонида тўрт мўъжаз қабр дўппайди....

Аёллар томонидан содир этилган жиноят сони яна биттага ортди.

Маҳкумалар сони биттага кўпайди...

Расмий ҳужжатдан: 1988 йилги жами жиноятларнинг 14,6 фойизи, яъни 7311 таси аёллар томонидан содир этилди. Жумҳуриятимизда 1989 йилда 84459 та ёки ўтган йилга нисбатан қарийб ўн беш мингта кўп жиноят содир бўлди.

Қотилликлар, тан жароҳатлари етказиш, йирик кўламдаги ўғирликлар, давлат мулкини талон-тарож қилиш, гиёҳвандлар, дайдилар, фоҳишалар (уларнинг 1150 дан зиёди ҳисобда туради) ҳақидаги хилма-хил хабарлар эндиликда кўпчилигимизни ҳайратга солмай қўйди.

Аёллар томонидан содир этилаётган жиноятлар йил сайин «болалаб» бормоқда.

Мен, Тешабоева Замира, Андижон вилоятининг Жалолқудуқ районида туғилдим. Онадан уч опа-сингилмиз. Ўгай ота қўлида тарбияландик. Опам ўз ихтиёри билан турмуш қурди. Уларнинг оиласида тез-тез жанжал бўлиб тургани учун уйдагилар кимни лойиқ кўрсалар, ўшанга рози бўлдим. 1981 йилнинг январида тўйимиз бўлди. Ильич совхозига келин бўлиб тушдим. Эрим Тешабоев Иброҳим сартарош эди. Яхшигина пул топарди. Бироз яхши яшадик. Кўп ўтмай у ичкиликка муккасидан кетди. Менга умуман кун йўқ эди. Бўлар бўлмасга рашк қилаверарди. Бирор нарсани баҳона қилиб урмаган куни кам бўларди. Юз-кўзларим ҳамиша кўкариб юрарди. Бирор жойга шикоят қилиб боришни ўзимга номус деб билдим. Нажот истаб қайга борай? Бизни не азобларда ўстирган онамнинг бошигами?

Кўпинча эрим мени бўғиб, оғзимдан кўпик чиққунча урганида ҳам «Болалар кўрмасин, бу нарса уларга ёмон таъсир қилади», деб ёлворардим. Аммо у «Йўқ, болалар кўрсин ва ўргансин, атайин қилаяпман», — деб бақирарди. Бора-бора болаларим ҳам, ўзим ҳам юрагимизни олдириб, жонсарак бўлиб қолдик. Ҳадеб томоғимга тираб, сени сўйиб ташлайман, деб қўрқитадиган катта пичоғини милиция олиб қўйгандан кейин, дандон сопли яна иккита пичоқ келтириб, ошхонадаги стол тортмасига солиб қўйди. «Ажалинг менинг қўлимда», дерди доим. Охири, ўринсиз рашк, калтаклар, тинимсиз келишмовчиликлардан пичоқ суякка бориб тақалди. «Усти-бошим билан тўртта боламга тўртта кўрпа берсангиз бўлди», дедим. Ажралишдик ҳам... Аммо, нафақа учун қарор чиққандан кейин у негадир безовталаниб қолди. «Кел, яхшиси, ярашайлик, мен аввалги қилиқларимни қилмайман, уйга қайт», — деди. У ҳам етим эди. Бир томони шуни ўйладим, иккинчи томондан: нима қилганда ҳам болаларимнинг отаси-ку, инсофга келиб қолар, деган хаёлга бордим. Уйга қайтиб борганимдан сўнг эса аввалгидан ҳам баттарроқ кунларга қолдим. У мени ҳаммага ўйнаш қилиб чиқди. Билмадим, фашист ҳам бунчалик бўлмас. Ўз болаларига заррача ҳам меҳри йўқ бундай одамни ер қандай қилиб кўтариб юрганига ҳайрон қолардим. Кўпинча бўйнимга камар солиб бўғар, болаларнинг олдида у уйдан бу уйга судраб юрарди. Ўғилларимга «Қани, сенлар ҳам судраларинг», деб мажбур қиларди. Кейин уларнинг олдида беҳаё қилиқлар қила бошларди...

ЎША МУДҲИШ КУНДА... бир кун аввал у мени опамникига бориб келганим учун кечаси эшикларни ёпиб, болаларимнинг олдида каравотга ётқизиб бўғган, оғзимдан кўпик келгач, «Болалар қўрқади, урсангиз бошқа уйда уринг», — дегандим. «Йўқ, — деди у, — ҳозир кўз олдингда қизингнинг номусига тегаман».

Ўшанда қўрқувдан адойи тамом бўлгандим. Нима бўлса ҳам бу ярамас дунёдан болаларим билан баравар кетишим керак деган фикр миямга михланиб қолди. Сабр косамга сўнгги томчи аллақачон томиб бўлган эди... Нима бўлганини, ўз болаларимни қандай қилиб бўғиб ўлдирганимни ҳалигача билмайман. Уларни ўлдириб, ўзимга икки марта пичоқ урибман...

Қамоқхона курсисида ғужанак бўлиб, бир ҳовуч суякка айланиб ўтирган Замира кўз ёшлари дарё бўлиб сўзлайверди, сўзлайверди. Кўз ёшлари оқиб, бўйнидаги пичоқ изини юва бошлайди.

Мен бўлсам... тирик ҳайкалга айланиб, рўпарамда ўтирган онага — тўрт карра қотил онага даҳшатга тушиб қарайман. Назаримда, тўртта полапон ҳануз унинг теграсида ҳайратга тушиб чарх урадилар, ўз оналари содир қилган жиноят моҳиятини ҳали ҳануз тушунолмайдилар. Уларни йўқлик дунёси сари жўнатиб, бугун энди қамоқхонада бўзлаб ўтирган қотил онани тушуниш мумкин эмас. Замиранинг пешонасига ҳаёт энг даҳшатли муҳрни — қотил деган тавқи лаънатни босди. Мен яна кўзларимга ишонмай унга қарайман, она ҳар қандай ҳолда ҳам ўз фарзандлари қотилига айланиши мумкинми? — деб ўзимдан сўрайман... Сўрайману бу жумбоқ сирини ечишга қодир бирор зот бу дунёда топилмаслигига ишончим комил.

— Тирик қолганим учун ўзимни кечиролмайман... Бу ерда ҳам ўзимни икки марта ўлдирмоқчи бўлдим. Аммо уддалай олмадим. Яқинда болаларимнинг суратини олиб келишган эди, — деди у сўзининг охирида. — Юрагим чидамади, қайтариб бериб юбордим...

(Рўй берган бу мудҳиш жиноятни Замиранинг эри қандай шарҳлаган бўларди? Жиноят илдизлари ёлғиз унгагина тааллуқлимиди? Биз у билан суҳбатда бўлмаганимиз учун масаланинг бу томони қоронғилигича қолди.)

... Суд Замира Тешабоевани ўн йил, унинг эрини беш йил муддат билан озодликдан маҳрум қилди.

...Замира билан хотин-қизлар аҳлоқ тузатиш ва меҳнат колониясида олиб борган суҳбатим ҳали ҳануз даҳшатли ва сира туганмас тушга ўхшайди. Унга нисбатан менинг ҳам ўз ҳукмим бор. Ўзим она эканман ва бу дунёнинг маънавий пойдевори она-бола меҳрига асосланган экан, бу ҳукмни ҳеч қачон ўзгартирмасам, аниқроғи, ўзгартира олмасам керак. Ўз фарзандларини бўғиб ўлдирган мудҳиш қўлларни турманинг ўн йиллик азобларидан кейин ҳам кафтларим орасига қўймасам керак. Аммо ҳаётнинг мураккаблигини қарангки, Замиранинг қиёфаси менга қотилдан ҳам кўра кўпроқ меҳрга муҳтож одамни эслатди. Назаримда, аёлнинг дунёдан меҳр сўраб, шафқат сўраб қилган унсиз нидолари ҳаётнинг бешафқат тош деворларига урилиб қайтаверган. Доимий тазйиқ, ваҳшийларча таҳқирлаш, мутелик оқибат натижада жамият учун яна бир жиноятчини — қотилни туғдирди. Бутун жамиятни чирмовуқдай ўраб олган лоқайдликнинг, бағри тошликнинг қурбони бўлди у. Йиллар мобайнидаги оилавий можаролардан атроф, маҳалла фаоллари, борингки, қўшнилари воқиф эмасмиди? Шунчаки томошабин бўлиб, оила фақат шахсий иш, деган хулосага таяниб, яқин-атрофларида кечаётган воқеа-ҳодисаларни билиб-билмасликка олиб юрганларнинг фожиаси эмасми бу аслида? Аввалари битта болага етти маҳалла оталик қиларди. Икки қўшни тортишса, қолганлари уни инсофга чақирарди, ҳаром йўлга юрганларни «маҳаллани наҳсга бостирасан», деб бадарға қилишарди. Шу ўринда раҳматлик адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир ота Сафаровнинг сўзларини эслайман. «Қизим, — деган эдилар у киши куюниб. — Халқимиз ҳеч қачон эшик, дарвозасига қулф солган халқ эмас эди. Жума намози кунлари расталардаги ҳамма нарса шундоқлигича қолаверарди. Қани унга бирор киши қўл тегизиб кўрсин-чи? Мабодо, кимдир ўғирлик қилса, эшакка тескари миндирилиб, юзига қора суртилиб, сазойи қилинар, ҳамма унинг юзига туфурар, шу тариқа ўғри ҳеч кимга кўринмай бадар кетарди... Ҳали ҳам кеч эмас, жамиятимизда илдиз отиб кетаётган ёмон иллатларни тугатишда халқнинг сайқалидан ўтган қадимги усулларимизга, ибратли усулларимизга таянишимиз керак».

АДИБ БУ ГАПЛАРНИ айтганига неча йиллар бўлди. Аммо ҳеч нима ўзгармади. Аксинча, жиноят дарахти чуқурроқ илдиз отди, холос.

Расмий ҳужжатдан: Спиртли ичимликларни мунтасил истеъмол қилиш натижасида аёллар томонидан жамоат жойларида тартибни бузиш ҳоллари кўплаб қайд этилмоқда. 1988 йилда безорилик билан шуғулланган 1619 та аёл қўлга тушди. Улардан 314 таси жиноий жавобгарликка тортилди.

Жиноий хатти-ҳаракатлар Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳурияти, Тошкент вилояти, Андижон, Фарғона, Бухоро вилоятлари аёллари орасида кўплаб кузатилмоқда. Масалан, Тошкент шаҳрида 1988 йилда 242 безорилик, 136 шахсий буюмларни ўғирлаш, 5 қотиллик, 5 йўлтўсарлик, 28 талон-тарожлик, 24 қаллоблик, 22 қонунсиз равишда спиртли ичимликлар тайёрлаш жиноятлари содир бўлган. 898 аёл эса давлат ва жамоат бойликларини талон-тарож қилиш ва ўзлаштиришда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилган.

Жумҳуриятимизда ягона ҳисобланган хотин-қизлар аҳлоқ тузатиш ва меҳнат колониясида сақланаётган аёллар тақдири ҳам «жиноятлар харитаси»даги азобли нуқталардир. Колония бошлиғи Валентина Семёнова Семёнова Полонскаянинг ҳикоя қилишича, улардан 125 таси, яъни 29,6 фойизи оғир жиноятлар, қотилликлар қилган, тан жароҳатлари етказган. Маҳкумаларнинг ўттиз фойизи ўзбек миллатига, қирқ фойизи рус миллатига, 16,6 фойизи татар миллатига мансуб бўлиб, тўққиз фойизи дайдилар, қолгани рецидивистлар экан.

Ўн саккиз ёшдан 25 ёшгача бўлган маҳкумалар 24,4 фойизни, қирқ ёшгача бўлганлари 54,9 фойизни, 50 ёшгача бўлганлари 16 фойизни ташкил этаркан.

Ҳар бир жойнинг ўз қонун-қоидаси бўлгани каби бу ерда ҳам ўзига хос ички қонуниятлар мавжуд. Маҳкумаларнинг ўзларини ўксик сезмасликлари учун зарур шароитлар яратишга бўлган уриниш кўзга ташланиб туради. Ётоқхоналардаги ўта озодалик, болалар яслиларидаги барча мукаммал шароитлар...

Синф хоналарига, ўқув ишлаб чиқариш кабинетларига қўйилган маъюс гуллар... Дам олиш хоналаридаги телевизорлар... Буларнинг барчаси панжара ортидаги ҳаёт «бекалари»нинг кемтик кўнглини тўлдириш учун мўлтираб туради.

Маҳкумалар тиккан жажжи кўйлакчалар, костюмлар, ажиб нусхали кашталардан соғинч ҳиди уфуради. Уйга, катта ҳаётга тезроқ қайтиш илинжи билан яшайди улар... Аммо, қуёшнинг ҳақиқий нурларига юзини чайиш, соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш Замира кабиларга жуда узоқ муддатда насиб бўлади, холос.

Биз Валентина Семёновна билан ўтиб борар эканмиз, маҳкумаларнинг юз-кўзларида ғалати, тасвирлаб бўлмайдиган ифода муҳрланиб қолади. Баъзилари шоша-пиша салом беради, ўтирганлари сапчиб ўрнидан туради-ю, тезроқ узоқлашиш ҳаракатига тушади...

Гўё улар:

Менинг дунём қани,
Эй, ёруғ дунё!..
Таскин йўқдир на гулларнинг ривоятида,
Ғам қўлида умрим менинг майда-ю майда,
Баҳор йўқдир қалдирғочнинг қўш қанотида,
Мен осмонни, ҳур осмонни соғинмай-да,
Осмон йўқдир.
Осмон, менинг осмоним қайда!..

деяётгандек...

Маҳкумалар — юрак осмонларининг чексизлигини, бегардлигини йўқотган, эндиликда ҳаёт деган улкан уммон қўйнида нажот истаб, сомон парчаларига ёпишган гуноҳкор жонлар...

Ана шундай гуноҳнинг азобли мевалари — йиғилари бу жойларга сира-сира ярашмаётган гўдаклар — мурғак чақалоқлар панжара ортида дунёга келадилар. Улар икки ёшгача шу ерда тарбияланишади. Она дийдоридан баҳраманд бўлишади. Кейин эса гўдаклар маҳкуманинг қариндош-уруғларига, улар йўқ бўлса, Юнусобод мавзесидаги болалар уйига топширилади.

Ташрифимиз куни беланчакда чирқиллаб ётган чақалоқнинг исми Кристина бўлиб, у эндигина бир ойлик бўлган экан. Онаси — ҳали балоғатга етмаган маҳкума боласининг дийдорини кўришдан бош тортган. (Одатда, аёл юкли пайтида жиноят содир этгудек бўлса, ҳукмдан сўнг у бола туғилгунча бўлган муддатни ҳам ушбу колонияда ўтайди. Барча жиноятчи маҳкумалар сингари ҳомиладор маҳкумалар ҳам бу ердаги қонун-қоидалар билан ҳисоблашишга мажбурдирлар.) Ҳозирча Кристинанинг энагалари — оппоқ халатли, меҳрибон хизматчи аёллар. Яна бир гўдакни онаси Ўғулбайрам Шаимова меҳр билан эмизиб турганида учратдик. Ўғулбайрам туркманистонлик. 106-модда билан тўққиз йилга озодликдан маҳрум этилган. Чақалоғи энди бир ярим ойлик бўлибди.

Хонада ўйнаб ўтирган болалар мунчоқ кўзлари жовдираб шу уйнинг мудираси, шифокори Людмила Максимовна Давидовичга талпинади. Фақат сочлари қоп-қора бир қизча биздан кўзларини узмай, жойидан қимирламай ўтираверди. Бир ярим ёшли бу норасидага қараб беихтиёр юрагим зирқираб кетди: гўё кўз ўнгимда нажотсиз Наргиза — ўз онаси бўғиб ўлдирган гўдак тургандай бўлди...

МАЪНАВИЙ қашшоқлик, ижтимоий ва иқтисодий тенгсизликлар бугунги кун аёлининг кўпчилик ҳолларда юз тубан кетишига сабаб бўлмоқда. Тенг ҳуқуқлилик тушунчасининг аёл зарари томон ҳал бўлиши, жамиятда эркаклар ролининг бир мунча пасайиши... Орамиздан кўтарилаётган инсоф, диёнат, ҳалоллик туйғулари... Юракларни зарпечакдай бўға бошлаган мешчанлик, молу дунёга ҳирс қўйиш каби ҳаром туйғулар... Шулар эмасмикан аёлни жиноят жари ёқасига олиб бориб, зулмат тубига итариб юбораётган?

Мана, олдимда бу ерга бешинчи бор «меҳмон» бўлаётган аёл — Андижон вилоятининг Марҳамат районида истиқомат қилувчи Дружина Ҳасанова.

— Мен вояга етган оила ўзига тўқ, файзли хонадон эди, — дейди у. — Ота-онам зиёли, ички ишларда хизмат қиларди. Милиционерга турмушга чиқдим. Бир йилча яхши яшадик. Кейин у ичишни бошлади. Менга хиёнат қилди. Оиламиз бузилиб кетди. Мен савдо соҳасига ишга кирдим. Икки йил ишлаб, давлатдан 1700 сўм қарз бўлдим. 1974 йилнинг январида биринчи марта қамалдим. Бир йил ўтирдим. Май ойида умумий афвга илиндим. Бешта болам бор. Икки марта дайдилигим учун қамалдим. Ҳамма мендан юз ўгирди. Чиққанимдан кейин кўчада қолдим. Менинг аҳволимга ачинадиган бирорта кимса топилмади. 1983 йили Андижондаги ресторанни кўпчилик бўлиб ўмаришда айбланиб яна уч йил қамалдим. Йигирма икки яшик «Белий аист» коньягини болалар ўғирлашган экан, бир жойда еб-ичиб ўтирганимизда тутиб олишди. Ўшанда еттинчи ноябрь, байрам эди. Ҳозир эса ўғирлик учун яна уч йилга кесилганман. Белгиланган муддатнинг икки йилу уч ойи ўтди. Матрас тикаман, планимни икки баравар қилиб бажараман. Яқинда мени Зангиотага юборишади. Агар шу ердан эсон-омон чиқиб кетсам, умримнинг қолганини фалаж бўлиб қолган собиқ умр йўлдошим билан ўтказмоқчиман. Худо ҳаққи, ишонинг менга. Қайтиб бу ерларга келмайман, деб ўзимга ўзим сўз бердим. Ўйлаб кўрсам, умримнинг энг яхши дамлари қамоқхонада ўтибди. Энди қанча пушаймон бўлмай, барибир фойдаси йўқ. Ҳозир эллик ёшдаман. Кийинсам, ҳалиям қўғирчоқдек бўлиб қоламан. Дарвоқе, сизга муҳим бир нарсани айтиш ёдимдан кўтарилибди: туғишганларим мендан юз ўгирганларида жонимга мана шу ер оро кирди. Бўлмаса, алақачон йўқ бўлиб кетармидим...

Эллик ёшга борса-да, ҳали ўзини унча олдирмаган, бошидан ўтганларини ҳеч қандай изтиробсиз гапириб бераётган аёлнинг деярли ажинсиз чеҳрасига қараб, ундан «Аёлнинг жиноятга қўл уришини қандай изоҳлайсиз?» — деб сўрайман.

— Ҳар қандай одам, жумладан, аёл ҳам жиноятга онгли равишда қўл уради, — дейди у хотиржам. — Жиноят қилиш-қилмаслик аёлнинг ўз қўлида. Назаримда, қилган гуноҳларимизни ювиш учун тавба қиладиган вақтимиз келди...

«Ҳақиқий тавба — ёмон феъллар туфайли келадиган азоб уқубатларнинг олдини олмоқдир ва ҳақ мадади билан у феъллардан чекинмоқдир.

Тавба — гуноҳкор банданинг кўнгил кўзгусини гуноҳ зангидан тозалайди; афв сайқали билан у кўзгунинг юзини ёритади. Тавба — бахтсизлик йўлининг охири ва тўғрилик йўлининг бошланишидир; у такаббурлик ғафлатидан сесканмоқ ва ғафлат уйқусидан уйғонмоқ ва ўзининг нолойиқ аҳволини англамоқ ва беҳуда феълларини ташламоқ.., қабиҳ ишлар, шармандалик ва расвогарчилик туфайли ҳижолатга қолишдан огоҳ бўлмоқдир. Тавба — инсонга хос саркашликдан воқиф бўлмоқ, кишини тўғри йўлдан оздирувчи нафс фасодидан ва кўнгил итоатсизлигидан нафратланмоқдир», — деб ёзади улуғ шоир Алишер Навоий ўзининг «Маҳбубул қулуб» асарида.

Эллик ёшгача турма эшикларида «суяги қотган», тажрибали бу аёлнинг тавбага мойиллиги кишини чуқур ўйлашга мажбур қилади. Хатолари нега энди уни умр шомида ўйлантириб қўйди? Аслида, у йўл қўйган хатолар бизнинг умумий хатоларимиз эмасми? Илк қадамидаги хатоси учуноқ ундан юз ўгирганларнинг ҳиссаси йўқми бунда?

Тан олишимиз керак, биз ўз қобиғимиздан ташқарига чиқмай қўйдик. Дунёни сув босса тўпиғимга келмайди, қабилидаги худбинона нуқтаи-назарларимизнинг хулосаси сифатида не-не бокираларнинг номуси поймол этилмоқда. Балоғат остонасида турган, бир оғиз ширин сўзга муҳтож ўксик диллар лоқайдлигимиз, тепса-тебранмаслигимиз, худбинлигимиз туфайли жиноят чоҳига қулаб кетишмоқда. Ўзларига ўт қўймоқдалар, сирка ичмоқдалар ва жиноятга қўл урмоқдалар...

Кун бўйи бандлигимиз боис фарзандлар деярли қаровсиз қолмоқда. Ва, улар ҳам кўнгилларига келган машғулот билан шуғулланиб, жиноят дарахтининг ғунча новдаларига айланмоқдалар.

Расмий ҳужжатдан: Ўтган йили юз берган 84459 та жиноятнинг 4224 нафари балоғат ёшига етмаган ўсмирлар томонидан амалга оширилди.

Ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган наманганлик Масолиева Ч. (1970 йилда туғилган) кўнгилхуши А. Бурхоновдан бўлган беш ойлик боласини рашк қилиб сирка эссенцияси бериб заҳарлаган. Ва, жиноятни учун уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Кўнгил кўзлари деярли кўр бўлаёзган, ҳаётни ёлғиз майда-чуйда ташвишлардангина иборат, деб билган хотин-қизларимизни кўпроқ илм эмас, уқубатга айланаёзган ҳаёт ўз домига тортиб кетаяпти. Тўрт боласини совуқ қабрларга ишонган Замиранинг ҳам тўйгача кўргани пахта далалари бўлган. Сўнгра рўзғор ташвишлари, болаларининг ўсиши, униши билан боғлиқ бўлган азоблар билан уймалашиб, ўзи хусусида ўйлашга вақти ҳам бўлмаган. Зардобга тўла юрагини бўшатгувчи бир ғамгузор топилмаган. Орзуларидаги гўзал дунёдан шу тахлит жуда олислашиб кетган бу аёл қандай қилиб болаларининг қотилига айланиб қолганини ўзи билмайди. Чунки, у касалхонада ўзига келиб, атрофидагиларга айтган биринчи сўзи: Болаларим қани? деган савол бўлган.

Уларни ҳатто сўнгги йўлга кузатиш бахтидан ҳам мосуво бўлган бу аёлнинг тилло сандиғини — кўзининг гавҳарларини жиноят деган ўғри бир умрга олиб кетди.

Қадимги юнон файласуфи Суқрот: дунёда битта эзгулик бор — билим. Битта ёвузлик бор — нодонлик, деганида минг бор ҳақ эди. Жамиятнинг узоқ йиллар уйқудаги кўзлари нодонлик меваси бўлган жиноятлар ҳисобига бирозгина очила бошлади. Бироқ, миллат қадри, аёлларни асраш, уларга кам иш соатлари белгилаш ҳақидаги эзгу ўйлар ҳамон орзулигича қолиб кетмоқда.

Мен маҳкумалар «салтанати»да турли тоифадаги жиноятчиларни учратдим. Ўз ишидан пушаймонлик ҳисси юрак-бағрини ўртаётганларни ҳам, ёшгина қизалоқни ўлдириб, бугун бемалол журнал варақлаб ётганларни ҳам кўрдим.

ЧАНГАКЛИ СИМ билан иҳоталанган девор остида йўқлама бошланди. Уларнинг сафида турган Замиранинг жиққа ёш кўзлари мени анча жойгача жимгина кузатди. Унга сўнгги бор ўгирилиб қарар эканман, ҳар бир содир қилинажак жиноят энг аввало инсон қалбида қарор топиб, сўнгра жамиятнинг азобли мевасига айланишини англадим. Шунда борлиқни бехос улуғ шоирнинг неча асрлар оша панжара ортидан туриб, мусаффо осмонни мунгли кузатаётганларга қарата айнан айтилгандек сўзлари тутиб кетгандек бўлди:

«Илоҳо, инсоф шамоли эсиб, йўлдан озганларни ёмон ҳолатдан огоҳ этгай. Огоҳ бўлгач, ўз қилмишидан хижолат тортиб, думоғидан уят дуди чиққан ва бу каби ишларидан ибо қилиб, афв сўраб ножўя ишларидан тавба қилиб ўринсиз феълини ўзгартиргай ва адашган йўлдан чиқиб, тўғри йўлга киргай»...



С. МАҲКАМОВ суратга олган

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 ТИЙИН

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»

Издается на узбекском языке

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

Орган Союза писателей Узбекской ССР и Министерства культуры Узбекской ССР

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларига қайтарилмайди.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ
Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Д. — 3342. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1990 ЙИЛ

26 ОКТЯБРЬ № 43 (3095) ЖУМА

КИТОБХОНА

ЭЗГУ НИЯТ УЧУН КЎНГЛИМИЗ ОЧИҚ

Кеча Ўзбекистон ССР Президенти девонида Шарқнинг улуғ адиби, олим ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари «Бобурнома»нинг 460 йиллигы муносабати билан юртимизга ташриф буюрган меҳмонлар шарафига қабул маросими бўлиб ўтди.

Жумҳурият Президенти И. А. Каримов меҳмонларни самимий қутлаб шундай деди:

— Улуғ ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк асари бўлмиш «Бобурнома»нинг 460 йиллиги муносабати билан юртимизга ташриф буюрганингиз учун сизларга самимий ташаккур изҳор қиламан ва бу ташрифни ўзбек халқи тарихига, Ўрта Осиё халқлари, қолаверса, Шарқ халқлари тарихига, маданиятига бўлган ҳурмат деб биламан.

«Бобурнома»нинг фазилатлари ҳақида сизларга гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Бобур кўпчилик халқларга тегишли тарихий шахс. Шунинг учун унинг ҳаёт йўлини, ижодий бизнинг олимларимиз кўпгина мамлакатлар олимлари билан ҳамкорликда ўрганаётганларини жуда тўғри иш, деб биламан.

Бобур бизларни — кўпгина Шарқ халқларини бирлаштириб туради. Ҳозир замон шуни талаб қилмоқда, олис тарихимизни, унинг номаълум ёки чалкаш саҳифаларини биргалашиб кўриб чиқишимиз зарур. Шу маънода сизларнинг ижодий ҳамкорлигингиз ғоят зарур. Биз эса бунинг учун барча шароитни яратиб беришга тайёрмиз.

Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий мустақилликка қадам қўяётган бир пайтда халқимиз тарихига муносабат масалалари ҳам долзарб мавзу бўлиб турибди. Бу муҳим ишни самарали ва одилона ҳал қилиш халқлар ўртасидаги ҳар хил нифоқ ва низоларни бартараф этишда катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Бундай эзгу ният йўлида самимий ҳамкорликка, қўлни қўлга беришга тайёр бўлиб турганингиз учун, сизларга яна бир бор миннатдорчилик билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Одамларимизнинг сиёсий, миллий кайфиятлари ниҳоятда тез ўсиб бораётган ҳозирги шароитда «Бобурнома»ни ўрганиш, ундаги бебаҳо маъно ва хулосаларни ўзлаштириш, насиҳатлардан огоҳ бўлиш ниҳоятда зарурдир. Айни вақтда мен мана шундай учрашувлар тез-тез ўтказилиб туриши халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга эзгу ниятларга хизмат қилади, деб ишонаман.

Вақтлар ўтар, асрлар ўтар, замонлар ўтар — сизларнинг бу улуғ хизматларингизни тарих унутмайди, деб бугун бу ерда — Ўзбекистон Президенти девонида ишонч билдиришга рухсат бергайсизлар.

Лекин тарих яна бир нарсани ҳам унутмайди. Бу ҳақда гапириш менга жуда оғир бўлса ҳам, рўй-рост айтиб ўтишни ўзимнинг бурчим деб биламан. Ўз вақтида кечириб бўлмайдиган бир хатога йўл қўйилди. Бобур туғилган юртда, у мўқаддас деб билган тупроқда унинг 500 йиллиги муносиб нишонланмади. Муносиб нишонлаш у ёқда турсин, ҳатто бу буюк зот номи ҳурмат-эҳтиром билан эътироф ҳам этилмади. Биз бундан ниҳоятда хижолатдамиз. Бу хато тарихимизда доғ бўлиб қолади.

Бир ҳақиқатни ҳаммамиз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Тарихда шундай шахслар бўладики, улар қайси даврда, қайси мамлакатда, қайси замонда ўтган бўлмасинлар, эзгу ишлари билан халқ юрагида ўчмас из қолдирадилар. Кимки бу мўқаддас изни ўчирмоқчи бўлса, кимки бу улуғ шахсларни ёмон отлиқ қилмоқчи бўлса, ўзи зарбага учрайди, ўзи бадном бўлади, умри узоқ бўлмайди.

Бобурнинг ўзи шундай деб эди:

Ҳар кимки вафо қилса,
вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса,
жафо топқусидир.
Яхши киши кўрмагай
ёмонлиг ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса,
жазо топқусидир.

Одамзот тарихида шундай воқеалар бўладики, инсоният тарихида шундай зотлар бўладики, уларга, улар хотирасига сира ва мутлақо сиёсат аралашмаслиги керак. Бу улуғ зотларнинг, халқига хизмат қилган ўғлонларнинг умри мазмуни ҳар қандай сиёсатдан устундир. Уларнинг қадр-қиммати, тарихдаги ўрни у ёки бу даврдаги сиёсат билан эмас, балки умуминсоний қадриятлар мезони билан ўлчаниши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, биз ҳозир Бобур, «Бобурнома» ҳақида гапирар эканмиз, бу гаплар умуман халқимизнинг маданий меросига бўлган муносабатимиз тўғрисидаги гаплардир. Бу йўналишдаги тадбирлар жумҳуриятимизнинг «Мерос» дастурида ўз ифодасини топган. Бу йўлимиз қатъиян, бу йўлдан қайтиш йўқ.

Яна бир марта сизларга ва сиз орқали Бобурга меҳр қўйган барча юртдошларингизга миннатдорчилик билдираман. Буюк Бобур Мирзонинг руҳлари сизларга доим ёр бўлсин, азизлар.

Шундан сўнг меҳмонлар — афғон ёзувчиси Асадулла Ҳабиб, Покистон элчисининг вазири Фаррух ва бошқалар Бобур меросини ўрганиш, мамлакатлараро иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш хусусида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. И. А. Каримов ўз навбатида Ўзбекистон эшиклари, ўзбек халқининг кўнгли самимий ва пок ниятлар учун, халқлар дўстлигига хизмат қилувчи олижаноб тадбирлар учун ҳамиша очиқ эканлигини эътироф этди.

Қабул маросимида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси О. Ёқубов, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси П. Қодиров ва бошқалар иштирок этдилар.

МАЪНАВИЙ МАДАД

Пахтакорларимизнинг ҳалол ғалабаси

Жумҳуриятимизнинг пахтакорлари йиллик режаларини бажардилар. Далалардан йиғиштириб олинган пахтамиз тўрт миллион 800 минг тоннадан ошиб кетди. Бу меҳнат ғалабаси фақат пахтакорларнинг эмас, жумҳуриятимизнинг пок ниятли барча кишиларини севинтирди. Бинобарин, пахтакорнинг меҳнатидан, унинг ютуқларидан қувонмаслик мумкин эмас. Зотан, пахтакор меҳнати — она сутидек ҳалол. Бир пайтлар қилинган баъзи қинғир ишлар учун на пахта, на пахтакор айбдор, аксинча пахтакорнинг, пахтанинг номидан иш кўрган айрим қаллоблар, нафси ҳакалак отганлар айбли. Буни эндиликда ҳаммамиз биламиз.

Бу йилги пахта йиғимтерим мавсуми дабдабаларсиз, ур-сурсиз бошлангани ва олиб борилганини кўрдик. Ушовидан тушови қимматга тушадиган ҳашарчиларсиз ҳам иш битар эканку. Бу ҳашарчилар, очиғини айтганда, ҳамма томондан зарар келтирар эди. Аввало улар ўзларининг асосий ишларидан қоладилар, аммо ишлаган ҳисобида ҳақ оладилар, у ёқда, яъни далада ёлчитиб пахта термайдилар, бироқ улар учун жой керак, этак керак ва ҳоказо. Уларни олиб бориш ва қайтариб келиш учун автобуслар овора. Шаҳар кўчаларида қатновчи автобуслар камайган, ишга, ўқишга борадиган одамлар соатлаб бекатларда сарғайишган. Баъзи учар ҳайдовчиларга-ку пахта яхши баҳона бўларди, бир кун пахтага одам ташиса уч кун ўзининг чўнтагини ўйларди. Қаерда деса «асосли» сабаб бор — пахтада. Ҳайриятки, бу йил шу оворагарчиликларга йўл қўйилмади. Тўғри, айрим вилоятларда талабалар чиқишди ҳашарга. Бу ўша жойлардаги раҳбарларнинг виждонига ҳавола. Қолаверса, вазият тақозо қилганда бир-бирига кўмаклашиш, қарашиб юбориш халқимизда қадимдан бор удум. Фақат, мажбурий йўл билан эмас, ўзининг истаги билан, беминнат ва беғараз ёрдамни олқишлаймиз. Одам ҳар бир ишга ўзининг хоҳиши билан, ўйнаб-кулиб бориши ва бажариши лозим. Шунда чарчамайди, меҳнатнинг оғирлиги билинмайди.

Энг муҳими, бажариладиган ишга тўланадиган ҳақ ва унинг миқдоридир. Агар ҳар бир киши қилган меҳнатига яраша ҳақ олса у ўзининг ишини бировга ташлаб кўймайди, ҳашарчи сўрамайди. Зотан, моддий манфаатдорлик барча нарсанинг асоси.

Бу йил пахтанинг ҳар килосига йигирма беш тийиндан ҳақ тўланиши буни исботлади. Дала меҳнатчилари етиштирилган ҳосилни иложи борича ўзлари териб олишга ҳаракат қилдилар. Ахир чўнтагига пул тушадида. Бу унинг ризқи. Ким ризқини бировга бергиси келади. Охирги кунларда ўттиз-ўттиз беш тийиндан тўланди. Демак, мумкин экан-ку. Тўғри, аслида бу ҳам кам. Лекин мусулмончилик аста-аста деганларидек, келгусида бу нарх янада кўтарилишига ишонамиз. Шунда ҳар ким ўзининг иши билан машғул бўлади, бировга бировнинг оғирлиги тушмайди.

Яна бир қувончли гап — бу пахта планининг камайтирилгани. Турғунлик йилларини-ку, қўя турайлик, ундан кейинги, ҳатто қайта қуришнинг икки-уч йили давомида ҳам беш ярим миллион ва ундан ортиқ рақамларни гапирардик. Пахта яккаҳокимлигини танқид қилардигу пахта майдонларини қисқартириш ҳақида ўйламасдик. Бу йил 700-800 минг тонна пахта камайганини кўрдик, йиллик режа тўрт миллион 750 минг тонна экан. Бу халқнинг дилидаги гап эмасми. Қилса бўлар экан-ку. Ортиқча шов-шувларсиз, асаббузарликларсиз режалар бажарилаётганининг асосий сабабларидан бири мана шунда!

Пахтакорларга моддий ёрдам билан бирга маънавий мадад керак. Халқимиз ширин сўзнинг гадоси. Матбуотда, радиода, ойнаи жаҳонда пахтакорлар шаънига илиқ, самимий сўзлар айтилди, айтилмоқда. Уларнинг меҳнатлари мадҳ этилмоқда. Булар керак. Уларнинг мардона меҳнати шунга арзийди.

Ҳар қалай бу йил пахтакорларимиз астойдил меҳнат қилдилар. Тўғриси, бу йил уларнинг чўнтагига олдинги йилларга нисбатан анча тузук пул тушди. Бу ҳаммамизни қувонтиради. Жумҳуриятимиз бўйича ҳосилнинг тўқсон фойизи биринчи ва иккинчи навларга топширилиши ҳам даромад мўл бўлишидан нишона. Демак, ҳамма гап меҳнатда. Ҳамма соҳада ҳам меҳнат қилсагина киши бир нималик бўлади: пахтами, полизми, сабзавотми, чорвами, боғдорчиликми — қатъи назар ҳалол пешона тери тўкканг одам ютади. Ўзбек деҳқони ҳар доимгидай бу йил ҳам буни исботлади.

Меҳнат ғалабангиз муборак бўлсин, азиз пахтакорлар!

БОБУР ҚАДАМЖОЛАРИДА

Турқий оламнинг улуғ адиби, шоири, олими ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари «Бобурнома» яратилганининг 460 йиллиги жумҳуриятимизда кенг нишонланмоқда.

Шу муносабат билан «Бобурнома» ва «Шарқ ренессанси» мавзуида Тошкентда ўтказилган илмий-назарий анжуманга кўплаб чет эллик меҳмонлар ҳам ташриф буюрдилар.

Илмий анжуман 22 октябрь куни Тошкент Давлат дорилфунунида очилди. Эртасига эса меҳмонлар Андижондаги Бобур қадамжоларини зиёрат қилиш учун йўл олишди. Маълумки, Андижон Бобурнинг ота юрти. «Бобурнома»ни чуқур ўрганган кишига бу ердаги ҳар бир гиёҳ, ҳар бир одам, Андижоннинг еру осмони, ҳавоси Бобурни эслатади. Меҳмонлар ва мезбонлар очиқ жойда ташкил этилган халқ амалий санъати музейида бўлишди. Бу ерда Бобурга ўрнатилган ҳайкал очилишида иштирок этдилар. Қадимий шаҳарларда бўлганидек, Андижоннинг ҳам ўз арки мавжуд. Андижондаги «Арк ичи» ёдгорлиги Бобурнинг отаси Умар Шайх томонидан бунёд этилган. «Арк ичи» Бобур давридан бизнинг кунларгача етиб келган энг ноёб ёдгорликдир. Бугунги кунда қайтадан тикланган ва таъмирланган «Арк ичи»да вилоят Адабиёт ва санъат музейининг бўлими — Бобур музейи ишлаб турибди. Музейда «Бобурнома»нинг энг қадимий нусхаларидан тортиб, Бобур даврига, унинг ҳаёти ва ижодига тааллуқли кўплаб ёдгорликлар мавжуд. Шундан кейин меҳмонлар эски шаҳар бозорини кўрдилар. Андижонлик ҳунармандлар, косиблар, деҳқонларнинг фаолиятлари билан қизиқдилар. Бобур номидаги шоҳ кўчада бунёд этилган Бобур хиёбони ҳамда бу ерда улуғ шоирга ўрнатилажак ҳайкал шоҳсупасини ҳам бориб кўришди. Шунингдек, улар Бобур номидаги кутубхонада, бадиий буюмлар фабрикасида меҳнаткашлар, ўқувчи талабалар билан учрашувлар ўтказишди. Кечқурун Охунбобоев номидаги вилоят театрида «Бобурнома»нинг 460 йиллигига бағишланган адабий-илмий кеча ўтказилди.

24 октябрь куни байрам иштирокчилари Самарқандга йўл олишди. Бобурнинг армони бўлиб қолган бу шаҳар бутун борлиғи билан темурийлар шаҳридир. Меҳмонлар ҳар қадамда ана шу туйғуни ҳис этдилар. Тарихий обидалар билан танишиш, мактаблар, корхоналарда бўлган учрашувлар, Самарқанд опера ва балет театрида бўлиб ўтган тантанали кеча меҳмонларда жуда катта таассурот қолдирди.

Ниҳоят, «Бобурнома»нинг 460 йиллигига бағишланган байрам 25 октябрь куни Тошкентда Алишер Навоий номидаги Катта театр биносида ўтказилган тантанали адабий кеча билан якун топди. Кечани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби О. Ёқубов олиб борди. «Бобурнома» ҳақида ёзувчи П. Қодиров маъруза қилди. Сўзга чиққан мезбон ва меҳмонлар «Бобурнома»нинг жаҳон ижтимоий-маданий ҳаётида тутган ўрни, оламшумул аҳамияти ҳақида, тўрт кун давомида Бобур юртида кўрган-кечирганлари, олган таассуротлари хусусида сўзладилар. Кечада Ўзбекистон ССР Нозирлар кенгаши раисининг муовини Ў. Умарбеков қатнашди.

Муштарийлар билан мулоқот

БАРЧАНИНГ СЕВИМЛИ ҲАФТАЛИГИ

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигини шундай деб номласак ҳеч хато қилмаган бўламиз. Кўпчилик бу ҳафтаноманинг чиқишини орзиқиб кутишини ва мароқ билан ўқишини сўзлаганини ўз қулоғим билан эшитганман.

Бизнинг оиламиз ҳам «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нга мунтазам обуна бўлиб келади., Ундаги мақолаларни биргалашиб ўқиб, муҳокама қиламиз, баҳслашамиз. Ишхонада ҳам бу мусоҳаба давом этади. Янги сони чиққунча эскиси қўлдан-қўлга ўтиб юради. Хуллас, ҳафталик мадҳу санога унча муҳтож ҳам эмас.

Унда ёритиб борилаётган мавзулар халқимиз учун ниҳоятда муҳимдир. Ўзбек халқи тарихи, адабиёти, маънавияти ва бошқа соҳалардаги чиқишлар ҳаммага маълум бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Таҳрир ҳайъати кўп қийинчиликларни енгиб ўтиб, матонат, мардонаворлик билан ҳафталикни ўқувчиларга етказиб бераётгани эса кўпчиликка сирдир. Мен уларга Аллоҳдан янада кўпроқ сабот ва матонат беришини сўраб дуо қиламан.

Эътироф қилиш керак, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ўқувчилари олдида бизнинг ҳам анчагина қарзларимиз бор. Яхши ниятлар билан «Жума ўгитлари» рукнига асос солинган эди. Бир қатор кўпчиликка мақбул чиқишлар бўлди, лекин етарли эмас. Бунда менинг ҳам айбим бор деб биламан. Турли сабабларга кўра кўзлаган режалар амалга ошмай қолди. Лекин иншоаллоҳ келажакда мазкур режалар ҳам амалга ошар, диний ҳаётга оид мақолалар ҳам кўпроқ чиқар деган умидимиз бор.

Ўйлайманки, янги шароитда, айниқса, матбуотчилик қийинлашиб бораётган пайтда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ўз ўқувчилари ҳамкорлигида халқимизнинг хизматига ҳозирликда Аллоҳ таоло иродаси ила янгидан-янги муваффақиятларга эришаверади.

МУҲАММАД СОДИҚ
МУҲАММАД ЮСУФ,
муфти, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармаси раиси

Жиззах вилояти, Пахтакор районидаги Акмал Икромов номидаги совхозининг Ғаффор Анорбоев етакчилик қилаётган звенони деҳқонлари пахтадан мўл ҳосил етиштириб, йиллик планни муддатидан аввал бажаришган эди. Айни кунларда юксак мажбурият ҳисобига ҳосил топшириш давом этмоқда.

Суратда: Ғаффор Анорбоев (чапдан иккинчи), звено ишчиси Ўнғар Сулаймонов, механизатор Тўлқин Ботиров, Умрзоқ Алимов.

У. ҚУШВОҚОВ суратга олган

ТИЛ—ХАЛҚ ҚИЁФАСИ

Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг бир йиллиги муносабати билан жумҳуриятимизда тил байрамлари бўлиб ўтди. Мазкур сана том маънода халқ байрамига айланиб кетди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш нозирлигида бўлиб ўтган байрамда медицина олий ва ўрта махсус билим юртларида, касалхона ва бошқа даволаш муассасаларида ўзбек тилини жорий этиш ҳамда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ҳақида жиддий мулоҳазалар айтилди. Жумҳурият соғлиқни сақлаш министри С. Баҳромов ўз нутқида шифокорлар олдида турган вазифалар, ўқув қўлланмалари ва дарсликларни қисқа муддатларда ўзбек тилида нашр этиш муаммолари хусусида батафсил тўхталди.

Ўрта Осиё болалар шифокорлари медицина институтида бўлиб ўтган тил байрами ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Сўзга чиққанлар бу олий даргоҳда ўқув жараёни асосан ўзбек тилида олиб борилаётганини ифтихор билан гапирдилар.

М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси ўқитувчи ва талабалари ҳам илк бор тил байрамини нишонладилар. Консерватория проректори Т. Ғафурбеков ўз маърузасида ҳали миллий мусиқамизни ўз она тилимизда ўрганиш муаммолари кўплиги ҳақида сўзлади. Байрамда Ҳиндистондан келган меҳмон — Калькуттадаги мусиқа институтининг ўқитувчиси, мусиқашунос ва хонанда Никхил Чаттопадхайя иштирок этди.

Тил байрами Самарқанд шаҳрида ҳам кенг нишонланди. Жумҳуриятнинг барча область, шаҳар ва районларида бўлиб ўтган тил байрамларида шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар, партия ва совет ходимлари, ветеранлар, хуллас она-тилимиз жонкуярлари фаол қатнашдилар. Уларнинг сўзларида асосан тилимизни тезроқ давлат ишларига татбиқ этиш, ҳар жиҳатдан ривожлантириш масалалари қайта-қайта такрорланди. Чунки тил — халқ қиёфаси. Уни бузишга ва ўзгартиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шундай экан, тилимизни қадрлаб, янада мукаммаллаштириб, келгуси авлодларга асл ҳолича етказишимиз зарур.

БАДИИЯТГА ЯҚИН ХАЛҚ

Жумҳуриятимизда эндигина тетапоя бўлаётган демократия ва ошкоралик деярли ҳар куни ниқоблиқ сталинчилар муштидан пешонасини ғурра қилиб бўлса-да, мақсад сари одимламоқда. Бизда барча ишлар халқнинг кўз олдида, очиқчасига, ҳалол ва ошкора ҳал этилганда эди, Олий Кенгашда Ошкоралик қўмитасини тузиб ўтказмаган бўлур эдик. Аслида мавжуд барча давлат, ҳукумат ва жамоат ташкилотлари ҳамда самбиттолга ўхшаш матбуотимиз Ошкоралик қўмитаси вазифасини бажариши даркор эди. Бироқ афсуслар бўлсинким, ҳали кўп орзуларимиз қалбимиз тубида қолиб кетаётир.

Агар жумҳуриятимиз матбуотида демократия ва ошкоралик сари бир неча қадам ташланган бўлса, бундаги энг салмоқли одим «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га, халқнинг кўзини очиш учун қурашиб, кўп ҳолларда ёмонотлиққа чиқиб келаётган ёзувчиларга тегишлидир.

Қатор матбуот нашрларимиз демократия билан сичқонмушук ўйнаб юришибди. Бу нашрлар учун энг катта жасорат «халқимизнинг бир қисми ҳафталаб гўшт емайди» деган сўзни айтишдан нарига ўтмаётир. Бироқ бош мезнинг «оч ва юпун»лиги, маънавий ва маърифий қашшоқлик ҳақида кўркўрона сукут сақламоқдамиз.

Бувайдага борганимда халқ ихлос қўйиб ёзилган нашрлар орасида Адабиёт газетаси биринчи ўринда турганидан хурсанд бўлдим. Бадиятдан йироқ халқ ҳеч қачон ўзлигини англаб етолмайди ва тарихига тўғри кўз билан қарай олмайди. Де Голль ўзини ва давлат бошқарувини танқид қилган кишиларга мукофот ва нишонлар берар экан. Фақат кучли, мақсади аниқ халқ ва шахсларгина шундай қиладилар. Ўзлигимизга теран кўз билан қарашимиз, ҳақиқатнинг олдида шайтонлаб яшамаслигимиз учун матбуот эркинлиги, ҳур фикрлилик ва унга ҳокимлик мутлақлик (яъни пахта яккаҳокимлиги, ғоя яккаҳокимлигига айланмасин демоқчиман) қилмаслик муқаррар шартлардир.

Мен барча қаторн келгусида ҳам жасоратли ҳафталигимизни ана шу эзгу ниятларда қўлга олиш умидидаман.

Нурали ҚОБУЛ

МОСКВАДА ШОИР ЮБИЛЕЙИ

Ҳамид Олимжон ўзининг қудратли, ажойиб истеъдоди туфайли оқсоқол адибларнинг ҳурматига сазовор бўлган экан, деди СССР Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби В. Карпов Москвада, Союзлар уйининг Колонна залида Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали кечани оча туриб. Ҳамид Олимжон Ватанга садоқат билан хизмат қилишнинг ёрқин намунаси бўлган эди. Унинг шеърлари фақат ўзбек ўқувчиларининг эмас, қардош халқлар китобхонларини ҳам мафтун этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳамидов Ҳамид Олимжоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлади. Шоирнинг вафотидан сўнг қанчалар кўп вақт ўтмасин, унинг ижоди мероси шунчалар катта аҳамият касб этмоқда, деди нотиқ. Сўнгра у Ҳ. Олимжон ўзбек адабиёти тарихида муносиб ўрин эгаллашини таъкидлади. Шоирнинг шеърлари, достонлари, драмалари, очерклари, илмий мақолалари адабиёт-илмий жамоатчилик, кенг ўқувчилар оммаси томонидан ҳамиша самимий кутиб олинган. У бир неча рус ва қардош халқлар адибларининг асарларини ўзбек тилига маҳорат билан ўгирган. Пушкин, Лермонтов, Горький, Островский, Корнейчук, Шевченко, Светлов ва бошқалардан қилган таржималари бугун ҳам севиб ўқилади.

Ҳамид Олимжон жумҳурият Ёзувчилар уюшмасининг раиси сифатида катта ташкилотчилик ишларини олиб борган, ўзини истеъдодли жамоат арбоби эканини намойиш қилган. У ҳамиша ўзбек адабиётини мамлакат, қолаверса жаҳон миқёсида тарғиб қилишга алоҳида эътибор берган, бу йўлда куч-қувватини, истеъдодини аямаган.

Шоирнинг асарларига атоқли рус адиблари катта аҳамият берганлар, уни юқори баҳолаганлар. Юксак ватанпарварлик руҳидаги «Муқанна» драмаси ҳақида А. Фадеев бундай деган эди: «Халқ сардори Муқанна билан ўзбекларнинг ўзига хос Жанна д'Арки бўлган Гулойим образлари — Ҳамид Олимжоннинг катта ижодий ютуғидир».

Юбилей кечасида рус шоираси Римма Казакова, украин шоири Б. Олейник, қорақалпоқ шоири И. Юсупов, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси С. Азимов сўзга чиқиб, Ҳамид Олимжон ижоди ва шу баҳона адабий алоқалар хусусида сўзладилар.

Ўзбекистон санъат усталари ижросида катта концерт намойиш қилинди.

Кечада СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгашининг Раиси Р. Н. Нишонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет котиби А. С. Дзасохов, Ўзбекистон ССР Президенти кенгашининг аъзолари С. Азимов, Т. Қайипбергенов, Э. Самандаров иштирок этдилар.

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ РЕДАКЦИЯСИГА

Ҳурматли бош муҳаррир!

Биз мураббий ва ўқитувчилар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг ҳар бир сонини интизорлик билан кутамиз. Унда босилаётган муаммоли мақолалар, шеър ва ҳикояларни севиб мутолаа қиламиз. Шунинг учун ҳам мактабимизда ишлаётган 80 ўқитувчининг 60 таси бир йўла ҳафталикка обуна бўлишди. Ҳали ҳафталикка ёзилиш давом этмоқда.

Шу ўринда яна бир масалани қайд этиб ўтмоқчимиз: барча матбуот нашрлари сингари ҳафталикнинг обуна баҳоси қимматлашгани бизни ончалик ҳам ранжитгани йўқ. Негаки, ким қайси нашрни севиб мутолаа қилса ундан пулини аямайди. Бизни ранжитаётган нарса эса, газетанинг ўз вақтида обуначиларга етиб келмаётганидир. Билишимизча, бу йилги газеталарнинг нархи ошишидан Алоқа министрлиги ҳам кўпроқ манфаатдор бўлади. Агар шундай бўлса, Алоқа министрлиги ҳам марҳамат қилиб, севимли нашрларимизни ўз вақтида етказиб беришини таъминласин.

Турсунқул ЭГАМОВ,
Хатирчи районидаги 35-ўрта мактаб директори

ИЛМ—ЎЗНИ БИЛМАКДИР

ОҒУНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

● Радиоактив чиқитлардан ҳам хатарли ● Одам бошига 4,2 килограммдан заҳар ● Болалар ўлими: Чернобиль ҳам гапми? ● Заҳарни миқоллаб ўлчанг!

БИЗ ҲАЁТ кечираётган атроф-муҳитни ифлослантираётган кимёвий моддаларнинг тури тўрт миллиондан ортиқ. Улар орасида энг ёмони — инсон учун хатарлиси ксенобиотиклар, яъни табиатга ёт бўлган заҳри-қотил пестицидлардир. Қишлоқ хўжалик экинларини турли касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган гербицидлар, замбуруғларга, ҳашаротларга қарши ишлатиладиган кимёвий моддалар шулар сирасига киради. Ҳар йили ер юзининг 15 миллион квадрат километрга яқин майдони дориланади. Бунинг натижасида фақатгина ривожланаётган мамлакатларда 375 минг киши заҳарланиб, 10 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юммоқда. Бизда бундай маълумотлар йўқ. Аммо аҳвол анча мураккаблиги сир эмас.

Тупроқ, сув ва ҳавода кенг тарқалиб кетган бу моддалар инсон ҳаёти учун фавқулодда хатарли вазиятни вужудга келтирди. Биз бугун ирсий ва экологик хавф остида яшамоқдамиз. Таниқли ирсиётшунос олим, академик Н. Дубнининг ёзишича «...бу хатарли омиллар тирик табиатдаги мозийи-азал ривожининг маҳсули саналган энг ноёб дурдона — ҳазрати ИНСОН наслининг бузилишига олиб келаётир».

Биз бутун чоралар билан бу хавфни бартараф қилмоғимиз зарур. Акс ҳолда инсоният учун, умуман тирик мавжудотлар учун тиклаб бўлмайдиган ирсий талофотлар бошланиши муқаррар. Чунки пестицидлар хавфи АЭСларнинг радиоактив чиқитлари хавфидан 9 баробар кўплиги маълум.

Шундай бир шароитда СССР Кимёвий ўғитлар ишлаб чиқариш маҳкамаларининг раҳбарлари минерал ўғитлар ва пестицидлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга даъват этмоқдалар. Ҳолбуки, кейинги чорак асрда агрохимикатлар миқдори 12—15 баробар кўпайган бўлса-да ҳосилдорлик амалда ошмади. Кўраяпсизми, харажатлар ботмон-ботмон, самара ҳаминқадар, салбий асоратлар эса чидаб бўлмас даражада.

Х беш йиллик мобайнида Ўзбекистон пахта майдонларининг ҳар гектарига йилига ўртача 54,6 килограммдан пестицид ишлатилган эди. Ҳозир эса гектарига 24—30 килограммдан ишлатилмоқда. Ўзбекистон пахта далаларига солинаётган ўғитлар миқдори Финляндия ёки Болгариядагига нисбатан 2—2,5, Швециядагига қараганда — 3, АҚШдагига нисбатан эса 4 баробар кўп. Бироқ ғўзага шунча кўп миқдорда солинаётган азотли ўғитларнинг атиги 45—50 фоизигина фойдали таъсирга эга. Қолган 50—55 фоиз қисми эса тупроқдан ювилиб, ҳавога учиб, инсон яшаётган атроф-муҳитни ифлослайди.

Ўтган беш йилликда жумҳуриятимиз пахтачилигида 10 миллион тоннага яқин азотли ўғитлар ишлатилган. Амалда уларнинг ярмидан кўпи ҳосилдорликни оширишга эмас, балки муҳитни булғашга исроф бўлган холос. Шунинг учун ҳам бугун далага солинаётган минерал ўғитлар ва пестицидлардан тўғри ва меъёрида фойдаланиш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Хўжаликлар аммиакли селитранинг тоннасини 70 сўмдан, аммофоснинг тоннасини 96,5 сўмдан харид қилишади. Оддий которан гербицидининг тоннаси 12 минг сўм туради.

Кўраяпсизки, қишлоқ меҳнаткашларининг неча миллионлаб сўм маблағи ҳеч қандай нафсиз сарф бўлаётир.

Заҳарли моддалар сақланадиган омборларнинг атиги 30—40 фоизигина ишга яроқли, қолган 512 омбор эса санитария ҳамда табиат муҳофазаси талабларига мутлақо жавоб бермайди. Пестицидларни сотиб олиш, ташиб бориш, сақлаш, далаларда ишлатишда жуда катта хатоликлар бор. 1804 хўжаликда уни тўғридан-тўғри ўғирлаш ҳоллари аниқланди. Қишлоқ жойларидаги 212 мингта ҳовлидан заҳарли кимёвий моддалар топилган. 300дан ортиқ қишлоқ хўжалик аэродромлари ва пахта далаларида эса неча мингкетишига ҳам минерал ўғитлар ва пестицидларни ишлатишга ҳаддан зиёд ружу қўйганимиз сабаб бўлгандир. Бугина эмас, денгизнинг қуриган тубидан тузларга қўшилиб ҳавога учиб чиқаётган заҳар (пестицидлар) қолдиқлари унумдор ерларимиз ва ажойиб боғларимизга ҳам қирон келтира бошлади. Бу энг хатарли ёвдир. Ҳозирнинг ўзидаёқ Оролдан юзлаб километр олисликдаги ерларнинг ҳар гектарига йилига 200—300 килограммдан заҳар-заққумли чанг ўтирмоқда.

Кейинги 15—20 йилдан буён Ўзбекистон табиатида фалокатли жараёнлар кечмоқда. Ўлкамиз кўрки ва бойлиги бўлган ўнлаб ўсимлик ва ҳайвонот турлари бутунлай йўқ бўлиб кетди. 60 дан ортиқ ҳайвонот ва 160 хил наботот тури ҳам бугунги кунда шундай тақдир билан юзма-юз турибди. Жумҳуриятда, айниқса, Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятида экологик вазият ниҳоятда таҳликалидир. Олиб борилган **тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалигида агрохимикатлар ишлатилиши ҳажмига монанд ҳолда қишлоқ жойларида болалар ўлими ҳам кескин ошиб борган. Болалар ўлимининг кўрсатгичлари Чернобиль зонасидагидан бир ярим, икки ва айрим туманларимизда 3—4 баробар юқори эканлиги кишида даҳшат уйғотади.** Пахта экувчи районлардаги оналар ва болалар ўлимининг миқдори пахта экилмайдиган жойлардагига қараганда 3 баробар кўпдир. Чунончи, бизда ич терлама касаллиги Иттифоқ бўйича ўртача даражадан 3—4 баробар кўп. Мухтор жумҳурият бўйича касаллик кўрсаткичлари эса янада ташвишли. Бу ерда паратиф хасталиги Иттифоқ даражасидан 9—10 баробар юқори.

АНЧА ИЙЛЛАРДАН буён Ўзбекистон юқумли сариқ хасталигининг кўплиги бўйича Иттифоқдаги энг олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Онкологик касалликлар, болалар ўлими миқдори ўртача Иттифоқ даражасидан 2—3 баробар кўп.

Тўғри, кўпгина пестицидларнинг бир томонлама самарали жиҳатлари бор. Бироқ, рўйи-рост айтадиган бўлсак, уларнинг бераётган фойдасидан кўра етказаётган зарари, экологик жиҳатдан олиб келаётган хатарлари ниҳоятда каттадир. Шунинг учун ҳам бугунги кунга келиб пестицидларнинг фойдаю зарарини ошкора муҳокама этишимиз, эришилган ва бой берилган нарсаларни таққослаб кўришимиз ниҳоятда зарурдир. Бундай дейишимнинг сабаби узоқ йиллар мобайнида заҳри-қотил тўпланган сабзавот, полиз экинлари, мева-чева ва бошқа маҳсулотлар билан озиқланиб келишимиз туфайли, муайян даражада ақлий заиф, жисмонан ночор болалар кўп туғилмоқда. Бу 15 йилдан кўпроқ вақт мобайнида пахтазорларимизга самолётлар ёрдамида бутифос сепганимизнинг касри эканлигини унутмайлик.

Афсуски, жамоатчилик талаби билан бу заҳри-қотил моддани ишлатиш тақиқланганига қарамай, минг-минглаб кишиларимиз саломатлиги издан чиқишига айбдор бўлган бирорта масъул ходим халқ олдида жавоб бергани йўқ. Бутун бир халқ касалмандга айлантириб қўйилган бўлса-да, уларнинг бирортаси кечирим ҳам сўрагани, жарима ҳам тўлагани йўқ. Мана шундай жазосизлик, экологик бузғунчиларга нисбатан мурувват кўрсатилаётгани туфайли ҳамон бундай ҳоллар давом этмоқда.

Бизда Ғарбий Европа мамлакатларидаги сингари заҳарли химикатлардан фойдаланишни назорат қилиб борувчи ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлар ҳамон ишлаб чиқилмаяпти. Бу мамлакатларда атроф-муҳитни пестицидлар ва нитратлар билан ифлосланишининг олдини олиш икки йўналишда ташкил этилган. Биринчидан, пестицидлар ва азотли ўғитларни қўллайдиган хўжаликларга махсус солиқлар солинади. Бунда **сотиб олинган ҳар килограмм пестицидга унинг баҳосига олти-етти баробар кўп миқдорда солиқ белгиланади. Азот ўғитларига нисбатан эса уларнинг ҳар килограммига баҳосининг учтўрт баробари ҳажмида солиқ солинади.** Иккинчидан эса, заҳарли моддаларни ишлатувчи хўжаликлардан олинадиган ана шу солиқ щаклидаги маблағлар қишлоқ хўжалигида дориларни ишлатмасдан экологик жиҳатдан хавфсиз ноз-неъмат етиштирувчи хўжаликларнинг зарарини қоплаш учун тўланади.

Жумҳурият ҳудудидаги экологик вазиятни тез орада соғломлаштириш учун, энг аввало, Оролбўйи минтақаси, биринчи навбатда, Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти, Хоразм ва Бухоро вилоятлари фавқулодда экологик фалокат зонаси деб эълон қилиниши зарур. Шу билан бирга, жумҳурият ҳудудида заҳарли кимёвий моддалар солмасдан экологик тоза ноз-неъматлар етиштириладиган махсус хўжаликлар ташкил этишнинг ҳам аллақачон вақти келди. Яқинда Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ҳамда жумҳурият Олий Кенгашининг экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комитети ўлкамизда заҳарли кимёвий моддалардан қонунга хилоф равишда фойдаланишни бартараф этадиган самарали иқтисодий ва ҳуқуқий омилларни жорий этиш бўйича таклифларини жумҳурият ҳукуматига ҳавола этди. Бунда фойдаланиш муддати ўтиб кетган ва тақиқланган моддаларни йўқ қилиб ташлаш чора-тадбирлари ҳам назарда тутилган.

Бу йўналишдаги муҳим ишлардан яна бири жумҳуриятимиз ҳудудида атроф-муҳитнинг янада ифлосланиб боришини тўхтатиш учун биомониторинг ва экогенетика бўйича махсус марказ ташкил этишдир. Агар шундай марказ Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитети қошида тузилса, бирорта ирсий ва генетик жиҳатдан хатарли модда унинг рухсатисиз ишлатилмаган бўлур эди.

Яна бир муаммо пахтачилик билан боғлиқ. Башарти, пахта жумҳуриятимизда асосий экин бўлиб қолаётган экан, унинг экологик жиҳатдан табиатга зарар етказмайдиган, тўғрироғи, заҳарли моддаларга эҳтиёж қолдирмайдиган навларини яратиш талаб этилади. Бунда кам сув ичадиган, заҳарли кимёвий моддаларга ҳожат қолдирмайдиган навларга эҳтиёж катта. Бу эса ғўза генетикаси ва селекциясини шу йўналишда қайта қуришни тақозо қилади. Кўп йиллик тадқиқотлар шундай мукаммал ғўза навлари яратиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Энг қизиқарлиси Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораторияларида ғўза пишиб етилиши билан барги ўз-ўзидан тўкиладиган навлар яратиш устида тадқиқот олиб борилмоқда.

АЛБАТТА, БУ ишларни қиёмига етказиш учун муайян вақт керак. Шунга қадар эса мавжуд заҳарли моддалар, кимёвий ўғитлар пахтакор хўжаликларимизга худди дорихонада беморга дармондори қандай берилса, шу тарзда ажратилишини махсус ташкил қилиш керак. Шу билан бирга ҳозирги мушкул вазиятни ўнглаб олмоқ учун жумҳурият доирасида махсус дастур ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Аввало, қишлоқ хўжалигида агрохимикатлар, шу жумладан, заҳарли моддалардан фойдаланишда давлат тартибини ўрнатиш лозим. Заҳарли моддаларни меъёрдан ортиқ қўллаётган хўжаликларга жарима солиб, бундай моддаларни камроқ ишлатиб, экологик тоза, оғусиз ноз-неъматлар етиштираётган хўжаликлар шу маблағ ҳисобидан рағбатлантирилиши керак. Кўпгина хўжаликлар ҳудудида ташландиқ ҳолда ётган ва ишлатиш man этилган заҳарли моддалар эса экологик жиҳатдан хавфсиз жойларда махсус омборлар қуриб, давлат назорати остида сақланишини ташкил этиш зарур.

Абдуқодир ЭРГАШЕВ, жумҳурият Олий Кенгашининг Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

Суратга изоҳлар: **Жумҳуриятдаги ишлатиш тақиқланган заҳри-қотиллар миқдори.**

Қора нуқталар — ташландиқ ҳолдаги қишлоқ хўжалик аэродромлари.

АДИБ ВА ЖАМИЯТ

ОНА СУТИ

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ улкан дарахти шохларида «туғилиб тез пишаётган» аччиқ мевалар — жиноятлар фасл танламай қўйди. «Бағритошлик, оқибатсизлик, маънавий тубанликнинг сабаблари нимада» — деймиз оташин нутқларимизда. «Бизнинг авлодларимиз инсонийлик маданиятида дунёда энг таниқли кишилар бўлган», — деймиз. Ҳолбуки, бизнинг шаклланган ёки шаклланаётган дунёқарашимиз, маънавиятимиз ўзимиз яшаётган ижтимоий тузум табиатининг инъикоси бўлган бир кичик дунё, холос. Ҳолбуки, авлодларимиз учун табаррук бўлган муқаддасликларнинг қанчадан қанчасининг моҳиятини англаш қаёқда?.. уларни унутиб, йўқотиб юбордик. Ана шундай йўқотишларимиздан бири аждодларимизнинг дунёдаги энг илоҳий неъмат ОНА СУТИга бўлган эҳтироми, ҳурмату эъзозидир.

Бугун етмиш ёшдан юқорида бўлган онахонлар орасида туғуруқхоналарда чақалоқларга донор сути берилишини маъқулламайдиганлар кўп топилади. Аммо беш-олти талаб фарзандларини туғуруқхоналарда бағрига босган миллионлаб оналар бу даргоҳдаги тартиб-қоидаларга шак келтирмайдиган бўлиб қолганлар. У ердаги «темир китоб»ларга ёзилган ақидалар қаёқдан, кимдан келган ва минг йилликлар силсиласида ҳаёт тарзига айланган, ўзини оқлаган анъаналар ўрнига уларни зўрлаб халққа қабул қилдиришдан мақсад нима эди — билмаймиз. Энг даҳшатлиси: ҳаёту мамот ўртасида туриб келажакни дунёга келтирган она нариги хонада жонпарчасини бағрига босишга зор-интизор бўлиб ётса, чақалоқ ҳам фақат ва фақат ўз онаси кўксини қўмсаб чирилласа-ю... унга ўзи истамаган сут ёки ширин сувни тутсалар... Бу тартиблларга кўниккунча қанчадан-қанча оналаримиз чирқиллагандирлар, руҳан эзилгандирлар, ўз чорасизликлари туфайли гуноҳларини худодан ўтингандирлар, эҳтимол...

Яқинда Тошкентга меҳмонга келган Саудия арабистонилик ҳамюртимиз бўлган аёллардан бири: «Бу ердаги туғуруқхоналарда эркаклардан доялар борлигини ва чақалоқларга бошқа оналарнинг сути аралаш берилишини ҳеч оқлаб бўлмайди», — деганларида ҳам хаёлан эркак доялар тўғрисидаги фикрни маъқуллагандим-у, она сути ҳақидагисини диний ақидага йўйиб қўявергандим.

Биз жуда бақувват деб таърифлаган жамиятимиз дарахти шохларини қарсиллатиб синдираётган жиноятлар, меҳру оқибатсизликлар, маънавий тубанликлар сабаби туғуруқхоналардаги тартибсизликлардан бошланмаяптимикан? — деган савол юрагимга санчилиб қолгандек.

Олимларнинг исботлашларича, ҳомила 3—4 ойлигидан унда таъм билиш, эшитиш кеби сезгилар шаклланиб, ривожлана бораркан. Она юрагининг хотиржам, бир маромда уриши ҳомилага энг ёқимли куйдек таъсир этаркан. Халқимизнинг ҳар бир одамнинг ёшига она қорнида бўлган йилини ҳам қўшиб айтиши бежиз эмас экан, чунки ҳомиланинг нафақат жисми, балки сезгилари, ақл куртаклари ҳам ривожланаркан. Шундай бўлгач, кечагина дунёга келган чақалоқнинг ўз онасини таниши ажабланарли эмас.

Момоларимиз янги туғилган чақалоқни ювиб тарагач она бағрига беришган. Бунинг сабаби, замонавий олимлар исботлашича, чақалоқнинг дунёга келиб биринчи бор қичқириши олам юзини кўрганидан қувончи ифодаси бўлса, иккинчи қичқириғи ўзининг ақлий қобилияти, иқтидори, ҳамма яхши сифатларининг ўсиши учун озуқа бўладиган шарбат — ОНА СУТИни талаб қилиши экан.

Болалар физиологияси бўйича оламга танилган олим И. А. Аршавский ўз тажрибаларидан шундай хулоса чиқаради: оғиз (онанинг кўзи ёригандан кейин биринчи кундан бошлаб етти кунликкача бўлган сути) сутида мавжуд бўлган ўта фаол моддалар мия ҳужайраларининг нафақат шитоб билан ўсишини таъминлайди, балки янги туғилган зурриёднинг мия қобиғида ўз онасига, сурувига, атроф-муҳитига МЕҲР-МУҲАББАТ марказини шакллантиради ва ривожлантиради (худди кўриш, эшитиш, таъм билиш каби марказлар мавжуд бўлганидек — **М. У.**). Оғиз сутидан бақраманд бўлмаган чақалоқда бундай марказ ҳосил бўлмайди.

Аслида, оғиз сутининг хосияти азалдан халқимизга маълум эди. «Оғиз сутини эмган боланинг илиги тўла бўлади», — деган гапни кексалардан эшитганмиз. Бўлари бўлиб, бўёғи сингандан кейин тан олмасдан иложимиз йўқ: қарийб икки авлоднинг туғуруқхоналарда дунёга келган зурриётлари оғиз сутидан ё чала-ярим бақраманд бўлдилар, ёки умуман бенасиб қолдилар.

Ҳозир жумҳуриятимизнинг ҳамма туғуруқхоналарида мантиқсиз бир тартиб қўлланилиб келинаётир: чақалоқлар туғилгандан сўнг онасига, тез берилса 1 кундан кейин, йўқса, 2—3 кундан кейин берилади. Бошидан ўтган, бу олий бахтдан бақраманд бўлган оналар яхши биладилар: туғуруқхоналарда янги кўзи ёриган аёллар ўзлари қай аҳволда бўлишларидан қатъи назар, ҳар гал кундузми, тунми, ташқаридан чақалоқларнинг йиғиси эшитиларкан, кўзлари ёниб эшикка тикиладилар: «бу гал менинг чақалоғимни ҳам олиб келишармикин?» Фарзандини бағрига босиб, ийиган меҳрини қондираркан, дунёга ўзи ҳам янгидан келган она томирларида ҳар доимгидан кучли қувват, ҳарорат туяди. Онани бундай бахтдан маҳрум этиш — ноинсофлик.

Баъзиларга бундай кескин хулосаларим малол келиши, «Нима бўпти, чақалоқ ўз онасининг сутини эмди нимаю, донор сути билан боқилди нима? Ҳаммасиям она сутида!» — деб эътироз билдиришлари мумкин.

— Ҳар бир организмнинг фақат ўзига хос бўлган оқсиллари, аминокислоталари бор, — дейди табобат фанлари номзоди Жуманазар Бекназаров. — Она сутидаги оқсиллар ўз чақалоғининг меъда-ичак йўлидаги ширалар таъсирига шунчалар мойиллашганки, улар жуда ҳам осон парчаланади ва ҳосил бўлган аминокислоталар деярли яна қайтадан бўлакланмасдан қабул қилинади, чунки улар боланинг насл-насабига айнан мос келади. Бунда боланинг меъда-ичак йўли ҳам, жигари ҳам ортиқча зўриқмайди. Ўзга онанинг сутини эмган боланинг нозик ҳужайраларида меъёрида бўлмаган ўзгаришлар рўй бериб, овқат ҳазм қилинишининг энг нозик ва қулай тартиби бузилади.

1987 йили олимларимиз К. Зуфаров, В. М. Гонтмахер, А. Йўлдошев буйрак меъда-ичак йўлидаги сўрилган оқсилни парчалаш хусусиятига эга эканлигини исботладилар. Худди шу кашфиёт жумҳуриятимиз нима сабабдан болалар ўртасида буйрак касалликлари бўйича Иттифоқда етакчи ўринда туради, деган саволга бир қадар жавоб бўлади. Ўз онаси сутини эммаган чақалоқнинг буйраги ҳам ёруғ дунёга келган кунидан бошлабоқ зўриқиб ишлайдида!

Бу ҳақиқатларнинг исботи сифатида менинг хаёлимдан бундан олти йил олдинги воқеалар ўтди: ўшанда, кузнинг энг гўзал тонгларининг бирида Тошкентдаги 8-туғуруқхонада қизим Гулгун дунёга келганди. Хоналарда жой йўқ, деб коридордаги қуруқ тахтанинг устига бир совуқ тўшакни тўшаб, ёпиниш учун илиғи ҳам қолмаган одеял беришди. Уч аёл ёнма-ён ётардик. Биздан кейин кўзи ёриганларгаям хоналардан жой топилди-ю, биз ҳадеганда хонага кўчирилмасдик. Кечалари совуқ қотиб, ҳеч бўлмаса, яна битта одеял беришларини сўрардим, лекин у ҳам йўқ экан (момоларимиз янги бўшанган аёлни қирқ кунгача иссиқ ўраб, қўлини совуқ сувга урдирмаганлар!) Учинчи куни беҳосдан кўтарилган ҳароратим 40 даражани босиб ўтди. Шундаям жойим ўзгармади. Аввалига «Палатага ўтсангиз болани берамиз», — дейишган бўлса, энди: «Касалсиз, тузалганингиздан кейин эмизасиз», — дейишарди ва аҳволим сабабини аниқлаш ўрнига нуқул иссиқ туширадиган укол қилишни тавсия этарди врач. Тўртинчи кун тугаяпти ҳамки, чақалоғимнинг дийдорини кўришга зор эдим. Ниҳоят, бу ердаги оқ халатлиларнинг инсофига кўз тутиш нодонлик эканлигини тушундиму ишхонадан сим қоқиб қўйишларини илтимос қилиб пастга хат туширдим. Эртасига тушга яқин атрофимда бир қадар жонланиш бўлдию биз — уч аёлни зудлик билан хонага олишди. Қоп-қора сочлари бир бурда юзининг ярмини тўсган қизалоғимни ўша кун олиб келишди. Афсус, умримнинг охиригача жоним зирқираб афсуслансам керак, ўтган беш кун ичида кўксимга келган сут юқори ҳарорат туфайли қайтиб қолган эди. Гулгуннинг мурғаккина жонига кетма-кет хуруж қилган касалликлар боисини, мана энди тушуняпман.

— Болангиз муштдайлигидан мунча қайсар? — деганди кейинроқ бетоб Гулгун билан касалхонада ётганимда бир шифокор. — Оч қолса қоладики, оғзига «Малиш»ни олмайди...

КОШКИЙДИ, ғўдакнинг жисми ҳам, руҳияти ҳам ўз онаси сутига яратганнинг қудрати билан чамбарчас боғлиқ этиб қўйилганини, унинг сунъий сутларга кўникиши бизнинг 3—4 кун ҳафсала билан чақалоқ оғзига сўрғич тиқиб ўргатишимиздек жўн ва осон жараён эмаслигини, ҳеч бўлмаса, шифокорлар тушуниб олсалар, бу йўлда онаболага имкон қадар ёрдам кўрсатишдан эринмасалар.

Хотирамга санчилиб қолган яна бир воқеа: Гулгун бетоблигида шифохонада ҳали турмушга чиқмаган сарвқомат бир ҳамшира томирга укол қиларди. Болалар нозик, томирлари ундан нозик... Эмлаш хонасининг ёпиқ эшиклари олдида туриб, ичкаридаги қизалоғимнинг азобланиб чириллашига юрагим дош бермай қолди. Шу сабабли болани ҳамширанинг қўлига топшириб, ўзим сал наридаги хонага кириб қулоқларимни беркитиб ўтирадиган бўлдим. Бир оздан кейин бориб болани олардим. Бир сафар ҳамшира тездагина муолажани тугатибди. Мен қулоқларимни беркитиб ўтирарканман, коридордан: «Мамаша!» деган овоз эшитилди. Югуриб чиқиб қизимни оларканман: «Қаёқларда юрибсиз?» — деб жаҳл билан сўради қиз. «Бу ерда тургани юрагим дош бермаяпти», дедим. «Йўқ! — оғзимга ургандек таъкидлади ҳамшира. — Болангизни олиб чиққунимча шу ерда турасиз!»

Мени асосий мақсаддан, яъни ОНА СУТИ мавзуидан четга чиқиб кетди, деб ўйламанг. Она сутига тўймаган, ундан бақраманд бўлмаган бола ва унинг онаси тортиши мумкин бўлган жабру жафолардан бир қатрасини тилга олдим, холос.

Оврупонинг қатор мамлакатларида чақалоқлар туғилган кунидан бошлаб ўз онаси билан бир хонада ётқизилади, яъни улар фақат ўз оналарини эмадилар. Олмонияда чақалоқни дунёга келиши билан йигирма дақиқа ичида отасига ҳам кўрсатишаркан — шунда ота-бола бир-бирини тез таниб, меҳри мустаҳкам бўлади, дейишаркан. Жумҳуриятимиздаги туғуруқхоналар, улардаги шарт-шароитларни ривожланган мамлакатлар туғуруқхоналарига солиштириш — ўзи газак олиб ётган ярани тирнаш каби оғриқли, аламли...

Бири биридан оғир хаёллар ичра ёлғизгина умид яна ОНА СУТИнинг қудратига боғланади. Ҳозирча, маблағ билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилиши анчагина мушкул кечаётган даврда, ҳеч қандай дастмоя ва сармоя талаб қилмайдиган қудратли имконият — чақалоқларни ёруғ дунёга келган дақиқалардан бошлаб она бағрига, ҳароратига, меҳрига, ОНА СУТИга тўйдиришдир. Бунинг учун мавжуд тартибларни дадиллик билан ислоҳ қилишни бошлаш керак, холос.

Азиз доялар, жумҳуриятимизнинг барча туғуруқхоналаридаги ходималар, анча муддатдан буён менга тинчлик бермаётган юқоридаги фикрлар мени Сизларга умид ва ишонч билан мурожаат қилишга даъват этди. Сизлар риоя қилаётган тартиблар қачонлардир тузилган ва тасдиқланган бўлса бордир. Замонавий табобат олимларининг хулосаларига асосланган ҳолда янги қоидалар қачон ишлаб чиқилади ва Сизнинг қўлингизга етиб келади — уни кутиб ўтиришга ҳаққимиз йўқ энди. Зеро, мана шу лаҳзаларнинг ўзида ноиложликдан донор сутини эмиб ётган минглаб чақалоқларимизнинг мия қобиқларида МЕҲР МАРКАЗлари уйғонмай пуч қолаётгани шубҳасиз. Чақалоқларни тезроқ оналари бағрига бераиллик. Токи жонпарчаларимиз резинка сўрғичларни лоқайд сўрмасинлар. Эрканлиб ётиб таналарига камолат, юракларига қўру муҳаббат, тафаккурларига ёрқин ақл-идрок бахш этадиган ОНА СУТИдан қониб-қониб бахраманд бўлсинлар. Мен донишманд халқимиздан ўтказиб нима ҳам дердим:

Сут билан кирган жон билан чиқади.

Муҳтарама МУҲАММАДХОН қизи

АҲМАД ЯССАВИЙ

АҲМАД ЯССАВИЙ — бутун дунё туркларининг буюк шоири. Унинг улуғлигини олимлар шундай изоҳлайдилар: биринчидан, у зот турк-ислом дунёсида илк мутасаввуф, ўзига махсус бир фалсафий оқим яратувчи, шоир сифатида шуҳрат топди, маълумки, Ясси — турли даврларда турли давлатлар ва хонликларнинг бош шаҳри ёки маркази саналган; милоддан аввал эса, хунларнинг жаҳонгир шоҳи дунё илмида Ўғузхон деб танилган Ботир тангриқут (император) давлатининг пойтахти бўлган. Демакки, назаримда, минг-минг йиллардан бери шуҳратли давлатларнинг бошкенти бўлиб келган Яссида буюк бир шоир — Аҳмад Яссавийнинг етишиб чиқиши бежиз эмас. Туронда исломиятдан аввал, милодий VI—VII юз йилликларда ҳам аждодларимизнинг Сибириёдан Бойкўлгача, бир ёни Чин давлати, бир ёни Сосон ўғиллари салтанати билан чегарадош улуғ юрт қургани, ўз ёзувлари ва китоблари, мусиқалари бўлгани ва булар барчаси эски уйғур битиклари, оталар сўзи, эртагу афсоналар воситасида ҳам «Қутадғу билик»нинг яралишига, ҳам Аҳмад Яссавий ижодий оламининг бунёдга келишида асос вазифасини ўтаган.

Аҳмад Яссавий шахсининг шаклланиши, шубҳасиз, ўша давр Туркистон элининг миллий ҳаёт тарзи талабидан келиб чиқароқ, тарих тақозоси бўлди. Чунки, исломни қабул этган турк эли аввалги ёзуви, адабиёти, хуллас, маънавий ва руҳоний ҳаётидан айрилган эди — мавжуд араб ва форс тилли мафкуранинг, маънавият воситаларининг туб эл тилидан узоқлиги сабабли дилидан ҳам узоқлиги эди. Маълумки, Осиёнинг ўтроқ аҳолиси асосан Ал Мўътасим замонида мусулмонлашди, хусусан, 838 йилда Шош, Оқсув шимолидаги шаҳарлар аҳолиси мусулмон бўлди. Сўғд, Фарғона, Усрушона, Шош элининг исломиятни қабул этуви Туркистон аҳлининг ҳам мусулмонлашувига сабаб бўлди...: аммо Яссавий даврида ҳам мафкура ва маданият воситаларининг араб ё форс тилида бўлуви халқни ўз она тилидаги билимларга, айниқса, ўзига ёт тиллардан уқиб ололмаётгани исломий билимларга чанқоқлигини янада кучайтирган эди. Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар»и, яъни кейинчалик «Девони ҳикмат» тарзида китоб қилинган шеърлари мазмунан ва руҳан исломийлиги, оҳанглари ва шеърий шакллари жиҳатидан туркларнинг эски, жонажон шеър усулларига асосланганлиги учун ҳам дарҳол халқ дилига кириб борди. Бу шеърлар Яссавийга замондош турк элларига ва ундан сўнгроқ бутун дунёдаги турк миллатларига руҳоний бир яшаш йўли сифатида хизмат қилди.

Маълумки, тасаввуф таълимотининг эски Туркистон (бугунги Ўрта Осиё) ерларида тарқалиши тарихи ҳам Аҳмад Яссавий билан боғлиқ. Айтишларича, сўфийлик калимаси эски Искандария мактабидан, янгиафлотунчиликдан таъсирланиб туғилган, сўнгроқ Эрон ва Ҳинд тафаккур мактабларидан ҳам улги олган. Исломиятдан аввал ҳам эронлиларнинг эски билим бешиги ҳисобланган Хуросон тасаввуфнинг ҳам илк маркази бўлди. Моварооуннаҳрдан бу ерга келиб илм олган шайхлар ҳижрийнинг учинчи асридаёқ Ҳирот, Нишопур, Марвда; Бухоро ва Фарғонада эса тўртинчи юз йилликда (ҳижрий сана) тасаввуфий фикрларни эл ичида ёйдилар. Масалан, Хуросонга Фарғонадан бориб-келиб юрган турклар орасида ҳам машҳур мутасаввуфлар етишган. Сўфи Абу Саид Абулхайр, Муҳаммад Маъшуқ Тусий, Амир Али Абу холис турклар эдилар, дея таъкидлайди туркиялик олим Муҳаммад Фуод Кўприлизода («Турк адабиётида илк мутасаввуфлар» Истанбул, 1918 йил нашри, усмонличада). Яссавийнинг тасаввуф шоири бўлиб шаклланиши ва яссавийчилик мактаби худди ана шу тарихий нуқтадан бошланди.

Яссавийнинг ҳаёти ва ижодига оид китоблар, маълумотлар бизнинг асримизда, айниқса, Ўзбекистонда деярли босилмади. «Девони ҳикмат» — ҳижрий VI асрда вафот топган шоирнинг ёдгорлик китоби, исломий турк адабиётининг «Қутадғу билик»дан кейинги энг буюк намунаси илк марта Қозонда, 1290 ҳижрий санада босилган. Иккинчи босманинг (Қозон нашри) чоп йили номаълумдир. Учинчи босма 1311 (тахминан) йилда ва тўртинчи босқи милодийнинг 1896 сида босилди. Тошкентда (1313) ва Истанбулда ҳам бир мартадан нашр этилди. Хуллас, Кўприлизоданинг айтишича, Аҳмад Яссавийнинг «Девони Ҳикмат»и дунёга асримиз бошида ва ундан кейин ҳам асосан ана шу нашрлар бўйича тарқалган. «Ҳикмат» нинг кейинги нашрларига ана шу олтита босқи китоблари асос манба бўлган.

Бугунги Ўзбекистонда Яссавий ижодига қизиқиш кучли, аммо ҳозиргача одамлар орасида кўп тарқалган, бугунги Кирилл ҳарфига турли савияда мослаштирилган парча шеърларни, вақтли матбуотда берилган баъзи намуналарни ҳисобга олмаганда, халқимиз шоир ижодидан мутлақо бебаҳрадир. Мен турли йилларда ёзилган, Яссавийни мутасаввуф шоир, турк-ислом адабиёти мутафаккири деб эмас, балки ҳукмрон мафкура нуқтаи назари билан, сохта ва ғайриилмий йўл билан ҳақсизларча баҳоланган мақоласимон ёзувларни эслатиб ўтирмайман, чунки улар ўз «хизматини» ўтаб бўлди. Бугун Яссавий ҳаёти ва ижодининг ҳақиқий тадқиқи, тарғиби халқимиз учун ниҳоятда зарур. Афсуски, яссавийшунослик ўлкамизда ҳали бошлангани йўқ.

Шу маънода Қозоғистон ёзувчилари бирлиги ва Туркиянинг Истанбул ва Салжуқ университети ҳамкорликда ўтказаётган, ЮНЕСКО ташкилотининг халқаро «Ипак йўли» иш программасига киритган «Яссавий олами» бутундунё конгресси ана шу хайрли ишни бошлаб берса, ажабмас.

Яссавийхонлик ҳам, яссавийшунослик ҳам оталар заминида қарийб минг йиллар давомида бор эди. Фақат бизнинг асримиз бошида бу ишлар «бошсиз» қолди, тўғрироғи, бошсизлантирилди. Бунинг асл сабаби, менимча, мустамлака Туркистонда зулм илмини равнақ топтираётган, гўё «маданият ва тараққиёт» олиб келган ҳукмрон гуруҳларнинг бу даъвони асослаш учун ерли миллатнинг шарафи, адабиётининг буюк намуналари минг йилларча аввал бошланганини беркитишида эди.

Бугунги куннинг шарофати шундаки, биз минг йилларки, Туркистон шарафини дунёга билдириб келаётган буюк бобомиз Хўжа Аҳмад Яссавий ҳақида бемалол сўзлай бошладик, асарлари ва ҳаётини ўрганмоққа киришдик. Шоирнинг юртдоши, таниқли ёзувчимиз Саъдулла Сиёев у ҳақдаги «Туркистонлик авлиё» деган романини бита бошлади, забардаст олимимиз Иброҳим Ҳаққулов эса, «Девони ҳикмат» нашрлари асосида бу китобнинг бугунги илк нашрини тайёрлади.

Шу ўринда мен яссавийшуносликнинг асримиздаги илк салафи — туркларнинг бутун дунёга машҳур олими Муҳаммад Фуод Кўприлизода ҳазратлари номини алоҳида эҳтиром билан тилга олишни истардим. Шубҳасиз, Муҳаммад Фуод Кўприлизода замонавий яссавийшуносликнинг отаси бўлиб қолди — қўлимга шоир ижоди ва ҳаёти ҳақида неки китоб ё мақола тушган бўлса, барча муаллифлар бу олимга суянганининнинг гувоҳи бўлдим. Унинг «Турк адабиётида илк мутасаввуфлар» асарини барча миллатдошларимиз тилида, хусусан, бугунги ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман ва уйғур тилларида албатта чоп қилмоқ даркор. Чунки бу асар Яссавийнинг манқабавий ва тарихий ҳаётини дунёдаги барча қўлёзма китобларга суяниб, жуда катта манбаа ва маҳоратга таянган ҳолда очиб берган; «Девони ҳикмат»даги шеърларни соф тасаввуфий нуқтаи назардан тадқиқ қилган.

ЯССИ ЎЗИ тарихан машҳур шаҳар эди, Аҳмад Яссавий ўз шахси, шарафи билан бу шаҳарни дунёда янада донгдор қилди. Албатта, бу зотнинг кимлиги, ҳаёт тарихи ҳар кимни ҳам қизиқтиради. Шу маънода М. Ф. Кўприлизоданинг юқорида зикр этганимиз асарига мурожаат қилмоқ ўринлидир. Олимнинг ёзишича, Аҳмад Яссавий Оқсув (Сирдарё) ерларига тобе, Оқсувдан 176 чақирим шарқий шимолдаги Сайрам қасабасида туғилган. Сайрам энг эски ислом марказларидан бири бўлган, тахминан бешинчи аср ўрталарида кент сифатида тузилган. Яссавия анъаналарига кўра, шоирнинг пири Арслонбоб (боб — бобо сўзининг қисқаргани — Т. Қ.) айни шу даврдан (ривоятларга кўра, ҳали туғилмасидан аввал) Аҳмаднинг маънавий тарбияси билан шуғуллана бошлаган. Хўжа Аҳмад Яссавий 120 йил яшаб, вафот этган (баъзи манбаларда шоирнинг қанча яшагани турлича тахмин қилинади, биз Кўприлизодага асосландик).

Яссавийнинг Туркияда чиққан бир китобга ишланган сурати.

Яссавий наслидан Авлиё Чалабий.



Яссавий наслидан Шаҳобиддин Яссавий.

Илёс бобо — Аҳмад Яссавийнинг катта отаси, Шайх Иброҳим — отаси. Аҳмаднинг онаси — Ойша хотун, Мусо Шайхнинг қизидир.

Аҳмаднинг отаси Шайх Иброҳим Сайрамнинг энг маъруф машойихларидан бўлган. Иброҳим ўз халифаларидан бири, яъни Мусо Шайхнинг қизи Ойшага уйланади ва ундан Гавҳари Шаҳноз деган қиз, кейинроқ Аҳмад деган ўғил кўради. Аҳмад етти ёшда экан, отаси вафот этган.

Аҳмаднинг «Хўжа» аталишини қуйидагича талқин қиладилар: ўша даврда Сайрам аҳолиси уч уруғ, уч синфга бўлинган. Биринчиси — нисбалари эски шоҳларга бориб тақалувчи «шоҳ» уруғи. Иккинчиси — эски амир ва мирзоларга боғлиқ «амир» уруғи. Учинчиси — аждодларини ҳазрат Алига боғлайдиган «хўжа» уруғи. Хўжа уруғи, табиийки, бошқа уруғлардан шарафли бўлган; хўжалар ўзларини Имом Муҳаммад Ҳанафий авлодларидан деб ҳисоблаганлар. (Мулло Мусо бинни Мулло Исо Сайрамийнинг «Тарихи аминия»сида бу ҳақда кенг тўхталинган).

Отаси вафотидан сўнг, унинг васиятига кўра, Аҳмад онаси ва опаси билан Яссига келишган. Шу ўринда Хўжа Аҳмад Яссавийнинг манқабавий ҳаёт тарихига мурожаат қилишга мажбурмиз, чунки отаси ўлиб, бошқа бир маънавий отага, Арслон бобога етишуви манқабаларда ривоят этилади.

Ҳазрат Пайғамбаримизнинг маънавий ишоратлари ила Аҳмадни излаб Шайх Арслон бобо Сайрамга келди, уни топди. Бу ривоятнинг бошланиши шундай: ҳазрат Пайғамбарга Аҳмад исмли умматнинг туғилиши олдиндан маълум бўлган (баъзи манбаларда 400, баъзиларида 700 йил аввал деб кўрсатилган). Воқеан, ҳазрат Пайғамбаримиз асҳоби икром билан бир жойга боришганда, оч қолишади. Расулоллоҳ дуоси билан ҳазрат Жаброил жаннатдан бир табақ хурмо келтиради. Ўша хурмолардан бир донаси ерга тушади. Шунда Пайғамбари акрам: «Бу хурмо сизнинг умматингиздан Аҳмад Яссавий отли бирининг қисматидир», деди. Ҳар омонатнинг эгасига берилмоғи табиий бўлгани учун ҳазрат Пайғамбар саҳобаларига улардан бирининг бу вазифани уҳдалашини таклиф этди. Асҳобидан ҳеч бири жавоб бермади. Фақат Арслон бобо Оллоҳ элчисининг иноёти билан бу ишни уҳдалай билажагини сўзлади. Ўша бир дона хурмо устида бир парда зоҳир ўлди. Шунда ҳазрат Пайғамбар Арслон бобога Султон Аҳмад Яссавийнинг қандай бўлажагини таъриф ва таълим этиб, унинг тарбияси билан шуғулланишини амр қилди. (Бу ривоятни Кўприлизода Саид Ҳасан Хўжа нақибул шараф Бухорийнинг «Мазакири аҳбоб» асарининг қўлёзмасидан олган).

Шу боис Арслонбоб, Аҳмад етти ёшда экан, Сайрамга (Яссига ҳам дейилади) келган. У узоқдан, мактабдан қайтаётган Аҳмадни кўраркан, таниб, унга салом беради. Аҳмад жавоб қайтариб, «омонат»ни сўрайди. Шунда Арслонбоб унинг валийлигига, Оллоҳнинг иродасига қойил қолади.

Манқабаларда таъкидланишича, Аҳмад Етти ёшгача ҳам жуда теран маънавий тарбия кўрган, Арслонбоб уни бир йил давомида янада юксак мақомга етказиб тарбиялаган. Сўнгра вафот этган (Яссавийчи шоирлардан бири Шамс эса, Арслонбоб ҳазрат Пайғамбарнинг дуоси билан узун замонлар маъмур бўлди, деб ёзади; балки Арслонбобнинг узоқ яшагани — шоирона бир гапдир, унинг руҳоний ҳаёти узоқ давом этганига бир ишорадир — Т. Қ.) «Девони ҳикмат»да Арслон бобонинг жони олинишини, хурларнинг ипак тўндан кафан бичишларини, етмиш минг малак уни йиғлай-йиғлай жаннатга кўтарганликларини Яссавийнинг ўзи жуда гўзал тасвирлаган.

Хўжа Аҳмад Яссида таълим ва иршод билан машғул бўлган, атрофида муридлар кўпаяверган (бир ўринда ёзилишича, тўқсон тўққиз минг муриди бўлган). Шуҳрати бутун Туркистонни, Мовароуннаҳру Хоразму Хуросонни тутди. Муридларига зоҳир ва ботин илмларни ўргатди, қолган вақтда тоат-ибодат қилди, бўш вақтларида қошиқ ва кипча йўниб, уларни сотароқ кун кечирди...

«Девони ҳикмат»да айтилишича, Хўжа Аҳмад 26 ёшида савдога тушган, Мансур Халож каби дийдор учун ғавғо этган ва турли-турли дардларга мубтало ҳам бўлган. «Зоти аввал хўжаман, санга сиғиниб келдим» нақоратли шеърида устози Юсуф Ҳамадоний билан 27 ёшга кирганида учрашганини таъкидлайди. Юсуф Ҳамадоний Яссавийнинг устози бўлгани ҳақида форсча бир шеър ҳам бор.

ШУ ЎРИНДА, Аҳмад Яссавийнинг туғилган йилини турлича талқин этилишини ҳисобга олиб, буни аниқлаш учун манба бўладиган баъзи фикрларни ўртага ташлаш жоиздир. Юсуф Ҳамадонийнинг ҳадис ўрганиш учун аввал Бағдод, Исфаҳонда, сўнгра Бухоро, Самарқанд шаҳарларида бўлгани, ўшанда 18 ёшда экани бир китобда ёзилган. Бошқа бир манбада эса, Хўжа Юсуф 510 йилда Бағдодга боргани, Салжуқ вазири Низомулмулк қурдирган машҳур мадрасаи Низомияда ваъз ва насиҳатлар ўқигани айтилган.

Юсуф Ҳамадонийнинг тўрт шогирди — Хўжа Абдулла Барқий (вафоти 555 йил), Хўжа Ҳасан Андоқий (466 — 552 й.), Аҳмад Яссавий ва Хўжа Абдулхолиқ Ғиждувоний эди, бу тўртдан охирги иккиси жуда шуҳрат қозонган. 552 йилда Хўжа Аҳмад Яссавий устози Юсуф Ҳамадонийдан ва Барқийдан ва сўнгра Андоқийдан қолган Бухородаги муқаддас хонақоҳда раис бўлди. Лекин оз муддат ўтароқ, барча муридларини Абдулхолиқ Ғиждувонийга биркитароқ, ўзи Туркистонга, Яссига келди.

Жуда кўп таржима қилинган китобларда Аҳмад Яссавий вафоти 562 сана деб кўрсатилади.

Демак, ўн йил Яссида яшагач, «вафот этган». Аммо «Ул сабабдан олтмиш учда ерга кирдим» дегани — ўлдим дегани эмас, чиллахонага кирганини билдиради. Хўжа Аҳмад болалик чоғидан бери ҳар пайт Пайғамбар суннатини бажарган; ҳазрат Пайғамбар 63 ёшида ўткинчилар дунёсидан рихлат этгани учун Аҳмад Яссавий ҳам ер остига кириб кетди. Хонақоҳнинг бир тарафида бир жой қазилди, хом кирпич билан ер остига бир ҳужра қурилди, ҳужрада лаҳад шаклида бир жой ясалди — ривоятга кўра, Аҳмад Яссавий ўша лаҳадли ҳужрада 120, бошқа бир ривоятда айтилишича, 125 йил, яна бирида кўрсатилишича, 133 ёшга киргунча яшади; умрини ўша чиллахонада риёзат ва ибодат, иршод ва мужоҳада билан ўтказди.

Кўприлизода китобида ўша ҳужранинг айни замонгача ҳатто нурамагани таъкидланган (китоб 1918 йилда чиққанини эсланг).

Бир китобда Яссавийнинг Шайх Нажмиддин Кубро билан замондош бўлгани айтиладики, Кубронинг 618 ҳижрийда вафот этганини ҳисобга олганда, агар Аҳмаднинг туғилганини 499 йил десак, юқоридаги ривоятларда асос борлигини туйиш мумкин.

«Девони ҳикмат» ана шу чиллахонада яралган. 99 та муриди чиллахонада ундан руҳоний сабоқлар олган. Яссавий уларга диний анъаналарни, сулуки ҳақойиқи сўфиёнани, атвору одобни, ички ва ташқи ахлоқ лузумини ўргатди. «Ташқи дунё»даги — араб ва форс тилини билмайдиган диндошларини ўйлаб, соф турк тилида ҳикматлар ёзди ва уларга шу ҳикматлар воситасида раҳбарлик қилди.

Энди бир-икки оғиз сўз Яссавийнинг насллари ҳақида.

Яссида шу кунгача сақланиб қолган анъанавий гапларга кўра, ҳам, «Жавоҳир ал аброр»даги ривоятга кўра ҳам, Хўжа Аҳмаднинг Иброҳим отли бир ўғли бўлгани ва отасининг тириклигида вафот этгани, шунингдек, Гавҳари Хушноз (баъзи китобларда Гавҳари Хушнос, Гавҳари Шаҳноз ҳам дейилган — Т. Қ.) исмли қизи бўлгани айтилади.

Умуман, шарқ ва ғарб турклари орасида ўзларини Яссавийнинг наслидан санаганлар жуда кўп. Хўжа Ҳасан нақибул шараф Бухорийнинг юқорида зикр этганимиз китоби қўлёзмасида айтилишича, ҳижрий X асрда туғилган, Самарқандда яшаган, Абдуллахон саройида шеърлар ўқиган Шайх Зикриё Яссавий наслидан бўлган. Ҳижрий XI асрдаги машҳур усмонли сайёҳи Авлиё Чалабий ҳам ўзининг Яссавий наслидан эканини ёзган (Авлиё Чалабийнинг ўн жилдлик «Саёҳатлар китоби» Истанбулда, ундан танлаб русчага таржима қилинган икки китоби Москвада босилган — Т. Қ.). Мелодий XV асрда Туркистонда яшаб ўтган машҳур шоир Атойи ҳам Яссавий наслидандир.

«Хазинатул сўфиё» китобида ёзилишича, ҳижрий XI аср охирларида насли Яссавийга мансуб бир шахс — Хўжа Ҳофиз Аҳмад Яссавий Нақшбандий исмли бир мутасаввуф яшаб ўтган. Бу дарвиш тақдир тақозоси билан ватани Туркистондан айри тушиб, Арабистон, Макка, Мадина, Қуддус, Шом, Ироқ, Рум, Рус мамлакатларида бўлгач, Ҳиндга борган, Кашмирга келиб, шу ерда ихтиёри узлат этган. Вафоти санаси ҳижрий 1116.

Бугунги кунда ҳам дунёнинг турли маконларида ва албатта, Яссида ҳам Хўжа Аҳмад Яссавий наслидан бўлган авлодлар яшаб келмоқда. Шундай насллардан бири Шайх Исмоил ўғли Шаҳобиддин Яссавийдир, у кишининг Арабистонда ва Истанбулда яшаётган авлодларидир. Шаҳобиддин Яссавий 1919 йилда Яссида туғилган. Отаси Исмоил Шайх, Хўжа Аҳмад Яссавий насли ўлароқ, машҳур хонақоҳда шайхлик қилган. Истанбулда бир муддат Шаҳобиддин Яссавий билан мулоқот қилганимизда, у киши айтдиларки, ўттизинчи йиллардаги сиёсий вазият тазйиқи сабабли Шайх Исмоил оиласи билан ватандан қувилган, жонини сақлаш учун Амударёдан ўтаётган пайтда, номоз ўқиб ўтирган бир ҳолатда, омонсиз аскарлар уни отиб ташлашган...

ХУЛЛАС, яссавийшунослик жумҳуриятимизда энди бошланмоқда. Буюк бобомиз Хўжа Аҳмад Яссавийни суйгувчи, унинг ҳаёт тарихи ва ижодини ўрганувчи юртдошларимиз, албатта, ҳазрат Яссавий насли борасида ҳам теран тадқиқлар яратадилар; бугунда бутун дунёдан яссавийшунослар Яссига келиб, мажлислар қуриб, минг йиллик тарих руҳи билан яшаб турган эканлар, демак, Яссавий асарлари, унинг ҳаёти ва авлодлари тарихи ҳақидаги китоблар нашр бўладиган кунлар яқин, деб ўйлайман.

Тоҳир ҚАҲҲОР

Хўжа Аҳмад ЯССАВИЙ

«ДЕВОНИ ҲИКМАТ»ДАН

89 ҲИКМАТ

Муҳаббатдин хабар билгон ошиқлари
Оллоҳ деса, тўқуз осмон куяр эрмиш,
Арш устида наъра тортса содиқлари,
Фариштлар азиз жондин тўяр эрмиш.

Сен ошиқ бўл, партав солур ошиқларға,
Парда олиб, жилва қилур содиқларға,
Дийдорини Ҳақ кўрсатур лойиқларға,
Ҳақ таоло лойиқларни суяр эрмиш.

Ошиқ бўлсанг, шундоғ бўлгил, берсун шароб,
Сиддиқсифат халқға етсун бўйи кабоб,
Оллоҳ десанг, лабинг дейуб, берсун жавоб,
Андоғ ошиқ дунё уқбин қўяр эрмиш.

Ишққа қадам қўйғон ошиқ ўзин билмас,
Шайх Боязид мурид бўлса, қўлин олмас,
Дунё келиб жилва қилса, кўзин солмас,
Кўз қонидин сочу соқол йўяр эрмиш.

Ошиқларға бир худодин ўзга ҳаром,
Раҳматидин қатра томса, айши тамом,
Ризқи рўзий изламаслар туғалу том,
Ҳақ зикрини айта-айта тўяр эрмиш.

Ошиқлари Ҳақдин қўрқуб, бўлур бедор,
Ҳақиқатлиғ ошиқларин фикри дийдор,
Бош бер, деса, жону иймон анго тайёр,
Жондин кечиб, Ҳақ йўлида ўлар эрмиш.

«Лоло» дегил, олам сени кофир десун,
Кофир дебон Мансур сифат дорға оссун,
Бошинг бергил, дийдорини Ҳақ кўрсатсун,
Бошин берган Ҳақ дийдорин кўрар эрмиш.

Дарвозаға осиб қўйинг, жумла кўрсун,
Муни кўруб, халқи олам ибрат олсун,
Улуғ-кичик йўл борғучи уруб ўтсун,
«Аналҳақ!» деб, пинҳон суйнуб — кулар эрмиш.

Хўжа, мулла шоҳ олдиға йиғлаб борди,
Кофир Мансур ўлмади, деб арза қилди,
Расул шаърий на буюрса, қилинг дейди, —
Зоҳирбинлар шоҳға таълим қилар эрмиш.

Шариатдур деб олимлар буюрдилар,
Кофир Мансур ўлмади, деб, куйдурдилар,
Аҳгар қилиб, кулин кўкка совурдилар,
Тоғу тузлар «Аналҳақ!» деб турар эрмиш.

Шавқи бирлан ўт куйдуруб, кўкка чиқти,
Малойиклар афғон қилиб, Ҳаққа боқти:
Жаннат ичра ҳуру ғилмон қапуқ қоқти, —
Девоналар «Ё, Мансур!» деб куяр эрмиш.

Кулин йиғиб, дарё ичра... ташлатти,
Зимистонда дарё тошиб, наъра тортти,
Шаҳр халқи югруб-елиб, бости-қотти,
Жондин қўрқуб, доду фарёд қилар эрмиш.

Шайх Зуннун Шоҳ Мансурни пири эди,
Подшоҳ югруб, вилоятга хабар берди,
Бир авлиё бормукин, деб зори қилди,
Шайх Зуннун пинҳон юруб борар эрмиш.

Ғариб Мансур қулоғимға, берсун, деди,
Хокистарин бир каф олиб, менга берди,
Дарё тошса, «Ё, Мансур!» деб солсин, деди,
Иншооллоҳ, тошқин дарё қайтар эрмиш.

Подшоҳ айди: «Ҳозир, пирим, бора кўрунг,
Хокистарин дарё ичра сола кўрунг.
Ғариб, етим илкин тутуб, ола кўрунг», —
Подшоҳ, вазир таъзим этиб турар эрмиш.

Шайх Зуннун: «Хўп бўлур», деб, ердин қўпти,
Подшоҳ, вазир ихлос қилиб, изин ўпти,
Шайх Зуннун дарё сари югруб етти,
Хокистарин дарё ичра солар эрмиш.

Хокистарин, «Ё, Мансур!» деб сувға солди,
Қудрат бирла дарё қуруб, хомуш бўлди,
Хўжа, мулла муни кўруб, шокир бўлди,
Илкин очиб, Шайхға дуо қилар эрмиш.

Подшоҳ айди: «Шаҳрим ярмин сизга берай,
Ҳазрат пирим, бир қизим бор, чўри қилай,
Аҳли аёл, аҳбобларим ходим қилай», —
Шайх Зуннун қабул қилмай турар эрмиш.

«Мен дунёдин суйи бўлган, эшит, подшоҳ!
Зоҳир подшоҳ, ботин ичра мен шаҳаншоҳ!
Дунё уқбин талоқ қўя, бўлгил огоҳ!» —
Келган назрин халққа инъом қилар эрмиш.

Эй, бехабар, Ҳаққа ихлос қилмасмусен,
Мунда ихлос, анда халос бўлмасмусен,
Икки олам Худойингни билмасмусен,
Бехабарни дўзах ичра солар эрмиш.

Ботил кўзлар хос валийни тонимаслар,
Андин юз минг сирлар кўрса, унамаслар,
Ким яхшидир, ким ёмондир — тонимаслар
Ул сабабдин аро йўлда қолар эрмиш.

Тоза-тоза ҳикматларим соний дафтар,
Эсиз сўзим нодонларга, қилур абтар,
Баҳра олмай, кундан кунга бўлур батар,
Сўзга етмай, ўзга бино қилар эрмиш.

Ломакондин чиқти руҳим, Оллоҳ, деди,
Султон Аҳмад эштиб, муни халқға ёйди,
Мункирлари шак келтирди, кўзин ўйди —
Ножинсларни Ҳақ жазосин берар эрмиш.

Ошиқларни сирин айттим ,ёлғони йўқ,
Ёлғон толиб бу йўлларға киргони йўқ,
Ёлғончилар Ҳақдин улуш олғони йўқ
Улуш олғон фақр тўнин кияр эрмиш.

Фақр тўнин киййган ошиқ бўлур туфроқ,
Зор йиғлабон, дийдориға бўлур муштоқ,
Малойиклар от қўйорлар анго офоқ,
Андоғ ошиқ элдин қочиб юрар эрмиш.

Қул Хўжа Аҳмад, руҳунг эди қолу бало,
Ваъда қилдинг, ҳеч айтмадинг ҳамду сано,
Ғазаб қилса на қилурсан қодир Худо,
Ёлғон банда ваъдасидин тонар эрмиш...[1]

Нашрга тайёрловчи Тоҳир ҚАҲҲОР

[1] Бу шеърлар султони орифин Хўжа Аҳмад бин Иброҳим бин Маҳмуд бин Ифтихор Яссавийнинг 1912 йилда Қозонда нашр этилган (олтинчи нашр) «Девони ҳикмат»идан тайёрланди.

БОБОРАҲИМ МАШРАБ ТАВАЛЛУДИНИНГ 350 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МАШРАБ ТАРЖИМАИ ҲОЛИГА ДОИР ҚАЙД

«ЎЗБЕКИСТОН адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг 3 август сонида ёзувчи Ҳамид Ғуломнинг «Машрабга дебоча» мақоласи босилиб чиқди. Мақолада ёзувчи Машраб ҳаёти ва ижодига оид айрим лавҳаларни ёритишга интилган. Лекин шоирнинг қаерда туғилгани ҳақидаги аллақачон илмий ҳал этилган масалага яна бир томонлама ёндашган.

Газетанинг 1983 йил 28 октябрь сонида «Яна Машраб таваллуди ҳақида» сарлавҳали мақола босилган бўлиб, унда Машраб таваллуди масаласи илмий, инкор этиб бўлмайдиган манбалар асосида ёритиб берилган эди.

1959 йили Ғафур Ғуломнинг «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган «Икки Машраб» мақоласида Машрабни Андижонда туғилган деб кўрсатилди. Бутун чалкашлик шу мақоладан кейин пайдо бўлди. Бу мақолага тазкиранавис Малиҳо Самарқандийнинг 1688 — 1692 йиллари ёзилган «Музаккир ул-аҳбоб» тазкирасидаги қуйидаги сўзлар асос бўлди: «Машраб — қаландар Раҳимбобонинг тахаллусидир. Асли Андижондан бўлиб, болалик чоғларида илм ва фазилатлар касб этиш учун Наманган вилоятига борган...» Худди шу маълумот асосида Абдурауф Фитрат ва профессор А. Ҳайитметов Машрабни андижонлик деб келдилар. Малиҳонинг Машрабни шахсан кўргани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Тазкирада шоирнинг форсий тилда ёзилган учта ғазали берилган, унинг ўзбек тилидаги ғазалларидан Малиҳо бехабар бўлган. Шуни эътиборга олиш керакки, Андижондан деган сўздан Андижонда туғилган деган маъно тўла англашилмайди. Араб ва форсий тилларда ёзилган тазкиралар ҳақидаги илмий ишлар уларда кўплаб хатолар ва чалкашликлар мавжудлигини кўрсатди. Масалан, Низомий Арузийнинг «Чаҳор мақола» ва Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» асаларида анчагина чалкашлик ва хатолар мавжудлиги кейинги тадқиқотларда аниқланди. Ибн Абу Усайбиъанинг «Уюн ул-анбо» асаридаги яқингача Абу Наср Форобийга нисбат бериб келинаётган араб тилидаги бир шеър бухоролик шоир Абу Наср Ҳузаймий қаламига мансублиги исботланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Машрабни андижонлик деганлар бошқа манбаларга ҳам бир назар солиб қўйсалар зарар қилмас эди. Бизга Машраб ҳақида муфассалроқ маълумотни номаълум киши томонидан ёзилган «Девонаи Машраб» қиссаси беради. Буни ёзган киши, сўзсиз, Машрабни яхши билган, унинг замондоши, балки сафарларида унга ҳамроҳ бўлгандир. Бу қиссада Машраб Наманганда туғилгани, шу ерда Мулла Охунд таълимини олгани, ота-онаси ҳам шу ерданлиги очиқ-ойдин айтилган.

Абдулматлаб Ҳожаи Фаҳмий 1763 йили тузган «Тазкираи Фаҳмий» асарининг ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланаётган нусхасида: «Мавлоно Машраб Намангоний ҳазрати Ҳожа Ҳидоятулло Офоқ Ҳожам муридларидандир», дейилган (сақланиш рақами 2338, 38-варақ). Шуниси диққатга сазоворки, бу тазкира муаллифи Муҳаммад Бадиъ Малиҳо тазкираси билан таниш бўлган, у Машрабнинг «Маро» радифли форсча ғазалини келтирган ва уни Малиҳодан олганини қайд этган. Энг муҳими, Малиҳонинг «Андижондандир» деган фикрига қўшилмай, уни наманганлик деб уқтирган. Шу институтда сақланаётган «Мусаввадаи Абдишукур Зиё» қўлёзмасида ҳам Машраб номи зикр қилиниб, «Наманганда эди... У жанобнинг номи Бобораҳимдир», — деб ёзилган (сақланиш рақами 2315, 1896-варақ).

Машраб ҳаётини илк бор илмий ўрганган Н. С. Ликошин ҳатто Машрабнинг туғилган уйи ҳақида маълумот бериб: «Наманган шаҳрининг ўртасидаги катта бозор яқинида, қаландархона ёнидаги Маддоҳхон маҳалласида шоҳ Машраб туғилган уйининг қолдиқлари ҳануз сақланган» («Туркестанские ведомости» газетаси, 1902 йил, 9 — 11-сонлар)., деб ёзади. У ўз маълумотларини кўзга кўринган шоир Нодим Намангоний тўплаган материаллардан олганини айтади. Рус олими Н. С. Ликошин 1915 йили Самарқандда чоп этилган Машраб ҳақидаги қиссанинг русча таржимасига ёзган сўзбошисида ҳам юқоридаги маълумотни келтирган. Ликошин айтган Машраб масжиди ва маҳалласи Наманган шаҳри марказида.

Садриддин Айний ҳам «Намунаи адабиёти тожик» (Самарқанд, 1926 йил, 169-бет) асарида «Тазкираи Фаҳмий» маълумотларига суяниб, Машрабни наманганлик деб ёзган.

Филология фанлари доктори Абдурашид Абдуғафуров 20 йил давомида Машраб ҳақида чуқур илмий тадқиқот иши олиб бормоқда. 1979 йили у «Эрк ва эзгулик куйчилари» китобининг «Бобораҳим Машраб» бобини, «Машраб шеъриятидан» тўпламини, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1978 йил 6-сонида «Машраб биографиясининг баъзи-бир нуқталари» мақоласини ва, ниҳоят, «Адабий мерос» мажмуасининг 1980 йил 4-сонида «Машраб қачон туғилган?» мақолаларини чоп эттирди. Уларда олим теран манбаларга таянган ҳолда Машрабнинг 1640 (ҳижрий 1050) йили Наманганда туғилгани ва 1711 (ҳижрий 1123) йили Балхда ўлдирилганини далиллар асосида исботлаб берди.

Одатда, шоир ва олим туғилган шаҳри нисбаси билан юритилади. Агар бир шаҳарда туғилиб, бошқа шаҳарда яшаган бўлса, иккита, ҳатто учта нисба олади. Манбаларда Машраб Намангоний дейилган, ҳеч ерда Андижоний ёки Андижоний-Намангоний деб кўрсатилмаган.

Машрабнинг ўз асарларига мурожаат этадиган бўлсак, унинг таржимаи ҳолига тааллуқли шеърларнинг деярли ҳаммаси Наманган билан боғлиқдир. Шоирнинг машҳур ғазалида мана бундай байтлар бор:

Давоми бешинчи бетда

ЧҮЛПОН

ҚОР ҚУЙИНИДА ЛОЛА

ҲИКОЯ

I

БИР, ИККИ, уч, тўрт... беш; беш... олти! Етти, саккиз, тўққиз, ўн...

Кичкина, қизил ипдан безалган тўп (каптов) алжиб қочиб кетиб, ертўла оғилнинг деворига ёндошиб ўсган ёш қантдек ўрикка бориб тегдида сакраб ҳавузга «шуп» этиб тушиб ҳам кетди...

Қизлар барчаси бирдан:

— Вой, ўлақолай, ҳавузга тушиб кетди! — деб қичқиришиб юбордилар. Тўпни тутиш учун қуволаб бораётгон Шарофатхон ҳам ҳавуз ёнида қотиб қолди...

Тўп сувга шўнғиб кетиб ҳавузнинг ўртасидан чиқди ва қизларнинг ҳавасли, ўйноқи кўзлари олдида гердайиб, секингина суза бошлади.

Барча қизлар, сув юзида эркаланиб, сузиб юрган тўпга бир оз қарашиб турдиларда бу орада бир-бирларига боқишиб юмшоққина кулишиб ҳам олдилар.

Токи қассобнинг кичик қизи Турғунбуш, югуриб бориб оғилнинг томига чиқдида бир чаккага босиб қўйилгон тут ўтунидан битта узун бутоқни синдириб олиб, ҳавуз бўйига келди ва ҳалиги бутоқ билан сувни ўз томонига торта бошлади, қизлар унинг теграсига дув йиғилиб, тўпнинг сувдан чиқишини кута бошладилар.

Сув ясама оқиш билан қизлар томонга оқа бошлагондан сўнг, ярим белидан сувга кўмилган тўп дам ботиб, дам чиқиб секингина қирғоққа келди. Қизлар қий-чув билан ушлаб ҳам олдилар.

Сув билан шалоббо бўлгон тўпни Шарофатхон олдида «ху, қочмай ўлгин, тутулдингку!» дея ерга урди. Унинг бу ишига, Абдулла жаллобнинг қизи Тўтихоннинг аччиғи келди; дарров бориб ердан тўпни олди ва:

— Ҳой, бунда нима ёзиқ? Бунинг жони бўлмаса... ўзингиз туширib юбориб, бу бояқишни тағин қарғайсизми? — деб тўпни сувда чайқаб олди. Сўнг, лабини тишлаб, бор кучи билан қизларга қараб:

— Барибир, қанча сиқиб қуритмоқчи бўлсакда тўп чиқмайдур, энди бошқа кимнинг тўпи бор?

— ...

— Вой, ўла қолай, ҳеч қайсиларингники йўқми? Салтанат, сеники бор эди-ю?

— Меники бор эди-ю, тунов кун Гулнор ўлгур, йўқотиб келибдур...

— Бўлмаса, ўйин тугабдурда?

— Йўқ, бошқа ўйин қиламиз!

— Ҳу, ўлақолсин, тўп ўйинидан ҳам яхшиси борми?

— Ҳой, Шарофатхон, сиз ўзингиз кира қолингиз, урус тўпингизни олиб чиқосиз!

— Урус тўпчм ёрилиб эдику...

— Вой, эссизгина, қачон?

— Қачонлари-ю...

Шу вақтда боғнинг кичкина эшикчасидан ҳавруққанча югуриб бир кичкина қиз кела бошлади

Турғунбуш бирдан:

— Ҳа, ана менинг синглим чиқиб қолди: уйга тўпга юбораман! — деди. Барча қизлар:

— Ҳа, ҳа, Фазилатни юборамиз! — дедилар.

Кичкина қиз — Фазилат югуриб келиб опасининг бўйнига осилди.

— Бир чаккага чиқинг, опа, сизга гапим бор.

Барча қизлар бирдан:

— Қизиғи ўлсин, қизиғи, айтабер барчамизга!

— Йўқ, опамнинг ўзига айтаман.

— Бўлмаса, опанг бизга айтиб берадур...

Сингил иккиси ҳавуз бўйига кетдилар. Эшмат қаровулнинг мамадона, қизиқ гапларни биладурғон қизи Тиллахон туриб:

— Қизиқ гапи нима бўлар эди, айтмаса ҳам биламан.

— Айтчи, билсанг?

— Нима бўлар эди, Турғунбушга куёв келгандир! — Барчалари кулишдилар. Турғунбуш қайтиб келдида:

— Ўла қолсун Тилла, менга куёв эмас, Шарофатхонга совчи келибдур! — деди. Қизлар бир-бирларига қарашиб олдилар. Шарофатхон қип-қизил қизориб, турғон ерида қотиб эди.

II

ШАРОФАТХОННИНГ отаси Самандар ака илгаридан от чиқорғон бир савдогар эди. Шунча оғирчилик йилларида қиммат, касод вақтларида ишини тарақлатиб келиб, охири, узгон йили эрта баҳорда синғон. Бор-йўғини қарзга сотиб берганидан сўнг, жуда сўфи бўлиб эшонларникида чувалашиб қолгон эди.

Эрта билан саҳарлаб эшонникига кетар, зикр бўлса-бўлмаса, эшоннинг ишини қилиб, кечқурун шомлатиб уйга келар эди. Уйга келгандан сўнг ҳам бир қошиқ қуюқ-суюғи бўлса тотиниб, малла жойномознинг устига чиқиб ўлтириб, қаҳрабо тасбеҳни неча давур айлантириб «вазифа»ларини ўқур, сўнгра, то ярим кеча — саҳаргача ҳўнгур-ҳўнгур йиғлар эди...

Бир кун катта қизғин бир зикр бўлди. Зикрга бошқа шаҳарлардан ҳам ўтли-нафаси билан ўқийтурғон ҳофизлар келдилар. Хоноқоҳнинг ичи зич тўлди. Эрта билан бомдоддан сўнг, бошлонгон «зикр» хуфтонго яқин зўрга тугади. Бир неча киши ўзидан кетиб у ер-бу ерда юмаланиб қолдилар. Ёнгон сўфилардан бир-иккитаси «жазава»нинг ортиқлигидан бориб ўзларини ҳавузга ташлайдилар. Қисқаси, бугун қиёмат бўлди.

Эртаси куни эрта билан хонақоҳнинг меҳроби олдида, ҳазрат эшон ўлтурганлар; икки ёнларида учтадан олти ҳофиз, бир ўн беш чамаси муридлар...

Эшон қутлуғ бошларини қўйи солиб, «сукут»га кетканлар.

Ташқарида тўполон, шовқин, бири қўй етаклаган, бири нон кўтарган, бири кийим сарпо...

Самандар ака хонақоҳдан чиқди, ҳалиги назирларнинг барчасини кўрди, кўздан ўтказди.

— Хез балли, баракалла, Султон Ориф-жоннинг жамолларини кўрк деб жавраб, ҳазрат эшоннинг қучоғ-қучоғ дуоларини хонақоҳдан чиқариб бериб турғон сўфи, кулиб, ўйнаб Самандар акага қарадида:

— Ҳа, бой ака, назрдан дарак борми? — деди. Самандар ака дарвозалардан чиқар экан:

— Бўлиб қолар, сўфи! — деди.

Самандар ака уйга келгунча кўнглидаги туйғулар билан тортишиб келди. Ўзининг пири ва устозига тузуккина, каттагина иложи бўлса, бошқа муридлар бера олмаён бир нарса бермакчи эди. Бироқ, уйда арзигудек бир нарса йўқ. Арзийтурғон нарсалари бўлса, барчаси қарзга кеткан... Кўп ўйлади, бироқ, ҳеч бир нарсага кўнгли қарор топмади.

— Агар илгариги вақтим бўлса, олақошни тутар эдим...

Кўнгли оғриди, бир замонги бойликлари, давлатлари эсига тушди; ола қошқоси, тўруқ йўрғоси, бўйи тевадек Москов завод оти... уч файтун, ер, суви...

Унча-мунчани беришни ўзига эп билмади. Бошқа назрларни босиб кетгундек бир нарса беришга ўйлар эди.

Бирдан Йўлдош бойвачча эсига тушиб кетди.

— Йўлдош бойвачча ўн ботмон гуруч, битта яхши улоқчи от, бош-оёқ кийим берди...

Шундай хаёллар билан ҳавлисига етиб, ичкари уйга кирмакчи бўлгон эди хотини тўхтатди:

— Ичкарида хотинлар бор, сиз ташқари уйга кириб туринг, қўноқларга, ош-сув қилгон эди; мен сизга ош олиб чиқай!

Самандар ака кичкина таводқаги ошни ёлғиз ўлтириб емакка тутинди. Ошни яримлатгон ҳам эди, олдиға хотини чиқиб қаршисига ўлтирди:

— Яхши ҳам келиб қолдингиз отаси, қизинғизга совчилар келиб, мен нима дейишни билмай турib эдим!

— Ким экан улар, қайрдан экан?

— Анов Азиза отин билан Рустам аканинг хотини... ўзингизнинг эшонингизникидан совчи бўлиб келишубдурлар... Энди эшоннинг ўзлари ҳам «қариб қуйилмагон, ачиб суйилмагон»лар дея, иккита хотинлари устига тағин бу...

— Тўғрими, эшонникиданми, тўғрими? Эшон нега ўзимга мазмун қилмадилар.

— Энди катта одам, мен совчиларга ҳали қизим ёш, энди 17 га чиқди, дедим. Шундай деб жавоб бера қолайимми?

Бу вақт кимдир, ташқаридан бир хотин товуши эшитилди: — Қумрибуш қўноқлар туришдилар! — Қумрибуш ўрнидан турди. Эрига бир нима дегандек қаради.

Самандарбой бир ёш қизини, бир эшонни, боёғи назр-ниёз масаласини, энг сўнг, кимсан ҳазрат эшоннинг куёвликларини ўйлаб турдида:

— «Битта қизимиз бўлса, ҳазрат эшонимизга тутдиқ, содағолари кетсун!» дегил! — деди.

Қумрибуш кутилмаган бу гапдан оқорди, кўкарди, суратдек қотиб деворга суялиб қолди...

III

ШАРОФАТХОН Самандар аканинг битта-ю битта қизи эди. Бу қиз шу тегранинг кўргиликда, чеварликда, шўхлик ва ўйноқликда битта-ю биттаси эди. Маҳалла қўйнинг усмрунларидан иккита-учтаси бир ерга йиғилсалар, топгон-тутгонлари, шул Шарофатхон масаласи бўлур. «Бу қиз қайси худо ёрлақоғонники бўлур экан, кимнинг уйини обод қилар экан?» деб бош оғритарлар эди.

Шарофатхоннинг, эшонга берилиш хабари чиққондан сўнг, бутун маҳалла-куй яна бир неча кун шунинг довруғини қилишдилар.

Кўчада қатор-қатор аравалар чопишиб, бир-бирларидан ўзишадурлар.

Ўн-ўн беш аравага тўлгон хотинларнинг тартибсиз, «ёр-ёр»лари дунёни бузиб, кўкни кўтариб борар эди.

Сандиқ, кўрпа, гилам, тугун ва бошқа нарсалар юкланган ва юклар устига яна битта кампир ўтқазган аравакашлар, илгаригилардек бир-бирлари билан басма-баслашиб чопишар эдилар.

Шу гулдур-шолдур; шовқин-сурон, қий-чув билан кетаётгон куч энг сўнг эшоннинг эшигига яқинлашди. Кўчанинг ўртасиго гурулламтиб, ёқилгон, алангаси осмонго чиққон ўтнинг теграсига тўпланган бир туб эркаклар, товушларининг борича «ёр-ёр»ни чўзгон; уларнинг бериги бақинида бошқа, паранжи ёпингон, чопон ташлогон, румол тутгон хотинлар, келинлар, қизчалар... ўз холларича катта тўп бўлиб улар ҳам «ёр-ёр»ни қўйиб юборгон эдилар.

Тахта-тахта кўприк тахтак бўлсин ёр-ёр,
Пайғамбарнинг қизидек, бахтинг бўлсин, ёр-ёр!

Узун-узун арғамчи ҳалвончакка, ёр-ёр,
Чоккан, кўнглак ярашар, келинчакка ёр-ёр.

Ўтнинг теграсига тўплангон эр-хотин барчаси бирдан: «келин келди — келин келди!» деб юборишдилар. Бир неча йигит қучоқ-қучоқ ғўзапоя олиб чиқиб, ўтнинг ўртасиго ташладилар, ўт яна кучайди, яна аланга берди.

Ҳар ким питирлаб қимирлаб қолди. Болалар қиз келаётгон томонга қараб чопишиб кетадилар.

Шовқин,тўполон орасида аравалар еттилар. Халқ орасида:

— Ана келин, ана қиз тушган арава! — деган гаплар бошланди.

Аравакаш, келинли аравани «намойишкорона» бир суратда ўтнинг ўртасидан отни қамчилагонча олиб ўтиб, эшикка яқин бир ерда тўхтади.

— Куёв почча, куёв почча, тақсирим қанилар? Қоч,қоч, — деган товушлар кўтарилди.

Бир вақт оппоқ соқолли, қори, бўшошгон бир чол (куёв тўра) устига зарбоф тўн кийиб, катта ўрама белбоғ боғлогони ҳолда бирмунча оқсоқол муридлари ўртасида секингина судралиб аравага яқинлашди.

Яна халқ ўртасида:

— Кўтаринг-а, куёв почча, кўтаринг-а!

— Ўзингизни тинг тутинг тақсир!

— Ҳа, тақсир кўтаринг!

Чол титрак қўлларини аравага узатиб, қизни кўтари ва бир, икки одим босгондан сўнг ерга қўйди.

Яна халқ гувирлашиб кетти:

— Баракалла, тақсир, баракалла!

— Ҳали беллари бақувват экан тақсиримнинг!

Бу шовқин, қий-чув-тўполон ярим кечага бориб тўхтади. Ҳалиги томошо ўрни бўлгон кўча кишилар ариб, қоп-қоронги, жим-жит бир гўристонга айланди.

IV

БУ ВАҚТ, эшоннинг эшигидан икки ёш йигит чиқдилар:

— Ҳу, ҳаҳу, кўча жуда қоронгу-ку!

— Шуни айтгил-а, осмонда ҳам дорига битта юлдуз топилмайдур!

— Юрабер. Бу кеча худди эшонбобонинг кўнглидек бўлибтур.

— Тўғри-а, мен қизга ачинаман, бояқиш келиб-келиб кимники бўлди-а!..

— Нимасини айтасан, отасининг уйи қуйсин, одам эмас экан!

— Соқолини оппоқ тутадек қилиб, неварасидек бир қизни аравадан олишини қара, киши чидамас экан. Шуни бир нарсага ўхшатгум келди-ю, ўхшата олмадим-да!

Шу чоқ бир бурчакда кўча пойлаб ётгон Мамат қоровул йиғлагондай қилиб ҳуштагини чалиб олди-да:

— Нимасини айтасиз йигитлар, дунё ўзи шундай тескари экан... Лоланинг устига қор ёгди! — деди.

Йигитлар жавоб бермадилар ва қоронгулик қучоғига кириб йўқ бўлдилар.

Нашрга тайёрловчи Нормурод АВАЗОВ

Тўра СУЛАЙМОН

ОМОНКЕЛДИ ОҚСОҚОЛНИНГ АРМОНИ

«ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ҰҒЛИ ЭЛ КЕЗАДИ» ТУРКУМИДАН

Сўзини ҳам, бўзини ҳам ўзгаларга бера келмаган, ориятли-орли, ўрни тўрларда борли, ўз отадош-овулдошлари тугул бутун бир Қўшравот тўманинда иззат эътиборли Омонкелди оқсоқолнинг тўнғич ўғли тўнғиз қавми қилмаган ишларни — қиморбозлик, шароббозлик, каззоблик, шунга ўхшаган борлиқ боз-бозликларни қилишда, хотин олиб хотин қўйишда ном чиқазиб отасини толиқтирибди. Ҳаромзодалиги билан ном чиқазиб, отасининг етти номусини ерга киритибди. На пандга қулоқ солибди, на насиҳатга. Бундан куйган, жонидан тўйган оқсоқолнинг қадди дол, аҳволи афтодаҳол, эгилмаган бошлари ҳам, таъби-табиати шом бўла борибди. Бу гап Эргаш бобонинг ҳам қулоғига етиб бориб, оқин ўзлик-ўзича:

— Нобакор ўғил ёвданда, довдонда, оловданда, таловданда ёмон. Бундай фарзанд худонинг юборган балоси. Ундан ўлиб ҳам, тутдай тўкилиб ҳам қутулишнинг иложи йўқ. Отаонага лаънат келтиргани келтирган. Оқсоқол билан саломалигимиз бор эди. Чатоқ бўлибди, — деб шу термаларни битибди:

Мени енганда ёв эрмас ўз лўкча, ўз норим енгди,
Ит, итолги, қузгун эрмас ўз лочин, ўз сорим енгди,
Қорли, қировли қиш эрмас ўз боғим, баҳорим енгди,
Бозор қайтиш қилмай турib[1] серсавдо бозорим енгди.

Не майдонлар кўриб елкам ерга теккан эмас эрди,
Овулдош, отадошларим менсиз тўй тўйламас эрди,
Меннингсиз мингбоши, қози машварат айламас эрди,
Мени енганда мендин сўнг карвонни тортарим енгди.

Мен бор ерга йўлолмасди элга эш бўлган зотлар,
Учса қайтиб қўнолмасди тилдан тушмас паризодлар,
Қаҳримга дош беролмасди не дилозор, не безодлар,
Мени енганда ёғиймас ўз ўғлим, ахтарим енгди.

Уй айланиб... еб юрганлар[2] ўзин итмас шер чоғлайдир,
Кўз ўнгимда мендин ўзин чандон устивор чоғлайдир,
Ялоқхўрлар ўзлик-ўзин хонга жиловдор чоғлайдир,
Мени енганда ёт эрмас ўрни тўрда борим енгди.

Не кўргулик: кундан-кунга ошиб борар оҳим менинг,
Эл қарғишин олмагандим, билмам не гуноҳим менинг,
Ўзинг тавфиқ бер бу итга ё раб, ё Илоҳим менинг.
Мени енганда ёв эрмас тахти таждорим енгди.

Сўнг оқсоқолни айтиб келгани бир отлиқ юборибди. Оқсоқол ҳам офтоб оғар-оғмас пайтда етиб келибди. Пешин намозини бирга ўқишиб, майиб-мажруҳларга сабру қаноат, беморларга шифо, сафардагиларга оқ йўл, етим-есирлар ризқига барақот, қизларга ҳаё, йигитларга баҳодирлик, савдосотиқ аҳлига инсоф, фарзандлари шаънига меҳру оқибат, эл-улусга рўшнолик, мамлакатга осойишталик, арконн давлатга диёнат тилашибди.

Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлганларидан сўнг донгдор сухандон оқсоқолни гапга солибди. У киши эса юзида, кўзида мунг аломати бўлса ҳам оқинга дард ёра бермабди. Ота-да.

— Ҳамма гапдан хабарим бор, — дебди Эргаш бобо, — От етмаган ерга ғап етади. Нима бўлганда ҳам болани қарғаш ота учун ножоиз. Ота-онанинг қарғишини олган фарзанднинг косаси оқармайди. Биргина шу эмас, икки дунёси куйиб кетади. Пайғамбаримизнинг саҳобаларидан бири — Олқама ҳақидаги ҳикоятни эшитганингиз бордир. Бунингсиз ҳам:

Илоҳим, бермадинг тавфиқ азалдан қақшаган қулман.
Отам берган насиҳатни қулоққа олмаган қулман.

деган байту банднинг ўзиёқ ҳар бир қобил, ноқобил фарзанд учун ибрат бўлмоғи керак. Яратгандан ўзга нажот йўқ. Инсоф бериб қолар, тавфиқ бериб қолар.

Эргаш бобонинг бу таскин-тасаллиларидан оқсоқолнинг боши етти қат кўкка етиб, кўнгли кўтарилиб дебди:

— Илоҳим айтганингиз келсин. Бироқ яқин-яқинларгача олдимни биров кесиб, бирон кимса гапимни икки қилмаган эди. Эндиги кунда қайнаса қони қўшилмас етти ётлар тугул ўз туғишганларим ҳам гапимни қайтариб, ҳар бир ишимдан қусур топишга, таъналар қилишга ўтиб олди. Яхши фарзанд ота-онани тўрга, бебарор, беномус зурёд гўрга бошлар деганлари шу бўлса керак. Тўнғичим — тўғнағичим, деганлар. Менинг ишимни эса тўнғичим қилди. У турган жойда менга аёғимдан олишга чоғланиб турган ашаддий душманнинг кераги йўқ. Иш шу кетишда кетадиган бўлса ҳа демай элдан чиқишим аниқ. Давон ошишимга ҳам...

Оқсоқолнинг аҳволига ич-ичидан ачиниб ўтирган оташ нафасли достоннавоз дебди:

— Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Оққан дарё тўхтаб қолмайди. Дарёни тўхтатиб ҳам бўлмайди. Бу — бандасининг қўлидан ҳам келмайди. Сиз энди мана бундай қиласиз: Сизнинг дарди-ҳасратларингиз битилган шу қоғозни пешайвонингизни кирганда ҳам, чиққанда ҳам кўзга ташланиб турадиган ерига ёпиштириб қўясиз. Сиз натижасини кўрарсиз. Биз эшитармиз.

Оқсоқол оқин нима деган бўлса шуни қилибди. Орадан ойлар ўтибди. Тўнғич ўғли кунба-кун мулло минган эшакдай бўла борибди. Сўзнинг сеҳри йигитнинг орини келтирибди. Жисми-жони қийнала бориб нобоп-ножўя ҳаракатларининг нима билан тугаши кўнглига ғулғула солибди. Баҳодир қонсираган қиличини қайта қинига солган мисоли босар-тусарини билмай юрган ўғлон ҳайрли ишларга бир-бир кўл уриб, ишбилармон, тилбилармон тенгқурларининг қаторига қайта бошдан қўшилган экан.

БЎЛДИ

Николай пошшонинг муҳри билан ўн олтинчи йили чиқазилган мол солиғи, жон солиғи ҳақидаги қатор-қатор фармойишлари етимларни ерлаштирди, бева-бечораларни тупроқ билан тенглаштирди. Не бир эр-азамат йигитларнинг қадқомати дол бўлиб, қариялар ҳардам хаёл бўлиб, эл-улуснинг сабр косаси тошиб, оҳи-афғонлари кўкка тутошиб Турон аҳли аёққа турди. Шунда Эргаш Жуманбулбул ўғлидан узанги йўлдошлари сўради:

— Бу кўргуликлар тушимизмидир, ўнгимизмидир? Тоши тупроғимизни, тахту туғромизни таптап бўлган бу энагар яна нима қилмоқчи?

Бу ҳолат, бу фалокатдан тўлиб-тошиб юрган оқин тобуткаш тенгқурларининг бу саволларига, ўйлаб-нетиб ўтирмай, шундай деб жавоб берган экан:

— Нима қилмоқчи эди. Қора ер қилмоқчи. Пешонамизни шўр қилмоқчи. Таламоқчи, топтамоқчи. Бут эгни-бошимизни қирқ ямоқ қилмоқчи.

Аё дўстлар биродарлар бу қандай бир замон бўлди!
Фуқаронинг ҳол-аҳволи ёмондин ҳам ёмон бўлди.
Етим бирла есирларнинг қисмати беомон бўлди.
Йўқсил бошн ҳам, юзлари тўмандин ҳам тўман бўлди.
Каззоб-қози, ўғри-ҳоким, тўралар беммон бўлди.
Биз иноний юрган не бир бўлуслар ясуман бўлди.
Қут[1] томондин келган ерга тўймаслар соябон бўлди.
Барча ночор бўлсин учун бойлар моли талон бўлди.
Тоғу тош тапталиб бир-бир гулзарлар биёбон бўлди.
Усмир зоти калта иштон, қизлар маймунсимон бўлди.
Губернатир сиёсати элга келган қирон бўлди.
Мардикорлик мардумларнинг кўксида бир армон бўлди.
Бу кунлар ҳам ғаниматдур, сўқир диллар калон бўлди...
Тилдан, диндан айрилмишмиз, чечанар безабон бўлди.
Амир Темур юртига қароқчи соҳибқирон бўлди.
Турон энди бедарвоза, Турон энди вайрон бўлди.
Николайнинг фармонига бош кўтарар замон бўлди.
Туғёнсиз эл туғли бўлмас, бу сир менга аён бўлди.

БИЛИНГ

Бу оламни азал бошдин дарёи шўр, деб билинг,
Дарёи шўр гирдибодин хавфу хатар, деб билинг.
Хавфу хатар бор ер кундин-кунга баттар, деб билинг,
Кундин-кунга баттар ерни, ё алҳазар, деб билинг.
Алҳазарлик ошнённи бе гулизор, деб билинг,
Бегулизор элу юртни хароб, афгор, деб билинг.
Афгор юртни офатлардан соқлар Шунқор, деб билинг,
Шунқорли юрт, вилоятни мулки бохтар деб, билинг.
Мулки бохтар — бирда паймол, бирда мухтор, деб билинг,
Мухтор улус осмонида порлоқ ахтар, деб билинг.
Ахтарли халқ омон бўлса бўлмас хатар, деб билинг,
Бир кун келиб ўзнинг ҳам тонги отар, деб билинг.

1 Қазойн қадарим етмай турib.

2 Итдан ит пайдо бўлади, уй айланиб тезак ер, бўридан бўри пайдо бўлади овул айланиб бўри ер, мақоли эсланмоқда.

1 Шимол

Барот ИСРОИЛ

ШАМОЛ

Шамол гувиллар
бежо,
Боғлар шовиллар
бежо,
Барглар шивирлар
бежо,
Не хабар
келтирмоқчи?!
Дардини айтолмас ҳеч,
Ё хатга битолмас ҳеч,
Ортига қайтолмас ҳеч,
Ёхуд уйга кирмоқчи!
Тун бўйи нола қилиб,
Тонгда ухлади, толиб,
Тушида тилга кириб,
Шамол ҳам гапирмоқчи.

ТОКАЙ

Ишқим айтсам кулиб кетасан токай,
Бегоналар йўлин тутасан токай,
Қўлингда ҳаётим, жону жаҳоним,
Ҳижрон оташига отасан токай.
Қалбимнинг измини олиб кетибсан,
Уни қон йиғлатиб нетасан токай.
Шунчалик тош кўнгил бўларми киши,
Севгимдан ўзга не кутасан токай.
Ишқ изҳор этишдан чарчамас Барот,
Яна эшитмайин ўтасан токай.

СЕНДЕК МОҲИМ БОР

Ҳижрон оташида ёқдинг севгилим не
гуноҳим бор?
Фироқингда ёнар жоним қалбимда ўтли
оҳим бор.
Неча гумон хаёлларга кўнгилни сен банд
айлабсан,
Танҳо дилимни банд этган ишқ аталмиш
гувоҳим бор.
Нечук излай қиёсингни кўкда юлдуз, қуёш,
ойдан,
Паришон кўнглимни равшан этгувчи сендек
моҳим бор.
Севги асрорин билурга битта умрим қилур
камлик,
Токим ҳаётим бор экан ишқдан олур
сабоғим бор.
Юрагига солиб туйғу Баротни огоҳ этгувчи,
Қаламқош васфин ёзарга қалам отлиғ
ҳамроҳим бор.

Ғулом МИРЗО



●

Сув остида саҳройи дунё,
Сув остида қумлар бархани.
Ел силкитган юлғундек гўё
Сув ўтлари турар тебраниб,
Гулмоҳилар отари келур —
Жуни чала олинган қўйлар.
Қисқичбақа қўлида қиллиқ
Гулмоҳилар ортидан қувлар...
Йиртқичга ҳам бошпана бу юрт,
Ҳоксорга ҳам паноҳ беради.
Фуқарога содиқ султон — кит
Фавворалар отиб туради.
Бу саҳронинг осмони — шиша,
Ҳавоси бор мусаффо, суюқ.
Бу саҳрода эрк бор ҳамиша,
Бу саҳрода, чунки, одам йўқ.

ПИШПАКДА УЧРАГАН ҚИЗ

Кўзлари — олхўри, қорайиб
пишган.
Ўзи — олхўрининг мавзун
ниҳоли.
Олмалари энди гуллаган
Пишпак[1]
Менга тутмоқдами бир жуфт
қароли.
Кўзлари — ҳайратлар ёнаётган
тандир,
Бу думбул қизчани пиширма-
гандир
Йигит кўзларининг қуёши ҳали.
Мажнунтол сингари мажнундир
қайин,
Олмахон — ўн беш ёш қизга
хос ҳадик.
Ҳуркак нигоҳлари бўлмаса,
тайин
Бу малойикани сезмай ўтардик.

1. Пишпак — Фрунзе шаҳрининг эски номи.

●

Қишлоққа қайт ўқиш битганда, —
Отам хатда қилмишлар ўгит.
Мен — бир ёқдан худбинроқ,
ҳамда
Бир томондан кўнгли бўш йигит,
Қайтгим келмас қишлоққа сира.
Озғинлиги бамисли қамиш,
Гўдаклари бошдан-оёқ тиш
Дала йўлда ҳар бир маккайи
Бир аёлдек кўринган сайин,
Қайтгим келмас қишлоққа сира.
Совға олган қўл соатини
Ўғилчага берворib падар,
Кун чиққандан кун ботиш қадар
Ишлар экан дунё бехабар,
Қайтгим келмас қишлоққа сира.
Қуёш кулса, булут эзилса,
Шарқдан ғарбга ўтган камалак
Юрт устида ёйдек эгилса, —
Муборакнинг газқувуридек,
Қайтгим келмас қишлоққа сира.
Мен — бир ёқдан худбинроқ,
ҳамда
Бир томондан кўнгли бўш
йигит...

МИТИНГ

Шоир — нохин.
Майдон чилторнинг
Халқ — таранг тортилган
қиллари.
Бирдек титратасан минг-минглаб
торни,
Ҳақиқат, нечта эди қўлларинг?!

ТАДҚИҚОТ * АХБОРОТ

„БИБЛИЯ“ — „МУҚАДДАС КИТОБ“

Файзулла НАБИЕВ,
Султонмурод ОЛИМ

ХОРИЖНИНГ ЮКСАК тараққий этган мамлакатларига бориб келган ҳамюртларнинг айтишларича, у ерларда: «Мен Ўзбекистонданман», — десангиз, кўпчилик дунёда бундай мамлакат борлигидан бехабарлигини айтар, лекин, борди-ю: «Мен Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларини қурган халқ вакилиман», — дегудек бўлсангиз, кейин бирдан улар гўё эски танишини кўргандек сўрашиб кетар экан, Нега шундай?

Маданиятда бугун энг олди халқ бир пайтлар жаҳоннинг энг юксак маданияти эгаси бўлиш бахти насиб этган элга беписанд қараши мумкин эмас. Ахир, башариятнинг бугунги ҳар қандай маданий камолида инсоният ўтмиш маданиятининг истисносиз ҳиссаси бор-да. Ҳақиқий маданий халқ буни ҳамиша тан олади.

«Ўзбек қомуси» яратилганидан кейин ғарблик ўзбекшунослар: «Унда ўтмишни қўмсаш ҳукмрон», — деб ёздилар. Шундан кейин бизда ўтмиш ҳақида, классик меросимиз тўғрисида ёзиш ва уни оммалаштиришнинг йўли янада кўпроқ тўсилди. Ана энди шуни бир ошкор ўйлаб кўрайлик. Хўш, ўтмишни қўмсашнинг нимаси ёмон? Биз ўтмишда жаҳонга донғи кетган халқлардан эдик. Шуни қомусимизда акс эттириш керакмиди-йўқмиди?! Ундан ташқари, ўтмишни қўмсашни ўтмишга қайтиш деб тушунмайлик-да. Ахир, олди халқлар ойга одам юбориб турганда, наҳотки, ўзбеклар қадим замонлардагидек туя карвонларини қўмсаса! Йўқ. Ўтмишни қўмсашни ўтмишдаги илғорликни, шундай юксак тараққиётга асос бўлган МУСТАҚИЛЛИКни қўмсаш деб англаш зарур.

Мовароуннаҳрнинг гуллаб-яшнаган даврлари: IX—X ҳамда XIV—XV асрларда бу замин аҳли жаҳоннинг турли бурчакларида яратилган буюк-буюк китобларни мутолаа қилганига тарих гувоҳ. Ахир инсониятнинг томири бир-ку, бошқача айтганда, ҳамма ҳам Одам Атою Момо Ҳаводан тарқаган. Майли, чегаралар мамлакатларни мамлакатлардан ажратсин, лекин улар ақл чироғининг нури йўлидаги қора пардалар бўлмасинда. Биз эса, шоир Муҳаммад Солиҳ армон қилганидек Боймирза Ҳайитнинг бевосита Ўзбекистон тарихига оид тадқиқотлари у ёқда турсин ёхуд профессор Нажмиддин Комилов орзулаган Туркияю Эрондаги, лоақал, ўзимизнинг буюк боболаримиз ҳақидаги асарларни ўқишни қўя турайлик, ҳатто қондош Озарбойжону жондош Тожикистондаги кўп китоблардан ҳам бебаҳра юраверамиз. Афсус, чегаралар мамлакатларнигина эмас, халқларни ҳам бир-биридан ажратиб турибди.

Ана шундай мулоҳазаларга берилиб юрган пайтингизда қўлингизга Америка Қўшма Штатлари ҳозирги ўзбек тилида чоп этган «Муқаддас китоб суратларда» деган бир мўътабар манба тегиб қолса, қандай ҳолатга тушасиз? Боз устига, ҳарф таниганингиздан буён бундай чиройли, бу қадар бежирим, рангдор суратлар билан безатилган китобни кам кўрган бўлсангиз-чи?

Аввало, қарийб 20 миллионли миллат ҳам дунёнинг кичкина халқи эмаслигига имон келтириб, АҚШда ҳам сизнинг тилингизда китоб босилганидан беҳад қувонасиз. Кейин: китоб чоп этиш санъатини америкаликлардан ўрганишимиз зарур экан, деган фикрга келасиз. Албатта, бир пайтлар юртимиз китобат санъати билан ҳам дунёда танилгани, Самарқанд қоғозлари ҳатто VII—VIII асрлардаёқ жаҳонда машҳур бўлганини армон қилиб эслайсиз ҳам. Ундан сўнг эса ер юзи бўйича ўзбек тилида яратилган ва ёки чоп этилган жамики китоблар Ўзбекистонда тўпланиши, халққа етказилиши керак, деб ўйлайсиз. Охири, сизни зўр бир орзу чулғайди: қани энди, дейсиз, дунёдаги жамики машҳур китоблар ўз тилимизга таржима қилинса-ю, хоҳлаган ўзбек уларни ўқиш бахтига муяссар бўлса! Жаҳоннинг тараққий этган халқлари шундай қиладилар: таржима орқали яхши-яхши китобларни «ўз мулк»ларига айлантирадилар. Мана энди улар биз учун таржима қилишга киришибдилар ҳам. Биз эса дунёдаги ҳатто ўзбекча босилган китоблардан тўла хабардор эмасмиз.

«Муқаддас китоб»да маълумот берилишича, уни турк тилига илк бор Истанбулда турк султони Муҳаммад IV саройида шоҳ таржимони — Али-Бей 1666 йилиёқ ўгирган. «Инжил»нинг тўрт қисми эса 1891 йили ўзбек тилида — араб алифбосида Олмониянинг Лейпциг шаҳрида босилган 1981 йили АҚШдаги «Муқаддас китоб»ни таржима қилиш институти томонидан «Яҳёга кўра Инжил», 1983 йили «Ибтидо» ва «Яҳёга кўра Инжил» бир жилдда чоп этилган. «Юнус пайғамбарнинг китоби» ҳам чиққан.

«Янги аҳд» аллақай тўлигича ўзбек тилига таржима қилинган бўлиб, — деб ёзилади китобда, — худовандининг ёрдами билан 1985 — 1986 йилларда ва кейинчароқ ҳам босмадан чиқарилади». Қўлимиздаги китоб эса 1985 йили чоп этилган. Аммо биз «Янги аҳд»нинг 1985—1986 йилларга ваъда қилинган нашри амалга ошган-ошмаганидан бехабармиз.

«Муқаддас китоб» нима ўзи? «Ибтидо», «Инжил», «Қадимий аҳд», «Янги аҳд» қандай китоблар?

Таржимон «Библия» сўзини «Муқаддас китоб» деб олган. «Библия» — юнонча «китоблар» дегани. Бу яҳудий (иудаизм) ва насроний (христиан) диний муқаддас китобларин тўпламини англатади. Шунинг учун ҳам у «Қадимий аҳд» ва «Янги аҳд» деган икки қисмга бўлинади. «Қадимий аҳд» иккала дин учун ҳам, «Янги аҳд» эса фақат насронийлар учун муқаддас саналади.

ЯҲУДИЙЛАРНИНГ муқаддас китоби — «Таврот», насронийларники — «Инжил» эканини кўпчилик билади. Лекин «Библия»ни ўзбекчага «Таврот» деб ҳам, «Инжил» деб ҳам таржима қилиш мумкин эмас. Таржимон шуни инобатга олиб, уни «Муқаддас китоб» деганки, буни биз ҳам қабул қилишимиз мумкин. Чунки «Таврот» — «Қадимий аҳд»нинг дастлабки беш қисми («Борлиқ», «Чиқиш», «Ловий», «Сонлар», «Иккинчи қонун») дан иборат. Уни худо Мусо пайғамбарга ваҳий қилган, деб қаралади. «Инжил» — Исо пайғамбарнинг ердаги ҳаёти тасвирланган асарлар тўплами. «Ўзбек қомуси»нинг маълумотига кўра, 30 тача номдаги «Инжил» мавжуд. Шундан тўрттасигина «Янги аҳд»нинг муҳим қисми сифатида «Муқаддас китоб»дан жой олган. «Қадимий аҳд» Исо пайғамбардан 13 аср илгари, «Янги аҳд» эса Исо туғилганидан кейинги бир аср давомида китобат қилинган. Хўш, нега биз бу саналарни айнан Исога боғлаб айтаяпмиз?

Ҳозир кўпчиликдан, ҳатто олий маълумоти борларнинг айримларидан: «Бу йилимиз нега айнан 1990 йил?» — деб сўрасангиз, дунё, борингки, одамзод пайдо бўлганига бор-йўғи 1990 йил бўлмаганини яхши билса-да, саволингизга аниқ жавоб беролмайди. Чунки бизнинг жорий йил ҳисобимиз айнан ана шу Исо алайҳи ва салламнинг таваллуд топган кунидан ҳисоб қилинади. Лекин диний сана бўлгани учун буни ўрта мактабда деярли ҳеч ким айтмайди. Холбуки, буни болалар сана(число) ёзишни ўргатиш бошланган кунданоқ тушунтириш керак. Милодий йил дейилишига сабаб шуки, «милод» арабча «туғилган кун» деган маънони беради. «Мавлид» (туғилган жой), «мавлуд» (туғилган бола, туғилганлик), «таваллуд» (туғилиш) каби сўзлар ҳам «милод» билан бир ўзакдан ясалади. Демак, «Муқаддас китоб..»ни ўқиш биз учун милодий йил ҳисоби тарихини билиш жиҳатидан ҳам аҳамиятли.

«Муқаддас китоб»нинг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни беқиёс. Биринчидан, у дунёдаги илк бор босилиб чиққан (қўлёзмалар бундан мустасно) китоб. Иккинчидан, жаҳондаги энг кўп таржима қилинган асарлардан: 1984 йилгача у 1785 тилга ўгирилган, ҳозир ҳам ўрта ҳисобда ҳар 10 кунда унинг бир тилга таржимаси босилиб турибди. Дунё аҳолисининг 2-3 фоизигина бу китобни ўз тилида ўқиш бахтидан бебаҳра, холос.

Албатта, бу маълумотларда ўзбеклар «Муқаддас китоб»дан бехабарлар сирасига киритилмаган, чунки у тилимизга бир неча бор таржима қилинган-да. Аммо, таассуфки, бу таржималар эл қўлига теккан эмас. Биз дунёда энг кўп мутолаа қилинадиган китобни ўқиш бахтидан маҳруммиз.

Қарийб 400 саҳифали бу нашрда бошдан охир бир қатъий қоидага амал қилинган: китобнинг чап тарафдаги бетида бирон-бир воқеа баён этилган матн, ўнг томонидаги саҳифада эса ўша воқеани акс эттирган рангли тасвирдаги бежирим сурат жой олган (биргина ҳикоя икки бетни эгаллаган ва икки сурат берилган, холос). Матн мутолааси китобхонни суратга маҳлиё бўлиб узоқ боқишга, сурат томошаси эса ҳикояни яна бир бор ўқиб чиқишга ундайди. Ноширлар китобнинг ана шундай икки томонлама таъсир кучига катта умид боғлаганлар ва ниятларига етганлар ҳам.

Китобдан 184 ҳикоя ва шунча сурат ўрин олган. Ҳар бир манзара — чинакам санъат намунаси, уларнинг биронтасини шунчаки сурат, дейиш қийин. Бу эса китобни қўлдан қўймай ўқишга чорлайди.

Хўш, ундан ўқувчига нималар «юқади»-ю, у бугунги ўзбекка нима беради?

Аввало шуки, ота-бобоси учун олий руҳий-маънавий суянчиқ бўлмиш исломнинг бошқа диний эътиқодлардан, «Қуръон»и шарифнинг бошқа муқаддас китоблардан фарқли томонларию улар ўртасидаги ўзаро ўхшашликлар ҳақида бугунги ҳар қандай маданиятли халқ вакили муайян билимга эга бўлиши керакми-йўқми?! Бунинг учун эса дастлаб яҳудий ва насроний динидан хабардорлик лозим. Иккинчидан, бу китобда Исҳоқ, Ёқуб, Исроил, Сулаймон, Юнус, Мусо, Исо, Иброҳим каби талай «ўзбекча» исмларга дуч келасиз, бу — Муҳаммад алайҳи ва салламдан илгари ўтган яҳудий пайғамбарларнинг номлари. Буни ота-боболаримиз биздан кўра яхшироқ билганликларидан фарзандларига уларнинг муборак номларини қўйганларки, гарчи моҳиятига кўп ҳам етавермасак-да, ўша анъана ҳозиргача давом этяпти. Ҳеч бўлмаганда, отлари ана шу улуғлар ҳаққи-ҳурмати қўйилган ўзбеклар ўзлари билан ҳамном пайғамбарларнинг кимлигию нима кароматлар кўрсатганига қизиқсалар керак. Шуни ҳам биламизки, халқимиз вакиллари орасида пахтадек ноёб бойлигимизнинг килосига давлат қанча ҳақ тўлаётганини ҳам суриштирмай умр бўйи «оқ олтин» етиштиргани сингари, ўз исми маъносига бирон марта қизиқиб кўрмаганлари кўп. Ҳолбуки, ҳар бир ўзбек ўзни англашни исмининг маъносини тушуниб олишдан бошлаши керак. Бу китоб шунга ҳам хизмат қилади.

Ёки ўтмиш адабиётимизни олинг. Бизнинг сўз санъатимизда ана шу «Муқаддас китоб»даги воқеалар ёхуд шу ҳикоялар марказида турган пайғамбарлар ҳақида озмунча ёзилганми? Албатта, ислом оламида бу диний тасаввурларнинг мўътабар манбаи — «Қуръон». Лекин «Қуръон»нинг исломгача мавжуд диний тасаввурлар билан чамбарчас алоқаси бор-да. «Муқаддас китоб суратларда» ўтмиш ўзбек адабиёти қаҳрамонлари ҳақидаги билимларимизни кенгайтиради, уларга янада аниқликлар киритади.

Биргина Навоий ижодининг яҳудий ва насроний дини талқинлари билан алоқадорлигини ўрганиш алоҳида бир тадқиқотга мавзу бўлгулик. «Муқаддас китоб суратларда»га кирган воқеалар билан Навоий асарлари ўртасидаги вобасталикни, лоақал, бирон мақолада ёритиш ниятимиз йўқ эмаслиги учун бу ерда гап очиб ўтирмаймиз.

Исломий ақидага кўра, яҳудийлар ва насронийлар кофир саналмайди. Чунки улар ҳам якка худога сиғинади, уларнинг ҳам пайғамбарларига оллоҳ тарафидан ваҳий қилиб юборилган муқаддас китоби бор. Шунинг учун исломда улар «аҳли китоб» дейилган. Ундан ташқари, «Қуръон»да Муҳаммаддан олдин ўтган пайғамбарлар тан олинади. Шу маънода қадимдан ҳам яҳудий ва насроний динлари тарихига қизиқиш ислом дунёсида кучли бўлганини айтиш керак.

Лекин Миҳаммад алайҳи ва салламдан олдинги пайғамбарлар эътиқоди ҳақида гап кетганда, гарчи улар «Қуръон»да кўп бор тилга олинган бўлса ҳам, «дини ислом» сўзларини ишлатиш мумкин эмас. Шу маънода Тошкентдаги Сақичмон масжидининг имом-хатиби Обидхон Собитхон ўғлининг оллоҳ Иброҳим алайҳи ва салламнинг «дини ислом»га(?) бўлган эътиқодини» синагани ҳақида гапириши ноўринлигини, Иброҳим пайғамбарнинг қурбонликка олиб борилган, аммо худо тарафидан ўрнига қўзи юборилган ўғли Исмоил (қаранг: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил, 6 июль) эмас, Исҳоқ эканини «Муқаддас китоб..»дан аниқлаштириб оламиз.

БИЗНИНГ ЮРТГА НАСРОНИЙ дини ҳатто ислом пайдо бўлишидан илгари кириб келган. М. Исҳоқовнинг «Сўғдиёна тарих чорраҳаларида» (1990) китобида ўқиймиз: «Ёзма манбаларга суяниб В. В. Бартольднинг аниқлашича, Самарқанд областининг ҳозирги Ургут райони Сўғдиёнада, балки Ўрта Осиёда христианлик тарғиботининг марказларидан бирига айланган экан. Шу ўринда Ургут яқинидаги Қўштепа номли ёдгорликда 1973 йили топилган хумнинг парчаси ҳақида айтиб ўтиш лозим. Бу сопол парчасида христианлик эътиқодидаги чўқинтириш маросими акс эттирилган муҳр излари сақланган. Унда қўлида китоб ва салиб (крест) тутган коҳин узун, тўкилиб турган пурвиқор кийимда тасвирланган. Унинг олдида тиз чўккан бош яланг киши, коҳин қўлидаги салибни тиз чўккан киши боши узра тутган ҳолда турибди. Чап қўлида эса китоб. Бу тасвир айни христиан диний маросимини, яъни чўқинтириш маросимини акс эттирган».

Шу рисолада араб босқинчиларига қарши қаттиқ кураш олиб борган ва охири араблар билан ярашишга мажбур бўлган Сўғд подшоси — Деваштич юртига қайтаётганда араб халифаси Хуросондаги ноибининг яширин буйруғи билан — «йўл устида ҳозирги Каттақўрғон яқинидаги Рабиджон [Робжон бўлса керак. — С. О., Ф. Н.] тепа яқинидаги қабристонда салибга (крест) михлаб, ваҳшийларча ўлдирилган». Шундан ҳам маълум бўляптики, Деваштич носроний динини қабул қилган, шунинг учун уни худди носронийлар пайғамбари — Исо каби хочга михлаб ўлдирганлар. Рисолада араблар босқинига қадар сўғдчага таржима қилинган христиан матнлари бўлгани ҳақида ҳам маълумот берилади.

Бизнинг заминда исломдан бурун зардўштийлик ҳам, монийлик ҳам, бутпарастлик ҳам, насронийлик ҳам бўлган. Кўриниб турибдики, Ўрта Осиё қадим-қадимдан жаҳоннинг бошқа маданий ўчоқлари, жумладан, Ғарб дунёси билан бевосита борди-келди қилган. Сўғд тили ўзбек тили эмас, албатта. Аммо «Муқаддас китоб»нинг ўзбекчага таржима қилиниши тарихини ана ўша узоқ ўтмишдан бошлаш керак. Умуман, «Муқаддас китоб»нинг тилимизга таржималари махсус тадқиқотга мавзу бўлгулик бой бир манба.

...Болалигимиз ўтган 60-йилларда, мактаб ўқитувчиларининг қаттиқ тазйиқига қарамасдан, моҳиятига унчалик тушунмаган бўлсак ҳам, намозгарлари ҳовлима-ҳовли юриб рамазон айтар, мана бу сатрларни берилиб куйлар эдик:

Пайғамбарнинг ўн бир ўғли бор эди,
Ўн бирдан шоҳ Юсуф гулузор эди.
Шоҳ Юсуфни овга олиб чиқдилар,
Жарга ташлаб: «Бўри еди», — дедилар.
Онаси йиғлаб чиқди жар бошига,
Чашмалар равон бўлди кўз ёшига...

Ана ўша «пайғамбар» ким? Нега Юсуф «шоҳ» деб аталяпти? Шоҳ Юсуф нега «гулузор», яъни «гул юзли» эди? Нега Юсуфни жарга ташладилар? Уни ким жарга ташлади?

Албатта, болалигимизда бу саволларга ҳаммамиз ҳам жавоб топаверган эмасмиз. Аммо «Муқаддас китоб суратларда» бизга Юсуф пайғамбар Ёқуб алайҳи ва салламнинг суюкли ўғли эканини билдиради. Ёки Ёқубнинг худо билан курашиб, оллоҳ тарафидан «Исроил» деган ном олгани, демак, Исроил мамлакатининг номи ҳам шундан эканини англаймиз. Юсуфнинг Мисрга ҳукмронлик қилгани (шунинг учун у «шоҳ Юсуф» дейилган), акалари ундан ҳасад қилгани (албатта, жарга ташлаш — исломдаги талқин, бу китобда улар Юсуфни қул сифатида Миср бойларига сотиб юборишади), унинг ниҳоятда хушрўй одам бўлганидан хабар топамиз.

Эски анъаналаримиздан оёғи узилмаган одамларга: «Бир туш кўрибман», —деб гап бошлашингиз билан суханингизни оғзингиздан олиб: «Юсуф пайғамбар ёр бўлсин!» — дейди. Бу — тушингиз яхшиликка чиқсин, деган дуо. Лекин нега энди туш ҳақида гап кетиши билан бошқа эмас, айнан Юсуф пайғамбардан мадад кутилади? Қўлимиздаги китобда ҳикоя қилинишича, Юсуф жуда кўп туш кўрар, айниқса, бировларнинг тушларини таъбирлашга устаси фаранг экан. Юсуф ҳақидаги ривоятлардан хабари бор халқларнинг ҳаммасида бу пайғамбар ана шу хислати билан ҳам машҳур. Биз эса бу нарсаларга рўё, битъат деб қараб келганмиз.

ШАРҚДАГИ РИВОЯТЛАРГА кўра, дунёнинг жами гўзаллигини ўн қисм деб олсак, худо шундан тўққизини Юсуфга, қолган бир қисминигина бошқа барча одамларга улашган. «Ўн бирдан шоҳ Юсуф гулузор» эканлиги шундан.

Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романида Исо «Иисус Назарянин», «юродив из Назарета», «родом из Назарета» деган ва шу каби таърифлар билан ҳам аталади. Иброҳим Ғафуров «юродив из Назарета»ни «Нусратдан чиққан девона», «сам родом из Назарета»ни «Нусратда дунёга келгансан», «Иисус Назарянин»ни «нусратлик Исо» деб ўгирган, бу тўғри йўл эмаслиги таржиманинг жарида нашри муҳокамаларида айтилган эди. Таржиманинг китоб нашрида эса «Нусрат»лар «Назарет» қилиб ўзгартирилган. Сабаб шуки, «Назарет» — жой номи. «Муқаддас китоб...»даги: «Исо узоқ Фаластин ўлкасининг Бейтлеҳем шаҳрида туғилди»; «Исонинг туғилишидан олдин Марям (Исонинг онаси. — С. О., Ф. Н.) Назарет шаҳрида яшар эди»; «Юсуфнинг (Марямнинг турмуш ўртоғи. Лекин Исонинг отаси эмас. Исонинг отаси — худо. — С. О., Ф. Н.) тушида маълум бўлдики, чақалоқ Исо у билан илгари Марямнинг эрга чиқмаганидан олдин яшаган шаҳарига, яъни Назаретга бориши керак»; «Исо Назарет шаҳрида яшаб, ўша ерда тарбия олар эди», —каби жумлалардан маълумки, Исо Назарет шаҳрида воyaга етган. Шунинг учун китобда: «Бу Галилиянинг Назарет шаҳридан Исо пайғамбардир», «назаретлик Исо» деб аталади. Кўриниб турибдики, «Назарет»ни ўзбекчада «Нусрат» деб бўлмайди. Чунки «нусрат» сўзининг «зафар» («ғалаба», «ютуқ») ҳамда «ёрдам» («кўмак», «мадад») маънолари бор. Шунинг учун «Қиёмат» таржимасида «нусратлик Исо» бирикмасининг «Исо Назарли» деб ўзгартирилиши ҳам маъқул эмас, негаки буни ўзбек ўқувчиси «назари ўткир Исо» ёки «назарга тушган Исо» деб тушуниши мумкин. Кўриняптики, «Муқаддас китоб..» насроний ва яҳудий динига алоқадор воқеаю тушунчалар баён этилган талай бадиий асарларни ўзбек тилига ўгириш учун ҳам яхшигина дастур бўла олади.

Биз, асосан, бу китобнинг маърифий аҳамиятига тўхталдик. Аммо, аслида, унинг ахлоқий-маънавий тарбия учун муҳим жиҳатлари жуда кўп. Бир нарсага амин бўласизки, дини, миллати, яшаган жойию замонидан қатъи назар, одамларнинг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги умумий қарашлари ўзаро жуда мос. Чунки эзгуликнинг миллати бўлмайди. Бинобарин, Нуҳ пайғамбар ҳақидаги ривоятларга кўра, инсоният ер юзини гуноҳларга тўлдириб юборгани учун худонинг ғазабига учраб, тўфон туфайли бир бор тамоман қирилган, фақат худога меҳр ва у билан бўлган аҳдини бузмагани учун Нуҳ пайғамбарнинг оиласи ва яқинларидангина иборат бир кема киши омон қолган экан. Тўқима бўлса бордир, бироқ бу инсонни ёвузликлардан кечиб, эзгулик сари интилишга ундов эмасми?!

«Муқаддас китоб»нинг муҳим бир жиҳати шундаки, унда суратлардан четга чиқадиган қуруқ диний тарғиб йўқ. Асосан, ўша суратлар шарҳланади, диний китоблардан парчалар келтирилади. Сўнгги саҳифалардагина мана бундай жумлаларга дуч келамиз: «Худонинг сўзи ўқитадики, Исо Христоснинг ўлими орқали дунёнинг барча қавмлари ичидан, демак, ўзбек халқи ичидан ҳам, кўплар қутқариш топадилар... Азиз китобхон, бизнинг ибодатимиз ва истагимиз шундан иборатки, сен ҳам уларнинг бири бўлгин. Худонинг сўзини ўқигин. У қутқариш йўлини ўргатади». Бу билан, ноширлар ҳам яхши биладики, ўзбеклар насроний ёхуд яҳудий динига ўтиб қўя қолмайди. Аммо, ҳар бир динда бўлгани каби, бу китоб мутасаддилари ҳам фақат шу диннигина тарғиб қиладилар, ундан бошқа динлар билан ҳисоблашмайдилар: «Муқаддас китоб биринчи саҳифасидан тортиб охирги саҳифасигача — Худонинг сўзидир. Худонинг сўзи бошқа бирорта ҳам китобда эмас, балки фақат Муқаддас китобда акс эттирилгандир.»

Маълумки, ислом талқинига биноан, «Қуръон» Муҳаммад пайғамбарга ваҳий қилинганидан кейин оллоҳ илгари юборган китоблари — «Қадимий аҳд» ва «Янги аҳд»ни инкор этади, нафақат Шарқ халқлари, балки бутун башариятни мусулмонликка чорлайди, Муҳаммад бутун инсониятнинг сўнгги пайғамбари ҳисобланади. «Қуръон» ҳам бевосита оллоҳнинг сўзи деб талқин этилар экан, фақат «Муқаддас китоб» («Библия»)гина худонинг сўзи, дейиш нотўғри.

Китоб русчадан ўгирилган. Бу таржима тилида сезилади. Унда тожикча жумла тузилишлари, бухороча шевага хос сўзлар ҳам учрайди. Шунга кўра, биз таржимон — доктор Юсуф Ғулкаров асли бухоролик бўлиши керак, деган фикрга келдик.

Ўзбек таҳрир маданиятининг бугунги даражаси нуқтаи назаридан қаралганда, матнда қалам теккизишга муҳтож ўринлар борлигини ҳам қайд этиш керак.

УМУМАН, «МУҚАДДАС КИТОБ СУРАТЛАРДА»ни — шундай тап-тайёр ва зарур манбани жумҳуриятимизда қайта нашр этиш керак. Шунда биз дунёнинг буюк бир бойлигига эга бўламиз. Нашриётларимиз мутасаддилари диққатини тортиш учун ҳам биз китобнинг қайси жиҳатлардан керак эканини асослашга кўпроқ эътибор бердик. Умидимиз борки, нашриётларимиздан бири уни чоп этишни зиммасига олади. Бу эса маънавий жиҳатдан улкан фойда келтиради, ишонамизки, нашриёт иқтисодий томондан ҳам зиён кўрмайди. Ахир, китобхонларимиз бундай нашрларга жуда-жуда ташна.

МАШРАБ ТАРЖИМАИ ҲОЛИГА ДОИР ҚАЙД

Боши учинчи бетда

Наманган шаҳридин кетсам,
мени йўқлар кишим борму?
Ғариблик шаҳрида ўлсам,
мени йўқлар кишим борму?
Қани қавму қариндошим,
бу йўлда бўлса йўлдошим,
Кўзимдин оқизиб ёшим,
мени йўқлар кишим борму?
...Қарорим йўқ турай десам,
Наманганда юрай десам,
Жаҳонни сайр этиб кезсам,
мени йўқлар кишим борму?

Бу мисраларда шоир она шаҳридан, туғилиб ўсган элидан жудо бўлган, мусофир шаҳрида уни йўқлайдиган кишилар йўқлиги тўғрисида ёзмоқда. «Девонаи Машраб» қиссасида ёзилишича, 18 йиллик саргардонликдан кейин шоир оғир касал ётган онасини кўриш учун Наманганга қайтади, онасини дафн этиб, сафарга отланади. Кейинчалик мусофирликда юрган Машраб ўз ҳамшаҳарларини учратади:

Наманган шаҳридин, дўстлар,
мени меҳмонларим келди,
Отам бирла онамни билгучи ёронларим келди.

КЕЙИНГИ ВАҚТДА Машраб таваллуди ҳақида муҳим манба, унинг бир ғазали топилди (ЎзФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, сақланиш рақами 1017, 198-варақ). Бу ғазалда шундай байт бор:

На малакман, на фаришта, мен ҳам одам наслидин,
Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангониман.

Шоир ўзи «мен Наманганда туғилганман» деб турса-ю, биз уни инкор этсак! Агар Фитрат ва бошқа тадқиқотчилар бу шеърни кўрганда, ҳеч ҳам Машрабни Андижонда туғилган демаган бўлардилар. Ушбу шеър эълон этилгандан кейин Ғафур ака наманганлик зиёлилар билан бир суҳбатда: «Мана шу шеър Машрабнинг туғилган жойини кўрсатиб берди, энди баҳсга ўрин қолмади», — деб айтган. А. Абдуғафуров томонидан тайёрланган ва Машрабнинг Наманганда туғилганлиги илмий исботланган «Машраб. Танланган асарлар» китобига Ғафур Ғулом ўзи тақриз ёзиб берган. (1963 йили чоп этилган бу китоб 1971, 1979, 1980 йиллари қайта нашр этилган.) Бу тўплам «Машраб. Избранное» номи билан 1980 йили рус тилида нашр этилди, унда ҳам Машрабнинг Наманганда туғилганлиги қайд этилган.

Илмий адабиётда одатда кейинги топилган янги маълумотларга асосланилади, кўп олимлар ўзининг аввалги йўл қўйган хатосига иқрор бўлиб, янги аниқланган илмий маълумотни тан олади. Жумладан, академик В. Абдуллаев «Ўзбек адабиёти тарихи» 2-китобининг кейинги — 1980 йилги нашрида (142-бет) аввалги нашрдаги хатосини тўғрилаб, Машрабни Наманганда туғилган деб кўрсатади. Ҳамид Ғулом буни ҳам кўрмабдилар.

Муҳтарам адибимиз фақат Фитрат, Ғ. Ғулом сўзини такрорлаган, лекин Фаҳмий, С. Айний, Н. С. Ликошин, А. Абдуғафуров номларини ва Машрабнинг юқорида биз келтирган шеърини тилга олмаган. Умуман, Машраб ҳақида кейинги ҳамма илмий тадқиқотлар Ҳамид Ғулом эътиборидан четда қолган.

Ҳамид Ғулом мақоласида «Абдурауф Фитрат, академик Воҳид Абдуллаев, профессор А. Ҳайитметов жуда тўғри қайд этганларидек, ва, Ғафур Ғулом «Икки Машраб» сарлавҳали мақоласида тўғри ёзганидек, Бобораҳим Машраб» 1640 йилда Андижонда бўзчи Валибобо оиласида туғилган. Лекин бу ночор оилани бечораҳоллик ўз ғариб (яъни, бошқа юртда яшаётган — **И. А.**) кулбасини ташлаб, бошқа бир ерга кўчиб кетишга мажбур этган. Валибобо Наманганга кўчиб келган ва шаҳарнинг чекка маҳаллаларидан бирига ўрнашиб, косиблик касби билан шуғулланган». Бу ерда иккита чалкашлик бор. Биринчидан, Ғ. Ғулом, А. Ҳайитметов ва бошқалар Машрабни 1657 йили туғилган деб ёзишган. Фақат А. Абдуғафуров шоирнинг 1640 йили туғилганлигини илмий асослаб берди ва шу сана тан олиниб, бўлажак юбилейга асос қилиб олинди. Иккинчидан, Ҳамид Ғулом бу ерда Машрабнинг Андижонда туғилганлиги ҳақида қатъият билан айтаётган сўзларини қайси манбадан олганларини айтмаганлар.

Мақоладаги мана бу жумлаларни кўрайлик: «Машраб болалик чоғидаёқ илмга чанқоқ бўлиб, аввал Андижонда ўз маҳалласида бир мулла киши хонадонидаги мактабда ўқиди. Унинг бўзчи отаси ҳам анча ўқимишли бўлса керак, токчасига терилган китоблардан ўғлининг баҳраманд бўлишига йўл қўйиб берди. Бобораҳимнинг чанқоғи бул ирмоқлардан қонмагач, илмга толиб ўғлини ота мадрасага бериб ўқитишга аҳд қилади ва бу оиланинг Наманганга кўчиб келишига ана шу эҳтиёж сабаб бўлган деб ҳисоблашга асос бор». Асос бўлса, у қайси манбада, қаерда? Ҳамид Ғулом буни кўрсатиб беролмаган. Нима учун у аввал «бечораҳоллик ўз ғариб кулбасини ташлаб, бошқа бир ерга кўчиб кетишга мажбур этган», дейди-да, кейин ўғлини ота мадрасага бериб ўқитишга аҳд қилгани учун Наманганга кўчиб кетишди, дейди. Қайси бири тўғри? Булар фақат муаллифнинг бадиий тўқимасидир.

МАҚОЛАДА ЯНА Ғ. Ғуломнинг «Бобораҳим Машраб ижоди аллақачонлардан бери ижтимоий аҳамият касб этган бўлиб, унинг номи халқимиз ҳаёти ва тарихида мутаассибликка, ислом ақидаларига қарши курашнинг байроғи бўлиб келди», — деган, Машраб ижодига нисбатан нотўғри баҳоси келтирилган. Машраб ҳеч қачон динга қарши курашмаган, у ўта тақводор, художўй, тасаввуфнинг Аҳмад Яссавий, Жомий, Навоий каби йирик вакили бўлган. Унга ҳозиргача туҳмат қилиб келганимиз етарли бўлса керак.

Ҳамид Ғуломда араб ёзувидаги манбалардан фойдаланиш имкони йўқ. Мен у кишининг уйларида 12 соат ўтириб, «Девонаи Машраб» қиссасини ўқиб берганман ва улар керак жойларини ёзиб олган эдилар. Шунда мен: «Ҳамиджон ака, роман ёзсангиз, иккита нарсага эҳтиёт бўлинг: Машрабни даҳрий қилманг ва унинг туғилган жойини тўғри белгиланг», — деб, бу фикр илмий асосланганини айтган эдим ва «Ўзбек адабиёти тарихи» академик нашрининг Машраб ҳақидаги мақола бор III жилдни олиб бориб берган эдим, Машраб ҳақидаги илмий асарлар билан танишишни, кейин роман ёзишни тавсия этган эдим. Машрабнинг юқорида мен келтирган шеърини ҳам эслатдим. Шундан кейин менинг мақолам босилди ва, мана, етти йил ўтибдики, унга ҳеч қандай акс садо, эътироз билдирилмади. Ҳамид Ғулом ўз романларида, барибир, Машрабни Андижонда туғилган, деб ёздилар. Энди бу мақолани чоп эттирибдилар. Аллақачон узил-кесил исботланган воқеа ҳақида ғайриилмий гапларни такрорлаш керакмиди?

Исматулла АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор

ҚОТИЛ ПРОКУРОР

Куни кеча «Литературная газета»да (1990 йил, 10 октябрь) Аркадий Ваксбергнинг «Прокурор ўлим жазосини кутмоқда» номли мақоласини ўқиб даҳшатга тушдим. Унда Вячеслав Шараевский номли кимса — район прокурори ўз укаси Геннадий билан биргаликда бухгалтер ва кассир бўлиб ишлайдиган икки аёлни ўлдириб, давлатнинг катта миқдордаги пулини ўзлаштирганликлари баён этилади. Бунинг янада даҳшатли, машъум жойи шуки, ана шу одам қиёфасидаги иблис — прокурор яқин-яқинда Ўзбекистонда «адолат»ни ўрнатишда Гдлян, Иванов бошчилигида «қаҳрамонлик» кўрсатган экан. У ўзбек деҳқонлари, ҳуқуқшуносларига ҳақиқат, қонуният хусусида «сабоқ» берган. Ўз юртига қайтиб боргач унинг қилмишлари юксак тақдирланган.

Агар бу қотил Шараевский одам ўлдириб қўлга тушмаганда, эҳтимол, яна неча бор Ўзбекистонга тартиб ўрнатиш, «адолатни» олиб кириш учун сафарбар этилармиди. Ахир ҳозирги кунда ким Фарғона, Қўқон, Паркент, Ўш, Ўзгандаги воқеаларни тафтиш этишга Марказдан юборилган прокурорлар орасида Шараевский каби жаллодлар йўқ деб кафолат бера олади?

Юқорида қайд этилган ҳафталикнинг иккинчи саҳифасида яна бир ажабтовур хабар эълон қилинди. А. Шелихова исмли мухбир Москва, Ленинград, Новосибирск, Свердловск, Якутск, Кемерово каби шаҳарларда озиқ-овқат масаласи жуда оғир, хароб ва қимматчилик эканлигини айтиб, Тошкентда эса ош-нон, озиқ-овқат мўл кўллигини, арзонлигини таъкидлайди. Тошкентда жуда яхши яшаш мумкин, деб уқтиради. Айниқса, А. Шелихованинг Тошкентда ароқнинг жуда кўп миқдорда борлигини, уни ҳеч ким олмаётганлигини уқтириши мамлакатимиздаги барча ароқхўрларга жуда хуш ёқса ва уларни биз томон тараддудга солса ажаб эмас.

Бундай хабардан сўнг жумҳуриятимизга, Тошкентга ҳар хил товламачилар, ишдан қочганлар оқиб келмайдими? Энг даҳшатлиси шундаки, бу мухбирнинг жумҳуриятимизда озиқ-овқат масаласида аҳвол ниҳоятда оғир бўлиб турган, халқимиз тирикчилигини ўтказиш, бола-чақасини боқиш, жонини омон сақлаш учун интилаётган аҳолимизнинг ярмидан кўпи қашшоқликда яшаётган бир пайтда бу ёлғонни марказий матбуотда овоза қилиши нимага керак бўлди экан?

Ўйланиб қоламан, наҳотки халқимиз, раҳбарларимиз, мутасадди ташкилотлар, қўйингчи, ўзимиз — ҳар биримиз шунчалик беғам, журъатсиз бўлиб бундай ёлғонларга кўникиб яшайверсак!

Ҳожимурод РАСУЛОВ,
Ўзбек Қомуси адабиёт ва тил таҳририятининг мудири, филология фанлари номзоди

куюнчак газетхонлардан хатлар

ДИЛХИРАЛИК ЛОЗИММИДИ?

Албатта, ҳар бир киши ўз қуввайи ҳофизаси доирасида фикрлайди, мулоҳазаларини бошқалар билан бўлишгиси келади. Мен «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг шу йил 20 июль сонида эълон қилинган «Ҳордиқ ўрнига таҳқир» деб номланган мактубни ўқиб чиққач унга муносабат билдиришни лозим деб топдим. Мактуб муаллифи Болтиқбўйи томонга саёҳатга бориб, у ердан ранжиб қайтган.

Ҳозир дунё ишларидан ўртачароқ хабардор бўлган ҳар бир одам мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларнинг туб сабаблари ҳақида етарли тушунчага эга. Чунончи, бу ўзгаришлар регионлараро иқтисодий муносабатларни қайта қуриш таъсирида содир бўлмоқда. Бу жараёнда истеъмол бозори маълум муддат қаҳатчиликка юз тутиши аён. Буни ҳаммадан олдинроқ ҳис этган Болтиқбўйи жумҳуриятлари ўз фуқароларининг таъминотини барқарор сақлаш мақсадида қатор тадбирларни қўлладилар. Яъни, Латвия ва Литвада саноат моллари, шунингдек, озиқ-овқатнинг айрим турларини фақат ўз фуқароларига сотиш, алоқа бўлимлари орқали шундай молларни жумҳуриятдан ташқарига чиқармаслик тўғрисида қарор қабул қилинди. Буни тўғри тушуниш керак, деб ўйлайман.

Пул тўлаб саёҳатга чиққан одамнинг овқати тайин бўлади. Агар шу масалада узилиш бўлган бўлса, буни саёҳат ташкилотчилари орқали ҳал этиш зарур эди.

Рига шаҳрида бир мунча муддат яшаганим боис айтишим мумкинки, бу шаҳарларда ёдгорликлар, эсдалик буюмлари сотишда ҳеч ким ҳужжат суриштирмайди, ширкатлар ишлаб чиқарган моллар, жумладан қандолат эркин савдода. Бозорда эса, гўшт-сут маҳсулотларининг исталган хилини топасиз.

Машҳур ва гавжум шаҳар Ригада сайру-саёҳат умидида борган одам томоша қилиб завқланиши, авайлаб сақланишига ҳавас қилиш мумкин бўлган иншоотлар жуда кўп. Эски шаҳарнинг маржондек тош тўшалган кўчалари, музейлар, Дом ибодатхонаси, бу ердаги нодир музика асбоби — орган куйларини тинглаш нақадар мароқли.

Тўғри, ҳамма жойда бўлгани каби, у томонларда ҳам савдо-сотиқда ўзига хос камчиликлар мавжуд. Мен совуқ муомалани, харидорни писанд қилмасликни оқламоқчи эмасман. Бунақа гаплар бор. Аммо битта жузъий мисол қатъий ҳукмга асос бўлмагани маъқул.

Мактуб муаллифи билан бу борада фикрларимиз бир жойдан чиқишига ишонгим келади.

А. АБДУБАННОПОВ

ЎТМИШ МАДАД СЎРАЙДИ

Жумҳурият халқ депутатлари эътиборига

ЎТМИШНИ БИЛМАГАН, қадрламаган халқнинг ойдин келажаги ҳам бўлмайди. Келажакнинг томири ўтмишдан бошланади, у шу томир орқали озиқланиши, ўтмишнинг донолигисиз келажак қашшоқланиб қолиши чин ҳақиқатдир. Бугун маданиятнинг юксак поғонасига кўтарилган давлатлар ўз ўтмишларини ўрганиш борасида катта ғамхўрлик қилаётганликларининг сабаби ҳам шундадир.

Бизнинг ўтмишимизни сўзлаб берадиган, ойдинлаштиradиган асосий манба бу жумҳуриятимиз худудида сақланиб қолган археологик ёдгорликлардир. Улар бугунги кунда тепаликлар ва харобалар ҳолида бўлиб, ўз ғаворларида ибтидоий даврдан тортиб, то яқин ўтмишимизгача бўлган тарихимизга оид сир-асрорларни сақлаб келмоқдалар. Ўзбекистон худудида қадимда Бақтрия, Сўғдиёна, Хоразм, Фарғона, Уструшона каби қудратли, илми, санъати ва маданияти гуллаб-яшнаган давлатлар бўлган. Шунингдек, бу ўлкадан қадимда Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган Буюк ипак йўли ўтган. Бу йўлдан карвонлар савдо-сотиқ моллари билан бирга, ақидалар, тасаввурлар, тушунчалар, санъат асарлари, китоблар ва инсоннят даҳосининг маҳсули бўлган бошқа нарсаларни ортиб ўтган. Шу билан бирга, бу ёдгорликларда нафақат ўзбек халқининг, қолаверса, Турон заминида яшаб келаётган тожиклар, уйғурлар, қозоқлар, туркманлар ва қорақалпоқларнинг ҳам ўтмишларига тааллуқли маълумотлар сақланиб қолган. Афсуски, бу ёдгорликларнинг энг сара, ноёблари манқурт, калтабин тўралар ва онгсиз кишилар томонидан ваҳшиёна вайрон қилинди. Қимматли ёдгорликларни вайрон қилиш, улар ўрнига иншоот қуриш, ўғит сифатида экин майдонларига солиб юбориш бугун ҳам давом этмоқда. Биз келажакда турли фан соҳаларида катта ютуқларга эришишимиз мумкин, лекин бу ютуқларнинг ҳеч бири йўқ қилинган бирорта ёдгорликни тиклашга қодир бўлмаслиги аниқ. Вайрон қилинган ҳар бир ёдгорлик — абадий йўқлик қаърига сингиб кетиши аён.

Бу борада бизга Орол тақдири катта сабоқ бўлиши керак. Оролни қуритиб, энди кўз ёш тўкмоқдамиз. Афсуски, денгизни кўз ёшлари билан тўлдириб бўлмаганидек, йўқ қилинган ёдгорликни ҳам ҳеч қачон тиклаб бўлмайди. Шунинг учун бугун жумҳуриятимиздаги археологик ёдгорликларни асрашга астойдил киришишимиз керак. Агар бир ҳақиқатан ҳам мустақил, инсонпарвар, юксак савияли ва маданиятли давлат барпо этишни мақсад қилган бўлсак, ўз ўтмишимизга ғамхўрлик, эгалик қилишимиз лозим. Очиғини айтганда, жумҳуриятимизда археологик ва маданият ёдгорликларни сақлашга ҳеч бир ташкилот чинакам ғамхўрлик қилаётгани йўқ. Мутасадди ташкилотлар тарқоқ, бири-бири билан боғланмаган ҳолда пала-партиш иш олиб бормоқдалар. Шунингдек, бу соҳаларда тасодифий, тарихдан бехабар шахслар тўлиб ётибди. Шунинг ўзи ҳам бу соҳага панжа орасидан қараётганини кўрсатиб турибди.

Маълумки, жумҳуриятимиздаги археологик ёдгорликлардан топилган осори атиқалар асосан Москва, Ленинград ва чет эллардаги музейларда, шахсий жамғармаларда сақланмоқда. Афсуски, ҳозир ҳам ташиб кетишга чек қўйилгани йўқ. Бу осори атиқалар ўз ватанига қайтарилиши, уларни бир жойга тўплаш ҳақида ғамхўрлик қилиниши керак. Шу ишларни ўз зиммасига оладиган Археология музейи маркази очилиши зарур. Марказ ноёб топилмаларни авайлаб-асраш, таъмирлаш ва халқ ўртасида кенг тарғибот ишлари билан шуғулланиши керак.

Шунинг учун биз жумҳуриятимиз парламентининг виждонли халқ вакиллари, депутатларга мурожаат қилишни лозим топдик. **Сизлардан Ўзбекистонда жойлашган археология, тарих ва маданият ёдгорликларини асраш ишларини жумҳурият Маданият вазирлиги тасарруфидан олиб, Вазирлар кенгашига бўйсунувчи, мустақил, тарихий меросни асраш ва ундан фойдаланиш Давлат комитети тузиш таклифи билан чиқишингизни сўраймиз.**

Юзага келган аҳволнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаким, бундай улуғ ва машаққатли иш Маданият вазирлиги ва тарихий ёдгорликларни асраш жамияти зиммасига юклатилганлиги ўзини оқламади. Улар бирорта ёдгорликни бузган айбдорни ушлаб, жазога тавсия қилганларини эслай олмаймиз. Шунингдек, ҳозир амалдаги тарихий ва археологик ёдгорликларни сақлаш ҳақидаги қонун ҳам бугунги кун талабига жавоб бермайди. Бу қонун ёдгорликларни асраш борасида чинакам қалқонга айланолмади. Қонун янгидан, юксак савия билан қайта яратилиши, у ёдгорликларни асрашда ҳақиқий қуролга айланиши лозим. Шу билан бирга, ҳақли равишда халқимизнинг моддий-маданий мероси бўлган осори атиқалар четга ташиб кетилишини тақиқлайдиган қонун қабул қилиш ва ватанимиздан топилган барча ёдгорликлар, қаерда сақланишидан қатъи назар, уларни Ўзбекистоннинг мулки деб эълон қилиш керак.

Ёдгорликларни асраш учун фақат қонун қабул қилишнинг ўзи етарли эмас. Аввало, жумҳуриятимизда хўжалик юритиш ишларини тўбдан ўзгартириш керак. Чунки нотўғри хўжалик юритиш, суғориш ишларининг тўғри илмий йўналишда олиб борилмаганлиги кўпгина вилоятларимизда ер ости сувларининг сатҳи сунъий равишда бир неча марта ошиб кетишига олиб келди. Бунинг таъсирида кўпгина ёдгорликлар вайрон бўлди ва бўлмоқда. Аждодларимизнинг заковати, меъморчиликдаги юксак истеъдодларини бутун жаҳонга кўз-кўз қилиб турган Самарқанд, Бухоро, Хивадаги масжиду мадрасалар, пурвиқор миноралар бугун ер остидан кўтарилган намлик оқибатида шикастланмоқда. Агарда бунинг олди олинмаса, оқибати жуда аянчли бўлиши муқаррар.

Шуни тан олишимиз керакки, жумҳуриятимиздаги тарихий шаҳарларда жойлашган меъморий обидаларни таъмирлашнинг тўғри, аниқ усуллари яратилмаган, ўрта асрларда қўлланган бўёқлар ва кошинларнинг сир-асрорлари тўлиғича очилмаган. Оқибатда ҳозирги таъмирлаш ишлари шоҳи либосга солинган чит ямоқни эслатади. Обидаларнинг деворлари сиртига янгитдан ёпиштирилган кошинлар 5—10 йилга етмай қўпчиб, шишиб тушиб кетмоқда. Бинобарин, ўзимизнинг қўлимиздан келмас экан. Эрон, Ҳиндистон, Миср ва бошқа Шарқ мамлакатларида бу борада қилинаётган ишлардан ўрганишимиз керак. Эҳтимол, у томонлардан усталар чақиришимиз лозимдир. Москва ва Ленинграддаги меъморий обидаларни таъмирлашда чет эллик усталар кенг суратда жалб қилинаётганини аён. Бизнинг обидалар ҳам шундай ғамхўрликка муносиб, деб ўйлаймиз. Бунинг учун бировдан маблағ сўрашнинг кераги йўқ. Чунки бу ёдгорликларнинг ўзи ҳар йили бир неча миллионлаб валюта ҳисобида даромад келтиради. Лекин бу валюта марказда қолиб кетмоқда. Ўша маблағнинг катта қисми тарихий шаҳарларимизнинг ободончилигига ва обидаларни таъмирлаш ишларига сарфланса, адолатли иш бўларди.

Ўзбекистонда жойлашган археологик ёдгорликларни ўрганадиган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Самарқандда жойлашган Археология институтида ҳам бир талай муаммолар мавжуд. Аввал иқтисод деганларидек, шуни айтишимиз лозимки, институтда ишловчиларнинг иш ҳақлари олий ўқув юртида ишлайдиганларникига қараганда анча оз. Шунинг учун бир неча йиллар машаққат чекиб, етук мутахассис бўлган кишилар оила боқишга қийналганларидан, олий ўқув юртларига ишга кетишга мажбур бўлмоқдалар. Биз, албатта, фақат археологларнинг иши ўта муҳим ва шунинг учун алоҳида эътиборга сазовор бўлиши керак, деган фикрдан йироқмиз. Лекин фақат ночор ватанпарварлик билан ҳам йироққа бориб бўлмаслиги аён. Қолаверса, археология институтлари иттифоқимизда бор-йўғи учта бўлиб, Москва ва Киевдаги институтларнинг ходимлари I категория бўйича маош олсалар, бизнинг институтдагилар эса 20 йилдан буён II категория бўйича маош оладилар. Бу масалани ҳукумат раҳбарлари ўйлаб кўрсалар, ёмон бўлмасди.

Археологларни уй-жой билан таъминлаш ҳам ҳал бўлмаётган муаммолардандир. Шахсий уй-жой қуриш учун ер сўраб, институт раҳбарлари йил бошидан буён Самарқанд шаҳри ва ноҳияси раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилдилар,. Лекин бу масала шу кунга қадар ижобий ҳал бўлгани йўқ.

Яшаш кундан-кунга қимматлашиб бораётганлигига қарамай, археологларга бериладиган сафар маошларининг (командировка харажатлари) миқдори Улуғ Ватан урушидан аввал белгиланганидан ўзгаргани йўқ. Археологик тадқиқотлар учун ажратилаётган маблағ бошқа жумҳуриятлардагидан кўра бир неча баробар камдир. Ваҳоланки, жумҳуриятимиз археологик ёдгорликларга бойлиги билан бошқалардан анча олдинда туради.

Тан олиш керакки, шу пайтгача бизда археология фақат археологлар учун бўлиб келди. Барча миллий асарлар рус тилида яратилади ва яратилмоқда. Биз ўзбек халқи ўз тарихини она тилида ўқишга ҳаққи бор, деб ўйлаймиз. Шунинг учун кенг халқ оммасига ўтмиш ҳақида ўзбек тилида билим берадиган журнал очиш мавриди келди. Шунингдек, ўзбек тилини мутлақо билмайдиган кишилар бемалол ўзбек халқи тарихини яратиш билан шуғулланаётганликларини қандай изоҳлаш мумкин!

Археология институтига ёш мутахассислар етказиб берадиган В. И. Ленин номидаги ТошДД ва Алишер Навоий номидаги СамДДларининг археология кафедраларида машғулотлар ҳамон эскичасига, фақат рус тилида олиб борилмоқда. Бундай ҳолга чек қўйиш керак. Археологияни пахтакор ҳам, чорвадор ҳам, журналист ҳам, олим ҳам бир хил тушунадиган даражага олиб чиқиш лозим. Тўғри, бу ғоят машаққатли иш. Лекин тарих, халқимизнинг бугунги аҳволи шуни тақозо қилади.

Жумҳуриятдаги барча олий ўқув юртларида ва бошқа илм даргоҳларида Ўзбекистон тарихини тўлақонли ўргатиш тўғрисида аҳчадан буён мунозара бўлмоқда. Энди сафсатабозликка чек қўйиб, пухта режа асосида ишни бошлаш даври келди.

Темурийлар даври тарихи Ўзбекистон тарихининг йирик ва муҳим қисмини ташкил қилади. Самарқандда темурийлар даври санъати, маданияти ва фанини намойиш этадиган музей очиш керак. Чунки тарихнинг ҳар бир даври ҳеч бир чеклашларсиз ўрганилиши шарт. Бу масалалар бўйича Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг раҳбарлари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деб ўйлаймиз.

Жумҳуриятимизда яхши ният билан маданият жамғармаси тузилган эди. Ўша маблағнинг ҳар бир сўми зарур ишларга, оқилона сарфланса адолатли бўларди. Жумҳуриятдаги музейларнинг ҳам аҳволи танг. Уларга шу пайтгача ҳеч ким лойиқ эътибор билан қарамади. Ваҳоланки, музейлар катта маърифат ўчоғи ва халқнинг ўтмиш хотираси сақланаётган муқаддас жойдир!

Жумҳуриятимиздаги археологик ва тарихий ёдгорликларнинг сақланиши, аввало, ҳаммамизга боғлиқ. Агарда биз бу ёдгорликларга муқаддас эҳромдек қарамас эканмиз, номус ва ориятни ҳимоя қилгандек, ҳимоя қилмас эканмиз, уларни ҳеч бир қоида ёки қонун манқуртлар тажовузидан асраб қололмайди. Бир неча марта ёвуз босқинчилардан омон қолиб, бизгача етиб келган ёдгорликларни, ўз қўлимиз билан вайрон қилишимиз инсофдан эмас. Зеро, археологик ёдгорликлар бизнинг қимлигимизни кўрсатадиган ойнадир. Шунинг учун ҳар бир халқ ўз тақдирига, ўтмишига ўзи ғамхўрлик қилиши керак. Бизнинг ёдгорликларимизни бироз келиб бузиши мумкин, лекин бировлар уни қўриқлаб бермайди.

Бу масалани ижобий ҳал қилишда матбуот, радио-телевидение ва нашриётларнинг ходимлари ҳам бош қўшсалар айни муддао бўларди. Ўтмишимизнинг тирик гувоҳлари — археологик ёдгорликлар халқ ўртасида қанча кўп тарғиб қилинса, шунча катта фойда келтиради. Бугунги кунда бой ўтмишимиз биздан мадад кутмоқда, улар бизнинг меҳр-шафқатимизга муҳтож. Бу борада келажак биздан ҳисоб сўрайди, ўшанда авлодлар олдида юзимиз шувит бўлиб қолмасин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Археология институтининг бир гуруҳ олимлари: **Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Боқижон МАТБОБОЕВ, Жамолиддин МИРЗОАҲМЕДОВ, Ғуломжон МИРЗАЛИЕВ, Шоймардон РАҲМОНОВ, Аминжон БОТИРОВ, Мухтор ПАРДАЕВ, Шопўлат ШАЙДУЛЛАЕВ**

ТИРИКЛИК БЕЛГИСИ

ЖУМҲУРИЯТ МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ РЕКТОРИ СИРОЖИДДИН КАРИМОВ БИЛАН БЎЛГАН СУҲБАТ МУСИҚА САНЪАТИ МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА БОРАДИ

— Суҳбатимизни ҳамма соҳада бўлгани каби маданий соҳамиз муаммолари, унинг бир бўлаги бўлган мусиқа маданияти, мусиқа санъати масалалари хусусидаги мулоҳазаларимиз билан бошласак, — **дея сўз бошлади С. Каримов.** — Ҳақиқатда ҳам бу жиддий муаммолар менинг назаримда атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга виждон, имон кўзи билан қараб, баҳо беришга даъват этади. Маданият соҳасининг ҳодими сифатида мени сўнгги пайтларда хурсанд қилган нарса шу бўлдики, жумҳуриятимиз ва мамлакатимиз коммунистларининг бўлиб ўтган съездларида иштирок этган делегатлари орасидаги маданият ходимлари гарчи ҳозирча кўп нарсага эришолмаган бўлсалар-да, кўпчиликнинг кўзини очишга, инсон зоти фақат нон билангина тирик эмаслигини кишиларимизнинг маънавий дунёсига назар ташламай, уни пухта билмай туриб, иқтисодиётни, сиёсатни кўтариб бўлмаслигини тушунтиришга уринди-лар. Халқ маънавияти булоқлари кўзини беркитганимиз, инсоннинг қалб, тафаккур деб аталмиш нозик томонларини унутганимизнинг мевасини татиб турибмиз.

— Ана шу эзгуликни, маданиятни, маънавий бутунликни қайтаришда мусиқанинг хизмати, айниқса, Шарқ мусиқасининг аҳамияти буюклиги хусусида ўзингиздан кўра четда кўпроқ гап бўлаяпти...

— Фикрингиз менга Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Шарқ классик мусиқаси халқаро симпозиумида қатнашган Белфаст университетининг профессори Жек Блекнгнинг ҳаяжонли сўзларини эсимга солди. Олимнинг айтишича, Шарқ мусиқаси унга беқиёс таъсир кўрсатармиш. У мақомларимизни, «Ушшоқ», «Дугоҳ»ларни тинглаганда унинг вужуди ором олиб, қалби сокинлашиб, тозариб, боряётганини ҳис қилиб яшар экан. Шунда киши одамлардан яхшилик ахтариб, ўзи ҳам одамларга яхшилик қилишга мойил бўлиб борармиш. Унинг бу сўзлари Навоий, Форобий, Ибн Сино, Улуғбекнинг мусиқа одамларда чин инсоний фазилатларни тарбиялаш д а, одамларни бирлаштиришда, бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлишда, гўзалликни англаб етишда катта аҳамиятга эгалиги ҳақидаги сўзларига жуда ҳамоҳангдир.

Мусиқа соҳасидаги истеъдодли ёшларни топа билиш, уларни ўқитиш, маҳоратини ошириш, халқ-ара кенг танитиш масалалари кўпинча жумҳуриятимиз раҳбарларининг ҳам диққат марказида бўлган. Махсус олий ўқув даргоҳлари, мусиқа билим юртлари шу соҳада ёш истеъдодларни кашф этишда, тарбиялашда катта ишларни амалга оширмоқда. Булар ҳақида жуда кўп гапирилади. Мусиқа санъати катта босқичга кўтарилгани, бастакорларимиз асарлари фақат ўзимиздагина эмас, кўплаб мамлакатларда ижро этилаётгани ҳам сир эмас. Келажакда мусиқа оламида маёқ бўлиб порлайдиган инсон — бугун боғчада, мактабда эканини унутмайлик. Халқимиз асли ўта нозик таъб, мусиқани жондилидан севиб тинглайди, қадрлайди.

Шундай халқнинг бугунги авлоди — ёшларимиз томир-томирингни эритиб, тозартиб, қалбингни поклайдиган Шарқ классик мусиқасидан узоқлашиб кетгани ачинарли ҳол, албатта. Бунда биз, маданият ходимларининг, мактаб ва махсус муассасаларининг ҳам айби катта. Ёшлар қулоғига мағзи тўлиқ классик мусиқамиздан кўра кўпроқ ғарбнинг бақириқ-чақириқдан иборат зарбли мусиқасини қўймадикми? Ва, буни ўзимизча «маданийлик»ка йўйдик. Ана шу «маданийлик» оқибати нималарга олиб келгани маълум. Масалан, «Ушшоқ» куйига қалбан ва ақлан тебраниш ўрнига, ўзи тушунмаган рокларга ўтирган жойларидаёқ сакрайдиганлар пайдо бўлди. Ёшлар кечаларида ана шундай «рақс» тушаётганларнинг чала юмуқ кўзларига караб даҳшатга тушасан киши. Уларда на завқ, на эзгулик, на ҳаёт ва на ҳаё бор...

Назаримда шаҳар ва қишлоқларимизда ҳам рўй бераётган ана шундай шовқин-сурон, ур-йиқитларни йиғиштириб, мусиқа байрамлари, қўшиқ байрамлари, конкурс ва фестиваллар уюштириш керак. Тошкентдай шаҳри азимни, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, гўзал Фарғонани, Қорақалпоғистоннинг қатор районларини мусиқа шаҳарларига айлантирадиган вақт келмадими ахир? Саҳна, хиёбон, шинам чойхона ва гузарлар борки, уларни ҳақиқий мусиқа санъати намояндаларига бўшатиб бериш лиги етди.

— Билишимча, маданий савияси бизникидан анча юқори бўлган жумҳуриятларнинг ҳамма вилоятлари ўзининг ҳар жиҳатдан етук филармонияларига эга. Улар халқ орасида, айниқса, турли ёшдаги болалар, ўсмирлар ўртасида профессионал мусиқани тарғиб қилиш билан бандлар. Улар халқнинг мусиқий маданиятини кўтариш жонкуярларидир. Бизнинг жумҳуриятимизда ҳам Андижон, Бухоро, Жиззах, Қарши, Самарқанд, Фарғона, Урганч каби йирик шаҳарларда ана шундай филармониялар очилган эди...

— Афсуски, улар кўп ўтмай махсус тўй бюроларига айланиб қолдилар. Маданият соҳаси «қолдиқ» маблағ билан кун кечираётган бир пайтда область филармониялари яна ҳам қийин аҳволга тушиб қолдилар. Бунинг яшнадиган жойи йўқ. Қорни тўймаганнинг ташвиши ҳамиша кўп бўлади. Лекин уларни тинглаб, бошини силайдиган мард қани? Қарабсизки, яхши ниятлар билан бошланган хайрли иш иқирозга учради. Ҳолбуки, халқимиз маданий савиясини кўтаришда филармониялар жуда катта роль ўйнаши мумкин эди. Ҳар бир вилоятнинг ўз удуми, анъаналаридан, шу вилоятда яшовчиларнинг турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда вилоят филармонияларини тиклаш, уларни халққа сидқидилдан хизмат қилдириш пайти келмадимикан?

— Бу борадаги имкониятларимиз етарли деб ўйлайсизми?

— Бизда имкониятлар кўп. Узоққа бормаёқ Тошкентнинг қоқ ўртасида жойлашган «Баҳор» концерт залини олайлик. Бу даргоҳ саҳнасининг кўпинча бўшлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳолбуки, уни тошкентликларнинг севимли мусиқа марказига айлантириш мумкин-ку. Ана шу шинамгина залда композиторлар ва қўшиқнавис шоирларнинг ижодий кечаларини ўтказиш, бу учрашувларни кино ва телевидение орқали халққа кенг тарғиб қилиш керак. Бир пайтлар айни шу залда «Марҳабо, талантлар!», «Чашма», «Донра рақса чорлайди» каби турли телеконкурслар ўтказиларди. Бу конкурслар томошабинларда ҳам катта қизиқиш уйғотгани аён. Ҳар коллективлари, оркестрларнинг чиқишлари, бастакорларнинг янги асарлари премьераси, хонанда ва созандаларнинг халқ кўз ўнгида беғараз беллашуви, рақосалар ҳамда мақомчи ансамблларнинг чиқишлари жумҳуриятимиз маданий ҳаётида чуқур из қолдирган. Ҳозир ҳам шундай яхши анъаналарни тиклаш фақат фойда олиб келади, деб ўйлайман.

—Сирожиддин Сайфиевич, бу айтганларингиз масалаларнинг бир томони, холос. Иккинчи ва асосий томони мусиқа таълимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ. Бу ҳақда матбуотда жиддий баҳслар бўлишига қарамай силжиш бўлмаяпти.

— Саволингизга жавоб беришдан олдин, бир аламли воқеани эслатмоқчиман. Бундан икки йил аввал Ўзбек давлат симфоник оркестрининг бош дирижёрлиги лавозимига Бутуниттифоқ конкурси эълон қилиниб, унга латвиялик дирижёр Имант Коццинш бош дирижёр қилиб сайланди. Назаримда, биз учун бундан ортиқ шармандали ҳол бўлмаса керак. Коцциншни жуда ҳурмат қиламан, айни пайтда Зоҳид Ҳақназаров, Ғани Тўлагановнинг ундан кам жойи борми, деб сўрайман, лекин ана шу «кам жойини» ҳеч топа олмайман. Нима учун бизнинг истеъдодли дирижёрларимиз Латвия, Литва, Украина ёки Озарбойжон симфоник оркестрларига дирижёр қилиб сайланмайди. «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ», деб шунга айтишса керак. Кейинги йилларда иқтисод ва сиёсатда кўп нарса бой берилганидек, катта маданиятимизнинг кўп соҳалари ҳам иқирозга юз тутди. Ҳозир хонанда, созанда, композиторларимиз қўзиқориндай кўпайишиб бораяпти-ю, лекин ярқ этган юлдузлар йўқ. Олдинда йўл бошловчиси бўлмагач, ҳар қандай соҳа ҳам бир жойда ғимирсиб қолиши аниқ-ку. Гўё ҳаракат бордек кўринадию, аслида самара йўқ.

Ислоҳот ҳақида кўп гапиряпмиз, лекин назаримда уни кўр-кўрона ўтказяпмиз: худди буюмни бир жойдан иккинчи жойга суриб қўйиш, анжомни айирбошлаш каби тушуняпмиз, шекилли, туб ислоҳотни. Кадрларни айирбошлаш, жойини алмаштириш билан иш битармикан? Ўз ёғига ўзи қовурилиб ётган бу соҳада кескин ўзгариш қилиш, турғунлик тўғонини ёриб чиқиш керак.

— Аниқ таклифларингиз борми?

— Назаримда, Тошкент давлат консерваторияси, Низомий номидаги Тошкент ва вилоятлардаги педагогика институтларининг мусиқа факультетлари базаларида Москвадаги Гнесинлар номидаги давлат мусиқа педагогика олий даргоҳи каби институт ташкил этиш зарур. Тошкентда ёки Самарқандда мусиқа ўқитувчиларини тайёрлайдиган махсус педагогика институтини очиш керак. Бундай институт фақат Ўзбекистоннигина эмас, қўшни қардош республикаларни ҳам кадрлар билан таъминлаш имкониятига эга бўлади. Мусиқа билим юртлари, мактаблар, боғчалар юқори малакали мусиқа ўқитувчилари билан таъминланади.

Кадрлар, мутахассислар ҳақида гап кетганда, ҳар бир мутахассисни керакли жойида ва тегишли ўрнини топишини таъминлаган ҳолда ишлатишга ўтадиган пайтимиз аллақачон келганини ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Яна бир муаммо. Бизни бирлаштириб, уюштириб, йўлланма бериб, янгичасига ишлашни ўргатадиган, қардошлардаги янгиликларни кўрсатадиган махсус нашрларимизнинг йўқлигидир. Биргина «Санъат» журнали ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг маданият ходимларига жуда кам ўрин ажратиши сир эмас. Ахир, бу соҳанинг ўзига хос катта-кичик муаммолари бор-ку!

Халқ мусиқий ижодиёти булоқлари кўзини очишда, халқимизни ҳақиқий санъат асарлари билан таништиришда, ўзбек миллий мусиқий санъатини жаҳон майдонига олиб чиқишда маданий нашрлар аҳамиятига шубҳа билан қаровчилар ҳали ҳам топилади. Ахир, миллий бастакорларимиз ёзган асарлар шундай махсус нашрларимиз йўқлиги сабабли бастакорлар столларида, нари борса, мутахассислар орасида қолиб кетмоқда. Оқибатда мусиқа алифбосини болаларимиз, талабаларимиз немис, австрия, италия, рус, украин, белорус мусиқаларини ўрганишдан бошлаяптилар. Юқорида мисол келтирганимдек, ҳатто малака ошириш институтига келган тингловчилар ҳам оддий «Алла»ни ажратиб беролмаяптилар. 300 дан ортиқ мусиқа мактаби, 14 мусиқа билим юрти очиб қўйиб, уларни мусиқа асарлари билан таъминламаётганимиз кечириб бўлмас гуноҳ-ку. Ажаб, сочи жамалак қизгина қўлига кўк дутор ушлаб, хоҳ фортепиано ёнига ўтириб, «Свети месяц» ёки «Чардаш»ни мароқ билан чалса-ю, Белфаст университети профессори, айтмоқчи, киши киши вужудига ором бахш этадиган, қалбларни тозартирадиган эзгуликка чорлайдиган, «Роҳат»ни, «Тановар»ни чала олмаса! Суҳбат охирида менга берилган имкониятдан фойдаланиб, яна бир дардимизни айтай. Бу дард сифатли мусиқа асбобларига муҳтожлигимиз хусусида. Эътибор берган бўлсангиз, каттаю кичик на созанда ва на санъатқорнинг қўлида Тошкент мусиқа асбоблари фабрикасида ишланган биронта асбобни кўрмаймиз. Ҳолбуки, фабрика планини бажаради, балки мукофот ҳам олар. Бироқ бирон санъатқорнинг корига ярайдиган миллий чолғу асбоби ишлаб чиқаргани йўқ. Чет мамлакатлардан яхши асбобларни сотиб олишга кетаётган катта пулларнинг бир қисмини ўз мусиқа асбобларимизни ишлаб чиқаришга сарфласак, юзта сифатсиз асбоб ўрнига, битта сифатли, лекин ўзбекни жаҳонга танитадиган мусиқа асбоби чиқарсак, шу тўғри эмасми?

Хулоса қилиб айтганда, ечим кутаётган муаммолар анчагина. Энг муҳими, уларни тезроқ биргалашиб, тўғри ва ҳаққоний ҳал этишимизга боғлиқ. Бу ҳақда тегишли ташкилотлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деб ўйлаймиз.

Суҳбатни А. ОЧИЛОВ ёзиб олди

МУХЛИСЛАР ТАБАССУМИ

Маълумки, шу йилнинг август ойида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР давлат академик Катта театрининг бир гуруҳ санъаткорлари бош балетмейстер Иброҳим Юсупов раҳбарлигида Шри Ланка ва Таиланд мамлакатларида сафарда бўлгандилар. Ҳар икки мамлакатда намойиш этилган барча спектакларда томоша зали балет шинавандалари билан тўлиқ бўлди. Санъат мухлислари П. Чайковскийнинг «Оққуш кўли», Аданнинг «Жизель», У. Мусаевнинг «Лайли ва Мажнун», С. Прокофьевнинг «Ромео ва Жульетта» балетларини ҳамда театрнинг Замира Давлатмуродова, Феруза Саъдуллаева, Василий Клочко, Шавкат Турсунов каби моҳир раққоса ва раққосларини самимий олқишладилар. Театр коллективи Таиланд мамлакати билан беш йилга шартнома тузиб қайтди. Куни кеча эса Шри Ланкадан бу коллективни яна томошалар кўрсатишга таклиф этган телеграмма келди. Бу санъаткорларимизнинг чет элда катта муваффақият қозонганларидан далолатдир.

Қуйида Шри Ланканинг Коломбо шаҳрида чиқадиган «Сандей обзервер» газетасида (1990 йил, 2 сентябрь) босилган Гуэн ГАРАТнинг ана шу гастроль спектакллари хусусидаги фикрлари баён қилинган мақола билан танишасиз.

●

«Ланка Обера» кампанияси ва Совет маданият уйи ҳамкорликда уюштирган Ўзбек Катта театрининг чиқишлари машҳур «Оққуш кўли» балети билан бошланди. Унда Чайковский мусиқаси профессионал ижро этилган ҳамда Г. Иванов хореографияси аниқ ифодасини топган.

Шри ланкаликлар ҳозир мамлакатда меҳмон бўлиб турган бу труппа ижросида «Оққуш кўли»дан ташқари, бошқа машҳур балет асарларини кўришга ҳам муваффақ бўладилар.

Шу кеч кўз ўнгимда содир бўлган воқеаларни ифодавийликнинг ёрқин намунаси ва бутун труппанинг катта ютуғи дейиш мумкин. Раққослар ҳаракатлар симфонияси камолга етган Катта театргина яратиши мумкин бўлган эртакона муҳитда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, ниҳоятда енгил рақс тушдилар. Оёқлари узун, нозик, ҳаракатлари ажойиб бўлган бу раққослар ўз чиқишларига номуносиб саҳна муҳитини мардона енга билдилар. Чунки саҳна балет рақслари учун кичиклик қилди. Раққослар ўзлари истаган ҳаракатларни кўрсатиш имконидан маҳрум эдилар. Саҳнада икки марта сакрагандан сўнг, йиқилмаслик учун эҳтиёт чораларини кўришга мажбур бўлардилар. Шунингдек, қўл кўтарса етадиган саҳна бўйлаб осилган шиор уларнинг қийинчилигини оширди.

Санъаткорларнинг мана шундай ноқулай ҳолатдаги аҳволларини кўриб, мен ҳам ўзимни ўнғайсиз сезардим. Бироқ бу ажойиб артистлар маҳоратларини тўла намоён этиб, рақс тушишида давом қилардилар. Ёритиш ускуналари ҳам етарли ёрдам беролмади. Масалан, «Оққуш кўли» балети бошланишидаги саҳна енгил бинафша рангда ёритилди. Назаримда, бу саҳнага оқ ёки тўқинланувчи кумушранг мос. Ёритиш ҳам мусиқа каби муҳим аҳамиятга эга. Чунки уларнинг ҳар иккови балетнинг асосий ифода воситаларидир. Шунинг учун ҳам мусиқа ва ёруғлик уйғун бўлиши ниҳоятда муҳим.

Артистларнинг ўзига ишончи, томошабинларнинг қўллаб-қувватлаши ва залдаги дўстона кайфият барчада яхши таассурот қолдирди, улар «Оққуш кўли»даги образларнинг сокин ҳаракатлари оғушига ғарқ бўлдилар.

Шу куни саҳнага чиққан дуэтнинг барча ҳаракатлари ва ҳолатларини ифодалаш учун ҳар қандай таъриф камлик қилади. Раққосанинг айланишлардан сўнгги енгил сакрашларида раққоснинг қўллари, бутун гавдаси жуда ҳам сезгирлик билан ҳаракат қилаётгани кўриниб турди.

«Ромео ва Жульетта»даги Ромео образининг ижрочиси бу ролга бутун маҳоратини сарф этди. У ўз партнёрига шундай муносабатда бўлдики, гўё қўлида инсонни эмас, енгил парни, юмшоқ пуфакчани кўтариб юргандек таассурот қолдирди. У раққосани ҳеч қийналмай кўтарар, ҳаракатлари ғоятда текис эди. Назаримда, Жульетта ипакдан тикилган костюм ўрнига, енгилроқ оқ матодан тикилган кийим кийса, унинг нозик гўзаллигига янада мос тушарди. Бу спектаклда зални кўпроқ Ромео ўзига жалб этди. Чунки у томошабин кўз ўнгида Шекспир тасвирлагандек намоён бўлди. Шунингдек, С. Прокофьев мусиқаси Ю. Григорович хореографияси билан уйғунлик касб этган.

Шарқ ва Ғарб услубини омухта этган ўзбек балети улар ўртасидаги меъёрни топа билган. «Лайли ва Мажнун» балети хореограф И. Юсупов постановкаси асосида моҳирона ижро этилди. Оқилона, ажойиб тасаввурлар орқали дунёга келган саҳналар Катта театр хазинасини бойитган. Нозик ва аниқ ҳаракатларга бой, гўзал шарқона либосларда ижро этилган бу ажойиб балет жуда яхши саҳналаштирилган.

«Кармен сюита», «Океан ва марварид», «Йўқотилган жаннат», «Гопак», «Спартак», «Корсар» ва бошқа балетлардан ҳам номерлар ижро этилди. Буларнинг барчаси У. Мусаев, Бизе, Соловьёв, Албинони, Хачатурян, Чайковский каби композиторлар мусиқаси асосида етакчи санъаткорлар томонидан саҳналаштирилган. Айтиш мумкинки, ажойиб истеъдодларга бой Катта театр ўз репертуаридаги энг яхши асарларни намойиш этди. Артистларнинг бенуқсон, ғайрат-шижоат билан енгил рақс тушишлари бу буюк мамлакат балет санъатида катта тажрибага эга экани н и кўрсатиб турибди. Ноқулай шароитларда ҳам спектакллар намойиш этишлари уларнинг гастроллар пайтида ҳар қандай муҳитга мослашиб кета олишларидан далолат беради. Санъаткорлар барча қийинчиликларни, юзларида бахтиёр табассум билан енгиб ўтдилар.

Шри ланкаликлар учун ана шундай ажойиб байрам ташкил этиб, уларни балет санъатининг гўзал олами билан ошно қилишга муваффақ бўлган «Обера Ланка» ташкилоти фаолияти таҳсинга сазовордир.

ИЗЛАНИШЛАР ЙЎЛИДА



Ўзбекистон ойнаи жаҳонининг иқтидорли ёш режиссёрларидан бири Саъдулло Нарзуллаевнинг номи кейинги пайтларда томошабинларимиз тилига тушиб қолди. Чунки у ойнаи жаҳонда намойиш этилган бир қатор асарларда турли характердаги роллар ижро этиш билан бирга, айни пайтда ўзи ҳам жиддий асарларни саҳналаштириб, экранга олиб чиқмоқда. Улар орасида, айниқса, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов достони асосида ишланган «Руҳлар исёни» адабий театри ёш режиссёрнинг ижодий йўлини белгиловчи, унинг истеъдоди даражасини кўрсатувчи томошалардан бири бўлди, десак янглишмаймиз.

С. Нарзуллаев ушбу асарга ўзича ёндашган. У машҳур ҳинд шоири Назрул Исломнинг руҳий кечинмаларини, бошдан ўтказган фожиаларини моҳирона талқин этган.

Назрул Ислом фожиаси Ҳиндистон фожиасидир. У оламшумул дардлар билан яшаган шоир. Э. Воҳидов «Руҳлар исёни» достонида унинг ҳаёт йўлини бадиият нури билан ёритиб берган. Режиссёр эса ана шу нурни ўз санъати билан янада ёрқинлаштиришга эришган. Албатта, бу ажойиб асарнинг ойнаи жаҳон вариантини ишлаб чиқиш режиссёрга осон кечмади. Адабий театрни кўрар экансиз, С. Нарзуллаев бу қийинчиликни истеъдоди билан енгиб ўта олганининг, асардаги ҳам китобхон, ҳам томошабин юрагини ларзага солувчи чуқур драматик ҳолатларни тўғри илғаганининг, йирик тарихий шахслар ролларини ижро этувчи актёрлар билан жиддий ишлаганининг гувоҳи бўласиз. Ана шундай машаққатли меҳнат эвазига дунёга келган театр томошабинни лоқайд қолдирмаслиги керак эди ва шундай бўлди ҳам.

Ёш режиссёр бундан ташқари томошабинлар эътиборига бир неча диққатга сазовор кўрсатувларни ҳавола этди. Улкан адиб устоз Ойбек ҳақидаги «Хотира» кўрсатуви шундайлар сирасига киради. Айни пайтда ушбу кўрсатув ойнаи жаҳоннинг олтин фондида сақланаётгани бежиз эмас. Унда Ойбекнинг ҳаёт ва ижод йўли кенг ёритиб берилган. Олимларнинг, Ойбек дўстларининг хотиралари ўзига хос шаклда, таъсирли ифода этилган. Шунингдек, режиссёрнинг шоир Ғафур Ғуломга, бугунги кунда ижод этаётган шоир ва ёзувчиларимиз ижодига бағишланган бир қанча кўрсатувларда ҳам янгича қарашлар, ўзига хос талқинга интилиш бор. Шу ўринда «Навоий ва Ҳусайн Бойқаро» кўрсатуви ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Режиссёр муҳаррир билан ҳамкорликда Бойқаро шахсини талқин этишга янгича ёндашган. У султоннинг адолатли ғоялар, эзгулик ва ҳақиқат тарафдори эканлигига алоҳида урғу берган, бу қарашларини кўрсатув жараёнида исботлаган.

Хуллас, Саъдулло Нарзуллаев айни пайтда катта йўл бошида турган, изланишлар олиб бораётган ва бундай изланишлари маълум самаралар бераётган режиссёрларимиздан. Бу йўлда унга куч-ғайрат, омад тилаб қоламиз.

Эшқобил ШУКУРОВ

ДУШАНБА: «НАВРЎЗ—90»

Маълумки, яқинда Душанба шаҳрида Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон театрларининг «Наврўз—90» III регионал фестивали бўлиб ўтди. Анжуман ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон ССР Театр арбоблари уюшмаси котиби, санъатшунослик номзоди Тоҳир ЙЎЛДОШЕВ мухбиримизга ўз таассуротларини гапириб берди:

— «Наврўз» фестивалларини ўтказиш регионимизда анъанага айланиб бораётир. Эндиликда анъанага айланган бу анжуман Тошкент театр арбобларининг ташаббуси билан уюштирилган эди. Буни қардош ҳамкасбларимиз ҳам қувватлашди.

Душанба анжумани «Наврўз—89» фестивалининг совриндори, Фарғона область музикали комедия театрининг «Темир хотин» спектакли билан очилди. Шунингдек, республикамиздан яна бир ёш коллектив, Қарши «Мулоқот» театр-студияси «Ҳамзанинг номаълум театри» туркум спектакллари билан қатнашди. «Мулоқот» фестиваль қатнашчилари, меҳмонларда яхши таассурот қолдирди. Ҳали жуда ёш бўлган бу коллективнинг ижодий бўғини асосан, ёш, истеъдодли актёрлардан ташкил топган. Театр-студия 1988 йили М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театридан янги ижодий йўналишдаги коллектив сифатида ўсиб чиқди. Театр-студия коллективи қисқа муддат ичида бир неча асарларни саҳналаштириб, театр мухлислари эътиборини қозонди. Ижодий коллектив 1989 йили апрелда Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон театр - студияларининг I фестивалида бош соврин, 1990 йил Ўзбекистон жумҳурияти театрларининг II фестивалида яна бош совринни қўлга киритган эдилар. «Саратон-89» халқаро Тошкент фестивалида ҳам театр-студия муваффақиятли қатнашди. «Мулоқот»нинг томошалари Душанба фестивалида энг юқори баҳоларга сазовор бўлди. Жумладан, Озарбойжондан келган театр арбоби Р. Атақишиев коллективни Бокуга таклиф қилди. Анжуманнинг «Энг нафосатли актёрга» соврини «Мулоқот» актёри К. Исмоиловага, «энг ёш қатнашчига» соврини Н. Тўрақуловага, Тожикистон Композиторлар уюшмасининг соврини эса Исоқ Тўраевга тақдим этилди. Коллективга анжуман ҳайъати қарорига кўра иккинчи ўрин берилди. Шунингдек, «энг яхши режиссёрлик талқинларининг моҳир ижрочиси учун» соврини ҳам шу коллектив актёри, Марямхон роли ижрочиси Х. Ҳақбердиевга насиб этди. «Энг яхши саҳна безаклари учун» совринига ҳам «Мулоқот» театр-студияси рассоми А. Сатторов лойиқ деб топилди. Душанба «Ахоруп» болалар тажриба театрининг «Гўзал Юсуфнинг қайтиши» спектаклига анжуманнинг Бош соврини берилди.

Шунингдек, анжуманда Тошкент болалар театрлари регионал фестивали қатнашчилари — А. Қулмамедов номидаги Туркманистон давлат болалар театри «Бобо Қамбар», Душанбадан «Нимчазира» театр - студияси Ж. Ануйнинг «Антигона», Қирғизистон академик драма театри Р. Иброҳимбековнинг «Петрарка мутоаласи», М. Лермонтов номидаги Олмаота Давлат академик драма театри «Хотира дуоси» спектакллари билан қатнашдилар.

Фестивалга Москвадан «Театральная жизнь» журнали бош редактори О. Пивоваров, санъатшунослик номзоди И. Мягкова ва регионимиз театри арбоблари, Латвия, Эстония, Озарбойжондан ҳамкасбларимиз ташриф буюрдилар. Анжуман Туркманистон Давлат ёшлар тажриба театрининг «Жон» (А. Платонов асари) спектакли билан ёпилди. Театрнинг бу байрами регионадаги миллатлараро муносабатларни яхшилаш, мустаҳкамлашга хизмат қилса ажабмас. Ижодий коллективларнинг ўзаро мулоқотлари, баҳс, мунозаралари, тажриба алмашуви регион театрларига фақатгина ижобий таъсир кўрсатишига ишончим комил.

КОМПОЗИТОРЛАР АНЖУМАНИ

Шу йилнинг 16 — 19 октябрь кунларида Ўзбекистон композиторларининг оммавий мусиқа муаммоларига бағишланган IV пленуми бўлиб ўтди.

Пленум кунларида Тошкент маданий-оқартув техникумида Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлик билим юртининг духовой оркестри, В. И. Ленин номидаги ТошДД маданият саройида дорилфунун хор коллективи ва Ўзбек давлат филармониясининг хор капелласи концерти бўлди. Тошкент вилояти, Паркент район К. Маркс номидаги жамоа хўжалигида Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети қошидаги дуторчи қизлар ансамбли ва Д. Зокиров номидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри концерт бердилар. Глиэр номидаги жумҳурият музика интернат-мактаби ва «Булбулча» болалар хорининг концерти ҳам қизиқарли ўтди.

Ўзбекистон Композиторлар уюшмасининг мажлислар залида бўлган мунозарани уюшманинг биринчи котиби А. Жабборов бошлаб берди. Жумладан, у шундай деди:

— Оммавий музика жанрлари кейинги вақтларда бироз эътиборимиздан четда қолаётгани ташвишли ҳол. Масалан, 50 — 70-йиллар оммавий жанрларда музика ёзувчи композиторлар учун яхши йиллар бўлиб қолди. Бу даврларда М. Левиев, С. Юдаков, М. Бурҳонов, Д. Зокиров, Ф. Назаров, М. Насимов каби ажойиб композиторларимиз ёзган қўшиқлар жуда оммавийлашиб кетганди, халқимиз уларни ҳамон севиб тинглайди.

Айни пайтда-чи? Айни пайтда ҳам бизлар ёзяпмиз, аммо бу ҳали жуда оз. Негадир, ҳар бир бастакорнинг ёзганлари алоҳида ажралиб турмайди. Уни тинглаган киши дастлабки ижроданоқ бу қўшиқни ким ёзганини дарров илғаб олсин. Биз сон жиҳатдан ўсдик, аммо сифат жиҳатдан жуда орқадамиз.

Сўзга чиққан таниқли композиторлар, қардош жумҳуриятлардан келган меҳмонлар ҳам нотиқнинг фикрларини қўллаб-қувватлаш билан бирга, ўзларнинг айрим танқидий мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, қардош жумҳуриятлар билан мусиқа фестиваллари ўтказиш юзасидан шартномалар тузилди.

Беҳзод НОРБОЕВ.

МЕРОСИМИЗ ЮРТИМИЗГА ҚАЙТИШИ ЗАРУР

Халқимиз азал-азалдан илмда янгиликлар кашф этиш, санъатда эса гўзаллик яратишга интилиб яшаган. Аждодларимиздан бизга қолган ўлмас илмий ва адабий дурдоналар, маҳобатли архитектура ансамбллари шундан далолат беради. Самарқанд, Бухоро, Хева ва бошқа жойлардаги осори-атиқалар халқимизнинг сиймосини кўрсатади. Лекин бугунги кунда аждодларимиз мерос қолдирган бойликларнинг ҳаммаси бутми, барчаси бизгача тўлиқ етиб келганми, улардан ўз халқимиз баҳрамандми? Афсуски, йўқ. Очиғини айтиш керакки, тарихимизга оид музейларнинг аксарияти ҳувиллаб ётибди. Халқимизнинг бой маданий мероси гоҳ босиб, гоҳ таланиб, гоҳ сотиб, гоҳ турли йўллар билан авраб юртимиздан четга олиб кетилган. Ташиб кетиш икки босқичда — аввало, Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати туфайли ва қолаверса, инқилобдан кейин амалга оширилган. Шу тариқа бу бойликларнинг кўпчилиги Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарлар музейларида сақланмоқда. Хўш, эндиликда ўлкамиздан ташкилий равишда олиб кетилган ўзбек халқининг маданий мероси бўлган буюмлар юртимизга қайтариладими?

Яқинда Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашида кенгаш раисининг ўринбосари Ўлмас Умарбеков ва Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши қошидаги Ошкоралик комиссияси раиси Эркин Воҳидов раислигида ўтган йиғилишда ана шу масала кўриб чиқилди. Жумҳурият Маданият вазирлиги музейлар бошқармаси, вилоятлар маданият бошқармалари раҳбарлари, маданий меросимизни асрашга ўз ҳиссасини қўшаётган, ижодкорлар иштирок этган бу йиғилишда Ў. Умарбеков, Э. Воҳидов, шоир Х. Даврон, Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг директори Н. Содиқова, Маданият вазирлиги музейлар бошқармаси бошлиғи В. Тихомиров, Ўзбекистон бош ҳужжатгоҳи бошқармасининг бошлиғи П. Ниғматов ва бошқалар бу иш борасидаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Эндиликда меросимизни қайтариб олиб келишимиз учун нима қилиш керак? Аввало, жумҳуриятимиздаги музейлар фаолиятига жиддий эътибор лозим. Чунки ҳалигача бирорта музейда сақланаётган коллекциялар тўла рўйхатдан ўтказилмаган. Натижада ҳозир ҳам кўплаб маданий бойликларимиз ё йўқолмоқда, ё ташиб кетилмоқда, ё совға тариқасида бериб юборилмоқда. Шунингдек, олиб кетилган нарсаларни ҳам аниқлашимиз зарур ва уларни юртимизга қайтариш чораларини кўриш лозим. Бунинг учун шу ишларни амалга оширадиган маданий ёдгорликларни асраб-авайлайдиган янги ташкилот ва «Мерос» комиссиясини тузиш режалаштирилди.

Айни пайтда, йиғилишда меросимизни тўплаш ва четдан қайтариб олиб келишда халқимизнинг фаоллигини ошириш ҳамда бу ишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш тўғрисидаги таклифлар айтилди.

ОБУНА-91

ОЙНОМАДА НИМАЛАРНИ ЎҚИЙМИЗ?

Келгуси йил жаридалари, хабарномаю ойномалари учун обуна давом этмоқда. Муштарийлар измида оз вақт қолди. Лекин ҳозирча ҳамма нашрларга обуна ўтган йилга нисбатан кўнгилдагидек эмас. Сабаби аён, бироқ бу нашрлар янги йилда ўқувчиларга қандай янгиликлар беради, нималар ҳақида баҳс юритади. Севимли журналимиз «Шарқ юлдузи» ойномасининг бош муҳаррири Ўткир ҲОШИМОВ билан мухбиримиз суҳбати ана шулар хусусида борди.

— Маълумки, келгуси йилда «Шарқ юлдузи» 60 ёшга тўлади. Юбилейга қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

— 60 йил кекса тарих учун йилт этган дақиқа бўлиши мумкин, лекин ойнома ҳаёти учун катта воқеа. Агар босиб ўтилган йўлга назар ташласангиз, унинг ҳақиқий маънода адабиётимиз, ҳаётимиз кўзгуси бўлганини кўрасиз. Чунки унинг саҳифаларида маънавий бойлигимиз бўлган ажойиб романлар билан бирга «халқлар отаси» мадҳига бағишланган асарлар, яхши достонлар қаторида улуғ ижодкорларимизни бадном этувчи «сиёсий» мақолалар, уруш фожиаларини ҳаққоний акс эттирган қиссалар билан ёнма-ён «конфликтсизлик назарияси» руҳидаги асарлар ҳам босилган. Унинг саҳифаларида 60 йиллик йўл худди кўзгудагидек аён бўлади. Нафақат ўтмишимиз, ҳатто бугунги кунда ҳам адабиётимиз ва ҳаётимиздаги ютуқ ҳамда камчиликлар бор бўйи билан намоён бўлмоқда. Демак, унда ўз тарихимиз, ўз тақдиримиз битилган.

Шу сабабли Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу тўйни ўтказиш учун махсус қарор қабул қилдики, бу ҳам адабиётимиз ва муштарийларимиз учун қувончлидир. Тўйга катта тайёргарлик кўрмоқдамиз. Жойларда ойномамиз кунларини ўтказиш, муштарийлар конференцияларини уюштириш ниятимиз бор. Энг муҳими, юбилей йилида журналхонларимизга энг яхши асарлар тортиқ қилишдир.

— Лекин ойнома нарҳи икки баравар ошди. Редакция жамоасининг обуна тарғиботи борасидаги ҳаракатларидан «демак, бу ишдан журнал ҳам моддий манфаатдор экан-да», деган фикр келиб чиқмайдими!

— Афсуски, бундай эмас. Минг истиҳола билан бўлсада шуни айтиш кераки, нархнинг ошиши редакция ижодкорларининг хоҳиши билан бўлганмас. Бу қоғоз, бўёқ, босмахона жиҳозлари, алоқа ходимлари, хизматчиларнинг ҳаражатларининг ошиши билан боғланган жараён ва бундан редакциямиз ҳеч қандай моддий манфаат кўрмайди. Обуна тарғиботи борасидаги ишларимизга келсак, бу халқимизни энг яхши асарлар билан таништириш, ҳақиқатни қулоғига етказиш борасидаги саъй-ҳаракатдир. Тўғри, энди журналимиз йиллик баҳоси 24 сўм. Лекин биз муштарийга ана шу моддий маблағнинг ўрнини қоплайдиган маънавий рағбат беришга ҳаракат қиламиз.

Келгуси йил журнал учун обуна чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Бироқ ойномамиз чакана савдога кам чиқарилади. Шу учун муштарийларимиз обуна бўлишга шошилишлари керак.

— Янги йилда қандай янги асарлар ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилади!

— Журналда ўзбек адабиётида янги яратилган асарларга кенг ўрин ажратилади. Жумладан, Мирмуҳсиннинг «Илон ўчи», Саид Аҳмаднинг «Бадбахтдала тутқинлари» (50-йиллар қамоқхоналари ҳақида), Худойберди Тўхтабоевнинг «Мунгли кўзлар», Мурод Мансуровнинг «Гуноҳи азим», Саъдулла Сиёевнинг «Туркистонлик авлиё» романлари, Одил Ёқубовнинг «Ҳақгўй», Фарҳод Мусажоновнинг «Мунгли созим» қиссалари эълон қилинади. Таниқли қозоқ шоири Ўлжас Сулаймоннинг «Аз и Я» китобини ҳам ёритиш ниятидамиз. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева Гулчеҳра Нуруллаева, Усмон Азим ва бошқа шоирларнинг янги туркумлари босилади. Эркин Самандарнинг «Аждодлар қиличи», Қутлибека Раҳимбоеванинг «Тавба», Сирожиддин Саййиднинг «Таназзул», Эшқобил Шукурнинг «Ибтидо хатоси» достонлари, халқ оғзаки ижоди намуналаридан Аҳмад Матназар ўғли айтган «Қирқ минг» достони ҳам редакция папкасидан жой олган. Устоз адиб ва шоирларимиздан тортиб — ҳамма истеъдодларга журналда кенг ўрин берилади. «Булоқ кўз очди» рукни ҳар сонда давом этади.

Янги йилда ҳазрат Алишер Навоий таваллудига 550 йил тўлади. Шу муносабат билан буюк бобомиз ижодига оид тадқиқотларни, Навоий ғазалларига боғланган мухаммаслар «Навоий гулшани» сирасида йил бўйи бериб борилади.

Шунингдек танқид ва адабиётшунослик, санъат соҳасида, қишлоқ хўжалигида мавжуд чалкаш масалалар ҳақида, ижтимоий ҳаётнинг паст-баландликлари, имон-эътиқод, одоб-ахлоқ тўғрисида қатор мақолалар эълон қилинади.

Ойномамиз саҳифаларида 1991 йилда ҳам Қуръон таржимасини бериш давом этади. Шунингдек, Имом Исмоил Бухорийнинг машҳур «Ҳадис»ларини ҳам эълон қилишни режалаштириб қўйганмиз. Шарафиддин али-Яздийнинг «Зафарнома», Насриддин Рабғузийнинг «Қиссасул анбиё», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», шунингдек, ўз вақтида «диний-мистик» шоирлар деб ноҳақ қораланган шоирлар ижодидан намуналар берилади.

Янги йилда «Шарқ юлдузи»да «Адолат қилинг» деган янги умумсарлавҳа очилади. «Ўзбек иши» баҳонасида қамоқларда ноҳақ азоб чекканлар, армияда камситилганлар кўрган-кечирганларини ёзиб юборишлари мумкин.

Бироқ бу ҳодисаларнинг ҳар бири аниқ далиллар билан исботланмоғи лозим. Акс ҳолда «қилни қирқ ёрадиган» ҳуқуқшунослар арзимаган гапга ёпишиб олиб, ишни бутунлай тескарига буриб юбориши мумкин.

— Марказий нашрлар мамлакатимиздан ташқари, чет элларда ҳам ўз муштарийларига эга. Шу маънода «Шарқ юлдузи»нинг ҳам чет элларда муштарийлари борми ва улар билан алоқалар йўлга қўйилганми!

— Ойномамиздан қанчаси чет элларга юборилишини аниқ билмайману, лекин муштарийларимиз мавжудлиги ҳақида хабарлар бор.

Яқинда Тошкентда таълим олаётган чет эллик талабалар билан учрашувда айтилган гаплардан ва хорижлик бир меҳмон билан суҳбатдан Хитой Халқ Республикасининг Уйғур Автоном вилоятида, Афғонистон, Туркия ва Покистонда «Шарқ юлдузи» «Ёшлик» ойномалари ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигини олиб ўқийдиганлар бор экан. Шунингдек, америкалик олима Ильза Сиртаутас хоним хабарига кўра, шу учта нашр ўша ерга ҳам борар экан. Лекин афсуски, бу нашрларимиз улар қўлига жуда кечикиб тегаркан.

Биз келгусида хорижлик муштарийларимиз билан ҳамкорликни йўлга қўйишимиз керак. Бу ҳамкорлик доирасида уларнинг нашрларимизни ўз вақтида олишидан тортиб, қалбларидаги ниятларининг саҳифаларимизда акс этишигача бўлиши зарур.

ҲАФТАЛИК БАЙРАМИ

Ўтган шанба куни М. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар маданият бошқармаси ҳамда боғ маъмурияти билан ҳамкорликда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги байрами бўлиб ўтди. Боғнинг яшил театридаги тантаналарда адиблар, шоирлар, санъаткорлар қатнашдилар. Байрамни газета бош муҳаррири А. Мелибоев кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари, ёзувчилар Э. Аъзамов, Х. Султонов, шоир Ш. Раҳмон, актёр М. Дўсматов сўзга чиқиб, ҳафталик ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Лирик ва хушовоз хонандалар Ҳ. Ҳамидов, О. Назарова, Ғ. Бойтоев, Ш. Ғозиев ижро этган дилрабо қўшиқлар, «Қизиқчи — 90» конкурсининг совриндорлари Б. Тошматов, А. Сиддиқов, Т. Саъдуллаев ижросидаги ичак-узди ҳангомалар байрам иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Айниқса, «Камолот — 89», «Қизиқчи — 90» конкурслари иштирокчиси умидли ёш хонанда Достон Убайдуллаев ижросидаги қўшиқлар, тақлид намуналари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Унинг юксак ижрочилик маҳоратини ҳисобга олиб, ҳафталик коллективи Д. Убайдуллаевни 1991 йил учун бепул обуна қилди.

Яқин кунлар ичида ҳафталик байрамлари жумҳуриятимизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида, хусусан Андижон вилоятларида ҳам бўлиб ўтади. Чунки бундай мулоқотлар муштарийлар билан газетанинг ижодий алоқаларини янада мустаҳкамлайди.

СУРАТДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.

АҲВОЛ ҚАЛАЙ, МУШТАРИЙ?

Обуна давом этмоқда. Муштарий учун жанг қизғин паллага кирган. Газета ва журналларнинг таҳрир ҳайъатлари ўз мухлисларига тахи бузилмаган ажойиб мавзуларни ваъда қилмоқдалар. Адолатни тиклаш, ҳақиқатни рўйи рост айтиш йўлида жонни жонга, тунни тонгга улаб меҳнат қилажакларини айтмоқдалар.

●

Ўз фаолиятини қайта қураётган, дадиллашиб бораётган, маданий ҳаётимизнинг долзарб муаммоларига жиддий қўл уришни ният қилган журналларимиздан бири —

«ГУЛИСТОН»дир.

Гулистончилар янги йилда кўҳна тарихимиз қатларида қолиб кетган не-не ҳақиқатларни очиш, маданий меросимиз тўғрисида чинакамига куюнчаклик қилишга бел боғлаганлар. **10 сўму 80 тийин** тўлаган киши журнал саҳифаларида эълон қилинадиган кўп-дан-кўп долзарб мақолаларни ўз вақтида ўқиши мумкин.

●

Қайта қуриш муаммолари, замондошларимизнинг маънавий олами, инсон қадри, халқимиз ўтмиши, бугуни ва келажаги, янгича шароитларда партия, совет ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг фаолияти, муштарак дунёқарашлар ва турли касб эгаларининг турлича нуқтаи назарлари, улардаги соғлом фикрлар янги йилдан бошлаб нашр этилаётган оммавий, ижтимоий-сиёсий ва бадиий публицистик ойнома —

«МУЛОҚОТ»нинг

бош мавзулари бўлади. Ойнома ҳайъати бу мавзуларни кенг ёритиш мақсадида таниқли ёзувчилар, публицистлар, иқтисодчи олимлар ва кенг жамоатчиликни ижодий мулоқотга чорлайди. **Йиллик обуна баҳоси — 7 сўм 20 тийин.**

●

Дадил ва ширинзабонлиги, қизиқарли мавзуларга бойлиги билан муштарийлар меҳрини қозониб келаётган, жумҳуриятимиздагина эмас, Иттифоқимизда, қатор хорижий мамлакатларда ҳам севиб ўқилаётган, аёллар билан бирга эркакларнинг ҳам меҳрини қозонган, рангли суратлари, зарур маслаҳатлари бисёр ойномамиз, бу — шубҳасиз

«САОДАТ»дир.

Янги йилда унинг режалари янада ранг-баранг. **8 сўм 40 тийин** тўласангиз бас, хонадонингиздан йил давомида файз аримайди.

●

Агар сизни бозор муносабатларига ўтиш муаммолари, иқтисодимизни соғломлаштириш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар, жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақиллиги, унинг бевосита ташқи алоқалари қизиқтирса; иқтисод ва маданият, иқтисод ва сиёсат, даромад ва буромад, ислом иқтисоди каби мавзуларда таҳлилий ва муаммоли мақолаларни ўқишни истасангиз; оила иқтисоди, бозор шароитида мулкчилик, ишбилармон ва тадбиркорларга йўл очиладими, деган саволларга жавоб топмоқчи бўлсангиз

«ҲАЁТ ВА ИҚТИСОД»

журналига обуна бўлинг. **8 сўму 40 тийин** тўласангиз бас, журнал йил давомида сизга ҳамроҳ бўлади.

●

Бошқа нашрлар ҳам муштарийлар ишончига сазовор бўлиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Нарҳлар осмон қадар юқорилаб кетган бир пайтда бировга маслаҳат беришнинг ўзи ҳам мушкул. Зар қадрини заргар билади, деганларидай, буёғи муштарийнинг ўзига боғлиқ. Мол асл бўлса, бозори ҳамиша чаққон бўлади, деган гап бор-ку, ахир. Фақат гап билан бўлиб

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ»га

обуна бўлишни унутиб қўймадингизми? Аллақачон дейсизми? Ҳа, балли, унда бемалол бошқа масалалар хусусида ҳам мушоҳада юритишингиз мумкин.

Йиллик обуна баҳоси — 12 сўм 96 тийин.

МУҲТАРАМ МУҲАРРИР!

Маълумингизки, Абдулла Қаҳҳор ҳақида ёзган хотирамда ўртоқ Шариат Исломовнинг устозга совуқ муомаласи ва шу туфайли устознинг у одамга нисбатан аччиқ кинояси ҳикоя қилинган эди. Бу кинояннинг Исломовга малол келганлигини пайқаб, хотиранинг кейинги нашрида, яъни «Абдулла Қаҳҳор замондошлар хотирасида» деган китобда тузатиб нашр эттирганмиз. Рўзномангизда чоп этилган М. Бобоев мақоласида қайд этилган гаплар эса китобнинг эски нашридан олинган.

Хотиранинг кейинги нашрларида устоз айтган киноя такрорланмайди.

Ҳурмат билан
Н. ФОЗИЛОВ

Анвар Обиджон «шу» меҳмони

Юрт алғов-далғов, дўконлар саҳро, бозорлар зулук, фуқоро тажанг, шунақа вақтда кулгига бало борми, дерсиз. Йўқ, биродарлар, кулги ҳамма дарднинг шифоси. Айниқса, аҳволи оғир кишига — кони нажот.

Бу сўзимнинг исботи учун кичик бир мисол келтирай: Амир Темур жаннатмаконининг ўлпончилари қишлоқларга ҳар уч йилда бир мартагина солиқ тўплагани келишар экан. Улар «ҳеч вақом йўқ», деб додвой қилганларни аяб ўтирмай бирон нарсасини тортиб олишаркан-у, аммо солиқ сўралган пайтда хонадон бошлиғи қаттиқ кулиб юборса, индамай ортга қайтиб кетишаверар экан...

Зора, бизнинг қаҳқаҳамизниям ҳамма бирдай тўғри тушунса.

Анвар ОБИДЖОН

Қуролсиз қўриқчи

НАСРИЙ МАСАЛ

Арпа пишиғини чумчуқлар узоқ кутишди. Ниҳоят, кутилган кун етиб келди. Бироқ байрам тезда мотамга айланди — арпазорнинг қоқ ўртасида аскарча кийинган қўриқчи пайдо бўлди. Паррандалар васвасага тушиб, пайкалга яқинлашишга биронтасининг юраги бетламади.

Улар бир кун чидашди, икки кун чидашди, учинчи куни очликдан товушлари бўғилиб, думлари шалвираб қолди. Тўртинчи куни ажал шарпасини сезишгач, ниҳоят каллани ишлатишга мажбур бўлишди. Биров у деди, биров бу деди, охири энг кам сайраб, энг кўп хаёл суриб юрадиган телбанамо Чумчуқ маъқулроқ кўринган таклифни ўртага ташлади:

— Дарёнинг нарёғида туллак бир Ҳакка яшайди. Қароқчи бўлса ҳам, кўп ишни кўрган, шундан маслаҳат олайлик.

Обрўлироқ чумчуқлардан беш-ўнтаси қари Ҳакканинг ҳузурига боришиб, инининг атрофига қўнишди.

— Агар совчиликка келган бўлсанглар аммаларингни сўраб қўйинглар, — деди Ҳакка. — Ҳамма қизларимни эрга берворганман. Кенжасини кечагина Афғонистонга тушириб кетишди.

— Аввало ассалому алайкум, — дея унга яқинроқ жойга қўнди чумчуқлар оқсоқоли. — Қолаверса, бизга Афғон масаласини тиқиштирмай, олдин ўзимиздан аҳвол сўрасинлар.

— Хўш? — деб тумшуқ кўтарди Ҳакка.

— Бизга қарашли даладаги арпаларнинг эндигина сути қотганда ишимиз туйқус чаппа кетди, — дея тушунтира бошлади оқсоқол. — Бир очофат аскар пайкалга ёриб кириб, ўртасида қўққайиб туриб олди.

Ҳакка бошини қуйи солиб, оғир хаёлга чўмди. Сўнг вазмин оҳангда сўради:

— Ўша аскарнинг боши борми?

— Бор! Аммо-лекин, узоқдан қаралса, пақиргаям ўхшаб кетади.

— Ҳозир кўпчилик аскарнинг аҳволи шу. Хў-ў-ш, елкасида милтиқ-пилтиқ кўриндими?

— Милтиғи йўқ. Аммо-лекин, қўйниғида тўппонча бўлиши мумкин. Шу замоннинг ҳарбийларига ишониб бўладими, баъзан сира огоҳлантирмасдан туриб отишаётганидан хабардормиз.

Ҳакка олимона керилиб уқтирди:

— Оддий аскарда тўппонча нима қилади, қишлоқилар? Погони қанақа?

— Қоп-қора.

— Кийим-бошининг охори қалай?

— Устида эски бир шинель, чап енги йиртиқ, биқинида ямоғиям бор...

Буни эшитиб, Ҳакка қорин қучиб кулиб юборди.

— Чепуха! — дея қанот силтади у. — Вой, қишлоқилар-ей, ҳали ўша сўтакдан қўрқиб ўтирибсизларми? Борибоқ тап тортмасдан тўполонни бошлайверинглар. Сизлар айтаётган аскар — стройбатники, қўлидан ҳеч бало келмайди.

Олтиариқ ҳангомалари

Шахсга сиғиниш илк бор қоралланган вақтда қўшни жамоа хўжалиги раиси бир иш билан клубга кириб қолибди. Қараса, деворда ҳамон эски-туски арбобларнинг қатор суратлари, жумладан Сталин ҳам ҳеч гап бўлмагандек бемалол чимрилиб турганмиш.

Раис идорага кирибоқ клуб мудирини чақиртириб, дўқ урибди:

— Ҳе, саводсиз! Шу замонда орамизда Сталинга бало борми? Ҳозироқ опчиқиб ўт қўйвор.

Эртаси куни у клуб мудирини йўлакда учратиб қолиб, топшириқ қандай бажарилганини сўрабди.

— Ташвиш тортманг, хўжайин, — дебди мудир, — иккала Сталинниям ёндирвордим.

Раис бу гапдан ҳайрон бўлиб, яна клубга кирибди. Кўрса, овсар мудир Сталинникига қўшиб Орджоникидзенинг портретига ҳам ўт қўйворган экан.

●

Шакарқишлоқдаги бир хонадонда ёнғин чиқибди. Оломон ва ўт ўчирувчилар қийчувлашиб аланга билан олиша кетишибди.

Бир маҳал маҳалла оқсоқоли ўт ўчирувчиларга жон ҳолатда бақира бошлабди:

— Ўчир! Ўчирсанг-чи тезроқ! Ҳой, эшитмаяпсанми, ўчир деяпман!

— Мунча ҳанграйсиз, мана, ўчиряпмиз-ку, — дейишибди ўт ўчирувчилар.

— Ўтни айтаётганим йўқ, — дебди оқсоқол, — қизил мошинангни товушини ўчир, радиода «Пахтакор»нинг ўйини бошланди.

●

Ширинқишлоқлик Ҳасан олимга савол беришибди:

— Оламда товуқ олдин пайдо бўлганми, тухумми?

— Адаштирманглар, мен Ҳасанман, — дебди олим, — колхўзда паррандабоқарлик қиладиган — укам Ҳусан.

●

Устод Эркин Воҳидовнинг машҳур «Донқишлоқ латифалари» мен муҳаррир бўлган китобларида биринчи бор эълон қилинган. Бу туркум даставвал «Шакарқишлоқ латифалари» деб аталарди. Кейин олтиариқдагилар нотўғри тушунишмасин деб Ширинқишлоққа айлантирдилар. Шунақа қишлоқ ҳам борлигини айтганимдан кейин Донқишлоқни кашф этдилар.

Олтиариқликлар ҳар қандай ҳазилни чуқур тушуниб, мардона қабул эта олишларига аслида шубҳа қилмаслик керак экан. Эндиликда бу музофотдаги шакарқишлоқликлар: «Эркин акамиз Донқишлоқлик десалар ҳам айнан бизни мақтаб ёзганлар», дейишса, ширинқишлоқликлар: «Бекоргинани айтибсизлар, бунақа қилиқлар фақат бизнинг қўлимиздан келади», деб қаҳрамонликни талашиб юришибди.

Уста Гулмат ижодидан

ҲАНГОМА

ёки гўритлик ўрус қизга шайдо бўлғоним, ул сарвиноз Рўснёға кетиб қолғоч, хат-хабар битишиб турғоним ҳақинда.

Юрурди куйдириб кўзни,
Севардим бир ўрус қизни.
Дафъатан ул кетиб
қолди,

Рўснёға етиб қолди...
Юзин ўйлаб,
туйиб роҳат,

Суйгилимға жўнатдим хат:
«Кетганиский...
Етганиский?»
Юбордим сўнг
салом-алик
Ва, чирманда — бир
эсдалик.

Чирмандани олганмидур?
Ёниб, йиғлаб
чалганмидур?
Юлиб олғоч хўроздин
пат,
Шу пат бирла ёзурдим
хат:

«Олганиский?..
Чалганиский?»
Тугаб бир кун
қалам-дафтар,
Тутиб келдим элчи
каптар.
Ҳолимни у ёрға
айтсун, —
Рўснёға боруб қайтсун.
Ёзолмасдин бу сафар хат,
Тайинладим қушға
фақат:

— Айтганиский...
Қайтганиский!
Ёрни кўрсам
тушларимда,
Оғриқ қўзғир
гўштларимда.
Азоб чекмоқ етар,
бўлди!
Сабр косам тугал тўлди!
Лек яна сал қилиб тоқат,
Юбордим дўқ уриб
бир хат:

«Бўлганиский!!!
Тўлганиский!!!»
...Бу кун, Гулмат,
базм келди,
Ёримдан хат расм келди.
Расмни очдиму кўрдим,
Учдими хуш ва
ё ўлдим?!
Худо бизни қилса
раҳмат,
Суйгилимға битинглар
хат:

«Кўрганиский...
Ўлганиский!»

●

Кийди тож Шўро, мана, зўрларни тахтдан ирғитиб,
Эскини йиртди тугал янги закунлар юрғитиб.
Ер бериб ерсизга ул сарсавоб иш айлади,
Энди бой юрса юрар жавраб, тамоқни хирқитиб.
Дўхтиру мактаб яна пулсиз эмиш, қойил дедик,
Бир иши афсус пича қуйди юракни зирқитиб.
Яхшиму ожизаға онқадар бермоқ ҳуқуқ,
Ул ахир қандай хотун эркакни юрса қўрқитиб?
Отёли чиммат ила бебаҳо човвонини
Эс бўса[1] ташлармуди мажлисда гулхан буриқтиб?
Кампирим, човвонни сан майлига сандуққа бос,
Гулматинг қўрқар — фақат сочингни келма қирқитиб.

1. «Бўлса» демоқчи.

Антика аризалар

Олий Шўронинг экология қўмитасига собиқ мелиорация министридан ариза.

Менга қўйилаётган айбларни бўйнимдан соқит қилишингизни сўрайман. Ўрта осиёда рўй берган улкан фожиага пахта яккаҳокимлиги сиёсатининг ҳам, мелиорация ишларидаги калтабиниликнинг ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бинобарин, бу регионда генералиссимус Сталиннинг фалсафатегирмони-ю, олти карра қаҳрамон Леонид Ильичнинг бутефосхонасидан бир неча миллион мусулмон омон чиқиб, барқарор яшаб турибди. Уларнинг аксарияти кунига беш маҳалдан таҳорат қилиши туфайли ҳар йили дарёлардан триллионлаб литр сув юлиб олинмоқда. Натижада, бугунга келиб, Орол денгизи қуриб қолди.

●

Вилоят ижроия қўмитасига Шоди носфурушдан ариза.

Бозордаги нос растасидан депутатликка номзодим кўрсатилса. Ҳамма депутатни нос чекишга ўргатиб, раҳбарлар гапирганда янаям миқ этмай ўтирадиган қиламан.

●

Маданият нозирлигига бир тўп собиқ амалдорлардан ариза.

Биз ишни мактабда синфкўм, отрядвожатий, комсорг бўлишдан бошлаб, яқин-яқингача баланд лавозимларни эгаллаб келдик. Оммани гап билан ром қилишда катта тажрибамиз бор. Шуни ҳисобга олиб, фокусчимасхарабозлар театри очишимизга рухсат берилса.

●

«Кури-Дури» ансамбли бошлиғига Ҳошим даллолдан ариза.

Ижарачилик тўғрисидаги қонун халқнинг фойдасига чиқарилди. Ана шу қонунга асосланиб, ансамблингиздаги Жульетто деган ашулачини бир ойга ижарага беришингизни сўрайман.

Симёғочларга ёпиштирилган «асар»лардан

Юқори маданиятли қари хўрозимни сотаман. Кўп қичқиради, аммо товуқларга тегинмайди.

●

Ҳаммомга келган эркак ўртоқлар! Хотинлар бўлими чап томонда эканини унутманг.

●

Тошкент пойабзалчилари ўртаосиё боғбонларининг яқин кўмакчисига айланди. Турли мева қуртлари ушланиб, улар тиккан оғир ботинкаларда эзилгач, юз фоиз нобуд бўлмоқда.

●

Касал кўргани келувчилар диққатига!

Асаб касалликлари бўлимидаги қишлоқи беморлар олдида пахтанинг ҳозирги нархидан гап очиш тақиқланади.

●

Фарғона исёни сабабчиси эканини шартта бўйнига оладиган бирон-бир гуруҳ ёки тоифа топилса, шошилинч равишда қўмитамизга қўнғироқ қилсин.

Тўртликлар

Майхонага нечук биз ичғони келдик?
Ерга ағнаб, гиламдин кечғони келдик.
Дўст, ёр, фалак куйдириб ёндирди бизни.
Унутғаймна мастликда — ўчғони келдик.

Пулни ўпиб ётдилар, ман яшадим, ётмадим,
Кайф лойига ботдилар, ҳушёр юрдим, ботмадим.
Не қилмади бандалар нос пули деб, Гулматий,
Кўплар мани сотдилар, ман бировни сотмадим.

●

Аё, Гулмат, жўшар дардинг,
демак шеър битмоғинг даркор,
Кимки носоз — қалам санчиб,
сўзни мадҳ этмоғинг даркор.

Бу чарх манга жафо тутди,
жим симирдим аламларни,
Э қағоз, ман заҳар тутсам,
санам жим ютмоғинг даркор.

Байтлар

БАЙТ, РАҚАМ 1
Машраб қўмилур, гўр яна минг бора қазилғай,
Минг битта яшаб, бор-йўғи минг бора осилғай.

БАЙТ, РАҚАМ 2
Манго кимки ғаним эрса, жони азобда ўртансун,
Хотун олса бузуқ чиқсин, қизи ҳам пулға ўргансун.

БАЙТ, РАҚАМ 3
Оқпошшони мақтасам, бошдан сочурлар танга,
Элим, сани мақтайин, «Балли!» десанг бас манга.

БАЙТ, РАҚАМ 4
У ёқда хун этиб бағрим эзиб ётғай мани хонлиқ,
Бу ёқда севгилим золим, кўрунгки — тирноғи қонлиқ.

Аросат гаплар

Қизиқ! Ҳаммадан кўп ҳаммомга тушади-ю, кўнгли ҳалниям тозамас.

●

Табиатан ўқловга ўхшайди: учи ё у ёқда, ё бу ёқда.

●

Қўйига «қўйсан» десанг хафа бўлмайди. Аммо чўчқага «ҳа, чўчқа», деб кўр-чи!

●

Соққага савол бердим: «Бошмисан, қоринмисан?»

Домла Саид Аҳмад билан...

Домла ўзларининг серсавлат бурунлари билан ҳақли равишда фахрланадилар ва каминани «бахтиёр банда» деб аташларининг боиси ҳам шу бўлса керак.

У киши бирон ёққа сайрга чиқмоқчи бўлсалар менга қўнғироқ қилиб: «Мен уч-тўрт кун ҳаво янгилаб келмоқчиман, қайтгунимча Тошкентда дежурлик қиптургин», деб таййинлайдилар.

●

Ҳажв пирларидан бўлган Неъмат Аминовнинг «Елвизак» китоби ҳақида домла билан гаплашиб қолдик.

— Жуда зўр асар! — дедилар домла завқ билан. — Аммо бир нарсага ҳайронман, оддий бурун билан ҳам ғайриоддий ҳажвчи бўлиш мумкин эканда?

●

— Кўришмаганимизгаям анча бўлди, — дедим бир куни домлага.

— Унчаликмас, — дедилар домла. — Ҳар куни эрталаб соч тарагани ойнага қарасам, сени кўраман.

●

Бир куни кўчада шошиб кетаётсам, домла бу жаддижадалликнинг боисини суриштириб қолдилар.

— Яна ўн беш минутдан кейин телевизорда футбол бўлади, — дедим мен. — Бразилия билан Швеция ўйнайди.

Шунда домла «билағонлик» билан гап қистирдилар.

— Бу командалар ҳалиям «Пахтакор»нинг группасидами?

Генералча фалсафа ёки истеъфо ҳиди

Кейинги пайтларда Совет Армияси тўғрисида кўплаб ёзилмоқда. Она-ватан олдидаги фарзандлик бурчини ўташ — йигит киши учун муқаддас бурч эканлигини унутмаган ҳолда биз армиямиздаги тартибсизликлар, интизомнинг йўқлиги, турли бебошликлар тўғрисида бонг урмоқдамиз. Боз устига, уйдан омон-эсон чиқиб кетган жигарларимиз тинч хизмат кунларида ҳам ҳалок бўлишаётгани, афғон уруши аллақачон тугаган бўлса-да, тобутлар келиб турганлиги дилимизни ўртамоқда.

Андижон вилоятининг Балиқчи районидан ҳарбий хизматга чақирилган 7 нафар навқирон йигит афғон қирларида жон таслим қилдилар. Тинчлик даврида эса 8 нафар солдат турли сабабларга кўра ҳалок бўлди. Район партия қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР халқ депутати Бегижон Раҳмонов ССР Мудофаа Министри Дмитрий Язовга мактуб йўллаб нозир эътиборини бир неча муҳим масалаларга қаратди. «Наҳотки, ҳеч бўлмаганда ўлган йигитларимизнинг руҳи ҳақки-ҳурмати уларнинг ота-оналарига таъзия изҳор қилиб, ўша ўлган йигитлар хизмат қилган ҳарбий қисмларнинг ноқобил командирларини жазолаб, натижасини матбуот орқали халққа айтиб бўлмайди, — деб ёзади Б. Раҳмонов. — Сиз ўз набирангизни ўша темир тобутда уйингизга кўтариб келишларини тасаввур қила оласизми?.. Нималар бўляпти ўзи армияда? Наҳотки тартиб-интизом ўрнатиш мумкин бўлмаса? Армияда аскарнинг сонини эмас сифатини ошириш керак... Сиз, ҳурматли генерал, армияни урушсиз талофотга олиб бораяпсиз. Шунинг учун ҳам истеъфога чиқишингиз лозим, деб ўйлайман».

Орадан маълум вақт ўтгач Балиқчига Мудофаа министрининг имзоси билан жавоб мактуби келди. Унинг ўзбекчалаштирилган матнини жузъий қисқартишлар билан келтирамиз:

«Ҳурматли ўртоқ Раҳмонов!

Мактубингизни диққат билан ўқидим. Армия ва флотда одамлар ҳалок бўлаётгани мени ҳам, СССР Мудофаа Министрлиги раҳбариятини ҳам ташвишлантирмоқда. Унинг олдини олишга марказда ҳам, шунингдек жангчилар орасида ҳам катта эътибор берилмоқда. Кейинги беш йил ичида СССР Қуролли кучларида жиноят ва турли бахтсиз ҳодисалар туфайли бўладиган йўқотишлар 25 фоиз камайди, аммо ҳарбий хизматчиларнинг ҳалокатларига барҳам берилгани йўқ... Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон ССРдан чақирилаётган ёшларнинг кўпчилиги умумий ва техник жиҳатдан бўш тайёрланишган, рус тилини яхши билишмайди... Шунинг учун улар ҳарбий қурол ва техникани эгаллашда бошқа ҳарбий хизматчилардан ортда қолишади... Кўпинча болаларга хос лоқайдлик, ҳушёр бўлмаслик, техника хавфсизлигига талаб даражасида амал қилмаслик ҳам ҳалокатга олиб келади. Масалан, сиз рўйхатини келтирган ўзбек жангчиларининг ярми ўзларининг эҳтиётсизликлари ва техника хавфсизлиги қондаларига риоя қилмасликлари туфайли ҳалок бўлишган..»

Бу мактубни қандай баҳолаш мумкин? Вақт тиғиз бўлишига қарамай халқ депутатининг мактубига жавоб қайтарилганлиги яхши. Аммо қўйилган масалаларнинг биронтаси ойдинлашдими? Жавобдан англашиладики, ўзбек жангчилари рус тилини яхши билмасликлари учун ҳам ҳалок бўлишаётган экан. Тилни билмаганларидан кейин ҳарбий техникани ёмон ўзлаштираётган экан. Ажаб. Ахир бундан ўн-йигирма йил аввалларн ўзбек жангчилари рус тилини ҳозирги ёшлардан яхши билишармиди? Бунақа бемазагарчиликлар йўқ эди ўшанда? Тўрт мучали соғ-саломат болани аллақандай «эҳтиётсизликлар» туфайли темир тобутларда уйига жўнатиш сўнгги йиллардагина авж олди.

Бизнингча, масалани ойдинлаштирувчи сабаблар бошқа ёқда. Керагидан ортиқ даражада сақланаётган армиямизда таълим-тарбия ишлари бениҳоя бўшашиб кетган. Инсон тақдирига бефарқ қаровчи, тепса тебранмас командирлар тўлиб-тошиб ётибди. Ношудлиги, ичкиликка ружу қилганлиги учун жанговар қисмлардан жўнатилган баъзи офицерлар қурилиш батальонларида хизмат қилмоқдалар. Натижада, армия ҳаёти қондаларини қўпол равишда бузиш, ичкиликка берилиш, порахўрлик, гиёҳвандлик каби иллатлар мавжуд.

Мудофаа министримиз буни ғоят яхши биладилар. Яна аёнки, эндиликда ҳамма соҳаларда ҳам (шу жумладан армияда ҳам) масалани сон эмас сифат ҳал қилади. Қайта қуришнинг бу оддий ҳақиқатини тушуниб етиш «истеъфо» дейилувчи тинч «қурбонларни» талаб қилса не ажаб.

М. АҲМАДЖОНОВ

Фалсафалар

ФАЛСАФА, РАҚАМ 1

Подшоҳ нозирга амр этди, нозир манга жабр этди, ман хотунимни қамчиладим. Лодон хотун биргина мани қарғади.

ФАЛСАФА, РАҚАМ 2

Майли, айтғонингча варрағинг бўлойин ҳам. Аввал мани ушлаб тура оладурғон пишиқ ип топ-чи!

ФАЛСАФА, РАҚАМ 3

Лўли баччалар саройга бир айиқ кетирибдурлар: чирмандага сатта ирғишлаб ўйнайдур. Ман четдан кузатғучи бўлдим — арбоблар айиқни, айиқ арбобларни хўб тамошо қилиб турди.

ФАЛСАФА, РАҚАМ 4

Калишмат овсарни илмий тарзда огоҳлантириб дедим: «Эшакнинг думиға ўт қўюб тутатғонинг билан, мажруҳлағонинг қоладур — ондин барибир ҳафтомабил чиқмайдур».

ФАЛСАФА, РАҚАМ 5

Бошлиқнинг кўзи чақнаб турмаса, боши қайси тарафда эрканини фарқлолмас эдик.

ФАЛСАФА, РАҚАМ 6

Худо тилгинангни азал узун қилғон эса, яна қулоқ ва бурун ҳам берғони исрофгарчилик бўлибдур.

Гулматий ҳаётидан

Гулмат ёш эди. Бир сўлоқмон уни кўчада дўппослаб, «булар итинг мани тишлағони учун» деб ўшқирди. Гулмат пайт пойлаб унинг қўлини тишлаб қочди ва нарида тўхтаб деди:

— Энди биз тишладик, калтакни итимиз есинлар.

●

Гулматдан сўрадилар:

— Амалдор неча тоифага бўлинадир?

Ул зот жавоб қилдилар:

— Аҳли амалдор икки турда кўринур: бириси имонсизликка номзод, иккинчиси туғма имонсиздир.

●

Дазмол ана-мана урф бўлиб турғон вақтда бир майда буржуй Гулматга панд айтди:

— Баски шоирликка давогар бўлибдурсан — зиёли бўл, баски зиёли бўлмак истарсан — чала қуритилғон иштон-қўйлакка дазмол ур.

Гулмат сўраб-суриштириб юриб, бозордин ўтдазмол келтирди, ичига пистакўмир киргизди. Темир обдон қизиғоч, чала қуритилғон қўйлакни эгнига илиб, тўшакка чалқанча ағдарилди. Маданиятга туйқус қўшилғон хотини эса, дазмолни кетуриб, «Жаз!» эткизиб дўмпайгон қорнига босди...

Алқисса, Гулмат зиёли шоир бўла олмади, вале зиёлилик тамғаси қорнида ҳануз барқарордур.

ЭЪЛОН

«ЎСАРФИЛЬМ» ОЛИЙ КИНОМАКТАБИ

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

«Ўсарфильм» олий киномактабининг кинорежиссура бўлими аспирант-талабаси Саид Ўсар Бек илмий ижодий изланишлар олиб бориб ва тажрибалар ўтказиб, жаҳонда биринчи бўлиб «ТЎЙ» номли КИНОТЕРАПЕВТЛИК ўқув кинофильмини суратга олаяпти.

«Тўй» номли шифоловчи ўқув кинофильмининг олий мақсади Сизларнинг ва бизларнинг мажруҳ руҳларимизга малҳам бўлиб, таскин бериш ва даволашдир.

«Тўй» кинофильми Сизларни даволаш билан бирга яширин имкониятларингизни ҳам рўёбга чиқаради.

Дардларингиздан фориғ бўлмоқ истасангиз, Сиз 5 (беш) кун мобайнида бир мартадан «Тўй» ўқув кинофильмини томоша қилиб, сеансларни қабул қилсангиз кифоя.

Соғлом кишилар эса, саломатликларини мустаҳкамламоқ учун 5 (беш) кун мобайнида бир мартадан «Тўй» кинотерапевтик фильмини кўришлари мумкин.

Доимо соғ-саломат бўлингизлар!

Саҳналаштирувчи кинорежиссёр, «Ўсарфильм» муаллифи ва президенти — Саид Ўсар БЕК.

Бизнинг эшигимиз Сизлар учун доимо очиқ: 700000, «Ўсарфильм», Тошкент, Ленинград кўчаси, 48-уй, Телефон: 32-01-29 (навбатчилик туну кун).

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 10 ТИЙИН

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»

Издается на узбекском языке

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

Орган Союза писателей Узбекской ССР и Министерства культуры Узбекской ССР

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларига қайтарилмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Д — 3343. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12